

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳ. Ҳайдарова, З. Баҳодирова, Ш. Якубжонова**

## **ЭКОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан кимё ва экология бакалавриат йўналиши талабалари учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Тошкент - 2009

**Такризчилар:** биология фанлари доктори, проф. *Н.Рахматов*,  
биология фанлари доктори, проф *А.Зикириев*

**Ҳайдарова Ҳ., Баҳодирова З., Якубжонова Ш. Экология ўқитиш методикаси /** проф. А. Нигматовнинг умумий таҳрири остида //Ўқув қўлланма. -Т.: «Iqtisod-moliya», 2009. – 220 б.

Ўзбекистонда илк бор чоп этилаётган мазкур ўқув қўлланмада экологик таълимнинг назарий асослари, ўқитиш методлари, воситалари ва уни ўқитишида миљий гояни сингдириш масалалари берилган. Кўлланма синфдан ташқари машғулотлар, экологик тизимдаги бир қатор фанлар, ҳар бир мавзу охирида мавзуни мустахкамлаш учун назорат саволлари ўз аксими топган. Экологик таълимда қўлланиладиган асбоблар ва материаллар илова килинган хамда ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Кўлланма педагогик йўналишдаги олий ва ўрга маҳсус таълим муассасалари талабалари, экология фанидан сабоқ берадиган профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

**ISBN 978-9943-13-095-8**

© «Iqtisod-moliya», 2009

© Ҳайдарова Ҳ., Баҳодирова З.,  
Якубжонова Ш, 2009

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бери экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ушбу муаммолар умумижтимоий масалаларнинг ажралмас қисми хисобланнишини эътироф этган ҳолда, кенг жамоатчилик олдидағи ҳал этилиши зарур бўлган вазифалардан бири деб хисоблайди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири ва асосийси таълим-тарбия бўлиб, соғлом авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади.

Соғлом авлод деганда факат жисмоний согломликни эмас, балки миллий истиқлол ғояси ва умумбашарий ғоялар руҳида тарбияланган авлодни тушунамиз.

Экологик таълим-тарбияни оиласдан, боғчадан, бошланғич синфдан бошлаш керак. Экологик тарбия инсоннинг табиатга, биосферага бўлган янгича муносабатларни шакллантиришда муҳим босқич хисобланади. Маълумки, айрим умумтаълим ўрта мактабларида, маҳсус лицейларда, касб-хунар колледжларида экология фани ўқитилади. Экология фанининг ўқитилиши талабалар ва бўлажак педагоглар учун ўзбек тилида дарсликлар ва ўкув қўлланмалар яратишни такозо қилмоқда. Юқоридагиларни ҳамда экология ўқитиш методикаси фанидан ўкув адабиётлари мавжуд эмаслигини хисобга олган ҳолда ушбу ўкув қўлланмани яратишга жазм этдик. Ўкув қўлланмани яратишда мамлакатимиздаги қабул килинган "Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётининг янги авлодини яратиш концепцияси" га асосланилди, яъни ушбу қўлланма ўкув адабиётларининг бир тури экантигини хисобга олган ҳолда, унга қўйиладиган ўзига хос талабларга амал килинди. Ўкув қўлланмада экологик таълим беришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, ўкувчи ва талабаларда мустақил фикрлаш доирасини кенгайтириш, миллий ғурур ва ватанпарварлик ғояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, она Ватанга ва, айниқса, она табиатга онгли муносабатда бўлиш, шунингдек, бўлғуси эколог-педагогларда бўлиши лозим бўлган методик билим ва кўникмаларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўкув қўлланманинг иккинчи қисми экология курсида айрим бўлимлар бўйича ўқитиш методикасига бағишиланган. Ушбу қисмда организмлар, популяциялар, ҳамжамоалар, глобал, ижтимоий, инсон экологияси, шаҳар экологияси, саноат экологияси, агроэкология, радиоэкология ва атроф-муҳит холатини мониторинги каби бўлимларнинг айрим мавзулари бўйича дарс ишланмалари келтирилган.

Кўлланма экология ўқитиш методикаси курсидан ёзилган дастурга асосан яратилди.

Мазкур ўкув қўлланманинг яратилишида Тошкент Давлат Педагогика университетининг “Агропедагогика, экология ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси профессори Анвар Тўхтаевнинг бошлигарни ишлари ва берган қимматли маслаҳатлари инобатга олинган. Шунинг учун ҳам қўлланмани чоп этилиши домланинг руҳи-покларини юл этади, деб ўйлаймиз.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### I БОБ. ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

#### 1-мавзу. *Ўрта умумтаълим мактаблари ва маҳсус касб-хунар коллажларида экологик таълим*

Режа:

1. Ўрта маҳсус ва касб-хунар коллажларида экологик таълим соҳалари
2. Умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллажларида экологик таълимнинг ташкилий асослари
3. Экологик таълим тарбия ва унинг босқичлари

*1. Ўрта маҳсус ва касб-хунар коллажларида экологик таълим соҳалари.* Ўрта маҳсус касб-хунар таълими олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ таълим муассасаси таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм фанинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой, касб-хунарли, миллый ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юритадиган баркамол шахсни етказиш, уларни онгига миллый истиқлол ғояларини сингдириш каби қатор вазифаларни амалга ошириш лозим. Ўрта маҳсус ва касб-хунар коллажларининг йўналиши ва мутахассислигига кўра экологик таълимнинг кўп соҳаларини қамраб олиши керак.

Экологик таълим соҳалари		
Табиий	Ижтимоий	Техник
Геоэкология		Саноат экологияси
Экология		Радиоэкология
Глобал экология		Атроф-мухитни муҳофаза
Табиатдан фойдаланиш		қилиш мониторинги

Экологиянинг инсон экологияси бўлими одамнинг атроф-мухитга мослашиши, касалликларнинг келиб чиқиши ва уларни олдини олиш, саломатликнинг табиий ва ижтимоий омиллари, ирсият, атроф-мухит, турмуш тарзи, оилани режалаштириш, соғлиқни сақлаш, спорт билан шуғуланиш ва шахсий гигиеналар ҳақида билимлар беради, шунингдек, саломатликни баҳолаш кўнимкамларини шакллантиради.

Шубҳасиз, экологик таълим долзарб глобал муаммо ҳисобланган табиат ва инсон ўртасидаги уйгунликни таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Аникроғи барқарор ривожланиши учун экологик таълим жуда зарур бўлиб қолди.

**2. Умумтаълим мактаблари ва қасб-хунар коллежларида экологик таълимнинг ташкилий асослари.** Экологик таълим ўз ичига инсон яшаётган ҳаёт мухитини тарихий нуқтаи назардан сақлаб қолиш муаммолари, шунингдек, инсонни меҳнат фаолияти натижасида табиий мухиттга кўрсатаётган салбий таъсирлари, унинг олдини олиш масалаларини қамраб олади. Экология ҳозирги даврда табиат, жамият, инсон ўртасидаги ўзаро боғланишлар ҳақидаги фан ҳисобланиб, у айни вақтда комплекс фан сифатида табиий ва ижтимоий фанларни маълумотларини бирлаштиради.

Экологиянинг мазмуни турли-туман мураккаб ўзаро муносабатлар ҳақидаги билимлар, яъни эколого-биологик, эколого-биосферавий, ижтимоий-иктисодий билимлардан иборат. Булар унинг асосий таълим мазмунини ташкил этиб, бошлангич таълимдан бошлаб, ўрта маҳсус таълим босқичларининг дастурларидан ўрин олган ҳамда ўқувчиларнинг экологик дунёкараш билимлари, қадриятларини шакллантиришда мухим ўринни эгаллайди.

**3. Экологик таълим-тарбия ва унинг босқичлари.** Экологик таълим ўсиб келаётган ёш авлодни, умуман ер юзи аҳолисини барқарор ривожланишга ўтишда энг мухим шарт-шароитларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Экологик таълимнинг мазмунини қўйидагилар ташкил этиши мумкин:

1. Дунёни ҳозирги экологик ҳолат асосида унга муносабат билдириш.

2. Табиатда барча жонсиз ва жонли таркибини бирлиқда эканлигини фикрлай олиш.

3. Атроф-муҳитга муносабат ва ўзини англаб этиш. Табиатни таркибий қисми эканлигини тушуниш.

4. Табиатга нисбатан қадриятларни ҳурмат қилиш.

5. Тирик организмларни ҳар хил даражада ўрганиш ва изчиллик методини қўллаш.

6. Тирик организмлар тизими бир бутунлигини ва ўзаро экологик боғланишларда эканлиги (моддалар айланиши, энергия ва ахборот алмашинувлари).

7. Табиий жараёнлар ва ҳодисаларнинг антропоцентриқдан биоцентрикка ҳамда полицентрик усулни қўллаш.

8. Табиат ва жамиатдаги ўзаро бирлик ва қарама-қаршиликларни англаш.

9. Экологик танглик маданиятнинг танглиги эканлигини англаш.

10. Экологик маданият инсоннинг умумий маданиятининг таркибий кисми эканлигини англаш.

11. Ўз фаолиятида экологик ва ахлоқий нормаларга тўғри келадиган усуllibарини англаш.

12. Ўзи ва бошқалар соғлиги учун атроф-мухит ҳолатига нисбатан экологик жавобгарликни тарбиялаш.

13. Инсониятнинг барқарор ривожланиш концепциясини, табиат билан жамиятнинг коэволюцияси эканлигини тушуниб етиш.

14. Табиат билан жамиятни уйгуналаштириш, ижтимоий зарурий муаммо эканлигини тушуниш.

Экологик тарбияни фарзанд туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, фикримизни нурлантирмоқ, ахлоқимизни гўзаллаштирмоқ, зеҳнимизни равшанлантирмоқ демакдир. Экологик тарбияни ким ва қандай олиб боради? - деган савол пайдо бўлади.

Биринчи тарбия ота-она зиммасидадир.

Иккинчиси боғча, мактаб, олий ва ўрта маҳсус касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда амалга ошади.

Бола тарбиясида у яшаб турган шароит, муҳит кишиларнинг фаолияти катта ўрин тутади ва бу соҳада оила, мактаб шароити ҳам катта эътиборга моликдир.

Экологик тарбия ҳам тарбиянинг асосий қисми бўлиб, боланинг ахлоқига, хулқ-атворига кучли таъсир қиласида ва ота-оналарни уларни мурғакликдан бошлаб тарбия қилишга чақиради. Экологик таълимтарбия ва умумий тарбия бир-бири билан боғлиқ бир бутун жараёндир.

Ҳар қандай тарбия асосан оила шароитида кечади. Ўзбек оиласарида "ҳаром-ҳалол", "увол", "гуноҳ-савоб" каби тушунчалар кўпроқ экологик вазиятлар (масалан: ноннинг оёқ остига тушишини, сувнинг ифлос қилиниши, жониворларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, довдараҳтлари синдириш ва бошқалар) юзага келганда қўлланилади.

Болалар ҳали бу сўзларнинг моҳиятини тўлиқ тушунмасаларда, уларда миллий экологик хулқ-автор куртаклари шаклланади.

Инсонни табиат билан уйғунликка даъват қўлувчи ҳадисларда ҳам ўз аксини топган. Халқимиз қадимдан баданинг қуввати овқат, ақлнинг қуввати ҳикматли сўздир деб уқтириб келган. Ҳадислар ана шундай ҳикматли сўзлар, донишмандлик дурдоналари ҳисобланади. Ҳадис илми билан шуғулланган машҳур алломалар Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу ар-Раҳмон ад Дарамий ас-Самарқандийлар Ўрта Осиёлик бўлиб, ҳадис илмининг асрдан асрга сақланиб боришига муносиб ҳисса кўшган буюк тарихий шахслардир.

Ҳадис бандлари экологик таълим ва тарбияни сингдиришга катта ёрдам беради. Уларда айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳосиятлари, озиқа занжирида тутган ўрни, шунингдек, инсон хўжалик фаолиятидаги аҳамияти каби томонлари баён этилгандир. Ҳадисларнинг айрим бандлари инсонни табиат бойликларини тежаб-тергаш ва уни мухофаза қилишга ўргатади. Чунончи, кўй бок, зеро айни баракадур дейилади. Бу ерда фойдали ҳайвонларнинг популяциясини кўпайти-риш ва ундан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги эътиборга олинган.

Шунингдек, бошка ҳадисларда ҳам қўй, тия ва отларнинг инсонларга тегадиган нафи ва уларни бокиб кўпайтириш кишилар учун факат яхшилик келтириши ҳақида, озиқа занжирида II ва III тартибларни эгаллаган ўлаксахўр ҳайвонлар гўшти ҳаром эканлиги, овчилар учун кўз олдида отилган ҳайвонни ейиш мумкинлиги, аксинча, ўлган ҳолдагисини ейиш инсон саломатлигига салбий таъсир этиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

### **Ҳадислардан намуналар.**

Кўй бок, зеро айни баракадур.

Деҳқончилик билан шуғулланинглар. Деҳқончилик муборак касбидир. Унга кўриқчиларни кўпайтиринглар.


Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади.

Қайси бир мусулмон эки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан күш ёки ҳайвон еса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади.

Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнгинни ўчирса унга шаҳидлик ажри берилади.

Мактбларда, олий ўкув юртларида, саноат ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек, жамоа хўжаликларида, маданият уйларида, кироатхоналарда. Табиатсеварлар клуби, ёшлар маърузахонаси, табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, ўлка музейлари, табиат бурчаклари ташкил этилиб, уларда ўлканинг табиати, бойликларини кўрсатадиган, хикоя этадиган тадбирлар катта аҳамият касб этади. Табиат муҳофазаси талқин этиладиган кечалар ташкил қилиниб, уларда ўқитувчилар, олимлар билан ёшларнинг мулоқатини ўтказиш ҳам хайрли тадбирлардан хисобланади.

Олий мактбларда экологик таълим табиат муҳофазаси масалаларининг илмий асосларини чукур ва ҳар томонлама ўрганишга, инсон фаолияти натижасида биосферада рўй бераётган ходисаларнинг сабаб ва қонуниятларини таҳлил қилиш мақсадларига қаратилган. Шу билан бир қаторда, у талабаларни мактбларда экология асослари ва табиат муҳофазаси таълимини ўқитишга тайёрлашни ҳам назарда тутади.



### **Асосий түшүнчалар ва таянч атамалар**

Үрта махсус ва касб-хунар таълими вазирлиги, экологик таълим соҳалари, экологик таълим ва тарбия, узлуксиз экологик таълим-тарбия босқичлари.

#### **Саволлар:**

1. Экологик таълим нимани ўрганади?
2. Экологик таълим олдида қандай вазифалар турибди?
3. Экологик таълим баркамол шахсни тарбиялашда қандай рол ўйнайди?
4. Экологик таълим ва тарбиянинг мазмунин нималардан иборат?
5. Узлуксиз экологик таълим ва тарбиянинг босқичларини санаб беринг.

## **2-мавзу. Экологик таълимнинг мақсад ва вазифалари**

Режа:

1. Экологик таълимнинг асосий талаблари
2. Экологик таълимнинг мақсади
3. Экологик таълимнинг вазифалари
4. Экологик таълим фанининг ўрта маҳсус ва касб-хунар коллежлари ўкув режасидаги ўрни, талаблари

### ***1. Экологик таълимнинг асосий талаблари***

Ўрта умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ўкувчи-лари учун экологик таълимнинг асосий талаблари:

1. Табиатнинг бир бутунлиги ҳақидаги изчил билимларни эгаллаш. Табиат қонунлари ва ҳодисалари, табиат, инсон ва жамиятнинг ўзаро боғланишларини, экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини ўзлаштириш.

2. Энг муҳим ахлоқий-эстетик ва этик аҳамиятга эга бўлган, табиатга нисбатан тарбияланган бўлиши, ўқувчи ўз фаолиятида экологик мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни амалга ошириш, табиий атроф-муҳитни тиклаш ва муҳофаза қилишда фаол ҳаракат олиб бориш. Шахс сифатида табиатга ва одамларга нисбатан меҳр-муруватли муносабатда бўлиш.

3. Экологик вазиятларни ўзгариш сабабларини ва уларнинг оқибатларини таҳлил қила олиш. Маънавий турмушда келиб чиқадиган экологик муаммоларни ҳал этишда муқобил фикрларни топа олиш.

### ***2. Экологик таълимнинг мақсади***

1. Табиат билан инсон тизимида уларнинг ўзаро алоқа муносабатлари. Инсон табиатнинг маҳсули эканлиги ва унинг устидан ҳукмронлик қилмаслиги.

2. Табиатнинг таркибий қисми сифатида ҳиссий, жавобгарлик, табиатга нисбатан муҳаббат, тежамкорлик ва инсонга нисбатан экологик қадриятлар тизимини шакллантириш.

3. Табиат ва инсоннинг жисмонан ва руҳан саломатлигини муҳофаза қилишга ҳамда сақлашга қаратилган фаолиятини, қайта тиклаш кабиларни шакллантириш. "Глобал даражада фикр қил", "Маҳаллий даражада фаолият кўрсат" - деган зайлда иш юритиш.

### ***3. Экологик таълимнинг вазифалари***

1. Шахсда адекват экологик тасаввурларни шакллантириш.

Шахснинг энг муҳим экологик тавсифи табиат оламига психологиян кириб бориш хисобланиб, бу экологик психопедагогика нуқтаи назаридан шахсда мавжуд экологик тасаввурлар тизими даражаси билан боғлиқ.

2. Шахснинг табиатга субъектив муносабатининг шаклланиши.

Табиатга субъектив муносабатнинг хусусияти шундан иборатки, табиатга муносабатнинг жадаллиги, англашнинг даражаси каби кўрсаткичлар билан ифодаланади.

3. Табиий обьектлар билан муносабатдаги адекват стратегиялар ва аниқ технологияларни шакллантириш.

Экологик психопедагогика нуқтаи назаридан шахснинг амалий фаолиятида, табиий обьектлар билан мавжуд стратегиялар ва технологияларни ўзлаштириш орқали шаклланади.

### ***4. Экологик таълим фанининг ўрта маҳсус ва қасб-хунар коллежлари ўқув режасидаги ўрни***

Касб - хунар коллежларида "Иссикхонали хўжаликларни ташкил қилиш ва юритиш" йўналишида "Экология ва табиатни муҳофаза қилиш" фанидан 40 соат маъруза, амалий машғулот 40 соат. "Боғдорчилик - истироҳат боғлари курилиши" йўналиши бўйича ўқув режасида "Табиатни муҳофаза қилиш" фанининг дастурида маъруза 40 соатни, амалий машғулот 20 соатни ташкил этади. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фани жами 80 соат ҳажмда дарс ажратилган бўлиб, умумий экологиянинг аутэкология, популяциялар экологияси, биоценозлар, биогеоценозлар ва экотизимлар, биосфера ҳақидаги таълимот, маҳсус (минтақавий) экология, Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш каби бўлимларни қамраб олган.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дастурида табиат, жонсиз ва жонли табиат, экологик омиллар ва уларни тирик организмларга таъсир этиши ҳамда табиий ресурслар ва уларни муҳофаза қилиш, шунингдек, уларни келгуси авлодларга етказиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган.

Табиатни муҳофаза қилиш фани дастури мазмуни асосан Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш, маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари олиб бораётган табиатни муҳофаза

қилиш бўйича амалий ишлар ҳақида маълумот беришга йўналтирилган.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Экологик таълимнинг асосий талаблари, экологик вазият, экологик таълимнинг мақсади, глобал даражади фикр қилиш, экологик таълимнинг вазифалари, шахснинг табиатга субъектив муносабати.

### **Саволлар:**

1. Экологик таълим тарбияга ва шахсга нисбатан қандай талаблар қўяди?
2. Экологик таълимнинг мақсади нималардан иборат?
3. Экологик таълимнинг вазифаларини санаб ўтинг.
4. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дастури мазмуни нималардан иборат?
5. Табиатни муҳофаза қилиш дастури экология ва табиатни муҳофаза қилиш дастуридан нима билан фарқ қиласди?
6. Касб - хунар коллекциясининг ўкув режасидаги “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” ва “Табиатни муҳофаза қилиш” дастурларига неча соатдан ажратилган?

### **З-мавзу. Экологик таълим бўйича давлат стандартига шарҳ**

Режа:

1. Таълим стандарти ҳакида умумий тушунча
2. Давлат стандарти бўйича экология курсининг мазмунни
3. Талабалардан талаб этиладиган минимал экологик билимлар

**1. Таълим стандарти ҳакида умумий тушунча.** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш уч боскичдан иборат бўлиб, унинг биринчи боскичи умумий ўрта ва ўрта маҳсус касб-хунар таълимнинг давлат стандартини ишлаб чиқиш, ҳар бир ўкув фани бўйича ўкув дастурларини, уларга асосланиб дарсликларини яратипга бағишиланади.

“Стандарт” сўзи инглизча бўлиб, нусха, ўлчам, меъёр деган маъноларни англатади. Шу сабабли ҳам умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини асосий коидаларида “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти” ўкувчиларнинг умумтаълим, касб-хунар коллежлари ўкувчи ёшлиарни экологик таълим даражаси куйидагича бўлиши зарур: табиатга нисбатан хурмат, меҳр-муҳаббат, ахлоқий, эстетик қадриятни, табиатни муҳофаза килиш ва қайта тиклашда фаолият кўрсатадиган даражада тарбияланганлиги; табиат, жамият ва инсон ўртасидаги ўзаро алока боғланишлар ҳакидаги амалий билимлар тизимида эга бўлиш, табиатга антропоген таъсирнинг ноҳуш оқибатларини бартараф этиш; экологик муаммоларни муқобил йўллар билан ҳал этиш; табиий обьектлар ижтимоий экотизимлар билан экологик мутахассис сифатида ўзаро муносабатда бўлиши.

**2. Давлат стандарти бўйича экология курсининг мазмунни.** Экологик курсининг мазмунни бир-бирлари билан боғлиқ бўлган куйидаги бўлимлар ва кичик бўлимчалардан иборат:

- I бўлим. Биосфера инсониятнинг ҳаёт мухити.
- II бўлим. Организм ва мухит.
- III бўлим. Организмдан юқори тизимлар.
  - 1 - кичик бўлим. Популяциялар.
  - 2 - кичик бўлим. Ҳамжамоалар.

3 - кичик бўлим. Экотизимлар.

IV бўлим. Глобал экологик муаммолар.

V бўлим. Инсон экологияси.

VI бўлим. Ижтимоий экология.

### **3. Талабалардан талаб этиладиган минимал экологик билимлар**

I бўлим бўйича; биосфера тузилмаси, тирик моддаларнинг роли, моддаларнинг айланиши.

II бўлим бўйича; тўртта ҳаёт мухитлари, экологик омиллар, тирик организмларнинг хилма-хиллиги, организмларнинг мослашиши, экологик қонунлардан амалда фойдаланиш.

III бўлимнинг 1-кичик бўлими бўйича: популяцияларнинг хоссаси, сони, зичлиги, тузилмаси, популяциянинг динамикаси, популяциялар сонини бошқариш.

2-кичик бўлим бўйича ҳамжамоаларнинг турлари, ҳамжамоалардаги турларнинг хилма-хиллиги, ҳамжамоада организмлар ўртасидаги алоқа муносабатлари, ҳамжамоанинг тизимили хусусияти, барқарорлиги, ўз-ўзини идора этиши, ҳамжамоага антропоген таъсир, ўзаро алоқа боғланишларнинг бузилиши, барқарорликнинг сусайиши, турлар таркибининг ўзгариши, табиий ҳамжамоаларнинг барқарорлигини саклаб қолиши.

3-кичик бўлим бўйича: ўлик ва тирик моддаларнинг таркиби, экотизимларнинг хилма-хиллиги, тирик модданинг функциялари, моддаларнинг айланиши, энергия оқими, қуёш фотосинтез учун энергия манбаидир. Озиқа занжирлари, маҳсулдорлиги, барқарорлик чегараси, ўз-ўзини идора этиши, антропоген таъсирлар, биосфера глобал экотизимдир.

IV бўлим бўйича: глобал экологик муаммоларнинг турлари, ифлосланиши, барқарорликнинг бузилиши, инқирозга учраш, антропоген стресс, атмосфера ҳавосини ва азон қатламини саклаб қолиш йўллари, сув ресурсларини тежаш йўллари, мухофаза қилиши. Ер ресурсларини саклаб қолиш, глобал ва мингакавий муаммолар. Тупроқ унумдорлигини саклаш ва тиклаш. Биологик хилма-хилликни саклаш, табиий ландшафтларни мухофаза қилиши.

V бўлим бўйича: одам яшайдиган мухит, инсон саломатлиги. Табиий экотизимнинг маданий шароитлари. Атроф-мухитга одамнинг мослашиши, саломатлик атроф-мухитга норма реакциясидир.

Саломатликнинг турлари, саломатликни баҳолаш, касалликлар ва уларнинг турлари, турмуш тарзи саломатлик омилидир.

VI бўлим бўйича: табиий мухит билан жамиятнинг муносабати турлари. Инсон ва жамиятнинг табиат билан муносабатини акс этти-рувчи шакллари: дин, ахлоқ, ҳуқуқ, санъат, фан. Жамиятни атроф-мухит билан экологик муносабатларининг хусусиятлари. Жамият билан табиат ўртасидаги асосий зиддиятлар. Дунё ахолиси. Экологик таълим ва маданиятни шакллантириш, барқарор ривожланиши.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Таълим стандарти, экологик таълим, талабалардан талаб этиладиган минимал билимлар.

#### **Саволлар:**

1. Экологик таълим даражаси қандай бўлиши керак?
2. Экология курси асосан экологиянинг қандай бўлимларини қамраб олган?
3. Айрим бўлимлар бўйича талабалардан қандай минимал экологик билимлар талаб қилинади?

## **4-мавзуу. Экологик таълим ва табиатни муҳофаза қилиши йўналишии бўйича ДТС ва ўқув дастурлари**

Режа:

1. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича ўқув дастурлари
2. Давлат таълим стандартининг мақсад ва вазифалари
3. Касбий фаолиятнинг мазмуний кўрсаткичлари

### **1. Экология ва табиатни муҳофаза қилиши йўналишилари бўйича ўқув дастурлари**

Экология йўналишидаги умумтаълим мактабларидағи чукӯрлаштириб экологияни ўқитадиган йўналишлар учун қуидаги бўлимлар тавсия этилган:

- \* Организм ва мұхит
- \* Ташқи мұхит ва ўсимликлар.
- \* Ташқи мұхит ва ҳайвонлар.
- \* Экология асослари
- \* Инсон экологияси.
- \* Ижтимоий экология.
- \* Минтақавий экология.

Дастурда айрим мавзуларнинг мақсади ва вазифалари очиб берилган. Ҳар бир бўлимда лаборатория ва амалий ишлар, экскурсиялар, кузатиш ва кўриш мумкин бўлган ўқувчиларнинг ишлари келтирилган. V, VI, VII бўлимлар бўйича амалий ишлар асосан семинар машғулотлари ёки рефератлар тайёрлаш бўйича ўtkазилиши кўзда тутилган. Дастурда келтирилган мавзуларни ўқитувчи маҳаллий шароитга қараб ўзгартириши мумкин. Ҳар бир бўлим ҳафтасига бир соатдан ўтишга мўлжалланган бўлиб, умумий соатига амалий ишлар ва экскурсиялар ўtkазиш ҳам киритилган.

Касб-хунар коллежларининг "Экология ва атроф-мұхитни муҳофаза қилиш" йўналиши бўйича стандарт кичик мутахассисларни тайёрлашни минимал мазмуни ва лировард мақсадларни аниклади, таълим олувчиларнинг ўқув юкламалари, ҳажми ва стандарт сифатлари назоратини белгилаб беради.

Стандарт талаблари таълим олувчининг касбий тайёргарлиги сифати ва даражасини баҳолашда ҳамда ўқув муассасаларини аттестациядан ўtkазишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

## **2. Давлат таълим стандартининг мақсад ва вазифалари**

**Мақсади:** "Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш" йўналиши бўйича сифатли касбга ўргатишнинг давлат тамонидан кафолатланишини ва унинг эквивалентлигини меҳнат бозори талабларига мос ҳолда, давлат ва нодавлат муассасалари даражасида таълим хизмати, мазмуни ва якуний мақсади талаблари регламентига тўғри келишини таъминлаш. Ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизими меҳнат бозори ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамда қайта муносабатларни босқичма-босқич ривожлантириш ва муентазам рафишда ўз-ўзидан улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни табиий рафишда фаолият кўрсатишга эришишдан иборат.

**Вазифаси:** кичик мутахассислар тайёрлаш сифатига қўйиладиган оптимал талабларни белгилаш. "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" тайёрлов йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари талабларини ривожланган мамлакатларнинг шу йўналишдаги стандарт талаблари билан мувофиқлаштириш. Ўкув режа ва дастурлар битирувчиларга бериладиган диплом ва сертификатлар ҳамда уларнинг эгаллаган билим, қўнималари ва малакаларини ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш усуслари ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиши учун замин яратади. "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш" йўналиши соҳаси бўйича экологик муаммоларни чуқур англаш этиши ва уларни ҳал этиши билан шуғулланадиган "лаборант эколог" ҳамда "В" ва "С" тоифадаги автомобил ҳайдовчиси уларга техник хизмат кўрсатадиган кичик мутахассислар тайёрланади.

## **3. Касбий фаолиятнинг мазмуний кўрсаткичлари**

**Умумкасбий кўрсаткичлар:** экология атроф-муҳитни ҳимоя қилишга оид билим ва қўнималарга эга бўлади. Уларни амалиётда қўллайди, қишлоқ хўжалиги ва саноат экологиясига оид билимлар ва қўнималар шаклланади. Янги технология механизациялаш ва автоматлаштириш восита радида ишлашни ташкиллаштиради. Табиат, атроф-муҳит, сув ҳавзалари ва тупроқни ифлослантирувчи обьектларни аниклади. Табиатни ифлослантириш сабаблари, уларни олдини олиш йўл-йўриқ ва усусларини билади. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари шу мазмундаги анжуманлар, сұхбатлар, кечаларни ташкил қиласди ва ўтказади.

**Мутахассислиги бўйича кўрсаткичлар:** экология ҳақида маълумот, тушунчаларга эга бўлади. Инсоният олдида турган экологик муаммоларни ўрганади. Саноат корхоналари ва бошқа экологик мувозанатни бузувчи обьектларнинг технологик жараёнлари ҳақида билимга эга бўлади. Илмий техника тараққиёти ва табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг кескинла-шуви, уларни олдини олиш усуслари ва йўллари ҳақида тушунчага эга бўлади. Ўзбекистонда экологик муаммолар ва уларнинг ечими, табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳақида тушунчага эга бўлади. Экологик кузатув асбоблари, зарур жиҳозларни, воситаларни ишлатишни ўрганади.

**Ўқув режасида маҳсус фанлар ва уларга ажратилган соатлар:**

Экология хукуки 120 с, табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш 180 с.

Кишлоқ хўжалиги ва шаҳар экологияси 170 с, саноат экологияси 110 с, экологик кузатув асбоблари 100 с.

Касбий тайёргарлик: қишлоқ, шаҳар, саноат экологияси 252 с, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш 180 с, диплом олди амалиёти 180 с.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича дастурларни таҳлили.

Экология хукуки фани учун 120 соат ажратилиб, шундан маъруза учун 66 соат ажратилган. Унда табиатни муҳофаза қилишни асосий хукукий асослари назарий жиҳатдан ёритилади. Амалий машгулотларда (54 соат) ўқувчилар табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат қонунлари ва қарорларини амалда бажарилиши билан танишади ва таҳлил қиласди. қишлоқ хўжалик ва шаҳар экологияси дастурида жами 170 соат вақт ажратилиб, назарий қисм учун 85 соат, амалиёт учун 85 соат ажратилган. Дастурнинг мазмунига экологиянинг назарий асослари, қишлоқ хўжалик экологияси, табиатни муҳофаза қилиш асослари, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш каби йирик бўлимлари мавжуд.

Саноат экологияси фанига 110 соат ажратилган бўлиб, уларнинг маъруза қисмида (62 соат), фаннинг назарий ва муаммоли масалалари ёритилади. Лаборатория машгулотлари (24 соат) да ҳаво, сув муҳитларини экологик ҳолати ва назорат қилишга доир ишлари бажарилади. Амалий машғулот (24 соат) да талабалар долзарб муаммолар

бүйича семинар, баҳс-мунозаралар ўтказади ва рефератлар ёзади. Бирор саноат фаолияти бўйича курс иши бажарилади.

Экологик кузатув асбоблари фани дастури 100 соат хажмда унинг ярми назарий, ярми амалий ишларга ажратилган. Дастур экология ва табиатни муҳофаза қилиш тарихи, ҳалқаро ҳамкорлик, қуёш радиацияси, тупроқ ва ҳавонинг ҳарорати атмосферадаги, тупроқдаги, сув, автотранспорт ифлосликлари каби бўлимлардан иборат. Ушбу бўлимдаги обьектларни ўлчаш, ўрганиш, назорат ва бошқа ишларда фойдаланиладиган асбоблар билан таниширади.

Тушунчаларнинг режали равишда шаклланиши ва ривожланиши таълим тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи асосий кучи эканлигини кўпгина фан методистлари ва илғор ўқитувчилар фаолиятида исбот этилган. Фикрлаш ва тушуниш орқали тасаввур этиш деган маънени билдирамайди. Умумлаштирилган тасуввурлардан тушунчалар ҳосил бўлади. Инсон тушунчалар билан фикр қиласди.

Экология ўқув предмети тушунчалар тизимиdir. Ҳар бир тушунча секин-аста ривожланиб мураккаблашиб боради. Бир дарсда ёки мавзуда вужудга келадиган тушунчалар ривожланиб, кейин мураккаб ва умумийроқ тушунчаларга айланади, бошқа тушунчалар билан боғланиб бойийди.

Тушунчалар маҳсус, яъни муайян экология курсида ўрганиладиган ва бутун тирик табиатга, ташки муҳитга хос бўлган умумий қонуниятларни акс эттирадиган, яъни умумэкологик тушунчаларга бўлинади. Шунинг учун улар бутун ўқув предмети экологияга сингиб кетган бўлиши мумкин. Масалан, ташки муҳит, атроф-муҳит, мослашиш, экологик омиллар, чидамилийк, тирик организм, табиий ресурслар, табиатни муҳофаза қилиш, табиий муҳитнинг ифлосланиши, табиатдан оқилона фойдаланиш, популяция, экотизим, ҳамжамоа, биосфера ва бошқа кўпгина тушунчалар.

Аутэкология бўлимидаги организм, муҳит, мослашиш, толерантлик, гидрофит, ксерофит, планктон, псаммофит ва бошқалар хусусий экологик тушунчалар жумласига киради. Шунингдек, бошқа бўлиmlарда ҳам ўзига хос тушунчалар мавжуд. Ҳамжамоалар бўлимида биоценоз, экотизим, биогеоценоз, суксекция, озиқа занжири, трофик даража, маҳсулдорлик, биомасса, ўз-ўзини бошқариш ва бошқалар киради.

Ўқитувчи тўғри татбиқ этадиган барча методлар ва усуллар тушунчаларининг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Бунда муаммоли дарслардан фойдаланиш ўқувчиларга бериладиган саволлар уларни нарса ва ходисалар ўртасидаги боғланишларни топишга мажбур этади. Кўргазмали методлардан кенг фойдаланиш экологиянинг ҳамма бўлимларида муҳим аҳамиятга эга. Материалларни режали равишда такрорлаш учун янги материал билан бойитиш тушунчаларини ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Давлат таълим стандарт ва ўқув дастурлари, стандартнинг мақсад ва вазифалари, умумкасбий кўрсаткичлар, мутахассислиги бўйича кўрсаткичлар, аутэкология, ҳамжамоалар, маҳсулдорлик, биомасса.

#### **Саволлар:**

1. Умумтаълим мактабларида чукурлаштириб ўқитиладиган экология фани дастурларида экологиянинг қайси бўлимлари қамраб олинган?
2. Касб-хунар коллежлари "Экология ва атроф муҳитни муҳофаза килиш" йўналиши стандартининг мақсад ва вазифалари.
3. Экология ва атроф-муҳит муҳофаза йўналиши касбий фаолиятининг мазмуни қандай?
4. Экология ва атроф-муҳит муҳофаза йўналиши умумкасбий кўрсаткичлари нималардан иборат?
5. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналиши мутахассислик кўрсаткичлари қандай?

## **5-мавзу. Экологик таълим тизимини шакллантиришда халқаро ҳамкорлик алоқалари**

Режа:

1. Экологик таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари
2. БМТ нинг атроф-мухит муҳофазаси бўйича конференциясининг ўтказилишидан мақсад
3. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқаларидағи иштироки

### ***1. Экологик таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари***

Экологик таълим ва табиатни муҳофаза қилишининг умумий стратегияси БМТ ЮНЕСКО бўлимининг ташаббуси билан ишлаб чиқилди.

1968 йилда Парижда ЮНЕСКО нинг биосфера ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро конференцияси ўтказилди. Конференцияда "Инсон ва биосфера" деб номланган кенг доирадаги ҳаракат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурда илк бор экологик таълимнинг умуминсоний (глобал) характерда эканлиги таъкидланди.

1971 йил декабрда Швейцарияда табиатни муҳофаза қилиш таълимига доир биринчи Европа ишчи конференцияси бўлиб ўтди. Бунда "Атроф-мухитни муҳофаза қилиш" ва "Табиатни муҳофаза қилиш" тушунчаларига аниқлик киритилди.

1977 йил Тбилисида ўтказилган биринчи халқаро конференция дунёда экологик таълимни ривожлантириш ва атроф-мухит муҳофазаси бўйича мухим босқич бўлиб ҳисобланди. Ушбу анжуман атроф-мухит муҳофазаси таълимни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ тавсияларни ишлаб чиқди.

Экологик таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Найроби 1982, Бече 1983, Москва 1987 ва бошқа конференцияларда давом эттирилди.

Шундай қилиб, ЮНЕСКО таълимнинг глобал тармогини ташкил этишни стратегик мақсад деб қарайди. Барча таълим тизимига инсониятга таҳдид солаётган глобал муаммолар, ҳавф-хатарлар, яъни табиат ва жамиат ўртасидаги ўзаро боғланишлар ҳақида билимларни шакллантириш зарур деб ҳисоблайди.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларига келиб экологик таълимнинг муҳимлиги ҳақидаги фикрлар шакллангандан кейин, унинг асосий *принциплари* ҳам ишлаб чиқилди:

1. Ўқувчи ва талабаларнинг экологик маданиятини шакллантиришда фанлараро ёндашув;
2. Экологик маълумотларни изчил ва узлуксиз ўзлаштириб бориш.
3. Табиий атроф-муҳитни ўрганиш ва яхшилашда ўқувчи ва талабалар фаолиятидаги ақлий ва ҳис-туйғуларнинг бирлиги;
4. Ўқув жараёнида экологик муаммоларни маҳаллий, миллий, глобал боғланишларда эканлигини очиб бериш.

Юқорида кўрсатилган принциплар умумтаълим ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида экологик таълимни амалга оширишда ҳисобга олиниши керак.

## ***2. БМТ нинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича конференцияси-нинг ўтказилишидан мақсад***

1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган БМТ нинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича конференциясида глобал экологик муаммоларнинг, сайдерамизга, умуман ҳаётга хавф солаётганини жиддий ўйлаб кўриш кераклиги бунда инсон омили муҳим рол ўйнаши қайд этилди.

Инсон омили экологик фикрлаш, экологик онг ва экологик маданият ҳисобланиб, анжуман дастурини амалга ошириш ана шуларга боғликдир.

Шубҳасиз, инсон омили инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг барча қатламларини саводхонлиги, ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Анжуман қатнашчилари ХХI асрда инсоният тараққиётини, истиқболи ва дустурини муҳокама килиб, табиатдан фойдаланишни янги стратегияси, инсоннинг табиат билан ўзаро муносабати, яъни инсониятнинг сайдерамизда яшаб қолиши - барқарор ривожланиш концепциясини қабул қилди.

Инсониятнинг янги босқичга кўтарилиши, яъни юқори сифатли ҳаёт даражасини таъминлаш учун нима қилиш керак?

Файласуфлар ва экологлар бир овоздан барқарор ривожланиш учун аҳолини ялпи экологик маданияти зарур деб ҳисоблади. Экологик маданиятни шакллантириш йўли, экологик таълимни ривожлантиришдан иборат.

### **3. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқаларидағи иштироки**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб Рио-де-Жанейро Конференциясида қабул қилинган экологик сиёсатни, яъни атроф-мухитни муҳофазаси бўйича юқори сифатга эришиш ва аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган ишлар мувофақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси атроф-мухитни муҳофаза килиши соҳасида халқаро ҳамкорлиги ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу соҳада асосий эътибор қўйидагиларга қаратилиши лозим:

- орол ҳавзасида юзага келган экологик ҳолатни яхшилаш;
- флора ва фаунанинг генетик фондини сақлаш;
- сув, тупроқ ва атмосферанинг ифлосланишини олдини олиш;
- хавфли чиқиндиларни атроф-мухитга салбий таъсирини минимумга тушириш ва экологик хавфсизликни сақлаш, заҳарли кимёвий моддалар ишлатилиши, шунингдек, озон қатламини емирувчи моддаларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш;
- табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.

Мустақиллик даврида бир неча марта Орол денгизининг муаммоларига бағишлиланган семинарлар, конференциялар ва учрашувлар ўтказилди.

1993 йилда 26-марта Кизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

1994 йилнинг 11-январида Нукусда Марказий Осиё давлатлари ва Россия давлати иштирокида, 1995 йил 20 сентябрда Нукусда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви, 1997 йил 28 февралда Алматида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди ва "Алмати баённомаси" қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси қўйидаги халқаро алоқаларга қўшилди:

- Иқлиминг ўзгариши Конвенцияси (1993 й. 14 март)
- Биологик хилма-хилликни сақлаш Конвенцияси (1996 й. 7 март)
- Хавфли чиқиндиларни ташиш ва назорат қилиш бўйича "Базел Конвенцияси" (1996 й. 7 май)

-Чўлланиш жараёнинга қарши курашиш Конвенцияси (1995 й. 13 октябрь)

-Сувда сузувчи кушларни (Африка, Осиё бўйича) муҳофаза қилиш бўйича халқаро Бонн Конвенциясини кўллаш (Гаага, 1995 й. июн).

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Конвенция бўйича кўйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

Озон қатламини емирувчи моддаларни қайта кўриб чиқиш, Вена ва Монреал протоколлари асосида миллий дастур яратиш ва фаолият кўрсатиш.

Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича илмий лойиҳа ва режалар ишлаб чиқиш.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон республикаси ҳукумати БМТ нинг Европа иқтисодий комиссиясига кўшимча масалаларни кўтариб чиқмоқда.

Туркия билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича (1996 й. 8 март).

Хитой халқ Республикаси билан (1997 й. 11 декабрь) бўйича халқаро битим тузилган

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси давлатлараро экологик кенгашида фаол қатнашган. Унинг учинчи сессияси 1993 йил майда Тошкентда ўтказилди.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Халқаро ҳамкорлик алоқалари, ЮНЕСКО, БМТ, Экологик таълим принциплари, барқарор ривожланиш, Базель Конвенцияси, биологик хилма-хиллик.

### **Саволлар:**

1. Экологик таълимнинг умумий стратегияси ким тамонидан ишлаб чиқилган?

2. Табиатни муҳофаза қилиш таълимига доир биринчи конференция қачон ва қаерда ўтказилган?

3. Тбилисида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг атроф-муҳит муҳофазаси таълимидаги роли.

4. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Рио-де-Жанейро Конференцияси мустақил Ўзбекистоннинг рифожланишига қандай таъсир кўрсатади?

5. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистонда экологик таълимни ривожлантириш йўллари?

## **И БОБ. ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИНИ СИНГДИРИШ**

### **6-мавзу. Экологияни ўқитиши жараёнида онг ва тафаккур тушунчаси**

Режа:

1. Миллий истиқлол ғояси ва комил инсон тарбияси
2. Экологияни ўқитишида илмий дунёқарааш ва экологик онгни шакллантириш

#### ***1. Миллий истиқлол ғояси ва комил инсон тарбияси***

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг туб манфаатлари, асрий орзу умидлари, эзгу ниятлари, буюк мақсадларини ифода этадиган, маънавий-руҳий куч-кувват бўладиган пойдевордир.

Ўқувчи ва талабаларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш жуда муҳимдир. Бундай шароитда таълим-тарбия жараёнида самарали усул ва воситалардан фойдаланишини тақозо этади. Ёшларга экологик таълим-тарбия жараёнида экологик дунёқарааш ва экологик онгни шакллантиришда ғоявий тарбиянинг, яъни инсон онгида иқтисодий, сиёсий, хукуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий ва маънавий тушунчаларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Экологик дунёқарааш принциплари инсоният тарихий тараққиётининг табиатига мос бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг дастлабки босқичларида инсон табиатга қарам бўлиб, урф-одатлар, расм-руsumлар тарзидаги шаклларда намоён бўлган.

#### ***2. Экологияни ўқитишида илмий дунёқарааш ва экологик онгни шакллантириши***

Экологик таълим-тарбия кўп қиррали жараён бўлгани ҳолда, илмий дунёқараашни шакллантиради. Ушбу тарбиянинг самарадорлиги экологик онг ва тафаккурни ривожланиши билан боғлиқ экологик онгнинг шакли мажмуасида хукуқий қарашларнинг мазмуни алоҳида аҳамият касб этади. Хукуқий экологик онгни ривожланиши икки вазифани бажаришга қаратилган:

1. Жамиятда инсоннинг ғайри экологик фаолиятини хукуқий чегаралашнинг нормативларини ишлаб чиқишга асос бўлади.

2. Экологик вазиятни кескинлантирувчи ҳодисаларга ҳатти-харакатларга қарши курашни хуқуқий жиҳатдан рағбатлантиради ва химоя қиласи.

Ўқувчи ва талабалар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мероси, халқимизнинг юксак маънавияти ва маданияти муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда Конституциямизнинг (1992 й.8 декабр) "Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқлари, эркинликлари ва бурчлари" номли бўлимидағи 50-модда, "жамият ва шахс" бўлимидағи 55-модда, ёшларнинг табиатга нисбатан ҳис-туйғуларини хукуқ ва бурчларини англаб олишга чакиради. Бундан ташқари ёшлар давлатимиз ва хукуматимиз томонидан чиқарилган табиатни муҳофаза қилишга асосланган қонун ва қарорлари билан ҳам яхши таниш бўлишлари лозим. Буларга мисол қилиб қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

1. 1992 йил 9 декабря "Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида"ги қонун.

2. 1993 йил 7 майда "Махсус муҳофазага олинган табиий худудларни муҳофаза қилиш ҳақида"ги қонуни.

3. 1997 йил 26 декабря "Ўсимликлар дунёсини ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ҳақида" ги қонуни.

Маънавий қадриятлар мажмуаси умумий экологик дунёқарашнинг ривожланишида табиатга эстетик муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Инсон бу фаолиятда табиат қонунларини билиб, уни ижод предметига айлантиришни мақсадга мувофиқ тарзда амалий жиҳатдан ўзгартириш билан ўзини ҳам ўзгартириб боради. Экологик вазиятнинг кескинлашиши маънавиятдаги турғунлик, қадриятлардаги қашшоқлик, табиатдаги эстетик муносабатларни ёшларнинг умумий тарбиясида етакчи йўналишлардан бирига айлантиришни тақозо қиласи.

Ишлаб чиқариш шароитларини яратадиган табиат ресурсларидан фойдаланишининг тобора кенгайиб бориши шароитида ёшларга иқтисодий тарбия бериш, яъни, биринчи навбатда, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳақида тушунча бериш мақсадга мувофиқдир.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш деганда улардан самарали фойдаланиш билан бирга, кам самарали ресурсларни ҳам ишлатиш демакдир. Масалан: қашшоқ рудалар, кўмир қатламлари ва ҳоказо.

Табиат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш деганда, эса маҳсулотни тайёрлашда хом ашё, энергия, меҳнат ва сув ресурслари сарфини иложи борича қисқартириш ва чиқитсиз технологияга ўтиш кабилар киради.

Экологик таълим-тарбияни ахлоқий ва диний йўналишларда олиб борилиши ҳам аҳамиятга моликдир. Ахлоқий тарбия экологик тарбиянинг ажралмас қисмидир. Диний ақидаларнинг мавжудлигига эса маданиятимиз ва тарихимизнинг таркибий қисми сифатида қараб, диний экологиянинг инсонпарварлик ижобий моҳиятини англаш, қадрига етиш даври етиб келган ва амалда ўз ифодасини топмоқда.

Экологияни ўқитишда фаннинг тарихига, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган алломаларимиз Абу Носир Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Захириддин Муҳаммад Бобурларнинг асарларида табиат ва унга муносабат, тирик организмларга ташки мухитнинг таъсири, ўсимликларни иқлимлаштириш ҳақида қолдирган маълумотларини тушунтириш орқали ўқувчи ва талабаларда миллий ғурурни шакллантириш масалаларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Ўқувчи ва талабалар онгига миллий истиқлол гоясини сингдириш самарадорлигини ошириш, ўқитувчининг миллий мағкурамизни чукуранглай олиши ва тарбиявий ишларни ташкил этишида асосий гояларни чукуранглабан ҳолда асосланиши ҳамда ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчи ва талабаларда экологик онг ва тафаккурни, экологик дунёқарашни ҳосил қилиш табиатни диалектик тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, миллий истиқлол гоясини сингдиришда экология курси ва шу курсга оид машғулотлар (турли тадбирлар, синфдан ташқари машғулотлар)ни тўғри ташкил этиш, ҳар бир мавзуга имкони борича боғлаган ҳолда, миллий қадриятларимизни хурмат қилган ҳолда, Она Ватанга садоқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга камарбасталик руҳида тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратиш муҳимдир.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Миллий истиқлол гояси, экологик онг, илмий дунёқараш, ижтимоий-иктисодий тараққиёт, хукуқий экологик онг, маънавий қадриятлар, эстетик муносабат, иқтисодий тарбия, табиий ресурс, миллий қадрият.

**Саволлар:**

- 1.Миллий истиқолол ғоясини ўқувчи ёшлар онгига сингдириш йўллари қандай?
- 2.Экологик дунёқараашни шакллантиришда нималарга эътибор бериш керак?
- 3.Экологик таълимда илмий дунёқараашни ривожлантириш йўлларини тушунтиринг?
4. Ҳуқуқий экологик онгни ривожлантиришда нималарга эътибор бериш лозим?
5. Иқтисодий тарбия бериш табиий ресурслардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйилишидир?

## **7-мавзу. Экологик тарбия ва маданиятни шакллантириши**

Режа:

1. Экологияни ўқитишида экологик маданиятни шакллантириш
2. Экологик тарбия ва иқтисодий тарбиянинг бирлиги
3. Соғлом турмуш тарзини яратиш
4. Экологик маданият-умуминсоний маданиятнинг янги мазмуну

### **1. Экологияни ўқитишида экологик маданиятни шакллантириши.**

Ёш авлодни экологик маданиятини шакллантиришда, табиий ресурсларни бесамар сарфлаш, сув, тупроқ, ўсимлик ёки ернинг ўзидан бемақсад фойдаланиш туфайли юзага келган экологик муаммоларни тушуниб етишлари, шунингдек хунарманд усталар чиқитсиз маҳсулот тайёрлаганларни, ота-боболаримиз она ерни хурмат қилгани, уни ризк-рўзимиз деб билган, ҳайдаладиган ерлар ва яйловлар нисбати қатъий сақланганлиги, ўлкамизда сувни қадим-қадимдан олтин мисоли қадрланганлиги, уй-жой қурилмалари, ҳар бир оиласда ўғил туғилиши биланоқ иморатга етадиган терак экиб қўйилиши, дехқончилик мавсуми эрта баҳорда ариқларни қазиши ва тозалаш, йўл ва кўприкларни тузатиш, ҳашарлар ташкил этиш ва шуларга ўхшаш бир қатор тадбирлар халқимизнинг экологик маданияти юксак бўлганлигини билдиради. Афсуски бугунги кунда биз уларни унтишиб қўйганмиз, ота-боболаримиз меросини яхшилаб ўрганиш ҳамда ундан ҳозирги даврга боғланган ҳолда фойдаланиш имкониятларини яратишимиш керак.

Ўқувчиларга экологик тарбия беришда илмий назарий маълумотларни эгаллаш билан бирга уларни бевосита амалий ишларга қатнашиши муҳим аҳамиятга эга.

Буларга "яшил ва ҳаворанг патруллар" мактаб ўрмончилиги, тупроқ эрозияси ва шўрланишга қарши курашувчи гуруҳлар, табиатни ўрганиш учун ташкил этилган экспериментлар, мактаб ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш, боғдорчилик ишлари, ландшафтларни қайта тикилаш, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш, кўчкат экиш ойлиги, шаҳар тозалиги ойлиги, Наврўз байрамини ўтказиш табиатни муҳофаза қилиш кунини ўтказиш, ҳазонрез-гилик ойлигига қатнашиши ва ҳоказоларни мисол қилиш мумкин.

Экологик тарбия жараёнида хукукий тарбия ҳам алоҳида ўрин тутади. Чунки ҳар қандай жамиятнинг экологик хукукий

қарашларини, муносабатларнинг ривожланиши даражасини табиат муҳофазасига доир қўлланилиши қийин бўлган қонунларнинг хилмадиллиги, кўплиги эмас, балки таъсирчанлиги белгилаб туради.

1997 йил 25 июня Президентимизнинг "Аҳолининг ҳуқукий маданияти даражасини ошириш, ҳуқукий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, ижтимоий фикрни ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида" ги фармони ҳамда Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш миллий дастури" қабул қилинган.

Экологик инқизорзни бартараф этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза килиш масалаларини узлуксиз ҳал этиб бориш учун ҳозирги кунда янги ва қадриятли ҳуқукий дунёқарашни шакллантириш лозим бўлади.

Олдинги мавзуларда биз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг табиатга нисбатан жавобгарликни англашларига қаратилган моддаларни мисол қилиб келтириб ўтган эдик.

## ***2. Экологик тарбия ва иқтисодий тарбиянинг бирлиги***

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш шароитини яратадиган табиат ресурсларидан фойдаланиш тобора кенгайиши муносабати билан боғлиқ ҳолда бугунги кунда бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Табиат ресурсларидан ҳисобсиз фойдаланиш уларнинг қашшоқланишига олиб келиш билан бирга атроф-муҳитга чиқарилиб ташланаётган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Табиий муҳитни муҳофaza қилиш деганда бизни ўраб турган табиатни - ҳавони, сувни, тупроқни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини инсониятнинг ҳалокатли таъсиридан асрар тушунилади. Табиатни муҳофaza қилиш деганда ундан ноўрин фойдаланиш туфайли уни буткул ҳароб бўлишдан ҳимоя қилиш тушунилади.

Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш билан бирга, сиёсий гоялар, иқтисодий ва экологик тарбиялар шакллантирилиб бориши лозим. Ўқувчилар билан олиб бориладиган ўқув ишларининг барча шаклларида экологик тарбия олиб бориш мумкин. Масалан: синфдан ташқари машғулотлардан экологик экскурсиялар табиатда, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришларида, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, музейлар, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа жойларда ўtkазилади.

Экскурсия ўқувчиларни воеа ва ҳодисаларни бевосита кузатиши, табиий шароитда ўрганиш имконини беради. Ўқувчилар тирик организмларни яшаш шароити ва унга мослашиш томонларини билиб олади.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришларига ўюштирилган экскурсияларда экологик билимларнинг амалда қандай қўлланилаётгани кабиларни билиб олади.

Экскурсиянинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. У ўқувчиларга онгли интизом, ўртоқлик ва дўстлик, ташаббускорлик ва ҳаваскорлик хислатларини тарбиялайди. Шунингдек, тетик ва соғлом, эстетик туйғулар, Ватанга муҳаббат каби туйғулар шаклланади. Экскурсия давомида ўқувчиларнинг бажарган ишлари экологик кўнікмаларни ҳосил қиласди.

Оммавий тадбирлар ўтказиш ўқувчиларни фойдали ижтимоий меҳнатга жалб этища мухим аҳамият касб этади.

### *3. Соғлом турмуши тарзини яраттии*

"Соғлом авлод деганда, соғлом наслни фақат жисмонан бақувват, шу билан бирга руҳи, фикри соғлом, имони эътиқоди бутун билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман" (И.А.Каримов).

Ёш авлоднинг жисмоний тарбияси таълим-тарбия тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, ёшларни ҳар томонлама жисмоний ва руҳий фазилатларини тарбиялаш, уларни ҳаётга, меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёрлаш, ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни жисмоний бақувватликни мужассамлаштирган янги инсонни шакллантириш каби олийжаноб мақсад учун хизмат қиласди.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ёшларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш зарурлигини инобатга олиб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда турли тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи ўқув муассасалари ўқувчи ёшлари "Баркамол авлод" спорт мусобақалари шу ҳамкорликдаги тадбирлар жумласига киради.

Бундай тадбирлар келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг нақадар мухимлигини англаш ва спортнинг аҳамиятини оширишда мухим рол ўйнайди. Чунки спорт миллатнинг ўзлигини

англашда, унинг аниқ мақсадлари сари жипслашувида ва бирлашувида, ўзидаги бор салоҳиятни ҳамда миллат сифатидаги қудратини жаҳон узра намоён этишида муҳимdir.

Бой ўтмиш тарихимизга назар ташласак, аждодларимиз яратиб, бизга қолдирган юксак маънавий-маданий ва таълим-тарбия мерос сифатида авлодларни ёшлиқдан жисмонан бақувват қилиб тарбиялашнинг қатъий тизими йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, бизда халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ва ривожланган ўзига хос жисмоний тарбия мактаби мавжуд бўлган.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов "Камолот" ёшлар ижтиёмий ҳаракати ташабус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ёшлар тарбиясига тўхталиб, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидағи вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг дикқат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтдилар.

Ўтказиладиган оммавий спорт мусобақалари ўқувчиларда ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик фазилатларини тарбиялайди. Ушбу мусобақалар миллий ифтихор ва миллий ғуур ҳиссини уйғотиб, спорт турларига эътиборни оширади ҳамда соғлом турмуш тарзини яратишга бевосита туртки беради. Шунга асосланиб айтсак, "Баркамол авлод" спорт мусобақалари, тарбия мактаби ва жисмоний тарбияни амалга ошириш манбаидир.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни жисмоний ва ватанпарварлик туйғусида тарбиялаш, истеъододли ёшларни аниқлаш, ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида мусобақалар ташкил этиш схемаси ишлаб чиқилган:

1. Умумий ўрта таълим 1-9 синфлар иштироқида "Умид ниҳодлари" спартакиадаси.

2. Ўрт маҳсус, касб-хунар таълимида "Баркамол авлод" ўйинлари тизими.

3. Олий таълим. "Универсиада" - мусобақалар тизими.

4. Экологик маданият - умуминсоний маданиятнинг янги мазмуни

Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, умумий дунёқарашнинг таркибий қисми ҳисобланиб, нисбатан тор ва кенг маъноларда тушунилади. Кенг маънода экологик маданият инсониятнинг ижтимоий-тарихий амалиёти жараёнида табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган моддий ва маънавий қадриятлар мажмуаси-

дир. Тор маънода эса кишиларнинг амалий ва назарий фаолият максадини табиатни муҳофаза қилиш билан боғлаш санъати ва маданияти деб караши мумкин.

#### **4. Экологик маданият-умуминсоний маданиятнинг янги мазмуни**

Экологик маданиятдан ўз ичига экологик билимлар, тушунчалар, табиат хаёт манбай ва гўзаллик, ахлоқий эстетик бойлик, табиат билан муносабатда вужудга келадиган хис-туйғулар, табиатни асраш учун жавобгарлик, ҳар қандай фаолият турида атроф-муҳитни ва одам саломатлигини асраш, ўз ҳатти-ҳаракатида табиатни сақлашга фаол интилиш ва уни илмий-нуқтаи назардан ҳал этиш.

Кенг маънода қараганда умуминсоний маданиятнинг янги мазмунидир.

Инсониятнинг табиий атроф-муҳитга муносабат маданиятини шартли равишда экологик моддий ва экологик маънавий маданият йўналишларига ажратиш методологик жихатдан максадга мувофиқ. Экологик моддий маданият аввало, ишлаб чиқариш кучларининг мужассамлашганидир. Айниқса экологик вазият кескинлашаётган ҳозирги ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланишини соғ иқтисодий манфаатлар доирасидан чиқиб кетди. Экологик эҳтиёжлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши билан ишлаб чиқаришнинг барча техник, технологик ва муҳандислик асосларини табиатни муҳофаза қилиш манфаатлари доирасида қайта қуриш кун тартибига кўйилмоқда. Шунинг учун интеллектуал техник ижодкорликда унинг қадр-қиммати ошиб кетиши тасодифий эмас.

Экологик маънавий маданият йўналишлар ва улар ўртасидаги узвий боғланиш умумий экологик маданият, меросни сақлаш ва ривожлантириш орқали экологик тадқиқотни, фаол мавқени тарбиялаш воситаси вазифасини ҳам бажаради. Иккинчи томондан, экологик моддий маданиятни умумий маънавий маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, моддий маданият маданиятнинг мужассамлашган муштарақлашган ҳолда моддийлашганини ифодалайди.

Инсониятнинг моддий ва маънавий маданият ўртасидаги диалектик боғланиш ва алоқадорлик тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи механизmlаридан бири хисобланади. Умуман олганда моддий ва маънавий маданиятларнинг нисбатан мустақил мажмуалари ҳамма тарихий ривожланиш босқичларида табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжи билан зиддиятда бўлиб келган. Айнан шу

зиддиятнинг кучайиши экологик вазиятни кескинлаштирувчи оламшумул муаммога айлантиргани сир эмас.

Моддий ишлаб чиқариш ўз моҳиятига кўра маданиятдир. Бу фаолиятни ўқувчилар онгига сингдиришда табиий бойликларни оқилона истемол қилиш маданиятини ривожлантириш жўн ва стихияли жараён эмас, аксинча, омманинг ташаббускорлигига ғоявий-сиёсий онглилигига боғлиқ эканлигини тушунтириш керак. Албатта, бунда экологик таълим-тарбиянинг роли муайян экологик вазият ҳар бир кишининг табиатга шахсий муносабатига мувофиқ эканлигини англатиш лозим. Табиат қонунларини биосферанинг ички мураккаб боғланишларини чукур билмай туриб, жамиятнинг табиатга таъсир қилиш истиқболларини англамай туриб, табиатни муҳофаза қилишга оид, зарур амалий тадбирларни, табиатдан фойдаланишнинг мақбул варианtlарини белгилаб бўлмайди.

Шу муносабат билан экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбияни янги сифат даражасига кўтариш, назарий фундаментал тадқиқотларни амалий талабларидан илдамроқ, ривожлантиришни тақозо қилинади.

Ҳозирги кунга келиб, моддий ишлаб чиқариш технологияси маданиятнинг асосий кўрсаткичларини экологик йўналиш ишлари ташкил қиласди.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Экологик маданият, ҳукуқий тарбия, иқтисодий тарбия, табиат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соғлом турмуш тарзи, соғлом авлод, умид ниҳоллари, баркамол авлод, универсиада, маънавий маданият, моддий маданият.

### **Саволлар:**

1. Ёшларга экологик тарбия беришда ота-боболаримизнинг экологик маданияти қандай ўрин тутади?
2. Экологик тарбия беришда ҳукуқий ва иқтисодий тарбиянинг ахамияти нималардан иборат?
3. Соғлом турмуш тарзи яратиш ва экологик тарбия жараёнлари орасида қандай мувофиқлик мавжуд?
4. Экологик маданият, моддий ва маънавий маданият каби тушунчаларни шарҳлаб беринг?

## **8-мавзу. Экологик тарбия жараёнида ўзбек ҳалқининг маданий меросидан фойдаланиши**

Режа:

1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг қоидалари
2. Ўзбек ҳалқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган буюк маданий мероси
3. Сув ҳамда унинг қадр-қиймати ҳақида ривоятлар
4. Экологияни ўқитишда миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш

### **1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши қоидалари**

Ёшларга экологик тарбия беришда, биринчи навбатда ҳалқининг тарихан таркиб топган экологик-маданий меросини ўрганиш зарур ҳамда унинг асосида жамият ҳаётидаги ҳозирги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиши қоидасининг қатъий тизимини яратиш керак.

Жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатида экологик тангликни сақлашнинг биринчи ва асосий принципи, юқорида таъкидланган идея, инсоннинг табиатга таъсири энг оз миқдор даражасига келтириш ҳисобланади.

Ҳозирги вактда жамият олдидағи муҳим вазифалардан бири табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ҳисобланади.

Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларидан бири ишлаб чиқарувчилар учун қатъий қоидаларини ишлаб чиқиши ва амалда кўллашдан иборат. Махсулотларни ишлаб чиқаришда барча тур ресурслар, ҳатто улар тўлиб-тошиб ётган ҳолда ҳам, замонавий технология имкон берадиган даражада энг кам миқдорда сарфланиши керак, бу биринчи ва мажбурий қоида бўлиши шарт.

Буюмларнинг хизмат муддатини иложи борича узоқроқ чўзиш ҳамда умрини ўтаб бўлган буюмлардан, албатта, иккиласми хом ашё сифатида фойдаланиши табиатдан фойдаланишдаги иккинчи қоида бўлиши керак.

Бундан ташқари замонавий хўжалик юритишнинг учинчи қоидаси ҳисобланадиган чиқитсиз ишлаб чиқаришга зудлик билан ўтиш давр тақозосидир. Акс ҳолда, инсоният ишлаб чиқариш жараёнлари чиқиндиларига кўмилиб қолади.

## **2. Ўзбек халқининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган буюк маданий мероси**

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи орасида қоғозларда ёзилмаган бир қонун мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу ҳар қандай шароитда энг кам миқдорда хом ашё, куч, вакт ҳамда инсон меҳнатидан фойдаланиши борасидаги қатъий қоидадан иборат. Бу, албатта, меҳнат ресурсларига ҳам тегишлидир. Халқимиз орасида "увол" деган сўз жуда кенг тарқалган эди. Лекин ҳозирги вақтда бу сўз кам ишлатилади.

Табиат унсурларини ортиқча сарфлаш: бевосита уларнинг ўзидан бемақсад фойдаланиш увол ҳисобланарди.

Бемаврид айтилган сўз ҳам, эътиборсиз қолдирилган гап ҳам, ҳатто эрмакка тупурилган тупук ҳам увол ҳисобланарди. Увол ҳақидаги қоида одамларнинг бой ёки камбағаллигига қарамасдан ҳамма учун баб-баравар тегишли эди. Увол қилмаслик, ножӯя ҳеч қанақа иш бажармаслик, бекорга сарф қилмаслик, тежамкор бўлиш барча замондошларимиз ўйлаганларидек ҳасислик белгиси эмас. Бу юксак маданият, шу жумладан, экологик маданият белгисидир. Агар чукурроқ олиб қаралса, ишлаб чиқариш маданияти, истеъмол маданияти, турмуш маданияти, ўзаро муносабат маданияти ва ҳоказолардир. Тежкамкорлик хислати ёш авлодга болаликдан сингдирилиб борилар ва то умрининг охиригача сақланиб қоларди.

Ўзбекистонда хунарманд усталар касбларига кўра гурухланарди: кулоллар, темирчилар, мисгарлар, тўқувчилар, этикдўзлар, маҳалла, ҳатто даҳаларни ташкил қиласарди. Мазкур ишлаб чиқаришлар асосан чиқитсиз ҳисобланарди.

Умрини ўтаб бўлган барча маҳсулотлар кўрининишини кучли даражада йўқотган ҳамда эстетик жиҳатдан кўримсиз ва тузатиш имконияти бўлмаса латтафурушга иккиласи маҳсулот сифатида топшириларди, ҳатто бу иш иккинчи ва учинчи бор ҳам такрорланиши мумкин эди. Одамларнинг ана шундай тежамкорлиги ва эҳтиёткорлигига буюмларнинг юксак сифатли қилиб тайёрлаганлигини қўшсак, дастлабки хом ашё сақлаш канчалик кам бўлганлиги ойдин бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида ота-боболаримиз бутун тарихий давр мобайнинда сарфлаган қазилма бойликлардан кўпроқ бойликларни, қисқа муддат ичida ишлатилиб юборилган. Буни биз инсоннинг табиатни бўйсундиришининг тимсоли деб мақтаниб ҳам юрдик.

Ота-боболаримиз Она Ерни хурмат қилишган, уни рисқ-рўзимиз деб билишган. Ерга етарли ишлов бермасдан, текинга ҳосил ундиришга интилиш, бежиз таёқ уриш гуноҳ ҳисобланган. Ҳатто, яроқсиз ерлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Ҳайдаладиган ерлар ҳамда яйловлар нисбати қатъий сақланарди. Аҳоли учун зарур бўлган ерлардангина фойдаланишга ҳаракат қилинарди. Экинзорлар, яйловлар етарли бўлиб, чорва моллари кўпроқ бокиларди, чунки улар гўшт, сут, ёғ манбаи бўлиши билан бирга хунармандлар, этикдўзлар, тўкувчилар учун хом ашё базаси ҳам эди. Табиатнинг бир кисми асл ҳолида сақланарди ҳамда экологик мувозанатни сақлаш учун хизмат қиласар эди.

### ***3. Сув ҳамда унинг қадр-қиймати ҳақида ривоятлар***

Марказий Осиё минтақаси қурғоқчилик ўлка ҳисобланганлиги учун бу ерда сув қадим-қадимдан олтин мисоли қадрланганлиги маълум. Ҳалқимиз "сув бор жойда ҳаёт бор" деб бежиз айтмаган. Шу сабабли ўлкамизда сувни азалдан авайлаб асраршган ҳамда жуда тежаб-тергаб фойдаланишган. Сувни исроф қилиш увол ҳисобланган. Сугориш ишларида тежамкорликка қатъий риоя қилинган. Ариқлар аксарият айланма қилиб олиниб, жўяклар бўғиб-бўғиб сугорилган.

Уй-жой қурилишини олсак, маҳаллий табиий унсурлардан тикланган уйлар ва бошқа қурилишлар илгари ўта тежамкор усул билан оқилона курилган. Улар асосан лойдан тикланган, уларнинг томлари эса терак ҳарилар билан ёпилган. Уй-жой учун ёғоч ускуналар етарли бўлган, чунки ҳар бир оиласда ўғил тугилганда бир иморатга етгулик терак экиб кўйилган. Турар жой майдони оқилоналий билан юзага келтирилган. Ёш оиласарга даҳлизли бир хона берилган. Бундай уйларнинг умумий майдони  $25-30\text{ m}^2$  бўлиб, улар фарзандлари 5-6 ёш бўлгунича бирга яшашган.

Ишлаб чиқариш Ўзбекистонда асосан майда ишлаб чиқариш орқали ривожланган. Ишлаб чиқарувчи ўз буюмларини ҳаридорнинг кўз ўнгидаги дўконда тайёрлаган ва ўша ернинг ўзида сотган.

Одамларнинг шахсий кийим-кечаклари, зебу-зийнатлари ҳам ортиқча кўз-кўз қилинмаган. Ҳатто, бой одамлар ҳам тилла буюмларини шунчаки тақиб юришни одобсизлик ҳисоблаганлар. Тарихан шаклланиб, авлод-аждодларимиздан мерос бўлиб келган бу кўниқмалар, ахлоқий қоидалар жамият тараққиёти нотўғри йўлга тушганлиги туфайли унутила бошланди. Уларнинг ўрнига

умуминсоният ахлоқига ёт бўлган бозорга солиш, зебу-зийнат, тақинчоқ ва кийим кечакларига ўчлик, мақтанчоқлик каби салбий, ижтимоий сифатлар эгаллай бошлади.

Халқимизда овқатланиш ҳам жуда оқилоналиқ билан йўлга кўйилган эди. Ошқовоқ, қовун, шолғом ва бир қатор бошқа мевалар пайғамбаримиз таоми ҳисобланарди. Нафсни тийиш, нафс балосига учмаслик маданиятнинг белгиси эди.

Аҳолининг экологик кўнинмалари унсурларидан бири, экологик маданиятнинг кўрсаткичи атроф-муҳитни озода тутиш, шу жумладан, танани, яшаши ва жамоат жойларини, табиатни тоза сақлашдан иборат ҳисобланади. Хонадонлардан озиқ-овқат чиқиндилари молларга, итларга бериш одат бўлиб, агар хўжаликда бундай ҳайвонлар бўлмаса, кўшниларга олиб чиқиб берилар эди.

Бундай одатларни қайта тиклаб, уларни тарғиб қилиш ўз оиласига сингдириш ижтимоий муҳитнинг яхшиланишига олиб келади. Бу инсоннинг тинч, осоиишта яшашига кафолат бўлади, саломатлигига ижобий таъсир қиласи, умрини узайтиради.

Қадимда дехқончилик мавсуми эрта баҳорда ариқларни тозалаш ва қазищ, ховузларни, уватларни тартибга келтириш, йўл ва кўпприкларни тузатишдан бошланарди. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан бошланиб, оилада каттаю кичик ҳашарда иштирок этарди. Ҳашарда жисмоний жиҳатдан кучи етмаганлар, овқатлар тайёрлашар, ҳашар кечга бориб байрамга айланиб кетарди. Оқар сувлар ариқларнинг то бошидан охиригача тоза ва тиниқ сақланарди. У санитария жиҳатдан тоза бўлиб, дуч келган жойда ичиш мумкин эди. Сувга бирон нарса ташлаш асло мумкин эмас эди. Сувга ҳурматсизлик қилган киши ўз жазосини олар эди. Мабодо бунда ўттиз йиллар муқаддам ҳам кимдир сувга тупурганини кўрса, одамлар уни жинни деб ўйлашар эди.

Мана шулардан кўриниб турибдики, халқимизнинг экологик маданияти қадимдан юксак бўлган. Биз буни яхшилаб ўрганишимиз ҳамда ундан ҳозирги шароитда фойдаланиш имкониятларини қидириб топишимиз керак.

Ўтмишда Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланишга асосланган сугориш тизими Марказий Осиё ҳудудида дехқончилик характери ва унинг жойланиши, моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши ҳамда диний анъана ва маросимларнинг генезисини белгилаб беради.

Сув ҳақида күпгина ривоятлар, ҳикматлар ва афсоналар мавжуд бўлиб, уларда сувнинг энг қадрли неъмат, тирик организмлар учун зарур восита эканлиги қайд этилади:

*Сув ҳаёт, мўл-қўлчилик, фаровонлик манбаидир.*

*Сув - зар, сувчи - заргар.*

*Сув ёргулик.*

*Сув тараалар тупроққа, аро берар япроққа.*

*Сувсиз ерга қуши қўнмас, ўтсиз ерга юрт қўнмас.*

*Сувсиз ерда тол бўлмас, қовогарида бол бўлмас.*

*Сув ичаётганга илон тегмас.*

*Элнинг ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.*

*Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон аримас.*

Шундай қилиб, Марказий Осиё ҳудуди туб ҳалқлари онгига экологик маданият тўла мужассам бўлган. Тўгри у вактларда аҳоли сони анча оз, урбанизация даражаси паст, табиий бойликлардан фойдаланиш даражаси ҳам ниҳоятда кам бўлган. Лекин ҳалқлар юксак экологик маданиятга эга бўлган. Одамлар орасида "савоб", "увол", "қарғиши", "харом", "бировнинг (ёки етимнинг) ҳақи", "тарозидан урма", "ӯғирлик қўйма", "сувга сув қўшима", "ҳайвонларга озор берма", "сувга супиринди ташлама", "ноннинг увоги ҳам нон, уни ерга ташлама" ва шу каби қатор ибора ва тушунчалар мавжуд эдики, айрим ёшларимиз булар тўғрисида унчалик тасаввурга эга эмаслар. Шунинг учун ҳам ўша вактларда табиат жуда ардоқланар эди. Ҳар бир табиат неъмати бу Оллоҳнинг бизга берган неъмати, марҳамати, биз уни юксак даражада хурмат билан авайлаб-асрашимиз лозим дейилади. Ҳалқ табиат ноз-неъматларига, дарахт, бута, ўт ўсимликлари, ҳайвонот олами, сув, ҳаво, тупроқ, замин, нон, озиқ-овқат ва бошқа шу кабиларни зўр эҳтиром билан хурмат килган. Озодаликка катта аҳамият берилган. Ватан остоидан бошланади дейилганидек, ҳар куни ҳовли, кўча, эшик олди супурилар ва сув сепиб нураган жойлар мунтазам таъмирланиб турилган. Ахир ўша вактлардан қолган-ку қуйидаги доно ҳикматлар: "сувга тупирма"; "қудуққа тош ташлама"; "сувга мағзава оқизма"; "ерни урма"; "нонни ташлама - увол бўлади"; "қўшларни ўлдирма - қаргайди"; "товоқда овқат қолдирма, ялаб қўй, савоб бўлади" ва б. Жуда одобли ҳикматлар муқаддас китобларимиз қуръони Карим ва Хадису шарифларда келтирилган. Биз уларга ҳар доим риоя қилишимиз лозим. Дарҳакиқат, ҳалқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъана-

лари, табиат тўғрисидаги катта маънога эга бўлган доно ҳикматларига минг йиллар давомида қулоқ солиб, ундаги тавсияларга итоат қилиб келинган. Бундан бўён ҳам, айниқса, ҳозирги мустақиллик шарофати катта эркинликлар берган бир пайтда уларга катта хурмат билан қарашимиз ва ҳаётда жуда синалган одатларимизга, қадриятларимизга содик қолишимиз, ёшларга булар тўғрисида тез-тез гапириб туришимиз, ундашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

#### *4. Экологияни ўқитишда миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаши*

Қадрият инсоннинг кундалик ҳаётида намоён бўладиган одамлар томонидан қадрланаётган, инсон учун фойдали аҳамияти катта, моддий-иктисодий, маънавий-маърифий, маданий-мағкуравий, сиёсий, диний, миллий, ижтимоий омиллар йигиндисидир.

Миллий қадриятлар эса ҳар бир ҳалкнинг ўз тарихий тараққиёти давомида яратган ва яратадиган барча моддий-маънавий бойликлари, урф-одатлари, маросимлари, байрамлари ва бошқа ўзига хос томонлари йигиндисидан иборатdir.

Мустақилликка эришганимиз кўпгина орзу-истакларимизни рўёбга чиқишига имкон берди. Шундай даврлар бўлдики, ҳатто дин номи билан ҳалқимизнинг қанчадан қанча урф-одатлари, тарихий обидалари, маданияти, тарбия маҳсули, санъати оёқ ости қилинди. Отабоболаримиз яратган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, асрлар оша қадрланиб келаётган кўплаб умри боқий удумларимиз, миллий ифтихоримиз бўлган расм-руsumлар, урф-одатлар йўқолиб кетиш арафасида эди. Уларни қайта тиклаш, ривожлантириш, асраш ва келгуси авлодга етказиш шу куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Таълим-тарбия бобида ўз миллий, ҳаётий, тарих синовидан ўтган мактабимиз бор. Республикаизда Куръони Каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниши таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга бўлди.

Куръони Каримда мусулмон бандаси учун қон тўкиш, ёлғон гапириш, бирорвнинг ҳақига, туз еган ерига ҳиёнат қилиш катта гуноҳ эканлиги айтилган. Унда етим-есирлар бошини силаш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарзлиги, савоблиги, нонни оёқ ости қилиш увол эканлиги, ота-она сўзини икки қилмаслик, катталар орасидан кесиб ўтмаслик каби юзлаб инсонни инсон қиладиган фазилат ва ҳикматлар мужассамлаштирилган.

Халқимиз яратган миллий қадриятлар ёш авлодни чин инсон бўлиб тарбияланишида, пок вижданли, меҳнатсевар, катталарни хурмат қилиш руҳида ўзишида ўзига хос мактаб вазифасини бажаради.

Шарқ халқлари, жумладан ўзбеклар орасида шарм-хаё, ор-номус, ота-онага хурмат-эхтиром азалдан онгимизга сингиб кетган тушунчалардир. Аёлларнинг "куфр сувидан" ичиши жуда катта гуноҳ хисобланган. Ота-оналар кексайгач, уларни боқиши, ҳолидан хабар олиш, қариялар кўнглини ўкситмаслик фарзанд учун, айниқса, ўғил учун ҳам қарз, ҳам фарз хисобланади.

Миллий қадриятлар билан умумбашарий қадриятлар уйғунлашиб кетган. Чунки экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари маълум бир худудгагина тегишли эмас, бу муаммолар чегара билмайди. Шунинг учун ҳам ўкувчи ва талабаларга экологик таълим беришда миллий ва умумбашарий муносабатларнинг муштарак эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир ва бу йўлда кўпгина амалий вазифалар бажарилмоқда. Бунга мисол қилиб Халқаро табиатни муҳофаза қилиш кунини, йил бўйи ташкил этиладиган Халқаро экологик акцияларни ва бошқаларни келтириш мумкин. Мамлакатимиз нишонлайдиган Наврўз байрами ва бошқа ҳалқ байрамларимиз ҳам кўп халқлар орасида кенг байрам қилинишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сайёрамизда экологик вазиятнинг кескинлашиб кетиши ушбу муаммога муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Инсоният келажаги учун бутун дунёдаги инсонларнинг миллатидан, ирқидан, динидан, синфий мавқеидан қатъий назар масъулиятни чуқур хис этган ҳолда шошилинч амалий чора-тадбирлар кўришни талаб этмоқда. Ер куррасидаги экологик ҳалокатни ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг айби деб туриш жиноятдир. Глобал экологик муаммоларни ҳал этиш учун ҳозирги босқичда ижтимоий-иқтисодий тузумига қарамасдан катта ва кичик давлатларни биргалиқда куч-харакатларини бирлаштиришнинг тарихий зарурияти етилди. Халқларнинг халқаро терроризмга қарши кураши, ядро урушларини хавфини олдини олиш ва бошқа тинчликпарварлик интилишларидаги ижобий силжишлар билан бунга мустаҳкам асос яратилмоқда, мақсадлар муштараклигини таъминламоқда. Зеро, барча мамлакатларнинг куч-харакатларини бирлаштирмай туриб, қитъамиздаги атроф-мухитни сақлаб қолиш ва соғломлаштиришдек муҳим муаммони узил-кесил ҳал қилиб бўлмайди. Унинг кўпгина

жойларида чўлланиш жараёни туфайли ер ёниш даражасига келиб қолди, осмондан оловли бўлмасада кислотали ёмғирлар ёғмоқда, тутун туфайли осмоннинг ўзини ҳам кўриб бўлмайди. Европадаги дарё ва денгизлар ночор аҳволга тушиб қолди. Миллий доираларда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар пайдо бўлишига йўл қўйиб, ўз вақтида етарлича узокни кўрмай иш қилган бўлсак керак. Бу шундай соҳаки, унда ҳаммамиз қитъа тақдирининг муштараклигини англаб этишимиз зарур. Дарҳақиқат, ҳозирги кунга келиб, турли тузумда яшовчи кишиларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлиги экологик манфаатлар билан боғланниб кетмоқда. Миллий муносабатлар экологик мақсад ва маслаклар чорраҳаларида туташмоқда. Чунки сув ва ҳаво ҳавзалари шартли ҳолдагина маъмурий чегараларга бўлинади. Бир мамлакатда табиатга нисбатан хатоликка йўл қўйилса, бу албатта, бошқа мамлакатлар ва қитъалардаги экологик мувозанатга салбий таъсир қиласи.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, замонавий технология, чиқитсиз ишлаб чиқариш, экологик маданият, Она Ер, ризқ-рўзимиз, сув бор жойда ҳаёт бор, тежам тергаб фойдаланиш, "увол", "сувга тупурма", қадрият, миллий қадрият, умумбашарий қадриятлар, миллий муносабатлар, экологик вазият.

### **Саволлар:**

1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Марказий Осиё ҳалқлари табиий ресурсларидан фойдаланишининг қандай принцип ва қонидаларига амал қилинган?
3. Тежамкорликни қандай тушуниш керак?
4. Ота-боболаримизнинг Она Ерга, сувга қандай экологик муносабатда бўлганликларини айтиб ўтинг?
5. Ўзбек ҳалқининг шахсий гигиена, уй-жой ва рўзгор буюмларига муносабатлари қандай бўлган?
6. Экологик таълим ва тарбияда Куръони Каримнинг роли қандай?
7. Ҳалқимиз яратган миллий қадриятларнинг аҳамияти?
8. Экологик вазиятни юмшатишда дунё ҳалқлари харакатларини бирлаштиришнинг аҳамияти ҳақида айтиб беринг?
9. Экологик муаммолар нима учун барчага тааллуқлидир?

## ІІІ БОБ. ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

### 9-мавзу. Ўқитиш методларининг тавсифи

Режа:

1. Экологияни ўқитишида фойдаланиладиган методлар
2. Экологияни ўқитишида оғзаки методлар
3. Экологияни ўқитишида күргазмали методлар
4. Экологияни ўқитишида амалий методлар
5. Экологияни ўқитишида видео методлар
6. Экологияни ўқитишида дарслик ва китоб билан ишлаш

#### **1. Экологияни ўқитишида фойдаланиладиган методлар**

**Метод** - ўқитувчи маълум фан бўйича билимларини ўқувчилар онгига етказиши ва бу билимларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиш усулидир.

Ўқитиш методи орқали ўқитувчи ва ўқувчи маълум мақсадга эришиши лозим. Ўқитиш методлари айнан педагогик жараёнда қўлланилади ва турли ўқитиш воситалари билан узвий боғлик ҳолда олиб борилади.

Кўйидаги жадвалда биз методларнинг умумий тавсифини келтирдиц:

**Метод таснифи**

Амалий метод	Кўргазмали метод	Оғзаки метод	Китоб билан ишлаш	Видео метод
Тажриба ўтказиш, машқ ва масалалар ечиш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати	Иллюстрация, демонстрация (намойиш килиш). Ўқувчиларни кузатиш	Тушунтириш, тушунча бериш, ҳикоя, сухбат, йўл-йўрик кўрсатиш. Маъруза, баҳс-мунозара, диспут	Ўқиши, ўрганиши, реферат ёзиши, кўз юргутириш, қайд этиши, баён килиши, режа тузиши, конспект ёзиши	Кўриш, ўкиш, электрон ўқитувчи назоратида машқ ва масалалар ечиш

#### **2. Экологияни ўқитишида оғзаки методлар**

Экологияни ўқитишида қўлланиладиган методлардан оғзаки метод асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Оғзаки баён методлари гурухи

ўз ичига тушунтириш, хикоя, сұхбат, маъруза, баҳс-мунозара кабиларни олади.

Куйида ушбу методларнинг таркибиға кирудың методик услуглар ҳакида тушунча көлтирамиз.

*Тушунтириши методи* деганда, муайян ўрганилаётган объектни айрим тушунчалар ва ҳодисалар, қонуниятларини оғзаки талқин этиш тушунилади.

Тушунтириш монологик шаклда баён этишdir. Тушунтириш күпинча турли фарқларни назарий материалларини ўрганишда кимёвий, физик, математик теорема ва масалаларни ечишда, шунингдек, табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини очиб беради. Экологияни ўқитишда ушбу методдан экологик қонуниятлар, математик моделлаштириш, гипотеза, биоценоз ва экотизим, ландшафтлардаги ўзгаришлар ҳамда ижтимоий экология курсида: табиат, жамият тизими, табиат ва жамият ўргасидаги муносабатлар, инсоннинг ташқи мұхит ва бошқа мавзууларда фойдаланилади.


*Хикоя методи* ўкув материалини жонли, объектларга хос хусусиятларини баён қилиш, ахборотнинг илмийлігі, тушунарлылігі, нұтқнинг равонлігі ва ифодалылігі услугбі. Хикоя янги мавзуннинг ифодалы изчил баён қилинишидір.

Одатда, хикоя дарсні үнчә катта бүлмаган қысмани ташкил қилиб, бошқа методларда сұхбат, экран воситаларини намойиш қилиш, китоб билан ишлаш ва бошқалар билан уйғунлашиб кетади.


*Сұхбат методи* сұхбат саволларини кетма-кетликда қўйиш ёрдамчи ва қўшимча саволларни ўз вактида бериш, ўқувчиларни фаоллаштириш, ўқувчилар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, холоса ва умумлаштиришни таркиб топтириш услугбі.

Ушбу метод ўқувчиларга билим беришда мұхим рол ўйнайды. Ўқитувчи ўқувчилар олдига савол ва топшириклар қўяди, сұхбатнинг изчиллігі ва режасини белгилайди. Ўқувчилар жавобларни тайёрлар экан, берилған саволлар ҳакида фикр юритади, мавжуд билимларни сафарбар қиласы, фаол ижодий фикр юритади. Сұхбат методи якунловчи, умумлаштирувчи ва янги мавзулар ўтган материаллар билан боғловчы дарсларда мұхим аҳамиятга эга. Ўқитувчининг саволи ўрганилаётган мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар эътиборини энг мұхим билимларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган бўлади.

## Үрта махсус ва қасб-хунар таълими муассасаларида қўлланиладиган дарс турлари



## Экологияның ўқитишиннің метод да шакиллари



Ўқитувчи ўқувчиларни сұхбатда иштирок этиш даражасини уларга бериладиган савсларни мураккаблаштириб бериш восита-сида ошириб борди. Ўқитувчининг саволи күпроқ ўқувчиларни мустақил ишлатишта, мустақил фикр юритишга йўналтирилган бўлиши лозим.

*Маъруза методи* катта ҳажмдаги материални монологик усулда баён этиш ҳисобланади. Ушбу услугуб одатда ўрта маҳсус ўқув юртлари ва қасб-хунар колледжларида фойдаланилади ҳамда дарснинг асосий қисмини эгаллади. Маърузанинг афзаллиги шундаки, мавзу материалини талабалар тўлиқлигича, яъни ўзаро тугалланган ҳолда ўзлаштирадилар.

Маъруза кириши, умумлаштирувчи ҳамда мавзувий маърузаларга ажратилади.

*Баҳс-мунозара* бу муайян муаммо бўйича ўз фикр-мулоҳазаларига ва қарашларига эга бўлган, бошқалар билан ўзаро алмашиш имконини берадиган ўқитиш методидир.

Ушбу методдан талабалар анча етук, ўз нуқтаи назарига эга бўлган, теран фикрлай оладиган, ўз мулоҳазаларини эркин айта оладиган ҳолларда фойдаланиши мумкин.

Бу методнинг таълим-тарбиявий аҳамияти жуда катта. Унда талаба муаммони чуқур англаб етишга, ўзини фикрини ҳимоя қилишга ўрганади, шунингдек, ўзгалар фикрлари билан ҳисоблашади.

### **3. Экологияни ўқитишда кўргазмали методлар**

Экологияни ўқитиш жараёнида кўргазмали методлардан фойдаланиш, ўқув материалини мазмунини ёритишда кенг имконият яратади. Ушбу метод орқали ўқувчилар ўқитиладиган мавзунинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда обьект ва ҳодисаларни идрок этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва хулоса қилиш имконига эга бўладилар.

*Кўргазмали методлар* ўқитиш жараёнида оғзаки, амалий, мантиқий, муаммоли методлар билан ҳамоҳанг ҳолда қўлланилади.

Кўргазмали методларнинг оғзаки ва амалий методлар билан уйғунлашиши ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш, экологияни ўқитишда яхши самара беради. Масалан: ўқувчиларнинг билиш фаолияти такомиллашади, ўрганаётган назарий материалларини аниқлаштиради, олинган назарий билимларни турли экологик обьектлар орқали кузатиш ва тажрибалар кўйиш имкониятига эга

бўлади, шунингдек, ўрганаётган назарий материалини турли схема, жадваллар асосида аниқлайди ва таснифлайди.

Экологияни ўқитища кўргазмали методларни шартли равишда иллюстрация ва демонстрация (намойиш этиш) ҳамда кузатиш методларига ажратиш мумкин.

**Иллюстрация методи** ўқувчиларга ҳар бир мавзуга оид плакатлар, расмлар, жадваллар ва доскадан фойдаланиш ва бошқалар орқали ифодаланади.

**Демонстрация (намойиш этиши) методи.** Ушбу метод тури асбобларни намойиш этиш, тажрибалар қўйиш, техник қурилмалар, кинофильмлар, диафильмлар ва бошқаларнинг кўрсатиш билан боғлик.

**Кузатиш методи** бу тирик организмларнинг ташқи муҳит таъсирида юзага келадиган турли ҳодисаларни кўриш ва идрок этиш ҳамда ўрганиш демақдир. Ушбу методда ўқувчилар ўз кузатишлари бўйича тўплаган маълумотлари ақлан ва ҳис-туйғу орқали идрок эта олишлари орқали билимга эга бўладилар.

Кузатиш методи орқали ўқувчилар ҳар бир мавзуларга оид материалларни, кўргазмали воситаларни, шунингдек, тирик организмларнинг ташқи муҳитнинг ўзгариши билан борадиган муносабатларини, организм ва муҳит орасидаги ўзаро боғлиқликни мустақил кузатадилар ва ўрганадилар.

Ушбу метод ҳам бошқа ўқитиши методлари каби ўқувчи ва талабаларнинг олган назарий билимларини мустаҳкамлашда муҳим хисобланади.

#### **4. Экологияни ўқитиша амалий методлар**

Экологияни ўқитища амалий методлар ўқувчиларнинг амалий фаолиятига асослангандир.

Ушбу методларга обьектларни очиш, аниқлаш, бўлиб ташлаш, эксперимент ўтказиш, машқ ва масалаларни ечиш ҳамда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати киради. Ўқувчилар амалий иш қилганда олган натижалари ўқувчилар билимининг асосий манбаи деб қаралади. Амалий методларни татбиқ этишда ҳам ўқитувчиларнинг тушунириши, ишнинг боришини текшириши, натижаларни якунлашга ёрдам бериши, ишга умумий раҳбарлик қилиши лозим. Аммо ўқувчиларнинг билиш фаолиятида билимларнинг асосий манбаи сифатида амалий иш натижалари муҳим рол ўйнайди.

Амалий методларнинг лаборатория методидан фарқи шундаки, бунда ўқитувчи фаолиятидан олинган билимларни, амалий маслаҳатларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади. Аввалом бор, назарияни амалда қўллай олиш назарда тутилади.

*Амалий метод* ўқувчиларни билим ва кўникмаларини чуқурлашибиршига, шунингдек, билим олиш фаолиятини ривожлантирувчи вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Амалий методда ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини одатда 5 босқичга ажратилиди.

*1-босқич.* Ўқитувчининг тушунтириши. Ушбу босқич ички назарий фикрлардан иборат.

*2-босқич.* Кўрсаткич, йўл-йўриқ бериш босқичи.

*3-босқич.* Намуна. Ушбу босқичда 2-3 ўқувчи ишни бажаради, қолган ўқувчилар кузатувчи бўлиб ўқитувчи раҳбарлигига хатолари тузатилади.

*4-босқич.* Ишни бажариш. Ушбу босқичда ҳар бир ўқувчи топширикни мустақил равишда бажаради. Ўқитувчи топширикни яхши уddyалай олаётган ўқувчига эътибор беради.

*5-босқич.* Назорат. Ушбу босқичда ўқувчиларнинг ишлари қабул қилиб олинади ва баҳоланади.

Амалий метод ўқувчиларни топширикни юқори савияда бажаришга ўргатади. Уларда хўжалик, иқтисодий ва бошқа хислатларни шаклантиришга ёрдам беради. Шунингдек, иш жараёнини тўғри ташкил этиш одатлари вужудга келади, яъни ишнинг мақсадини англаш, вазифаларини таҳлил қилиш, уни ечиш шартлари, асбоб-ускуналарни тайёрлаш сифатини назорат қилиш, хуросаларни таҳлили кабилар.

### *Лаборатория методи*

Лаборатория методи ўқувчиларни экологияни ўрганиш жараёнида мустақил тажрибалар олиб бориш асосида ташкил этиладиган метод ҳисобланади. Тажрибалар индивидуал ва гуруҳларда ташкил этилиши мумкин. Ушбу методда ўқувчиларда мустақиллик ва фаоллик талаб этилади.

Лаборатория методи ўқувчиларни лаборатория жиҳозлари билан ишлаш жараёнида, уларни кўникма ва малакаларни эгаллашларига ёрдам беради. Шунингдек, ўлчаш, ҳисоблаш, натижаларни ишлаб чиқариш каби муҳим амалий кўникмаларни эгаллашларига шароит

яратган ҳолда уларда илмий тадқиқот ишларини мустақил олиб боришига йўналтирилади.

Айниқса, муаммоли лаборатория методи ўзининг самараадорлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Бунда тадқиқот олиб бориш учун ғоялар ва уни амалга ошириш йўллари, изланишлари, техник жиҳозлар ўқувчилар томонидан танланади. Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида муаммони оқилона ҳал килиш йўлларини мустақил равишда ахтаради.

Муаммони ҳал этилиши, фикрлашни ривожлантиради. Нарса ва ҳодисалар хусусиятлари ҳакидаги билимлар ортади. Энг муҳими билимларни эгаллашда янги ижодий муносабат шаклланади.

Экологияни ўқитишида лаборатория методи маҳсус жиҳозларни талаб этади ва бунда ўқувчи ва ўқитувчи пухта тайёргарлик кўришлари зарур, шунингдек шу методдан фойдаланиш анча вақт ва куч сарф килинади. Шунинг учун ўқитувчи иложи борича ўқитиш самараадорлигини оширишига қаратилган оддий тежамли йўлларни излаши керак.

Лаборатория методларида ўқувчилар мустақил равишда вазифани бажарадилар ёки эксперимент кўядилар.

Дидактик талаб. Лаборатория машгулотлари режаси ва ўтказиш, лаборатория машгулотларини мақсадини аниқ белгилаш, фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чукурлаштириш мақсадида таълим талабига назарий жиҳатдан тайёрлаш.

Лаборатория ишлари нафақат муайян мавзу бўйича яқунлаш, балки талabalарнинг тарбияси манбаи ҳамdir.

**Амалий машғулот** - кенг маънода машқ, семинар ва лаборатория ишларининг умумлашганидир.

Амалий машғулот турларидан бири семинар. Унда маърузаларда баён қилинган назарий қоидалар мустаҳкамланади, фан бўйича билимлар кенгайтирилади ва чукурлаштирилади. Талabalарни илмий тадқиқот билим қобилиятини ўстиради, назарий ўқиш жараённida эгаллаган билимларини амалда тасдиқланади.

Лаборатория . машғулотларининг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

*Тотириқ. Тартиб рақам номи.*

*Ишнинг мақсади.*

*Жиҳозлаш.*

*Ишни бажариш.*

*Иш юзасидан хулоса ёки ҳисобот.*

*Назорат саволлари.*

## **5. Экологияни ўқитишида видеометоддан фойдаланиши**

**Видеометод.** Бу метод ҳозирги вактда ўкув юртлари амалиётига жадал равишда кириб келмоқда (кодоскоп, проектлар, киноаппаратлар, ўкув телевиденияси, видеопластиналар ва видеомагнитофонлар, шунингдек, компьютер дисплейлари).

Видеометод нафакат билимларни бериб қолмай, балки уларни назорат қилиш, мустаҳкамлаш, такрорлаш, умумлаштириш, системалаштириш, яъни барча дидактик функцияларни мувоффақиятли бажариши мумкин.

Видеометоддан ўкув жараённида фойдаланиш қуидагиларни таъминлади:

1. Ўкувчиларга ўрганилаётган ҳодиса, жараёнлар ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотлар беради.
2. Ўкув жараённида кўргазмалиликнинг ролини оширади.
3. Ўкувчиларнинг истак ва қизиқишлигини қондиради.
4. Ўқитувчини ўкувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда бошқа ишларини назорат қиласди.
5. Мулоқот самарадорлигини оширади.
6. Назоратни тўлиқ ва системали ташкил этиш ҳамда ўзлаштиришни тўғри баҳолашга имкон беради.

## **Видеометоднинг дидактик ва тарбиявий вазифалари**

Видеометоднинг дидактик ва тарбиявий вазифалари қуидагиларда намоён бўлади:

1. Янги материалларни баён қилиш, хусусан (жуда секин кетадиган жараёнлар, масалан бирор экологик омилиниң объектга таъсир этиши, ҳамжамоаларда сукцессиялар, шунингдек, тез кузатиладиган жараёнлар, маълум бир популяциялар сонининг ортиб кетиши, экологик ҳалокатлар ва бошқалар).
2. Ҳаракатларнинг динамикасини ўзгаришларни тушунтириш, (популяцияларнинг динамикаси, экотизимларнинг динамикасини мисол қилиш мумкин).
3. Видео хужжатларни экология дарсларида кўрсатиш (ижтимоий экология, инсон экологияси бўлимлари).
4. Тест назоратларини ташкил этиш.

5. Турли жараёнларни моделлаштириш, машқ масалаларни ва бошқаларни бажариш.

Видеометоддан фойдаланиш, ўрганиладиган материалларни энг муҳим томонларини ўрганишга имкон беради, ўзлаштиришнинг қулаги шароитларини яратади, айниқса, мультипликацияга эга бўлиб, қийин ўзлаштириладиган мавзуларни ўрганиш имконини беради.

Ушбу методнинг самардорлиги ўқитувчининг маҳоратига унча боғлиқ эмас, аксинча, видео материални техник восита ёрдамидаги сифатига боғлиқ. Видеометод ўкув жараёнини ташкил этишга катта талаблар қўяди, яъни бунда мақсадга йўналтирилганлик, мантиқийлик ва аниқликлар талаб этилади.

## ***6. Экологияни ўқитишда дарслик ва китоб билан ишилаш***

Ушбу метод энг муҳим методлардан бири ҳисобланиб, у асосан талабаларни китоб билан мустақил ишилашга ўргатади.

Дарслик ва китоб билан мустақил ишилашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳимлари:

1. Конспект олиш.
2. Матн режасини тузиш.
3. Тезис ёзиш.
4. Матндан цитата келтириш.
5. Қисқача мазмунини баён қилиш
6. Тақриз қилиш.
7. Маълумотнома тузиш.
8. Расмий, мантиқий модел тузиш
9. Мавзувий тезаурус тузиш
10. Нусхалар ғоясини тузиш.

1. Конспект олиш - ўқилган материални мазмунини қисқача ёзиш, баён этиш.

2. Матн режасини тузиши – режа оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин. Режа тузиш учун ўқиб чиқилган матнни бир неча қисмларга бўлиб, сарлавҳа қўйиб чиқилади.

3. Тезис ёзиш – ўқиб чиқилган фикрларни қисқача баён этиш.

4. Матндан кўчирма (цитата) келтириши – матндан сўзма-сўз кўчириш (албатта, бу ерда муаллиф, ишнинг номи, нашриёти, нашр этилган йили ва бетларни кўрсатилиши керак).

5. *Қисқача мазмунни (аннотация) баён қилиш* – ўқилган материални мазмунини сақлаган ҳолда қисқача баён этиш.

6. *Тақриз қилиш (рецензия)* – ўқилган материалга қисқача ёзма тақриз бериш.

7. *Маълумотнома тузииш* – тўпланган материал асосидаги маълумотлар. Маълумотлар сарҳисоб, биогеографик тушунчалар бўйича лугавий, географик бўлиши мумкин.

8. *Расмий мантиқий модел тузииш*. Ўқилган материални оғзаки схематик тасвири.

9. *Мавзувий (тезаурус) тузииш*. Мавзунинг бирор бўлими бўйича таянч тушунчаларининг тартиблаштирилган мажмуи.

10. *Нусҳалар гоясини тузииш*. Турли муаллифларнинг асарларидағи бир хил нарсалар ва ҳодисаларнинг қиёсий тавсифи.

Дарслик ва китоб билан ишлаш методининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ушбу метод орқали ўқувчи ва талабалар ўқув топшириқларини мустақил ўзлари бажарадилар.

### **Асосий тушунчалар ва таянч сўзлар**

Методлар таснифи, тажриба ўтказиш, иллюстрация, демонстрация, кўргазмали метод, оғзаки метод, китоб билан ишлаш, видеометод, йўл-йўрик кўрсатиш, баҳс-мунозара, методларнинг тарбиявий аҳамияти, видеометоддан ўқув жараёнида фойдаланиш, мулоқот самарадорлигини ошириш, дидактик ва тарбиявий вазифалари, мантиқийлик ва аниклик, дарслик ва китоб билан ишлаш, конспект олиш, қисқача аннотация қилиш, рецензия-тақриз қилиш, мавзувий тезаурус тузиш.

### **Саволлар:**

1. Оғзаки методларнинг шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кимлардан иборат?

2. Тушунтириш методидан қайси мавзуларни ёритища фойдаланилади?

3. Сухбат методининг ўқувчиларга билим беришдаги аҳамияти қандай?

4. Маъруза методининг бошқа методлардан афзаллиги нимада ва кимларга ўқилади?

5. Баҳс ва мунозара методи ўқувчиларга қандай имкониятларни беради?

6. Кўргазмали методнинг афзаллиги нимада?
7. Кўргазмали методлардан фойдаланиб дарс ўтишда қайси методлар билан уйғунлаштирилиши мумкин?
8. Экологияни ўқитишида кўргазмали метод қандай шаклларга ажратилади?
9. Иллюстрация методи нималарга асосланган?
10. Демонстрация методи экологик таълим беришда қандай афзалликларга эга?
11. Кузатиш методининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
12. Амалий методларга нималар киради?
13. Амалий метод ўқувчиларда қандай хусусиятларни шакллантиради?
14. Ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятида амалий метод қандай босқичларга ажратилади?
15. Лаборатория методи ўқувчилардан қандай фаолиятни талаб қиласди?
16. Лаборатория методини қўллашда қўйиладиган дидактик талаблар нималардан иборат?
17. Экологияни ўқитишида видеометодларнинг афзаллиги нимада?
18. Видеометод таълим жараёнида қандай дидактик функцияларни бажаради?
19. Экология дарсларида видео материаллардан қандай фойдаланиш керак?
20. Видеометоднинг самарадорлигини қандай баҳолайсиз?
21. Дарслик билан ишлашнинг қандай методлари мавжуд?
22. Конспект олиш қандай амалга оширилади?
23. Мълумотнома тузишининг қандай турлари бор?

## **10-мавзу. Экологияни ўқитишида янги педагогик технологиялар**

Режа:

1. Интерфаол методларнинг экологияни ўқитишдаги роли
2. Интерфаол методларни амалга оширишнинг шартлари
3. Модулли таълим технологияси
4. Табиатда ўтказиладиган йўйинлар

### ***1. Интерфаол методларнинг экологияни ўқитишидаги роли***

Ўқитишининг педагогик технологиялари ўқитиш жараёнини тако-миллаштириш мақсадида кадрлар тайёрлаш милллий дастури кўзда тутган (иккинчи сифат босқичида) бўлиб, таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанларда кўллаш лозимлиги таъкидланган.

Педагогик технология тушунчасига ЮНЕСКО томонидан қуидагича таъриф берилган.

Ўқитиши шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараённида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни кўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган методлар мажмуасидир.

Технология тушунчаси техникавий тараққиёт билан боғлиқ бўлган холда фанга 1872 йилда кириб келди. У санъат, ҳунар ва "логос" (logos)-фан сўзларидан ташкил топиб, ҳунар фани маъносини англатади.

Методика эса – ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуаси.

Хорижий ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларида амалиётга мувваффа-киятли татбиқ этилаётган таълим-тарбия беришининг интерфаол методлари орқали дарс ўтиш ўзининг самарасини бермоқда. Бу методларни кўллаш, ўқувчиларда мустақил ишлаш, илмий дунёқарашни таркиб топтириш, ижодий қобилияtlарини намоён килиш ва рўёбга чиқариш, ўқитувчи-ўқувчи ўзаро ҳамкорлигини шакллантиришни амалга оширади.

Ўқитиши жараёнини ташкил этишда интерфаол методи экологик таълимда ўқитувчилар учун яхши ёрдам берди.

Ушбу методлар асосида гуманистик-психологик гоялар ётади. Унинг асосчиларидан бири машҳур америкалик психолог Карл

Роджерс хисобланади. К.Роджерс ва унинг шогирдлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар, таълимнинг гуманистик модели, анъанавийга нисбатан анча самарали эканлигини кўрсатди. Анъанавий модел қайта қуриш, гуманистик психологлар фикрича ўқув жараёнини амалга оширишда, ўқувчилар томонидан маълум қоидалар ва принципларни қўллашга тўғри келади. Авваломбор, "интерфаол" сўзининг инглизчадан таржимаси "интер" - ўзаро, "фаол" - фаолият демакдир, яъни фаолият ким ва ким ўртасида? Албатта, ўқувчи ва ўқитувчилар билан ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларидир.

Интерфаол муносабатларда ўқитувчининг роли анъанавий ўқитиш жараёнига нисбатан мутлақо бошқача, яъни таълим беришда ўқувчилар билим олиш фаолиятини қизиктиришга ва фаоллаштиришга йўналтирилади.

Ўқитувчи билим олиш мухитини яратади. У фаол кузатувчи ва ўқувчиларни шахсини ривожлантиришда ёрдам бўлиб қолади. Айни вақтда, ўқувчилар таълим олиш жараёнида обьектдан субъектга айланади, яъни таълим жараёнининг пассив тингловчиси эмас, балки фаол иштирокчисига айланади.

## ***2. Интерфаол методларни амалга оширишининг шартлари***

Ушбу методни амалга ошириш учун куйидаги шартлар талаб этилади:

Биринчидан, ўқувчилар билан ўқитувчилар ўртасида ишончли муносабатлар, зарур қарор қабул қилишда ҳамкорлик талаб этилади. Таълим олиш жараёнида шахслар ўртасидаги мулоқат фаоллашади, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ракобат ва итоаткорлик каби муносабатлар эса ман этилади.

Иккинчидан, ўқитишининг мотивацияси ўзгартирилиши зарур. Ўқувчилар учун асосий рагбатлантириш, баҳо учун ёки мақтовлар учун, ўқитувчи ёки ота-оналар олдидаги бурчи сифатида қаралмай, балки уларнинг табиий қизиқишлигини ривожлантириш, ўқитувчи томонидан қўллаб-қувватлаш ва унинг ўқувчилар билан ўқув жараёнида ҳамкорлик қилишга тайёргарлиги зарур.

Учинчидан, интерфаол таълимда биргаликдаги ишлаш натижасига кўра ўқитувчилар ва ўқувчилар биргаликда жавобгар хисобланади.

Тўртинчидан, ўқитувчи методологик ва шахсий топшириқларни алмаштириб туриши зарур. Унинг фаолияти ишонтиришга асосла ниши керак. Ҳар бир ўқувчи табиатан турлича қобилиятга эга.

Шунинг учун энг муҳим вазифа қобилиятни намоён бўлиши ва ривожланиши учун шароит яратилиши керак.

Нихоят бешинчидан, интерфаол метод ўқувчиларда таълим олиш жараёнида ўз фикрини баён этиш ва шакллантириш, ўз қарашларини бошқалар олдида асослашига ёрдам берадиган маълум таълим олиш мухитини яратишни талаб этади.

Юқоридаги принциплар кўпгина интерфол методларнинг асоси хисобланиб, куйида уларнинг баъзи бирлари ҳакида тўхталиб ўтамиш:

*"Ақлий ҳужум" методи* (Ж.Ф.Йўлдошев).

Ушбу метод муаммони самарали ҳал этиш учун гурухни фикрлаш фаолиятини жонлантиришга йўналтирилган бўлиб, муаммони ечиш учун максимал даражадаги усулларни намоён бўлишига имкон беради.

Ушбу методнинг асосий вазифаси маълум вақт орасида кўпроқ ғояларни йиғищдан иборат. Барча ғоялар катта қофзга ёки доскага изоҳсиз ёзилади. Бу янги мавзу ёки муаммо бўйича иш бошлаш учун яхши натижа беради. Бу метод қуйидаги хусусиятларга эга:

\* микдор жиҳатидан чекланганлиги (гурухда талабалар сони 20 кишидан ошмаслиги) ва гурухларнинг хилма-хиллиги;

\* қўйилган вазифани бир хилда тушуниш (масаланинг аниқ қўйилиши ёки муаммони тавсифи);

\* эшлишишга ўрганиш ва бир-бирларини ғояларини ривожлантириш;

\* "ўйламасдан" айтилган ғоялар ва ҳазил-мутойибалар учун рағбатлантириш;

\* танқидга йўл қўймаслик ва баҳолашни муҳокама қиласлик;

\* вақтнинг чекланганлиги.

*Ёзма ақлий ҳужум*

Бундай машғулотни ўтишда ҳар бир иштирокчи қисқа вақт ичida 3 та ғояни ажратиб қофзга ёзиши мумкин. Бунинг учун:

\* қофзни 3 та устунга бўлиш;

\* юқори қисмга умумий муаммони ёзиб қўйиш;

\* ҳар бир устунга биттадан ғоя ёзиш;


\* ёзилган материалларни қўшнига узатиш;

\* аввалги ғояларни ўқиб чиқиш ва бир неча дақиқа давомида учта янги ғоялар таклиф қилиш;

\* қофзни бошқа қўшнига узатиш.

Индивидуал ишлар тугагандан сүнг, баён этилган ғоялар юзасидан гурухли мұхокама бошланади ва танқидий таҳлил асосида мунозара үтказилади.

"Ақлий ҳужум" машғулотини үтказилғандан кейин барча ғояларни матрица самарадорлиги ва амалга оширувчанлиги ёрдамида баҳолаш мүмкін. Бунинг учун ҳар бир ғоя 10 баллы шкала асосида самарадорлиги ва амалга оширувчанлиги эса графикда ифодаланади:



Нұқталар тарзіда маълум билимлар доирасида кесишишини ифодаланади.

Кейинги графикда самараси ва амалга оширувчанлиги юқори күрсаткічга мос келувчи нұқталар чизиб чиқылади. Расмда ушбу жой доиралар билан ўралған. Кейин чизиқлар ичига туширилған ғоялар барча синф ағзасынан билан мұхокама қилинади.

#### *Мунозара үтказыш методи*

Баҳсга лойиқ масалаларни ҳал этиш учун ҳар хил фикр-мулоҳазаларни аниқлаш ва барча иштирокчиларни ўз холосаларини баён этишгә имкон беріш мәксадида үтказилади. Бунга хиссиятта бериліб кетиши ҳолати ва интеллектуал рақибынан ёрдам беради. Мунозара иштирокчилари учун ўз ғояларини ҳимоя қилиш, ҳар қандай асосларни көлтириш, шунингдек, қарши далиллар көлтириш имконини ҳам беради.

Гурұхли мунозара иштирокчиларни қиындаудың көмекшесінде болады. Иштирокчиларнинг фикрлари мос келмаслиги мүмкін. Шунинг учун томонларни түқнашувиға олиб келмаслиги керак. Катта гурұхда мұхокама битта муаммо ёки мавзуу доирасида беради. Ушбу муаммо ёки мавзуу олдиндан режалаштирилса, мәксадға мувофиқ бўлади. Мунозаралар уч турға ажратиласы:

1. Кичик гурұхдаги мунозара (3-5 та иштирокчи)

2. Умумий мунозара (10-15 та иштирокчи)

3. Кўчма мунозара (иштирокчилар сони чекланмайди).

Кичик гурухда мунозара анча эркин ҳолда ўтказилиб, бунда иштирокчи сўзга чиқади ва тинглайди. Турлича фоялар иштирокчилар томонидан бир-бирларини яхши тушунишга ва мавқеларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Умумий мунозарада ҳар бир иштирокчига навбат берилади, бунда ўқитувчи ташкилотчи ва кузатувчи ролини бажаради.

Кўчма мунозара ўзининг ноёблиги билан ажралиб туради. Бунда ҳар бир иштирокчи ўз фикрини айтиши ва уни ўзгартириши ҳам мумкин.

### ***Ролли ўйинлар***

Ўйин бошланишидан иштирокчиларга маълум рол таклиф этилади. Одатда, булар ҳаётдаги типик шахслар ҳисобланадилар. Ролли ўйиннинг мақсади ҳар хил нуқтаи назардан кузатилаётган воқеага муносабатни аниқлашдан иборат. Бу воқеани англаб етиш, тушуниш, тажриба ва ҳиссиятлар ёрдамида фаолият кўрсатиш ҳамда тегишли кўникмаларни эгаллашга ўргатади.

Ҳар бир ролли ўйин кўп кирралидир, унинг ютуғи, мақсади, мазмuni, иштирокчиларни танлаш, ролларни тўғри тақсимлаш ва бажариш кабиларга боғлиқ. Баъзи бир ролли ўйинларни ўтказиша ўқувчилар бир неча кичик гурухларга ажратилади. Вазият кичик гурухларда муҳокама қилинади. Ролли ўйиннинг афзаллиги, унинг ўқув жарабёнининг бир шакли эканлиги:

- \* одамлар ҳулқини ўзгартиришга ёрдам беради;
- \* ҳаракатларнинг оқибатларини кўришга ёрдам беради;
- \* ўзаро мулоқотлар учун қулаг мухитни таъминлайди;
- \* муқобил йўлларни ахтаришга ёрдам беради;
- \* айни вазиятда ўзгаларнинг реакциясини кўришга ёрдам беради;
- \* иштирокчилар учун қизиқарли ва ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлади.

### **Эслатма:**

1. Ролли ўйинлар ҳар бир иштирокчи ўз ролини тўғри тушунса, аниқ кўрсатма ва бошланғич маълумотларга эга бўлса, анча самарали таълим олиш мумкин.

2. Ўйин машғулот давомида тугаши керак. Машғулотдан кейин ўйин ривожланиб, гурухда низолар келиб чиқмаслиги керак. Актёрлар ўйин охирида ролдан чиқиши керак.

3. Иштирокчилар ўртасида муносабат яхши бўлиши керак, акс холда мақсадга эришилмайди.

4. Ўйиннинг давом этиш вақти "актёрларга" боғлиқ бўлади. Шунинг учун вақтни ҳисобга олиш анча қийин бўлиши мумкин.

Ўйин тугагандан сўнг, унинг натижаларини муҳокама қилиш лозим. Бунинг учун иштирокчиларга ўз таассуротлари ҳақида бир неча фикр ва мулоҳазалар билдириш учун имкон берилади. Фикр алмашиб, машғулотга баҳо берилади.


Дарснинг босқичлари:

1. Ташкилий (дарсни бошланиши)  
2. Уй вазифасини текшириш  
3. Дарснинг асосий босқичи учун фаол ўкув фаолиятига тайёгарлик;

4. Янги билимларни эгаллаш;  
5. Янги ўкув материалыни ўкувчи томонидан ўзлаштиришнинг дастлабки назорати.

6. Билимларни мустаҳкамлаш.  
7. Билимларни системалаштириш ва умумлаштириш.  
8. Билимларни назорат қилиш ва назорат  
9. Дарсни якунлаш

10. Уйга вазифа ҳақида маълумот.





Методлар: Ўқитувчи  $\longleftrightarrow$  ўқувчи фаоллиги  
мақсаддага эришиш учун

Ўқувчилар билим олишининг ташкилий шакллари: индивидуал, жуфт, гурухли, фронтал.

### *3. Модулли таълим технологияси*

Экологияни ўқитиша модулли таълим технологияларидан фойдаланишда дарсда ўтиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрга эга бўлган қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисм бўйича ўқувчилар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириклари тузилади. Ушбу ўқув топшириклари асосида ҳар бир модул якунида савол-жавоб ўтказилиб холоса чиқарилади (Модул дастурининг турлари ва уларнинг мақсадлари жадвалда келтирилди).

Мазкур дарсларда ўқувчиларнинг билиш фаолияти модулларни кетма-кет ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир модулни ўзлаштириш жараёни ўқувчиларнинг яхлит билиш фаолиятининг элементи саналади, яъни бир дарссиз яхлит ташкил этилиши кўзда тутилган ўқувчиларнинг ўқув фаолияти мавзу ажратилган модулларга мувофиқ ҳолда ўқув фаолияти элементлари (ЎФЭ) дан ташкил топади. Агар дарсда ўрганиладиган мавзу мазмуни 4 та модулдан иборат бўлса, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти мос ҳолда 4 та ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ) дан ташкил топади. Модул дастурини якунлаш боскичи бўлиб, дарс якунида ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолашини амалга ошириш ҳисобланади.

Модулли таълимнинг асосий моҳияти, ўқувчилар модул дастури ёрдамида мустақил ишлашга асосланган ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсаддага эришишдир.

Модул дастурлари мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиқадиган модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг дарс давомида бажарадиган ўқув топшириклари ва улар юзасидан берилган кўрсатмалар, модул дастурини якунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради. Дарсларни ташкил этиш қўйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин:

#### *Кичик гуруҳларда ишлаш.*

Ўқитувчи кичик гуруҳларда ишлаганида дарсларда фаол иштирок этиш хуқуқини белгиловчи бошловчи ролида бўлишига, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назардан қадрлаш имконига эга бўлади.

1. Гуруҳларга бўлиниш. Ўқувчилар 5-7 кишилик гуруҳларга ажралади.

2. Ҳар бир гуруҳнинг фаолият йўналишини аниқлаштириш. Ҳар бир гуруҳга муаммо аниқ ва равshan кўйилади.

3. Зарур материаллар ва маълумотлар манбалари билан таъминланади.

4. Қўллаб-қувватлаш. Гуруҳлардаги иш жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватланади ва назорат қилиниб борилади.

5. Тадқиқот. Гуруҳларнинг муаммолари ечимига оид чиқишлар тингланади.

### **Модул дастурининг турлари ва уларнинг дидактик мақсадлари**

Модул дастурларининг дидактик мақсадлари	Ўқувчиларнинг индивидуал ишлашига мўлжалланган модул дастури.	Иккни ўқувчи ҳамкорликда ишлайдиган модул дастури	Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлайдиган модул дастури
Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим савиғини аниқлаш ва ортишиш	+	+	+
Мустақил ишлаш кўнгилмаларини ривожлантириш	+	+	+

Ўкув топширикларини бажариш суръатини ортириш	+	+	+
Ўзаро ҳамкорлик, ёрдамни вужудга келтириш	-	+	+
Ўз-ўзинни баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш	+	-	-
Ўзаро назоратни амалга ошириш	-	+	+
Ўзаро мулокотни вужудга келтириш	-	+	+
Ўкув баҳси ва мунозарани вужудга келтириш	-	+	+
Ижодий ишлаш ва мустакил фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш	+	+	+

Кўйида модулли таълим технологиялари асосида ташкил этилган дарсда ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ўкув билиш фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари билан танишамиз (Толипова Ж., Фофуров А.Т.).

### Модулли таълим технологияси қўлланилган дарснинг ўзига хос хусусиятлари

Ўқитувчининг фаолияти	Ўкувчининг ўкув билиш фаолияти	Кўзланган натижа
1-босқич. Ташкилий кисм. Ўкувчиларнинг мустакил ўкув билиш фаолиятини ташкил этади. Модул дастурининг дидактик мақсади ва ўкув топшириклари билан таништиради	Машғулот давомида бажариладиган ўкув топшириклари, топшириклар юзасидан берилган кўрсатмаларни англайди.	Ўкувчиларни модул дастурининг дидактик мақсади, модулларнинг хусусий дидактик мақсадига мувоффик ўкув билиш фаолиятини ташкил этишга ўргатиш.

2-босқич. Янги мавзуни ўрганиш. Үқувчиларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш. Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишили холларда ёрдам уюштиради.	Ўз ўкув билиш фаолиятини ташкил этади. Ўкув материалини мустақил ўзлаштиради, ўкув топширикларини тўлик бажаради, саволларга жавоб топади.	Асосий гояни ажратиш, мантиқий фикр юритиш, фикрини баён этиши ва асослаш кўникмаларини ривожлантириш, мулоқотга киришишга эришиш.
3-босқич. Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир модул якунидаги ўкув баҳси, савол-жавоб, мунозара, аклий хужум үтказиш.	Муаммоли вазиятлардан чиқишининг оптимал варианatlарини таклиф этади. Ўкув баҳси, савол-жавоб, мунозара ва аклий хужумда фаол иштирок этади.	Ҳар бир шахснинг интеллектуал ривожланишига имкон яратиш. Ўқувчилар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келтириш.
4-босқич. Модул дастурини якунлаш.	Модул дастурининг дидактик мақсадига мувофиқ ўз ўкув фаолиятини таҳлил қиласди, ўз-ўзини назорат ва баҳолашга ўргатиш.	Ўз ўкув фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва таққослаш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашга ўргатиш.
5-босқич. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш. Машгулот юзасидан тест топшириклари ёрдамида ўқитувчи назоратини амалга ошириш.	Тест топшириклари асосида ўз билимларини назорат қилиш, камчиликлари ва йўл қўйилган хатоларни аниглаш, уларга барҳам бериш йўлларини излаш.	Ўз ўкув фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш йўлларини аниглаш ва ўз устида ишлаш режасини тузишга ўргатиш.
6-босқич. Эришилган натижани таҳлил қилиш. Ўқувчиларга эришилган натижасига мувофиқ ҳолда мустақил ва ижодий иш топширикларини тавсия этиш	Ўрганилган мавзуга оид кроссворд, ребус ёки ижодий изланишили топширикларни бажаради.	Ўқувчиларнинг биологик билимларни ўзлаштириш даражасини орттириш.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг асосий гояси ўқувчиларнинг ўкув топширикларини нафақат биргалиқда бажариши, балки уларни ҳамкорликда ўқитиш, уларнинг ўртасида ўзаро ёрдам, ҳамкорликни вужудга келтириш саналади.

6. Баҳолаш. Гурухлар иши шархланади, баҳоланади ва хулоса қилинади.

### **"Чархпалак"**

Күйидә кичик гурухларда ишлашга мұлжалланған "Чархпалак" усули берилмокда. Мазкур усул ёрдамида ўқувчиларга ўрганиладиган янги материал бўйича мустақил билимга эга бўлиш, дарслик билан ишлаш малакасини олиш, ахборот алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш ҳуқуқларига эга бўлади. Услуб қўйидаги босқичлардан изборат:

- \* ўқувчилар б кичик гурухларга ажратиласди;
- \* ҳар бир гурухга алоҳида-алоҳида топшириқ берилади;
- \* ҳар бир гурух топшириқни бажариши учун зарур материаллар билан таъминланади;
- \* 15-20 дақиқа давомида гурухларнинг ишлаши ташкил қилинади. Ўқувчилар янги маериалларни мустақил ўрганади.
- \* ҳар бир гурухнинг фаолияти назорат қилиниб борилади, зарур бўлганда саволларга жавоб беради;
- \* ҳар бир гурух аъзоси ўз топшириғи бўйича ечимини алоҳида-алоҳида қайд қилиб боради;
- \* навбатдаги босқичда ҳар бир гурух аъзосига 1 дан 6 гача бўлган тартиб ракамлари берилади ва тартиб ракамлари бир хил бўлган ўқувчилардан янги гурух тузилади;
- 10-20 дақиқа давомида янги гурухларда ишлаш ташкил этилади; янги гурухнинг ҳар бир аъзоси ўз мавзусини бошқаларга тушунтириб беради. Натижада умумий мавзу бўйича яхлит ўзлаштириш таъминланади;
- \* дарс охирида ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш учун мустақил ўрганишга барча материаллар бўйича тест ўтказилади.

### **4. Табиатда ўтказиладиган ўйинлар**

#### **"Сөхрли объектлар"**

**Хамкорлиқда ўқитиши технологияси методларининг ўзига хос  
хусусиятлари**

Дарс-нинг бориши	Хамкорлиқда ўқитиши технологиясининг методлари				
	Командада ўқитиши	Кичик гурухларда ўқитиши	«арра» ёки «зигзаг»	«Биргалик-да ўқиймиз»	Кичик гурухларда ижодий изланиш
1. Ташкилий кисм	Ўкувчиларнинг дикқатини жамлаш, билиш фаолиятини фаоллаштириш				
2. Ўкувчиларнинг ўзлаштирган билимлари ни назорат қилиш ва баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тест топшириклари ёки дидактик карточкалар ёрдамида баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тест топшириклари ёки дидактик карточкалар ёрдамида баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тест топшириклари ёки дидактик карточкалар ёрдамида баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тест топшириклари ёки дидактик карточкалар ёрдамида баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тест топшириклари ёки дидактик карточкалар ёрдамида баҳолаш
3. Дарснинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш	Мавзунинг мақсади, мазкур методга асосланган дарснинг бориши, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништириш	Мавзунинг мақсади, мазкур методга асосланган дарснинг бориши, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништириш	Мавзунинг мақсади, мазкур методга асосланган дарснинг бориши, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништириш	Мавзунинг мақсади, мазкур методга асосланган дарснинг бориши, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништириш	Мавзунинг мақсади, мазкур методга асосланган дарснинг бориши, бажариладиган ўкув топшириклари билан таништириш
4. Янги мавзуни ўрганиш	А. Ўкувчиларни командаларга ажратиб, ўкув	А. Режа асосида янги мавзуни тушунтириш Б. Ўкувчи-	А. Белгиланган ўкув топшириклари ни «мутахассис»лар	А. Ўкувчиларни кичик гурухларга ажратиб,	А. Кичик гурухларда ижодий изланишларни

	топширик-лари, дидактик мақсад билан таништириш; Б. Ўкув материалини яхлит ҳолда қайта ишлаб чикиш	ларни кичик гурухларга ажратиб, ўқув топширик-ларини бажаришини ташкил қилиш.	томонидан тўлиқ бажарилишига эришиш. Б. «Мутахассис»лар учрашуви гурухини ташкил этиш.	ўқув топширик-ларини мустақил бажаришини ташкил этиш; Б. Ўкув материалини яхлит ҳолда қайта ишлаб чикиш.	ташкил этиш; Б. Ўкув материалини яхлит ҳолда қайта ишлаб чикиш.
--	--	---	--	--	---

### **"Хазиналар излаш"**

Ўйин иштирокчиларини табиат билан шахсан мулокотда бўлиш орқали, унинг қадриятларини англаб этишлари мақсад қилиб олинган. Гурухни табиат қучогига йигилади. Бошловчи ўйин шартлари билан таништиради. Бошловчининг ишораси билан иштирокчилар эркин ҳолда ҳаракатланадилар. Ҳар бир иштирокчи аста-секин ўзи учун сеҳрли жойлар топади ва бошқа иштирокчилар уни кўрмасликлари керак. 5-10 дақика давомида ўтириб атрофга назар ташлаб, барча сезги органлари ёрдамида атроф-муҳит ҳақидаги ахборотларни йигади.

Бошловчи қатнашчиларни қайтиши ҳақида ишора беради.

Барча иштирокчилар бошловчи ишора бергунга қадар сукут сақлаб турадилар. Иштирокчилар йиғилиб, сукунат тугагандан кейин улар ўз таассуротлари билан фикр алмашадилар.

Атроф-муҳитдаги хазиналар очиш учун барча сезгилардан фойдаланинг.

Жиҳозлар:

Сезгилардан фойдаланиш учун карточкалар топиш, қўпол, силлик, мафтункор, юмшоқ. Ширин, мазали ҳид, бадбўй ҳид берувчи қизил, сарик, зангори, оқ, яшил. Қандайдир жойни топинг: очик, соя-салқин, тинч, қизиқарли.

Барча гуруҳ текшириладиган ҳудудга боради. Ҳар бир иштирокчи 4-5 тадан карточкалар олиб, ҳудудлар бўйича тарқалади. Хазина топилган жойга иштирокчи карточка қолдиради.

Хазинани излаш вақтида ҳар бир иштирокчи уни излаш харитасини чизади. Гурухга қайтишдан аввал иштирокчи ўзига хазина йигиш учун ҳамкор танлайди ва йўлдаги карточкалар иғилади.

### **"Яша० учун кураш"**

Ўйин қоидаси: ўзингизни ҳайвонлар (ўтхўр, этхўр ва ҳаммахўр) сифатида тасаввур қилинг ва бунда сайёрамизда қандай яшашни синаб кўринг.

Жихозлар: бошга ўраш учун рўмоллар: 12 та ўтхўрлар учун яшил, 6 та ҳаммахўрлар учун ва этхўрлар учун 2 та қизил; касал ҳолатдаги 2 та иштирокчи учун қора рўмол, 8 та ўтхўрлар учун, 4 та ҳаммахўрлар учун, 2 та эрхўрлар учун, 8 та касаллар учун ҳаёт ёрликлари (биркалар). Ҳаётий ёрликлар учун 22 та илгаклар керак бўлади. 2 та "сув" карточкалар (ўйин бошлангунга қадар ўйин ўтказиладиган жойларга кўйиб қўйилади).

Ўйин ўтказиш учун табиий озиқ мактаб олдидағи майдон ёки ҳар қандай очиқ майдонларни танлаш мумкин.

Ўйиннинг бориши. Ҳар бир ўйин иштирокчиси ҳаётий ёрлиқ ва рўмолчадан олади, ҳайвонлар яшаб қолиши учун озиқа ва сув манбанини топишлари керак.

"Ўтхўрлар" табиий озиқа манбаларини (ўт, барглар) топишлари керак ва ўйин охирида йиғилган намуналарни бошловчига кўрсатишлари керак.

"Ҳаммахўрлар" табиий озиқалар, яъни "ўтхўр"ларни тутишлари керак. қўлга тушган ёки кўз остига олган ҳайвон "ҳаммахўрларга" биттадан ҳаётий карточкаларни беради.

"Этхўрлар" яшаш учун бошқа ҳайвонларни овлашлари керак. "Касал"лар атрофида югуриб юриб, қўлга тушганлар карточкаларини беради. Касал ҳайвон қўлга тушганда битта касаллик ва ҳаётий карточкасини бирга топширади.

Ўйин 40-60 дақиқага мўлжалланган.

"Овчи" (одатда бошловчи ҳисобланади) ўйиннинг охирги 5 дақиқасида иштирок этади. У "Ҳайвонларни ўлдириш" учун кўриниши керак.

"Ҳайвонлар" ўз ролларини бажаришлари керак (масалан: куёнлар дарахтга чиқа олмайдилар).

Вакт ўтиши ҳақида бошловчи хабар беради ва иштирокчилар муҳокама учун йигилади. Муҳокамада озиқа занжирлари, ифлосла-

ниш ва касаллик, ҳайвонларнинг сезгирилиги, яшаш учун кураш, овчининг роли кабиларга эътибор қаратилиши керак.

Экологияни ўқитишда назорат усуллари ва шакллари ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки назорат ҳам таълим жараёнидаги якунловчи асосий қисм ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган, изчил назорат шакллари, ўқувчи ва талабаларда масъулият, хотира, бурч ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиради. Фаол методлар ўқувчи ва талабаларнинг билим олишга бўлган интилишларини, мулоқот маданияти, ўз-ӯзини назорат қилишни, ақлан етукликни ва бошқа бир қанча ижобий хислатларни ривожлантириш имкониятини кенгайтирди.

Шу билан бирга, таълим жараённида ўзаро мулоқотни фаоллаштиради, маданиятни шакллантиради, ўқувчи ва талабалардаги масъулиятлилик, интизомлилик, таълим олишдаги бурчлиликни таркиб топтиради.

Куйида биз назорат шакллари, ўқув материалини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини ташкил этиш шаклларини, ўқитиш методларини ва ўқитиш воситаларини танлаш шаклларини келтирдик:

- Назорат шакллари
- 1. Назорат иши.
- 2. Индивидуал сұхбат.
- 3. Коллоквиум.
- 4. Синов.
- 5. Лойиҳани ҳимоя қилиш
- 6. Якуний назорат
- 7. Мустақил иш

#### Ўқув материалини ишлаб чиқиш

A.

Энг муҳим ўқув  
материалини  
танлаш

Ўқув материалининг  
тузилмасини яратиш

Мисоллар танлаш

Кўнишка ва  
мақолаларни  
шакллантиришга  
йўналтирилган,  
машқ ва  
масалаларни  
танлаш.

Б.

Үқув жараёнини ташкил этиш шаклларини танлаш

- |               |                       |                       |
|---------------|-----------------------|-----------------------|
| 1. Маърузалар | 3. Лаборатория ишлари | 5. Мустакил ишлар     |
| 2. Семинарлар | 4. Экскурсиялар       | 6. Амалий машгулотлар |

В.

Ўқитиш методларини танлаш

Дастлабки билимларни  
эгаллашга йўналтирилган

Билимларни такомиллаштириш, кўникма ва  
малакаларни шакллантиришга йўналтирилган

Г.

Ўқитиш воситаларини танлаш

Ўқув  
адабиётлар

Кўргазмали  
материаллар

Ахборот  
материаллари

Ўқув  
жихозлари

**Асосий тушунча ва таянч атамалар**

Интерфаол методлар, педагогик технологиялар, интерфаол методларнинг шартлари, "Ақлий хужум" методи, ёзма ақлий хужум, мунозара ўtkазиш методи, ролли ўйинлар, модулли таълим технологияси, кичик гуруҳларда ишлаш, табиатда ўtkазиладиган ўйинлар.

**Саволлар:**

1. Интерфаол методи тушунчасини айтинг?
2. Ўқитища янги педагогик технологиялар деганда нимани тушунасиз?

3. Янги технологияларни амалга ошириш учун қандай шартлар талаб қилинади?
4. "Аклив ҳужум" методининг афзаллиги нимада?
5. Модулии таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
6. Кичик гурӯхларда ишлашнинг шарт-шароитлари қандай?
7. Табиатда ўтказиладиган ўйинлар экологик таълим беришда қандай аҳамиятга эга?

## IV БОБ. ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ

### 11-мавзу. Экологияни ўқитишида ўқитиши воситаларидан фойдаланиши

Режа:

1. Экологик таълим-тарбияда фойдаланилайдиган ўқитиши воситаларининг турлари
2. Табиий ўкув воситалари
3. Тасвирий ўкув материаллари
4. Экологияни ўқитишининг аудивизуал воситалари

#### *1. Экологик таълим-тарбияда фойдаланилайдиган ўқитиши воситаларининг турлари*

Экология фанини ўқитишида ўқитиши воситалари ўкувчиларни дастур материалларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Маълумки, бунда ўкувчиларнинг материалларни ўзлаштиришлари давомида бир неча анализаторлар қатнашади. Шунинг учун ҳам экология фани ўқитувчисининг вазифаси турли хилдаги ўкув воситаларидан максимал даражада фойдаланиш ҳисобланади. У экология фанини ўқитиши жараённида ўзига хос ўкув материаллари ва услубларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўкув воситаларини икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Табиий ўкув кўргазмали материаллар;
2. Тасвирий ўкув кўргазмали материаллар.

#### *2. Табиий ўкув воситалари*

Табиий ўкув кўргазмали материалларга тирик ўсимликлар, ҳайвонлар, замбурууглар, бактериялар киради. Улар бевосита табиатда экологик майдончада ёки жонли бурчакда парваришланади. Уларга хона ўсимликлари, аквариум ва терроризмлардаги ўсимлик ва ҳайвонлар, шунингдек, жонсиз обьектлар, гербарий, материаллари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг коллекциялари, хўл ва куруқ препаратлар, чучело (тулум)лар киради. Ўкув жараённида тирик обьектлардан фойдаланиш ўкувчилар томонидан янги материалларни ўзлаштиришда катта рол ўйнайди. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли вакиллари мисолида тирик организмларнинг ташки муҳитга мослашишлари ва уларга айрим экологик омилларнинг таъсири натижасидаги ўзга-

ришлар, маълум турларнинг популяциясининг тузилмаси, динамикаси, айрим экотизимлардаги ўрни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Лаборатория машғулотларида ҳам жонли ва жонсиз объектлардан кенг фойдаланилади.

### **3. Тасвирий ўкув материаллари**

Тасвирий ўкув материаллари жумласига турли хилдаги жадваллар, ўкув суратлари, схемалар, графиклар, фотосуратлар, моделлар, муляжлар, диапозитивлар, диафильмлар, видео- ва кинофильмлар киради.


Кенг тарқалган тасвирий жадваллар ёрдамида биоценоз, биогеоценоз, экотизимлар, шунингдек, биосфера каби йирик тизимлар ва уларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқа боғланишлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг популяциясидаги худудий ҳатти-харакатлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Жадваллардан ташқари ўкув расмлари, схемалар, диаграммалар, хариталардан фойдаланилади. Масалан, ўкув хариталари сифатида Ўзбекистоннинг экологик харитаси, Орол ва Оролбўйи экологик харитаси, Ўзбекистоннинг геоэкологик харитаси ва бошқалар.

Экран воситалари, жумладан, диафильмлар ўқувчилар ўрганаётган мавзуларни ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Табиат ва инсон биосфера ёки чўл экотизими, Ўзбекистоннинг экологик аҳволи каби мавзуларни ўтишда жуда қулайдир.


Динамик характердаги экран воситаси сифатида кинофильмлар намойиш қилинади. Кино ёрдамида ўқитувчи бир неча дақикада табиатдаги ҳодиса ва жараёнлар (суткалик, ойлик, кўп йиллик циклик ўзгаришлар ва бошқалар) ни кўрсатиши мумкин.

Экология дарсларида мавзу мазмунига мувофиқ (аудивизуал дастурли, мультимедиали, гипердидали) таълим воситаларидан фойдаланиш анчагина устунлик қилиши билан, яъни ўрганилаётган объект ва ҳодисаларнинг барча босқичларини изчил кўрсата олади. Ўқитиши жараённада телекўрсатувлардан, компьютерлардан фойдаланиш ўқитиши сифатини оширади. Таълимнинг янги воситалари, матн ёки тасвирий ўқувчиларга етказишда қофоз, диск, слайд каби ахборот берувчи ва уни амалга оширувчи воситалар – проектлар, магнитофон ҳисобланади.

## Үкитиш воситалари



## Үқитиш жиҳозлари



Экология таълими воситалари сифатида ўкув матнлари мухим аҳамиятга эга бўлиб, улар таълимнинг янги воситаларидан (электрон дарсликлар, видеофильмлар, аудиодарслар, аудио ва видео кассеталар, видеодиск ва бошқалар) фойдаланилади.

Экологиядан яратилган электрон дарслик унинг бирор бир бўлимини компьютер ёрдамида мустақил ёки ўқитувчи ҳамкорлигига ўзлаштириш имкониятини таъминлайдиган дастур-методик мажмуадир. Электрон дарсликда маълум мавзуларни ўтишда бир қатор қулийликларга эга бўлиб, талабанинг мавзу бўйича ўзлаштириш фоизи ортади.

### **Табиий ўкув кўргазмали материалларнинг турлари**

#### ***Жонли обьектлар***

Ўкув жараёнида тирик (ўсимлик, ҳайвон, замбуруғ ва бошқалар) обьектлардан фойдаланиш ўқувчилар томонидан янги материалларни ўзлаштиришда катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам тирик обьектларни бошқа ўкув воситалари билан алмаштириб бўлмайди.

Баҳор ва куз фаслларида ўсимлик ва ҳайвонат дунёсининг вакиллари билан табиатда бемалол танишиш мумкин ва улардан демонстрацион ёки тарқатма материаллар сифатида фойдаланиш мумкин. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли-туман вакиллари мисолида тирик организмларнинг ташқи мухитга мослашишлари ва уларга айрим экологик омилларнинг таъсири натижасидаги ўзгаришлар, маълум турларнинг популяциясининг тузилмаси, динамикаси, айрим экотизимлардаги ўрни ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

#### ***Жонсиз обьектлар***

Кўпчилик табиий обьектлар олдиндан қуритилган ёки фиксиранган ҳолда сақланиши мумкин. Масалан, ўсимлик ёки ҳайвонларнинг намуналари ёки баъзи ички органлари ва бошқалар. Экологиядан лаборатория машғулотлари олиб бориш учун анатомик ҳолатдаги фиксиранган ўсимлик органларидан фойдаланилади. Бундай турдаги кўргазмали материаллар *хўл препаратлар* деб аталади.

#### ***Гербарийлар***

Гербарийларнинг намуналари ўсимликни табиий ҳолда сақлашга имкон беради. Йигилган ва қуритилган гербарийлар айрим мавзулар бўйича гурухланиши мумкин. "Ўсимлик ва ташқи мухит", "Ўсим-

ликлар популяцияси", "Фитоценозлар", "Агрофитоценозлар" ва бошқалар. Шунингдек, маълум экотизимлар бўйича (чўл, тог, тўқайзор ва бошқалар) доминант ёки эдификатор турлар, булардан ташқари ўсимликларнинг ҳаётий шакллари бўйича гербарий намуналари бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Гербарий материаллари ўкувчилар томонидан улар олиб борилган кузатиш ишларининг натижаларини кўрсатувчи материал сифатида тайёрланиши мумкин. Буларга ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қандайдир ташки муҳит омилиниң таъсири ёки ўсимликнинг ўсиш фазалари бўйича фенологик кузатишлар ва ҳоказолар мисол бўлади. Ўкувчилар ёрдамида "Ўсимликлар популяциясининг ёш тузилмаси", "Продуцентлар" ва "Ўсимликларнинг асосий ҳаётий шакллари" каби мавзуларда гербарийлар тайёрлаш мумкин.

### **Коллекциялар**

Куруқ препаратларга нисбатан умумий белгилари бўйича гурухланган обьектлар ҳисобланади. Коллекциялар, биринчи навбатда, ўкув дастурини бажариш учун олиниши керак. Кўпчилик коллекциялар давлат томонидан маҳсус ишлов берилган ҳолда тайёрланади. Улардан машғулотларда намойиш мақсадида ва мавзули кўргазмаларда фойдаланиш мумкин. Шунингдек коллекциялардан (чигирткалар, қўнғизлар) лаборатория ишларини бажаришда, ўкувчиларнинг мустақил ишларида дидактик материал сифатида фойдаланилади.

### **Тулумлар (чучело)**

Кўргазмали материалларининг бир тури тулумлар ҳисобланниб, экология фанини ўқитишида фойдаланиш мумкин. Масалан, сут эмизувчиларнинг (крот, цокор, кўрсичқон, кўршапалак, дала сичқони, юмонқозик) мисолида ушбу ҳайвонларнинг морфологик хусусиятлари (ўлчами, ранги) ташки қиёфаси, турли шароитга мослашиб томонлари ҳамда ҳаётий шакллари ва бошқалар билан ўкувчиларни таништирилади.

## **Тасвирий ўкув кўргазма материаллари турлари**

### **Жадваллар**

Экологияда кенг фойдаланиш мумкин бўлган кўргазма материаллардан бири ҳисобланади. Жадваллар мазмуни ва фойдаланиш характеристига кўра тасвирий, график, рақамли, матнли ва аралаш турларга бўлинади.

Кенг тарқалган тасвирий жадваллар (рангли) бошқа фанларда ҳам фойдаланилади. Ушбу жадваллар ёрдамида биоценоз, биогеоценоз ва экотизимлар, шунингдек, биосфера каби йирик тизимлар ва уларнинг компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқа бодланишлар, ўсимлик ва хайвонларнинг ташқи мухитга, ҳайвонлар популяциясидаги худудий ҳатти-ҳаракатлар ва бошқа экологик хусусиятларни кўрсатиш мумкин.

**График жадваллар** - схематик тасвирлар, чизмалар, диаграммалар ҳисобланиб, улар матн ва рақамлар билан тўлдирилган бўлади. Экология фанида бирор омилнинг тирик организмга таъсир этиши, популяцияларнинг ўсиши, ҳаётчанлик эгри чизиги ва бошқаларни график жадвалларга мисол қилиб олиш мумкин.

**Рақамли жадваллар** - асосан рақамлар мажмуидан иборат маълумотларга эга, унда баъзи бир матн ёки расмлар ҳам бўлиши мумкин. Рақамли жадваллар билан ишлаш популяциялар экологияси, индивидларнинг ёш тузилмаси босқичлари бўйича ёшларга ажратиш, демографик жадваллар асосида графиклар чизиш кабиларда кўл келади.

**Аралаши ёки мураккаб жадваллар** - матн, тасвир, график ва рақамлардан иборат материалларга эга бўлади.

Шундай қилиб, жадваллар ўкув кўргазма материаллари сифатида экологияни ўқитишида кенг фойдаланилади. Улар асосида ўкувчилар билан биргаликда ёки индивидуал ишлар олиб бориши мумкин. Маълумотларга бой жадваллар кабинетда муайян мавзуулар ўтилаётган даврда осиб кўйилади.

Кейинги йилларда Россияда мавжуд экологиядан дастурлар асосида умумтаълим мактаблари учун комплекс ўкув материаллари тайёрланиб, шу билан бирга серияли жадваллар ҳам тайёрланган. Келгусида Республикамизда ҳам экология фанини ўкув режасига киритилиши, шунингдек, дастурлар яратилиши билан жадвалларнинг ҳар хил турлари ва уларга илова сифатида услубий тавсияномалар ишлаб чиқиши керак.

Ҳозирча нашр этилган экологияга оид адабиётлар ва дастурлар асосида ўкувчилар ёрдамида жадваллар тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ишлар ўкувчиларнинг мустақил ишлашига ва экология фанига бўлган қизиқишини орттиради.

## **Ўқув расмлари**

Ўқувчиларга табиий ҳолда кузатиш қийин бўлган табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни ўқув расмлари ёрдамида кўрсатиш мумкин. Буларга тирик организмларда кузатиладиган биологик маромлар, Марказий Осиёнинг тоғли районлари учун хос бўлган вертикал минтақавийликни намойиш этувчи расмлар, тўқайлар, шаршаралар, шунингдек, денгиз тубидаги хаёт, тупроқ, сув, ҳаво муҳитларига, тирик организмларнинг адаптив радиацияси ва ҳоказоларни мисол қилиш мумкин.

Ўқув расмларининг хусусиятлари ва мавзусига кўра ажратиш мумкин ҳамда хонада маълум жойни эгаллаши лозим. Ўқув расмларидан кўргазма сифатида, баъзи ўқувчиларнинг мустақил ишларида, мавзули кўргазмаларда, альбом кабиларни тайёрлашда ва улардан ўқув тарбиявий ишларда кенг фойдаланиш мумкин.

## **Схемалар**

Бошқа ўқув кўргазма материалларидан фарки шундаки, улар учун маълум масштаб талаб этилмайди ва тасвирланган объектнинг ўлчами ҳам бўлмайди. Схемалар учун микдорий кўрсаткичлар ҳам бериш шарт эмас.

## **Диаграммалар**

Ўқитиш жараёнида кенг ишлатиладиган кўргазмали материаллар. Одатда диаграммалар рақамлар нисбатини ифодалаб, график тилда тушунтиради. Рақамлар ўқувчиларнинг ёд олиши учун эмас, балки табиатдаги ҳодисалар ва қонуниятларни аниқлашда ёки бирор омилнинг тирик организмларга (одамга) таъсирини кўрсатишда таққосласа бўлади. Диаграммалар чизиқли, устунли, доиравий турларга ажратилади. Шунингдек, ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмайдиган турлари бўлади. Махсус диаграммалар нашр этилмайди. Шунинг учун машғулотларда фойдаланиш (техник воситалар ёрдамида намойиш этишини хисобга олиб) мустақил тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқув хариталарининг мавзуси ва мазмuni ҳам экология ўқув дастурини акс эттириши керак. Улар "Ўзбекистоннинг экологик харитаси", "Орол ва Орол бўйи экологик харитаси", "Табиий зоналар харитаси", "Ўсимлик ва ҳайвонларнинг Ер шари бўйича тарқалиши хариталари"дир. Хариталар ёрдамида сайёрамиз бўйича ёки минтақавий экологик муаммолар, экологик ҳолат кабиларни тушунтиришида ҳамда ўқувчиларнинг турли мустақил ишларини ташкил этилади.

Агарда хонада тегишли мавзудаги хариталар бўлмаса, уларни ўқувчилар биргаликда тайёрлаши мумкин. Масалан, ўқувчилар билан "Куруқлик ёки океанлардаги бирламчи маҳсулдорлик", "Орол ва Орол бўйи худудидаги аҳолининг турли касалликлар билан касалла-ниш даражаси" ва шунга ўхшаш мавзудаги харитани тайёрлаш фанлараро боғланишни ташкил этади.

### ***Портретлар***

Экология курсини ўқитиши жараёнида йирик эколог олимларнинг портретлари, маҳаллий экологлар, ҳозирги даврда фаолият кўрсатा�ётган, яъни республикамида экологик аҳволни яхшилашда иш олиб бораётган нодавлат ташкилотлари (жамғармалари) ва уларнинг раҳбарларининг портретлари намойиш этилади. Бугунги кунда республикамида маҳсус нашр этилган эколог олимларнинг портретлари бўлмасада, лекин уларни маҳсус адабиётлардан фойдаланиб, катталаштириб чизиб олиш мумкин. Кабинетда бир неча эколог олимларнинг портретлари осилиб, унда экология соҳасига қўшган ҳиссаси, асосий илмий ишлари, ёзган китобларининг номлари кўрсатилиши лозим ҳамда баъзи бир асарларни ўқувчилар ўқиши учун тавсия этиш мумкин. Бу ўз навбатида ўқувчиларни эколог олимлар билан таништиришга ёрдам беради.

Экология фанининг йирик намоёндалари - Э.Геккель, Ч.Дарвин, В.Н.Сукачев, А.Тенсли, Ч.Эльтон, В.И.Вернадский кабилар билан бирга Абу Али ибн Сино, Д.Н.Кашкаров, Е.П.Каровин, Т.З.Зохидовларнинг Марказий Осиё минтақасида олиб борган экологик йўналишдаги ишлари билан айрим машғулотларда танишиш мақсадга муво-фик бўлади. Улар ҳакида ўқувчиларга асосий ҳаёт муҳитлари, биоце-ноз, экотизимлар каби мавзуларни ўтишда тўхталиш зарур. Портретларни ҳаммасини кабинетга осиб қўйиш шарт эмас, улар маҳсус папкаларда ёки альбомларда сақланиши мумкин. Улардан маълум мавзуларда машғулот давомида ҳамда эколог олимларга бағишлиланган кечалар ва бошқаларда фойдаланса бўлади.

### ***Фотосуратлар***

Кейинги йилларда фотосуратлар ҳам ўқув кўргазма материали сифатида фойдаланилмоқда. У ўзига хос услубий афзалликка эга. Фотосуратлар, айниқса, табиий шароитда кузатиш қийин бўлган объек-лар тасвири (космик суратлар, сув ости кўриниши) жуда қимматли хисобланади. Экология кабинетида фотосуратларни сақлаш учун маҳсус жой ажратиш керак. Улардан машғулотларда фойдаланиш

қулай бўлиши учун папкаларга солиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### ***Плакатлар***

Экология ўқитиши жараёнида, айникса, инсон экологияси бўлимида, санитария ва гигиена, табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, экология фанининг ютукларини намойиш этувчи ҳар хил давлат ва ҳалқаро жамғармалар томонидан нашр этилган плакатлардан машгулотларда ва мавзули бурчаклар ташкил этишда фойдаланилади. Масалан: Чекиш, ичиш ва гиёхвандликка қарши кураш бурчагида ана шундай плакатлардан кенг фойдаланиш мумкин.

### ***Моделлар***

Ўкув кўргазма материаларининг бир туридир. Ўқув моделлари бир неча турларга бўлиниб кетади. Улардан баъзи бирлари ҳаракатсиз (статик), баъзилари ҳаракатланувчи қисмга эга бўлади. Педагогик нуқтаи назардан ҳаракатланадиган моделлар қимматли хисобланади. Экология фанида моделларни ўкувчилар ёрдамида тайёрлашга ҳаракат қилиш керак. Моделлар популяциялар экологияси ва динамикаси, ҳамжамоаларининг трофик тузилмаси ва бошқалардан мувоффақиятли чиқиши мумкин. Хуллас, ҳар бир ўқитувчи машгулотлар учун зарур бўлган табиий обьектлардан иборат моделлар бўлишига ҳаракат қилиши керак.

### ***Муляжлар***

Кабинет шароитида ўкув жараёнида фойдаланиш учун бошқа фанларда, масалан, биологияда давлат томонидан тайёрланган ўсимлик мевалари ва илдизмевалар, замбуруғлар ва уларнинг мева таналари ва бошқа муляжлардан фойдаланилади. Муляжлардан ташқари майда ҳайвонлар, йирик ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли нусхаларидан ҳам фойдаланилади.

Нусхалар (муляжлар) ҳам обьекни уч ўлчамда аниқ кўрсатади. Экология фанидан ҳам биологик обьектлардан керакли мавзуларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари келажакда экологиянинг тирик организмларнинг ҳаётий шакллари ва ҳайвонларнинг экологик хусусиятлари каби мавзулари учун муляжларни тайёрлашни тақозо этади.

### ***Дидактик материаллар***

Табиий фанларни ўқитиши тажрибасида дидактик материаллардан кенг фойдаланилади. Дидактик материаллар демонстрацион (айрим

мавзуларни ўрганиш ва умумлаштиришда) ва тарқатма (ўкувчиларнинг мустақил ишлари учун йўналтирилган) турларга ажратилади.

Дидактик материаллар янги мавзуни тушунтириш ёрдамида доскага чизиш ўрнида фойдаланилади. Тасвирий дидактик материаллар маълум изчилликда тайёрланиши ва ўзига хос қиймати билан ажраблиб турди. Бундай ҳолларда ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланган бўлади.

Дидактик материалларга мавзувий карточкалар, ҳар хил табиий обьектлар, конструктив топшириқлар киради. Бундай материаллардан янги мавзуни ўзлартиришда ёки мустаҳкамлашда, баъзан ўрганилаётган мавзунинг моҳиятини очиш учун фойдаланиш мумкин. Дидактик карточкаларнинг сонига қараб индивидуал ёки гурухли машғулотлар ташкил этилади. Бунинг учун жами 15 та бир хил мавзудаги карточка бўлиши керак. Карточкалар матнли, график тарзда тузилиши ёки аралаш турларда тузилган бўлади. Матнли карточкаларда расмлар асосида топширик берилса, график тарзидаги карточкаларда эса расм маълум топшириқлар билан (тузилмаларни тасвирлаш, таққослаш, умумийликдан хусусийликни ажратиш кабилар) берилса, аралаш карточкаларда расм ва матнлар биргаликда берилади.

Карточкалар тайёрлашда ундаги саволлар, топшириқлар, расмлар дастур талабига мос келиши ва ўкувчилар томонидан бажара олиши хисобга олинади. Қўлда ясалган карточкалар билан биргаликда босмахоналарда тайёрланган карточкалар бўлиши мақсаддага мувофиқ бўлади.

Кейинги йилларда ҳам ўқитувчиларнинг дидактик материалларини тайёрлаш ва уларни нусхасини кўпайтиришда ксеракопиялардан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлинди. Экология кабинетидаги дидактик материаллар синфдан ташқари ишларни бажариш учун ҳам хизмат киласи. Айрим ўкувчилар ва гурухлар ўзлари ўкув кўргазма материаллари (қишлоқ хўжалиги ва экология, табиий ва сунъий экотизимлар, биосфера ва инсон) тайёрлашлари мумкин.

### *Мавзули стендлар*

Барча мавзули стендлар вақтинча бўлиб, уларнинг мавзуси маълум даврда алмаштирилиб турилади. Уларнинг мавзуси экология фанининг табиатни муҳофаза қилишдаги роли, республикамиздаги экологик муаммоларни ҳал этишдаги олиб борилаётган чора-тадбирлар, ўлкашуннослик ишларининг натижалари, фенологик кузатиш-

лар ва бошқа масалаларни қамраб олади. Айниқса, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган стендларга эътибор бериш керак. Бунда ўлканинг маҳсус муҳофазага олинган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларининг расмлари ёки фотосуратлари берилиши, шунингдек ўқувчиларнинг табиатда ўзини тутиш қоидалари кабилар ўрин олади.

Эпиграф сифатида ҳадислардан, табиатни муҳофаза қилишга тегишли қонунлардан ёки олим, ёзувчи, жамоатчи кишиларнинг башоратлари берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Лаборатория ишларини бажаришга тегишли стендлардан техник хавфсизлиги, микроскоп билан ишлаш қоидалари, тупрок, сув ва ҳавонинг ифлосланиш дарражасини аниқлаш методлари кабилар жой олади. Ўлкашунослик материалларига бағишиланган стендларни тайёрлашща жонажон ўлканинг гўзал ва ажойиб манзараларини фотосурати, пахтазор, буғдоизорлар, боғлар, яйловлар, тўқайзорлар ва бошқалар билан жиҳозланиши керак. Фотосуратлар ёки расмлар қисқа матн билан тушунирилса янада яхши бўлади. Масалан: "Пахтазор даласи экологияси" стендидаги гўза ўсимлиги, бегона ўтлар, минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар, сугориш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа маълумотлар келтирилади.

Маҳаллий ўлка шароитини ифодаловчи стендларда республика, вилоят ва туман фахрланадиган меҳнат ва илм аҳллари ҳакида маълумотлар бўлиши мумкин. Экологик йўналишдаги ўлкашунослик қишлоқ хўялиги, шаҳарларни кўқаламлаштириш ишларига амалий ёрдам беради.

Даврий янгиланиб турадиган стендлардан бири "Экологик хабарлар"га бағишиланган бўлади. Ушбу стенд унча катта бўлмай, унда экология фанининг ютуқлари, умумбашарий, минтақавий, маҳаллий экологик муаммоларнинг ҳал этилиши борасидаги ишлар, янги нашр этилган китоблар ва уларнинг қисқача мазмуни кабилар ёритилади. Стенддаги мавзуларни ўз вақтида янгилаш учун бирор ўқувчини ажратиб қўйиш мумкин. Бир неча йил давомида тўпланган қизиқарли маълумотлар тартибга солиниб, айрим мавзулар бўйича фойдаланиш мумкин. Бу ҳам ўз навбатида ўқув тарбия жараённида қўшимча материал сифатида кўлланилади.

#### **4. Экологияни ўқитишнинг аудивизуал воситалари**

Экология дарсларида интерфаол ва аудивизуал ўқитиш воситаларидан фойдаланиш куйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

1. "Комьютер-видеомагнитофон-проекцион курилма" – бундай дарсларда янги материални ўрганиш, ўтилган материални мустаҳкамлаш кабилар табиат ва жамият ўртасидаги қонуниятларнинг ривожлениши минтақавий маълумотлар асосида намойиш этилиши мумкин. Бунинг учун, албатта, ахборотнинг узатилиши интерфаол ва аудивизуал усулларда берилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Аудивизуал восита ўқувчига жуда катта маълум бир йўналишдаги ахборотлар оқимини беради. Булар ёрдамида экологик объектларни ва ҳодисаларни бемалол намойиш этиш мумкин.

Интерфаол восита ўқувчи ва ўқитувчини ахборотлар оқими билан бошқаришга, ўрганилаётган материални энг қизиқарли ва мураккаб жойларига дикқатни жалб қиласди. Мультимедиа каби янги имкониятлар амалда инсоннинг барча қабул қилувчи органларига комплекс таъсир этади ва унда экологияни ўқитишида фойдаланиш муҳим материалларни намойиш этишига катта ўрин беради.

### *Мультимедиа воситалари ёрдамида ўқитиши*

Мультимедиа каби интерфаол воситалар билан бирга аудивизуал воситалардан фойдаланиб тасвирни катта экранга тушириш ўқитиши жараёнининг кўргазмалилигини ва мотивизациясини тубдан ошириб юборади. Компьютер анимациялар экологик объектлар ва ҳодисаларни динамик ҳолатда кузатишдек имкониятни яратади. Катта экранда схемалар ва объектлар билан ҳодисалар гўё "жонланиб" кетади.

Дарсларни режалаштириш ва тавсиялар электрон дарсликда мужассамланиши мумкин. Уни ёрдамида ўқувчилар билан ҳар бир дарсда ишларнинг турли шакллари ташкил этилиши мумкин.

Электрон дарсликда экология фани мазмунни қуидагича ифодаланиши мумкин. Ўкув материаллари фақат матн шаклида ёки матн ва график шаклида ҳамда овозли, видео, анимация ва қисман матн шаклида, ниҳоят ҳис этувчи бирор жараённи амалга ошириш фаолияти ёки объектнинг харакатланиш тасаввурини яратиш шаклларида ифодаланади.

Дарсни режалаштириш қуидаги қисмлардан иборат бўлади:

\**мавзу;*

\**ўкув материалларининг асосий мазмуни;*

\**дарсдаги асосий тушунчалар;*

\**янги материални ўрганиш учун электрон дарсликдан фойдаланиш учун методик тавсиялар;*

\*дастлабки дарсда олинган билим ва кўниҳмаларни мустаҳкамлаш;

\*амалий ишларни ўтказишида;

\*ўқувчиларни мавзу бўйича назорат қилиши ва мажбурий экологик номенклатурадаги билимларни ўзлаштириши;

\*жисхозлаш;

\*дастурланган амалий ишлар;

\*хариталар билан ишлаш..

Дарсликдаги матнларга илова қилишда

Комплекс методларни табиий фанларда фойдаланишда ўқув намоиш этиладиган ахборотларни катта экранга ўтказиш керак бўлади. Бунда ўқув материаллари маълум масштабда намойиш этилади, шунингдек, санитария қоида ва нормаларига риоя қилиниши зарур. Комплекс методлардан фойдаланиб иш кўриш мультимедиа курсида максимал даражада фойдаланилади. Луғатдаги ва дарсликнинг матн қисмидаги материал намойиш этилади. Мультимедиа курси бўлимларидаги матнлар дарсда янги материални тушунтиришда ўқувчилар учун ҳам ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳамда бевосита дарсда ишлаш давомида ҳам фойдалидир.

### **Асосий тушунча ва таянч атамалар**

Ўқитиш воситалари, ўқитиш воситаларининг турлари, табиий ўқув кўргазмали материаллар, тасвирий ўқув кўргазмали материаллар, экран воситалари, жонли обьектлар, жонсиз обьектлар, гербарийлар, коллекциялар, жадваллар, дидактик материаллар, мавзули стендлар.

Ўқитишнинг аудивизуал воситалари, мультимедиа, электрон дарслик, амалий ишларни ўтказиш, хариталар билан ишлаш, комплекс метод.

### **Саволлар:**

1. Экология ўқитиш воситалари неча турдан иборат?
2. Табиий кўргазмали материалларнинг турларини санаб ўтинг?
3. Ҳозирги вактда таълимнинг қайси янги воситаларидан фойдаланилмоқда?
4. Жонли обьектларнинг ўқув воситаси сифатидаги аҳамияти қандай?

5. Экологияни ўқитишда ўсимлик гербариylари, ҳайвонларнинг тулумларидан фойдаланишнинг аҳамияти?
6. Лаборатория машғулотларида коллекциялардан фойдаланиш қандай материал ҳисобланади?
7. Тасвирий ўкув кўргазмали материалларга нималар киради?
8. Экологияни ўқитишда жадваллар, схема ва диаграммаларнинг роли қандай?
9. Дидақтик материаллар тайёрлаш ва фойдаланишнинг талаблари?
10. Ўқитишининг аудиовизуал воситалари қайси йўнаишларда олиб борилади?
11. Электрон дарслик бошқа дарсликлардан қандай афзаликларга эга?
12. Электрон дарслик билан ишлашда дарсни қандай режалаштириш мумкин?
13. Мультимедиа воситаси ўкувчининг билиш фаолиятида қандай аҳамиятга эга?

## **V БОБ. ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШГУЛОТЛАР**

### **12-мавзу. Экологик таълимда синфдан ташқари машгулотлар ва уларнинг тавсифи**

Режа:

1. Синфдан ташқари машгулотлар, уларнинг вазифалари ва шакллари
2. Экологик танловлар ташкил этиш
3. Экологик кечалар уюштириш
4. Экологик акциялар ташкил этиш
5. Экологик кўргазмалар ташкил этиш

#### ***1. Синфдан ташқари машгулотлар, уларнинг вазифалари ва шакллари***

Экологиядан синфдан ташқари ишлар дарсдан ташқари вақтларда ушбу фанга қизиқадиган ўқувчи ва талабалар иштироқида олиб борилади. Синфдан ташқари машгулотлар агар тўғри ташкил этилса, катта ўқув-тарбиявий аҳамиятга эга. Бундай машгулотлар ўқув режаси билан чекланмай, балки шу мавзулардан анча четга чиқади ва, асосан, ўқувчи ва талабаларнинг қизиқишилари асосида олиб борилади. Синфдан ташқари ишлар дарсларда олинган билимларни мустахкамлаш, тушуниб этиш ва чукурлаштиришга кенг имконият яратади. Иш жараёнида экология фанининг методлари – кузатиш ва тажриба методларидан фойдаланиш мумкин, бу эса ўқувчиларда илмий-тадқиқот ишларига қизиқиши оширади, келажақда касб танлашда катта имконият яратади. Бундан ташқари ўқувчи ва талабалар иш жараёнида ҳар хил тажрибалар ўтказиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўладилар ва табиат билан узвий алоқада бўладилар.

Синфдан ташқари ишлар шаклларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Танловлар ва акциялар ташкил этиш;
2. Экологик кечалар уюштириш.
3. Кичик қўриқхоналар ташкил этиш;
4. Экологик лагер ва сўқмоқлар ташкил этиш;

5. Кузатиш ва тажрибалар қўйиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;
6. Экология фанидан тўгараклар ташкил этиш кабилар.

## ***2. Экологик танловлар ташкил этиши***

Экологиядан билимларни системалаштириш ва оммалаштирувчи билимларни эгаллашга қаратилган.

Синфдан ташқари оммавий ва маърифий тадбирлардан бири хисобланади. Экологик танловларнинг жуда кўп турлари ажратилади:

1. Адабий экологик танловлар: ҳикоялар, айтишувлар, шеърхонлик, ҳазил-мутойибалар, латифалар, цитаталар ва бошқалар.
2. Мусиқий экологик танловлар: қўшиклар, лапарлар, ракс ва бошқалар.
3. Театрлаштирилган танловлар: экологик мавзудаги инценировкалар.
4. Бадиий экологик танловлар: расмлар танлови, фотосуратлар, плакатлар ва бошқалар.
5. Мантикий экологик танловлар, кроссвордлар, ребуслар, топшириқлар, топишмоқлар ва бошқалар.

## **"СУВ ҲАЁТ МАНБАИ" Республика кўрик танловининг НИЗОМИ**

### **1. Кўрик-танловининг мақсади**

Марказий Осиё худудида атроф-муҳитга боғлиқ бўлган бир қанча масалалар мавжуд. Эҳтимол уларнинг энг муҳими тоза сувни ҳаддан кўп ишлатиш ва исроф қилиш масаласидир. Бу Ўзбекистонда катта мумаммо. Агар сувимиздан эҳтиёткорроқ бўлиб фойдаланмасак, 2010 йилга келиб, сувни жиддий эҳтиёж муаммосига айлантирамиз. Шу сабабдан сувдан тежаб-тергаб фойдаланишини кафолатлаш учун келажак авлодга ҳозирданоқ уқтириш ишларини олиб бориш катта заруратга айланган.

Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад:

\* сув муаммоси ҳақида ўқувчиларни хабардорлиги, билими ва тушунчасини ошириш;

\* ўқувчилар, ота-оналар ва мактабларни сувдан фойдаланиш борасида онгли равишда фикрлашга ва уйда, мактабда сувни тежашга ўргатиш.

## **2. Кўрик-танловни ўтказиш тартиби**

Кўрик-танловнинг Республика якуний босқичи одатда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кўрик-танловда мактаблар иштирок этади. Ҳар бир таълим муассасасида кўрик-танловни олиб боришга масъул бўлган ўқитувчи, 5-9 синфлардан битта ўқувчини ёки 5-9 синф ўқувчиларидан энг кўпि билан 30 нафар ўқувчидан гурух тузиб, улар билан иш қўлланма асосида дарс ўтади. Ўқитувчи энг камида 3 та дарс ишланмаси тайёрлаши керак (дарс ишланмалари қайси синфда, қай мавзуда, қандай усуллар асосида олиб борилиши ўқитувчи томонидан аниқланади).

Гурӯҳ томонидан мазкур дарслар ўтгандан кейин сувни тежаш бўйича лойиҳа тайёрланади. Лойиҳага қўйилган талаблар кўйидагилардан иборат:

- \* синф ўқувчиларининг рўйхати;
- \* лойиҳанинг мавзуси;
- \* лойиҳанинг долзарблиги;
- \* лойиҳанинг мақсади;
- \* лойиҳанинг вазифаси;
- \* лойиҳани амалга ошириш йўллари;
- \* кутилаётган натижа;
- \* бюджет (сарфланадиган маблағ 500 минг сўмдан ошмаслиги керак);
- \* лойиҳани тайёрлаш жараёнида олиб борилган ишлар, дарс жараёни фотосуратларга олиниб ишчи гуруҳига тақдим этилиши шарт.
- \* жорий йилнинг 10 апрелгача ўқитувчи иш жараёнида фаол иштирок этган 3 та ғолиб ўқувчини танлаб олади. Танлаб олинган ғолиб ўқувчиларининг кўйидаги ҳужжатлари (ложиҳа, 3 та дарс ишланмаси, ўқитувчи ва 3 та ўқувчи тўғрисида тўлиқ маълумотлар) халқ таълими вазирлигининг маънавий ва маърифий ишлар бошқармасига юборилади.

## **3. Экологик кечалар уюштириши**

Ўқувчилар маърифий фаолиятида экологик кечалар катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда "Қушлар куни", "Гуллар байрами", "Ҳосил байрами", "Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни" ва бошқа кечаларни уюштириш мумкин.

Кўйида "Атроф-мухитни муҳофаза қилиш куни" байрамини ташкил этиш бўйича йўналишлардан бирини келтирамиз:

"Атроф-мухитни муҳофаза қилиш куни" байрамини ташкил этиш.

Ўқувчиларни атроф-мухитни жавобгарлиги руҳида тарбиялашда ҳар йили ҳалқаро миқёсда ўтказиладиган "Атроф-мухитни муҳофаза қилиш куни"га бағишиланган экологик мазмундаги байрам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу байрам куни ўқув йилининг тугашига тўғри келиши муносабати билан уни май ойининг охирларида ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқувчилар байрамга тайёргарлик давомида табиатни муҳофаза қилишнинг айрим томонлари ҳақидаги билимларни эгаллайди ва чуқурлаштиради. Шунингдек, ташкилотчилик ишлари юзасидан тажрибалар орттирадилар. Булардан ташқари, ўқувчилар табиатни муҳофаза қилиш ғояларини тарғиб қилиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Байрамнинг асосий мақсади ҳам ўқувчиларда кишилар ўртасида чиқишлиар, мулокот каби кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда уларни табиатни муҳофаза қилиш ишларига жалб қилишдан иборат.

Байрамга тайёргарлик бошланганда уларнинг ишлари натижасини ўқувчиларнинг ўз ўртоқлари, ўқитувчилар ва ота-оналар баҳолашлари ҳақида билишлари керак. Ана шундай ташкил этилган ишлар авлодлар ўртасидаги боғланишларни намоён қиласди ҳамда муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Байрамни шартли равишда учта босқичга ажратиш мумкин:

1-босқич. Табиатни муҳофаза қилишга оид мавзуларда митинг. Адабий-мусиқий композиция тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, расмлар чизиш ва кўргазмалар ҳамда бошқа ижодий ишларни ташкил этишдан иборат.

2-босқич. Тантанали кечада (ўқувчилар ва катталар қиска публицистик характердаги чиқишлиари ҳамда адабий-мусиқий композицияни ташкил этган ўқувчилар, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат мавзусидаги чиқишлиарнинг, кўргазмаларнинг очилиши кабилар эътиборга олинади).

3-босқич. Ўқувчилар ва ота-оналарга ташкил этилган кўргазма бўйича экскурсия ўтказиш.

Байрам умумий ёки ҳозирги даврдаги экологик муаммоларга бағишиланиши мүмкін бўлган маълум шиорга эга бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: "Тоза экологик мухит - соғлом турмуш гарови", "Сув ҳаёт манбаи" ва ҳоказо.

Байрамга тайёргарлик бошланишида ташкилий кўмита тузилади. У ўқувчилар орасида ушбу байрамни ўтказишнинг мақсади ва олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар экологик гояларни ёйишига йўналтиради. Кўмита раиси ота-оналар кўмитаси билан боғланиб, иштирокчиларни рағбатланирувчи жамгармани яратиш билан шуғулланади. Бир гурух ўқувчилар хакамлар ҳайъати тузиш ишлари билан банд бўлади.

Хакамлар ҳайъати барча босқичлар бўйича тайёрланган ишларни ўқувчиларнинг чиқишилари ва экскурсовод фаолиятини баҳолайди.

Бунинг учун баҳолаш мезони ишлаб чиқилади.

#### ***4. Экологик акциялар ташкил этиши***

Акция нима эканлиги ҳакида тушунча бериш керак. Табиатни муҳофаза қилишга бағишиланган "Кушлар куни" дастурининг намунаси (шаҳар истироҳат боғларида, дала ва боғларда ўтказилади).

Акциянинг мақсади ёш авлодни қанотли дўстларни муҳофаза қилиш, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш.

Табиатни муҳофаза қилишга бағишиланган акцияда мактаб ўқувчилари, Республика ўлкашунослиги ва туризм, БИОЭКОСАН ва бошқалар иштирок этишилари мүмкин.

Тадбирни ўтказиш режаси.

1. Тайёргарлик босқичи феврал-март. Дала ва боғларда, ўрмонларда, истироҳат боғларида маълум миқдорда тайёргарлик (инларни таъмирлаш, ясаш ва х.к.). Энг яхши куш инларини ясаган ва расмлар танлови эълон қилинади.

2. 1 апрелда кушларнинг инлари керакли жойларга маълум сонда осилади, "Кушлар" кунига атаб деворий газета чиқарилади.

3. Оммавий ахборот воситалари иши: ўқувчиларнинг радиода чиқиши, газеталарга мақолалар тайёрлаши ва х.к.

4. Ўқувчилар орқали "Кушлар" куни акциясига бағишиланган варақаларни тайёрлаш ва аҳоли орасида тарқатиш.

5. Маданият уйлари, ўқувчилар саройларида расмлар кўригини ташкил этиш.

6. Ўқувчилар агитбригадаларининг аҳоли ўртасида чиқишилари.

7. 10 апрелда акциянинг якунини ўтказиши.

### *5. Экологик кўргазмалар ташкил этиши*

Таълим муассасаларида экспедиция ва лагерлар каби тадбирларда йигилган материаллар ва топилмаларни кўргазмасини ташкил этиш мумкин.

Бунда кўргазма материал билан биргаликда, тегишли адабиётлар ҳам зарур бўлади. Кўргазма ўтказилгандан кейин иложи бўлса йигилган объектлани ўз жойига қайтариб қўйилса яхши бўлади (бунда ўқувчиларга табиий жараёнларга аралашмасликлари кераклиги эътиборга олинади).

Ўкув муассасаларида қатор мавзули кўргазмаларни ташкил қилиш мумкин. Масалан, ўрмон топилмалари, тоғ жинслари, ўсимликларнинг турли ҳаётий шакллари, тиканли ўсимликлар, кушлар, уй хайвонлари ва бошқалар.

Хар бир кўргазма материал учун ном бериш керак, масалан, ўсимлик бўлса у қайси бўлим, синф, туркумга оид ва бошқалар. Кўргазма материаллар вакти-вақти билан янгиланиб турилади.

Кўргазма билан биргаликда экологик материалларни алоҳида ажратиш мумкин ҳамда қизиқувчилар учун газета ва журналдаги мақолалар, расмлар, плакатлар ва бошқаларни осиб қўйиш мумкин.

Экологик кўргазмалар табиий материаллардан ва чиқиндилардан тайёрланганлиги жуда қизиқарли бўлиши мумкин. Жумладан, чиқиндига ташлаб юборилаётган кераксиз материаллардан сувенирлар, турли безаклар, ўйинчоқлар ясад қўйиш мумкин.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Экологик танловлар, "Сув ҳаёт манбаи" танлови, экологик акциялар, "Кушлар" куни акцияси, Республика ўлкашунослиги, туризм, БИОЭКОСАН, экологик кечалар, "Атроф-муҳит муҳофазаси куни", экологик кўргазмалар ташкил этиш, кўргазма учун объектлар, мавзули кўргазмалар.

### **Саволлар:**

1. Экологик танловларни ташкил этишдан мақсад нима?
2. "Сув ҳаёт манбаи" кўрик танловининг мақсади ва ўтказиш тартиби ҳақида айтиб беринг?
3. Экологик акциялар ҳақида тушунча беринг?

4. Тадбирлар ўтказиши асосий босқичлари ҳақида айтинг?
5. Акциялар ўтказиш тартиби қандай?
6. Қандай мавзуларда кечалар уюштириш мүмкин?
7. "Атроф-мухитни муҳофаза қилиш" қуни байрамини ташкил этишнинг моҳияти нимадан иборат?
8. Экологик кечалар ва унинг босқичлари ҳақида айтинг?
9. Экологик кўргазмалар ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад?
10. Қандай объектлардан экологик кўргазма ташкил этиш мүмкин?
11. Мавзули кўргазмалар ташкил этишда нималарга эътибор бериш керак?
12. Экологик кўргазмалар янада қизиқарлироқ бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак?

## **13-мавзу. Синфдан ташқари машгулотлар**

**Режа:**

1. Экологик лагер ва экологик экспедициялар ташкил этиш
2. Экологик сўқмоқлар ташкил этиш
3. Ўкув сўқмоқларини ташкил этишининг вазифалари
4. Экологик экскурсиялар ташкил этиш

### ***1. Экологик лагер ва экологик экспедициялар ташкил этиши***

Экологик лагерлар ва экспедициялар ўкувчиларни, экологик маърифий иш шаклларидан бири бўлиб, у ўкувчиларни табиатга чикиш орқали жонажон ватанни ўрганишга йўналтирилган.

Дастлаб лагер ва экспедицияни ташкил этиш режаси ишлаб чикилиши зарур, бунинг учун қуидагиларга эътибор бериш керак:

1. Лагер ёки экспедицияни мавзуси ва йўналишини аниқлаб олиш.
2. Лагер ёки экспедиция иштирокчиларини зарурий тирикчилик воситалари билан (озик-овқат, тиббий хизмат, турар жой, дам олиш, спорт анжомлари ва бошқалар) таъминлаш.
3. Маънавий-маърифий ишларни режасини тузиш (суҳбатлар, дискуссиялар, маърузалар, ўкувчиларнинг мустақил ишлари ва кечалар, викториналар, спорт мусобақалари ўтказиш, ўйинлар ва бошқалар).
4. Экологик лагер ва экспедицияларни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар ва ресурслар.

Лагер ёки экспедицияга жўнашдан олдин ўкувчилар ўсимлик ва ҳайвонларнинг аниқлагичлари билан ишлашни ўрганиб олишлари керак. Ўлкашунослик, геология, ботаника, зоология каби илмий адабиётлар билан танишиб чиқишилари керак.

Ҳар бир ўкувчи ёки гурух ушбу йўналишда нималар билан шугулланишлари ҳақида олдиндан топширик олган бўлишлари керак. Ҳар йилги мавзули экспедициялар (қўриқхоналарга) ўкувчиларни фақаттинга табиатни ўрганишга эмас, балки уни муҳофаза қилиш ишларида иштирок этишига ҳам ўргатади.

Экспедицияларда ўкувчилар билан бирга қўриқхона ёки миллий боғларда турли лойиҳалар билан иш олиб бораётган мутахассислар иштирок этса мақсаддага мувофиқ бўлади.

## **2. Экологик сўқмоқлар ташкил этиши**

Экологик сўқмоқлар ташкил этишда у ерга ташриф этувчиларга таълим-тарбия беришдан иборат.

Экологик сўқмоқларнинг вазифаси:

1. Атроф-мухитдаги жараёнлар ва ҳодисалар ҳамда маълум обьектлар бўйича дастлабки маълумотларни ўрганиш ва чукурлаштириш.

2. Сўқмоқ йўналишидаги дуч келадиган турли антропоген омилларнинг намоён бўлиши ва унинг таъсиrlарини баҳолай олиш;

3. Умумий маданиятнинг таркибий қисми сифатида, экологик маданиятни кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамда табиат билан инсон ўртасидаги муносабатлар орқали шакллантириш.

Табиат сўқмоқлари ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни кенг ёйишга имкон беради. Экологик таълим ва тарбиянинг табиатдаги сўқмоқларда олиб бориш жараённинг хусусияти шундан иборатки, бунда инсон табиий атроф-мухитга нисбатан миллий қадриятлар, ахлоқий нормалар, идеалларни ва турли ахборотларни эгаллайди.

Табиий сўқмоқларда таълим ва дам олиш каби вазифаларни тўғри ташкил этиш, ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

## **3. Ўқув сўқмоқларини ташкил этишининг вазифалари**

Шундай қилиб, ўқув сўқмоқларини ташкил этиш куйидаги муҳим вазифаларни амалга оширади:

1. Экологик таълим.
2. Экологик тарбия.
3. Ташриф буюрувчиларни дам олиши.
4. Табиатни асраш.

Анъанавий сўқмоқлар қўриқхоналар, буюртмахоналар, миллий боғлар атрофида ташкил этилиши керак. Бунда сўқмоқ билан биргалиқда ҳимоя йўлаги ажратилади. Унинг эни ҳар хил бўлиши мумкин. Агарда ўрмонни сўқмоқ кесиб ўтадиган бўлса, унда йўлак учун икки томондан бир неча метр, очик жойларда эса бу бир неча ўн метрни ташкил қилиши мумкин. Сўқмоқ бўйлаб ҳимоя йўлагини ташкил этишдан мақсад у ҳудуддан хўжалик мақсадида фойдаланмасликдир.

Бундан ташқари ўқув сўқмоқлари шаҳар ўрмон парклари, дам олиш зоналари, шахардаги яшил масканлар, шунингдек, чўл, дашт, тогли ҳудудларда ташкил этилиши мумкин. Сўқмоқлар мактаб, касб-

хунар колледжлари теварак-атрофларида, ўқувчи ва талабалар қучи билан ташкил этилиши мумкин. Ана шундай йўналишлар ўқув экологик сўқмоқчар деб ном олган.

Ўқув экологик сўқмоқчар қатор ўзига хос хусусиятлар сўқмоқни ташкил этиш, ундаги обьектлар мажмуаси ва жойланиши ҳамда ташвиқот-тарғибот ишлари билан боғликдир.

Ўқув экологик сўқмоқчар уч турдаги ташриф этувчиларга мўлжалланган:

1. Педагог ва тарбиячилар, талабалар.

2. Мактабгача тарбия муассасаларининг катта гуруҳ болалари, мактаб ўқувчилари ва касб-хунар колледжлари талабалари.

3. Барча аҳоли учун.

Ўқув экологик сўқмоқчар ташриф этувчилар учун табиатнинг энг сўлим ва хилма-хил маълумотлар олиш имконини бера олиши мумкин бўлган, шунингдек, эстетик завқ бера оадиган ва бориш кулагай бўлган жойлардан танланиши лозим.

Ўқувчи ва талабалар учун йўналиш обьекти тахминан 2-2,5 соатга мўлжалланган, масофаси эса 2 км ни ташкил этган бўлиши керак.

Сўқмоқдан олинадиган маълумотларни шартли равишда 3 га ажратиш мумкин:

\* билиш, ўрганиб бориш;

\* маърифий;

\* йўл-йўриқ олиш, ёзиб бориш.

Ҳар бир маълумот муайян йўналиш ва обьектларга эга. Масалан, табиий обьектлар билиш ва ўрганиб бориш бўйича маълумотнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Булар ўсимлик, ҳайвон турлари, рельеф шакллари, тупроқ, топ жинслари, жонли ва жонсиз табиатнинг бошқа унсурлари.

Ташриф этувчиларнинг диққатини ўқувчилар томонидан табиий атроф-муҳитни муҳофазаси борасидаги ишлари ўзига жалб қиласди. Шунинг учун йўналиш бўйича ўқувчилар табиатни муҳофаза қилишга оид, ижтимоий фойдали ишларни бажаришлари мақсадга мувофиқдир. Буларга сўқмоқнинг ўтиш жойларини ташкил этиш, ҳашоратлар учун кичик буюртмахоналар, қушлар учун сунъий уялар ва озиқа учун мосламалар ясаш ва бошқалар киради. Ана шундай обьектлар ўқувчи ва талабалар учун илмий тадқиқот характеристидағи ишлар бўлиб ҳисобланади. Олинган натижалар ёш экскурсоводлар томонидан ташриф этувчиларга ҳикоя қилиб берилади.

Сўқмоқдаги махсус объектлар сифатида табиат ёдгорликлари ҳисобланishi мумкин. Улар ўтган узоқ ўтмиш ҳақидаги воқеаларнинг гувоҳи сифатида кўпгина маълумот бериши мумкин.

Маърифий сұхбатлар ташкил этишга инсоннинг табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича кўзга ташланиб турган антропоген ландшафтлар мисол бўла олади ва ҳоказо.

#### *4. Экологик экскурсиялар ташкил этиши*

Экологик экскурсиялар синфдан ташқарида табиатда, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришларида, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, музейлар, кўриқхона, буюртмахона, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа жойларда ўтказиладиган ўқув характеристидаги машғулотлардир. Экскурсия, асосан баҳорда ва кузда табиатда ёки муҳофазага олинган худудларда ўтказилса, музейларга ташкил этиладиган экскурсиялар дастурда кўрсатилган материалларни мустаҳкамлаш учун режа асосида ўтказилади.

Дастур бўйича қуидагича экскурсиялар ташкил этиш мумкин:

- \* тирик организмларнинг яшаш мухитига мослашганлиги;
- \* табиий популяциялар тузилмаси ва динамикаси;
- \* тирик организмларнинг биргаликда яшашга мослашиши;
- \* ҳамжамоалар таркиби, тузилмаси ва динамикаси;
- \* сунъий экотизимларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- \* ҳамжамоалардаги ўзгаришлар;
- \* одам ва унинг саломатлиги;
- \* атроф-муҳит ҳолати ва уни яхшилаш;
- \* маҳаллий экологик муаммолар.

Экскурсия ўкувчиларни воқеа ва ҳодисаларни бевосита кузатиш, табиий шароитда ўрганиш имконини беради. Ўкувчилар тирик организмларни яшаш шароити ва унга мослашиш томонларини билиб олади.

Кишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришларига уюштирилган экскурсияларда экологик билимларнинг амалда қандай кўлланилаётгани кабиларни билиб олади.

Экскурсиянинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. У ўкувчиларда онгли интизом, ўртоқлик ва дўстлик, ташаббускорлик ва ҳаваскорлик хислатларини тарбиялайди. Шунингдек, тетик ва соғлом, эстетик туйғулар, Ватанга муҳаббат каби туйғулар шаклланади. Экскурсия давомида ўкувчиларнинг бажарган ишлари экологик кўнімаларни

хосил қылса, иккинчи томондан, улардан дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мүмкин.

Экскурсияга тайёргарлик ишлари күйидаги амалга оширилади:

1. Экскурсиянинг мавзуси ва мақсади белгиланади.
2. Ўқитувчи томонидан эксперсия учун жой ва маршрутни белгиланади, тегишли жиҳозлар тайёрланади.

Экскурсиянинг режаси тузилиб тегишли методлар, дидактик материаллар ҳисобга олинади. Экскурсияга тайёргарлик кўриш учун ўқувчилар олдиндан огоҳлантирилади ва тегишли адабиётлар билан танишиш вазифа қилиб берилади.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши ва бошқа шунга ўхшаш эксперсияларда унинг вақти тўғрисида хўжалик ёки муассаса билан келишиб олинади.

Экологиядан ўтказиладиган эксперсияларда күйидагилар ҳисобга олиниши керак. Экскурсия ўқитувчининг кириш сухбати билан бошланади. Бунда эксперсиянинг мавзуси, мақсади ва ўтказиш тартиби тушунтирилади. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, уларга мустақил топшириқлар берилади. Экскурсиянинг асосий қисми эксперсия ўтказиладиган жойдаги обьектларdir. Объектларни кўрсатиш ва тушунтириш сухбат йўли билан изчиллик билан олиб борилади. Экскурсияда мустақил ишлар ташкил этиш билан ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамланади.

Экскурсияни ўтказиш учун амалий маслаҳатлар

1. Экскурияга олдиндан тайёргарлик кўриш керак. Бунда күйидагиларга эътибор бериш керак:

- \* эксперсиянинг мавзусини танлаш;
- \* эксперсиянинг режасини тузиш;
- \* эксперсия ўтказадиган жой билан олдиндан танишиш;
- \* эксперсияга борувчи талабалар билан эксперсияда қандай масалаларга эътибор беришлари ҳамда қандай кийинишлари кераклиги, нималар олишлари кераклиги келишиб олинади;
- \* талабаларни табаитда ёки ишлаб чиқариш корхоналарида ўзларини тутиш қоидалари билан таништириш.

2. Экскурсия жиҳозлари тайёр бўлиши керак. Гидробиологик эксперсия учун кўйидаги минимум жиҳозлар талаб этилади (сачоқлар, банкалар, кюветалар, пинцетлар, пипеткалар). Буларни эксперсиявозд олиши зарур. Экскурсиядан сўнг жиҳозларни ювиб куритиш керак.

4. Экскурсия давомида кўрсатиш мумкин бўлган объект ҳақида гапирилади. Экскурсовод умумбиологик ва умумэкологик мавзуларини назарий билимларини муҳокама қилишни таклиф этиши мумкин. Шубҳасиз, экскурсия амалий аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиниши керак. Экскурсияда баъзи бир тирик объектларни, айниқса, ҳайвонларни тутиб, талабаларга намойиш қилиш мумкин. Айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг табиий ҳолдаги яшаш жойларини гуруҳларга кўрсатиш мумкин.

4. Иложи борича ўрганиладиган объектлар ҳақидаги маълумотлар ўқитувчи ва талабаларнинг қўлида бўлгани мақсадга мувофиқ. Объектлар кўрсатиш, тушунтириш сухбат йўли билан олиб борилиши керак.

Талабалар тирик объектларни кузатиб ўрганаётганда вакт ҳам ҳисобга олишини керак.

5. Талабаларнинг экскурсия давомида фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Талаба ва ўкувчилар объектларни фаол ўрганишлари ва ўқитувчининг маълумотларини тинглашлари зарур. Шунингдек, талабалар дафтарларига баъзи объектлар ҳақидаги маълумотларни ёзиб олишлари керак.

Экскурсияда гуруҳлар билан мулоқот амалга оширилиши керак. Бунинг учун талабаларни қизиқтирувчи саволлар ва топшириклар тайёрлаб қўйилиши керак.

6. Талабалар хотирасида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш. Бунинг учун ҳар бир талабанинг экскурсия учун тутган дафтарларига ёзиб бораётганligини назорат қилиш лозим. Экскурсия тугагандан сўнг, ёзилган маълумотлар юзасидан (15-20 дақиқа) сухбат ўtkазиш керак.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Экологик лагер ва экологик экспедициялар, маънавий-маърифий ишлар, дискуссиялар, викториналар, спорт мусобақалари ўтказиш, экологик сўқмоқлар, экологик таълим, анъанавий сўқмоқлар, кўриқхоналар, буюртмахоналар, миллий боғлар, ҳимоя йўлаги, маҳсус объектлар, маърифий сухбатлар.

### **Саволлар:**

1. Экологик лагерни ташкил этишнинг мақсади нималардан иборат?

2. Экологик лагер ва экологик экспедициялар ўкувчиларнинг билиш фаолиятида қандай аҳамиятга эга?
3. Экологик лагерларни ташкил этишнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Экологик сўқмоқлар ташкил этишнинг таълим жараёнидаги аҳамияти?
5. Экологик сўқмоқлар ташкил этиш учун қандай вазифалар амалга оширилади?
6. Экологик сўқмоқларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Ўкув экологик сўқмоқлари қайси ёшдаги ташриф буюрувчиларга мўлжалланган?
8. Экскурсия қандай машгулот тури ҳисобланади?
9. Экскурсиялар ўтказиш ўкувчилар учун қандай аҳамиятга эга?
10. Экологиядан ўтказиладиган экскурсиялар қандай мазмунда бўлиши керак?
11. Экскурсиянинг тарбиявий аҳамияти нимадан иборат?
12. Экологик экскурсияларда асосий зътиборни нималарга каратиш керак?
13. Экскурсия ташкил этишда амалий маслаҳатлар нималардан иборат?

## **14-мавзу. Экологияни ўқитишида тұғараплар ташкил этиши**

Режа:

1. Экологик тұғарапларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти
2. Тұғарап ташкил этишининг қонун-қоидалари
3. "Соғлом турмуш тарзи" рукнида экология фанидан ташкил этиладиган тұғараплар учун назарий ва амалий күрсатмалар

### **1. Экологик тұғарапларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти**

Талабаларни экологияни ўқитишида экологик тұғараплар билим эгаллашнинг мұхим шаклларидан бири ҳисобланади. Тұғарапнинг асосий мақсади назарий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, күнікмаларни шакллантириш, шунингдек, табиатта маълум бир наф келтириш. Тұғарап ишләре ўкувчиларда табиатта меҳр-муҳаббат уйғотади, шунингдек, экология, биология, кимё, география фанларидан олган билимларини чуқурлаштиришга имкон беради.

Тұғарап машғулотлари ёш экологларда мустақиллик, ташаббус-корлик хусусиятларини ривожлантиришга ҳамда уларни илмий ишларга қизиқишиларини уйғотиб, меңнат маданиятини тарбиялайди.

### **2. ТұғараФ ташкил этишининг қонун-қоидалари**

Маҳаллий шароитни ҳисобға олган ҳолда турли мавзуларда тұғарапни ташкил этиш мүмкін. Масалан, агроэкология, экология, агрокимё, атроф-муҳит муҳофазаси, соғлом турмуш тарзи ва бошқалар. Ҳар бир тұғараплар үзининг тартиб-қоидаларига зәғ бўлади:

1. Табиатни муҳофаза қилиш – моддий бойликлар манбаидир, инсоннинг саломатлиги ва маънавий бойлигидир.
2. Табиат қонунларини ўрганиш.
3. Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларини кўпайтиришга амалий ёрдам қилиш.
4. Табиатта зарар келтирувчи ҳар қандай (ўгринча овчилик ва бошқалар) ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш.
5. "Табиатни асраш, ўз ватанини асраш" деган шиорга доимо амал қилиш.

ТұғараФ дастурида турли хилдаги мавзулар ўрин олиши мүмкін.

Экологиянинг популяциялар ва ҳамжамоалар экологияси, биосфера, инсон экологияси, ижтимоий экология бўлимлри бўйича

"Экотизим", "Табиат ва инсон", "Табиат ва жамият" каби мавзуларда тўгарак ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёш экологлар тўгараклари ишини организм ва мухит бўлими бўйича кўйидагича режалаштириш мумкин:

1. Тўгарак раҳбарининг кириш маъruzаси. Бунда экология фанининг тарихи, унинг мақсад ва вазифалари бошқа соҳалар билан алоқаси кабиларга тўхталиб ўтилади. Тўгарак режаси ва дастури тасдиқланади.

2. Экспериментлар олиб бориш учун обьектлар танланади ва топшириқлар берилади.

3. Бир неча мавзуларда лаборатория ишлари ташкил этилади.

4. Бир неча мавзуларда амалий ишлар ташкил этилади.

5. Бир неча мавзуларда маъruzалар ёш экологлр тўгарагини ташкил этиш ўқитувчининг таълим-тарбия тизимидағи ишларидан бири ҳисобланади. Одатда ўқувчилар илмий дунёкараши ҳозирги даврдаги фан янгиликлари, келажак ҳақида, шунингдек, экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш кабиларни билишни истайди. Ўқувчилар талабига мувофиқ экологиянинг маълум бир муаммоси бўйича ўтказилади.

6. Якунлаш, хисобот ишлари, конференция. Тўгарак ишларининг кўргазмаси.

### ***3. "Соғлом турмуши тарзи" рукнида экология фанидан ташкил этиладиган тўгараклар учун назарий ва амалий қўрсатмалар***

Ҳар бир оиласда соғлом фарзанд туғилиши ва мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш манфаати йўлида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таклифлари билан 1997 йил "Инсон манфаатлари" йили, 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил эса "Соғлом авлод йили" деб аталиши айнан оила, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига эга бўлган асосий масалалар эканлигини ёрқин исботидир.

2000 йилнинг "Соғлом авлод" йили деб зълон қилиниши, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ энг устувор вазифа килиб белгиланди. Бунинг исботи Ватанимизнинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталиши, "Соғлом авлод учун халқаро жамғармаси" тузилгани бунинг тасдиғидир.

"Соғлом авлод деганда соғлом наслни фақат жисмонан бакувват, шу билан бирга рухи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билими-маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман". (И.А.Каримов).

2005 йил эса "Сиҳат-саломатлик" иили деб эълон қилинди. Бу албатта мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзи масаласи марказий ўринни эгаллашидан далолатdir.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти низомида саломатлик "тӯла жисмоний, руҳий ва ижтимоий фаровонлик ҳолати" тарзида таърифланади. Саломатлик –юкори ижтимоий фаоллик, меҳнатни ўзлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим асоси ҳисобланади. Саломатлик – ҳар бир инсон баҳт-саодати, тӯлақонли фойдали фаолиятининг заминида ётади. Саломатлик борасидаги ғамхўрлик юксак қадриятлардан биридир. Чунки саломатликсиз инсон ҳам, жамият ҳам ўз мақсадларига эриша олмайди.

Биосфера ҳолатининг ёмонашуви барча тирик мавжудотлар, шу жумладан, инсон учун ҳам хавфидир. Инсон ва унинг атроф-муҳит билан муносабатини ҳар томонлама ўрганиш шундай тушунчага олиб келадики, саломатлик – бу нафақат касалликнинг йўқлигини бирдиради, балки у инсоннинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий хотиржамлигидир. Саломатлик туман бойлиқ. Бизга саломатликни табиат ато этган. Аммо у биз яшаётган шарт-шароитга боғлик.

Шу туфайли тӯгарак ишларида "Соғлом турмуш тарзи" рукнида бир неча мавзуларда машғулот олиб бориш мумкин. қуйида шундай машғулотларнинг бориши юзасидан бир неча тахминий режаларни тавсия этамиз:

### **"ОИТС аср вабоси"**

#### *Биринчи машғулот*

1. Ташкилий масалалар.
2. Халқаро ва хукумат доирасидаги ОИТС га қарши чоратадбирлари ҳақидаги хужжатлар.

3. Ўқитувчининг "Қандай қилиб ОИТСни юқтириш ва касалланиш мумкин" деган мавзудаги сұхбати.

#### *Иккинчи машғулот*

1. Ўқувчининг ахбороти. ОИТС нинг инсоннинг моддий ва маънавий ҳаётига таъсири.
2. "ОИТС ва ОИТВ нима?" номли фильмнинг намойиши.

### *Учинчи машғулот*

1. Врач сұхбати "ОИТС юқиши йүллари" мавзусида.

2. Касаллікни онадан болага ўтиши ҳақида кинофильм намойиши.

### *Тұртқынчи машғулот*

1. Щититуvininинг сұхбати "ОИТС билан касалланиш үлім демекидір" мавзусида.

2. Ушбу касаллік ҳақида ўкувчилар томонидан деворий газета чиқариш.

### **Алкоголизм**

#### *Биринчи машғулот*

1. "Ичкиликтің қандай үрганиш мүмкін" мавзусида щититуvininинг сұхбати.

2. Щититуvinin ахбороти: "Ичкиликтің ёмона иллат" мавзусида.

#### *Иккінчи машғулот*

1. Врач сұхбати "Ичкиликтің одам организмына таъсири" мавзусида.

2. "Ичкиликтің наслеге таъсири" номлы кинофильм намойиши.

#### *Учинчи машғулот*

1. Щититуvinin ахбороти: "Сурункалы ичкиликтің ахлоқсизлік касаллігидір".

2. Ичкиликтің оқибатлары ҳақида мақола тайёрлаш.

### *Тұртқынчи машғулот*

1. Диспут: "Ичкиликтің жамият учун заарлыми?

2. "Арқылыштың дүстлашиш саломатлық душманидір" мавзусида деворий газета чиқариш.

### **Наркомания (гиёхвандлик)**

#### *Биринчи машғулот*

1. Нарколог врачнинг "Одам организмына гиёхванд моддаларнинг таъсири" мавзусида сұхбати.

2. "Энг гүзәл" номлы кинофильм намойиши.

#### *Иккінчи машғулот*

1. Щититуvinin сұхбати "Гиёхвандлик жамият учун заарлі иллатдір".

2. Викторина саволларини тузиш.

#### *Учинчи машғулот*

1. Гиёхвандлик ва кашандаликка қарши кураш чоратабдирларини күчайтириш ҳақида хукумат қарорларини үрганиш.

2. "Соғлом турмуш тарзи" мавзусида конференцияга тайёргарлик күриш.

*Тұртқынчи машғулот*

1. "Соғлом турмуш тарзи" мавзусида конференция ўтказиш.

**Асосий түшүнчалар ва таянч атамалар**

Экологияни ўқитища тұғараплар ташкил этиш, тұғаракнинг тартиб қоидалари, табиат қонунлари, тұғараС дастури, популяциялар ва ҳамжамоалар экологияси, биосфера, инсон экологияси, ижтимаий экология, тұғараС режаси, "Соғлом турмуш тарзи", ОИТС – асп вабоси, алкоголизм, гиёхвандлик.

**Саволлар:**

1. Экологик илмий тұғарапларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти қандай?
2. Тұғарапларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
3. "Соғлом турмуш тарзи" рукнида қандай тұғараплар машғулотлари мавжуд?
4. ОИТС бўйича тұғараС иш режаси.
5. "Алкоголизм" мавзуси бўйича тұғараС ишининг мазмуни нималардан иборат?
6. Гиёхвандлик мавзуси бўйича тұғараС ишининг режаси қандай ташкил этилади?

## **15-мавзуу. Экологик мониторингни ташкил этиши**

Режа:

1. Экологик мониторинг (кузатиши)ни ташкил этиш ҳақида тушунча
2. Экологик илмий тадқиқот объектлари
3. Экологик илмий тадқиқот босқичлари

### ***1. Экологик мониторинг(кузатиши)ни ташкил этиши ҳақида тушунча***

Экологик мониторинг табиий атроф-мухитни комплекс кузатиш олиб борищдан иборат бўлиб, улардаги антропоген таъсиrlарни ўзгаришлари узоқ вақт давомида кузатилади. Натижада экологик аъвол баҳоланиб, заарли ва хавфли бўлган моддаларнинг тирик организмларга, ҳамжамоаларга ва бошқа организмларга таъсири ҳақида хулоса чиқарилади.

Экологик мониторинг глобал, миintaқавий ва маҳаллий даражада олиб борилади. Шунингдек, объектга ва методлардан фойдаланишга нисбатан ҳам мониторинг турлари ажратилади.

Мактаб ёки касб-хунар коллежлари шароитларда олиб бориладиган мониторинг маҳаллий характерга эга бўлиб, ҳозирги вақтда ўқув юртларининг имкониятларидан (моддий базасидан) келиб чиқсан ҳолда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш мумкин. Шунингдек, экологик илмий тадқиқот олиб боришининг оддий усулларидан ҳам фойдаланилади. Бунда маҳсус жиҳозлар ва реактивларсиз экологик муҳит ёки объектларни кузатиш мумкин. Улар оддий физик-кимёвий, биологик методлардан иборат. Ана шундай методлардан фойдаланганда кўпчилик ўқувчи ва талаба ёшларни ўз яшаш жойларини тадқиқ қилишга жалб қилиш мумкин бўлади. Ушбу методлардан фойдаланиш ўқувчининг глобал, миintaқавий ва маҳаллий экологик муаммолар бўйича билимларни кенгайтиришига, шунингдек, табиий ва ижтимоий фанлар бўйича умумназорий билимларни мустаҳкамлаш ва чукурлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув юртларида пухта тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларнинг иштирок этиши экологик мониторингнинг илмий тадқиқот ишларини юқори савиядга ташкил этилиши ва унинг натижаларини амалга татбиқ этишга имкон беради (илова).

Экологик мониторингни таркибіда тадқиқот ишларининг бир күрениши амалій характердаги тажрибалар олиб бориш ҳисобланади. Тажрибалар орттирилган индивидуал, топшириклар асосида олиб борилади. Бунда ўқувчилар турар жойидаги ёки минтақавий муаммолар билан боғлиқ мавзулар бўйича ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, ўз ўлкасининг табиий ресурсларини тасвирлаш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлар таркиби, табиат ёдгорликларининг кадастрини тузиш, ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар турларини ўрганиш, тупроқ типларини, ландшафтларни ўзгартириш ва ҳоказо.

Ўқувчилар олиб борадиган тадқиқот ишларини, уларда ишни ташкил этиш, тажриба қўйиш, ўрганилаётган объект ва ҳодисалар бўйича моделлаштириш ва башорат қилиш кабиларни эгаллайди.

Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини бажариш давомида кузатиш билан чекланмай, балки тажрибалр қўйиш орқали муаммонинг моҳиятини тушуниб этиш мумкин. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, аввалги тадқиқотлар билан таққослаш, ниҳоят қўйилган мақсадга мувофиқ тегишли хulosалар чиқариш мумкин бўлади.

## **2. Экологик илмий-тадқиқот обьектлари**

Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот олиб боришлари учун асосий обьект – экотизимлар ва улардаги жараёнлар ҳисобланади. Ўқувчилар экотизимларнинг таркиби орасидаги ўзаро боғланишлар, ривожланиш босқичлари ва бошқаларни билиб олишлари керак.

Экотизимлардаги табиий ва антропоген ўзгаришларнинг фарқларини исботлай олиш, тегишли хulosалар қилиш, экотизимларни ҳолатини баҳолаш учун тегишли методларни кўллай олиш, экотизимларнинг ўзгаришлар олдидаги биологик ва экологик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш кабиларни ўзлаштириш кўзда тутилади.

Илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам бериши зарур:

1. Мавзуни танлашда, маълум ишнинг долзарблигини асослаш, мақсадга йўналтирилган ғояларни илгари суриш ва аниқ вазифалар қўйиш.
2. Экологик тадқиқот ишлари учун обьект танлаш, ишнинг методлари ва усулларни танлаш.
3. Илмий тадқиқот ишлари методларини кўриб чиқиш, тегишли жиҳозлар (реактивлар, асбоб-ускуналар) танлаш.

4. Илмий тадқиқот ишларининг режасини тузиш.
5. Кундалик дафтар юргизиш, ишларни қайд этиб бориш.
6. Йиғилган материалларни қайта ишлаш, тегишли хulosалар, тавсиялар ясаш, ҳисобот ёзиш.

Агарда иш бир неча йилга мўлжалланган бўлса, ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларини фаолияти мураккаблаштириб борилади, мустақил ишлаши ортади. Ўқитувчи ўқувчилар ишлари давомида табиий мухитнинг қадр-қимматининг ноёблигини англаб етиш, унга экологик жавобгарлик ҳис килиш кабиларни шакллантиришга ҳаракат қилиш мумкин.

### **3. Экологик илмий-тадқиқот босқичлари**

Экологик илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш бир неча асосий босқичлардан иборат:

I. *Тайёргарлик босқичи.* Адабиётлар билан танишиш, объект бўйича маълумотлар йигиши, методлар танлаш, асбоб-ускуналар йигиши ва кундалик тутиш.

#### *II. Экспериментал (тажриба олиб бориш) қисм.*

Дала ишларидан экспедиция, экологик амалиёт, лагерлар ва бошқа турдағи фаолиятда изчил кузатиш олиб бориш, ахборотлар тўплаш, тажрибаларни асосий майдонларда олиб бориш ва тасвирлаш.

#### *III. Методларни ишлаш.*

Экологик методларни ишлаш, турлар таркиби билан танишиш, коллекциялар, гербариyllар тўплаш, жадваллар тузиш, тўпланган натижалар бўйича математик ҳисоб-китоблар ўтказиш, харита, диаграмма, графиклар тузиш.

#### *IV. Аналитик босқичи.*

Экологик муаммоларни сабаб ва оқибатларини аниқлашдаги қонуниятлар, тавсиялар ва таклифлар бериш.

#### *V. Ҳисобот босқичи.*

Илмий тадқиқот ишлари бўйича қуйидаги бўлимлардан ҳисобот тайёрланади:

1. Мавзунинг долзарблиги.
2. Илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.
3. Адабиётлар таҳлили.
4. Экспериментал қисм (методика ёзиш, тажриба кўйиш, жадваллар, графиклар, маълумотлардан фойдаланиш).
5. Илмий тадқиқотнинг мазмуни хulosалар ва таклифлар.

6. Адабиётлар рўйхати.
7. Олинган натижалар бўйича маъруза қилиш ёки кўргазмалар ҳамда танловларда иштирок этиш.

#### *VI. Ахборот босқичи.*

Аҳолини, жамоани, ҳукумат ташкилотлари ва бошқалар билан таништириш. Натижалар асосида, мақолалар, тавсиялар, таклифлар билан чиқиш.

#### *VII. Амалиёт босқичи.*

Шахсан иштирок этиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларидаги фаолияти (иштироки). Шунингдек, илмий-амалий анжуманлар, танловлар, олимпиадалар, кўрикларда иштирок этиш. Экологик билимларни ташвиқот қилиш (маъруза ва сұхбат, оғзаки журнал, экскурсия ўтказиш, варажалар тарқатиш, плакатлар тайёрлаш). Газеталарда чиқиш, кўргазмалар ташкил этиш. Мавзули кечалар ўтказиш, атроф-мухит муҳофазаси куни, саломатлик куни ва бошқалар. Амалий ишларда иштирок этиш (кўкаламзорлаштириш, ариқларни тозалаш, дам олиш зоналари ва бошқаларда иштирок этиш). Табиий эстетик қадриятларни саклаш ва фойдаланиш. Соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиш, табиатга нисбатан ноўрин ҳаракатлардан огоҳлантириш. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонунларни ўрганишда ҳуқуқий билимларни эгаллаш.

### **Асосий тушунчалар ва таянч атамалар**

Экологик мониторинг, экологик мониторинг даражалари, илмий тадқиқот ишлари, илмий тадқиқот обьеклари, илмий тадқиқот босқичлари, экспериментал босқич, методларни ишлаш, аналитик босқич, ахборот босқичи, амалиёт босқичи.

### **Саволлар:**

1. Экологик мониторингни ташкил этиш қандай мақсадларни ўз ичига олади?
2. Маҳаллий даражадаги экологик мониторингни қандай ташкил этиш мумкин?
3. Экологик мониторинг учун табиатнинг қайси компонентлари обьект бўлиб хисобланади?
4. Экологик илмий тадқиқот олиб боришининг асосий босқичларини санаб ўting.

# VI БОБ. ЭКОЛОГИЯДАН ФАКУЛЬТАТИВ МАШГУЛОТЛАР

## 16-мавзу. Экологик таълим беришда факультатив машгулотлар

Режа:

1. Экологиядан факультатив машгулотлар ташкил этишдан мақсад
2. "Минтақавий экологик муаммолар" курсининг мазмунни
3. Факультатив курснинг режаси

### *1. Экологиядан факультатив машгулотлар ташкил этишдан мақсад*

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжларида фанга, билим олишга қизиқувчан иқтидорли ёшларни тарбиялашда дарслардан ва синфдан ташқари машгулотлар, экскурсиялар билан бир қаторда факультатив машгулотлар ҳам муҳим ўрин тутади. Бундай машгулотларнинг дидактик мақсади қўйидагилардан иборат: ўкувчилар билимини чукурлаштириш ва кенгайтириш бирор фанга қизиқишини ўйғотиш ва ривожлантириш, онгли касб танлашга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ўқитувчи факультатив машгулотларни ўтказиш услублари ва шаклларини танлаш орқали ўкувчиларни қизиқтира олсалар кўзланган мақсадга эришган бўлади. Илфор ва изланувчан ўқитувчилар ўкувчилар билимини чукурлаштиришда, уларнинг қизиқишини, иқтидорини ривожлантиришда, касбга тайёрлашда факультатив машгулотларнинг ролини англаган ҳолда мазкур машгулотларни юкори илмий савияда ўтказиб яхши натижаларга эришишлари мумкин.

Факультатив машгулотлар камида 34 соат атрофига бўлиб, ўкув даргоҳларининг режасига биноан йил давомида ёки ярим йилда, дарсгача ёки дарсдан кейин ўтказилади.

Факультатив машгулотларнинг мақсадларига қўйидагиларни ҳам киритиш лозим:

Экология фанининг соҳалари бўйича ўкувчи ва талабаларнинг билимини чукурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, экологик маданиятини такомиллаштириш, табиатга нисбатан онгли муносабатини таркиб топтириш, гигиеник таълим-тарбиясини амалга ошириш, чекиш, алкогол кабиларнинг зарарини тушунтириш ҳамда

инсоний фазилатлардан миллий истиқлол гояларини сингдириш, қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида экологиядан ташкил этиладиган факультатив машғулотларни таҳминий мавзулари

№	Факультатив машғулотлар	Соат	Босқич
1.	Минтақавий экологик муаммолар	68	1-босқич
2.	Одам саломатлиги ва атроф-муҳит	68	1-босқич
3.	Техника ва атроф-муҳит	34	1-босқич
4.	Инсон ва биосфера	34	1-босқич

"Одам саломатлиги ва атроф-муҳит" факультатив курсининг мазмунида одам саломатлиги ва унга таъсир этувчи омиллар, одам саломатлигини яхшилаш бўйича оддий илмий тадқиқотлар билан танишитиради ва ўқувчиларда тегишли ўқув малакалар шаклланади.

"Техника ва атроф-муҳит" курси илмий техник тараққиёт (ИТТ) шароитида инсоннинг техник фаолиятини ривожланиши, табиатга таъсирлари, атроф-муҳит муҳофазаси, ишлаб чиқаришни экологлаштиришга қаратилган.

"Инсон ва биосфера" курси табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини уйғунлаштириш, табиатни ва табиий ижтимоий тизимни бошқаришни моделлаштириш кабилар ёътиборга олинган.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" деган асарида экологик муаммолар алоҳида ёътибор талаб этиши, айниқса, Орол денгизи фалокати авлодларимиз учун ҳало-катли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигини кўрсатиб ўтган.

Ушбу ҳолатни хисобга олиб, биз "Минтақавий экологик муаммолар" деган мавзудати факультатив курсни ишлаб чиқдик. Факультатив курснинг тавсифи, мазмuni бўйича маълумотларни кўйида келтирмоқдамиз.

Курснинг асосий мазмуни экологик муаммоларга қаратилиб, уларни ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида илмий техника тараққиёти натижасида вужудга келгани, бунда инсоннинг таъсири катта эканлиги ҳар бир мавзуда очиб берилади.

## 2. "Минтақавий экологик муаммолар" курсининг мазмуни

Инсониятнинг тараққиёти ва Ер юзи ахолиси сонининг тез суръатларда ортиб бориши инсоннинг табиий муҳитга салбий

таъсирини кучайтиришга олиб келган. Бу ҳолат табиий мухит муҳофазаси ва инсоннинг келажаги билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этилиши таълим ва тарбиянинг ҳозирги аҳволи билан ҳам боғлиқ. Бугунги кунда экология соҳасидаги муммоловар ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, демографик ва бошқа бир қанча масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлиб қолди.

Минтақавий экологик муаммолар факультатив курсининг вазифаси шундан иборатки, ўқувчилар курс билан танишиш жараёнида табиат ва жамият ўртасидаги умумий боғланишлар, табиатга кўрса-таётган ижобий ва салбий таъсири ва натижада вужудга келган умумбашарий (глобал), минтақавий ва маҳаллий экологик муаммолар ҳамда табиатнинг муҳофаза қилишнинг илмий асослари билан танишади.

Минтақавий экологик муаммолар курсини ўқитиш ўқувчиларни бир қатор интеллектуал кўникума ва малакаларини эгаллашга ёрдам беради.

Ўқувчилар факультатив курсда олган билимлардан экологик муаммолар келиб чиқиши ва унинг сабабарини аниқлашда, айниқса, антропоген омилнинг роли ниҳоятда катта эканлиги, шунингдек, улар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқаларда фойдаланилади.

Курснинг асосий мазмуни экологик муаммоларга қаратилиб, унинг ҳалқ хўжалиги турли соҳаларида илмий техник тараққиёт натижаси вужудга келгани, бунда инсоннинг таъсири ниҳоятда катта эканлиги ҳар бир мавзуда ёритилиб борилади.

Курснинг бошланиши қисқача ҳозирги даврда инсон билан табиат ўртасидаги зиддиятни ортиб бориши ва шу билан боғлиқ ҳолда келиб чиқсан экологик муаммолар ҳамда уларни юмшатиш экология фани олдида турган долзарб вазифа эканлиги, Республикализни табиий экологик ва ижтимоий экологик аҳволи, кейинги йилларда Ўзбекистонда экология соҳасида олиб борилётган илмий тадқиқот ишларига тўхталади.

Экологик муаммолар Ер юзидағи мамлакатларни ташвишга солиб турган Орол ва Оролбўй экологик ҳалокатидан бошланиб, унинг нафақат минтақавий балки, умумбашарий муаммо эканлиги очиб берилади. Шунингдек, Ўзбекистон тоголди ва тоғ-яйлов минтақаларида кейинги вақтда вужудга келган экологик табиий ноҳуш

ҳолатларга тўхтади. Тўқайзор, дарё, сув омборлари ва ер ости сувлари билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар кўриб ўтилади.

Курснинг дикқат марказида сугориладиган ерлар ва пахта экиладиган ерлар экологияси бўлиб, шу масаланинг республикамиизда узоқ йиллар пахта яккахокимлиги хукм сурганлиги ҳамда ердан нотўғри фойдаланилганлиги, сугориладиган майдонларни кўпайтириш орқасидан қувиш натижасида миллионлаб гектар ерларни шўрланиши ва сув босишига сабабчи бўлган. Пахтачилик билан боғлиқ равишда республикамиизда вужудга келган бошқа экологик муммомлар келиб чикқанлиги ўқувчиларга етказилади.

Республикамииз ҳудудидаги кимё саноати, қурилиш, иссиқлик энергетик станциялари, пахта тозалаш заводлари ва, шунингдек, шаҳар атрофида тўпланиб борилаётган майший чиқиндилар бугунги кунда Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида экологик муммомлар вужудга келгани, биринчи навбатда, атмосфера ҳавосини, сув ва бошқа табиий тизимларини ифлослантираётган манбалар эканлигини ўқувчиларга тушунирилади.

### *3. Факультатив курснинг режаси*

Минтақавий экологик муаммолари факультатив курсининг режаси

№	Мавзулар	Машғулотлар		Умумий соат
		маъруза	амалий	
1.	Кириш	1		1
2.	Ўзбекистонда табиий ва ижтимоий экологик мухитнинг аҳволи	1		1
3.	Ўзбекистонда экология фанининг ривожланиш тарихи	2		2
4.	Орол ва Оролбўй экологияси	6	2	8
5.	Чўл минтақаси экологияси	4	1	5
6.	Адир тоғолди минтақаси экологияси	4	1	5
7.	Тоғ минтақаси экологияси	4	1	5
8.	Яйлов минтақаси экологияси	2	1	3
9.	Тўқайзор, дарё, сув омборлари, ер ости сувлари экологияси	2	2	4
10	Сугориладиган ерлар экологияси ва пахта даласи экологияси	8	2	10
11	Пестицидлардан фойдаланишининг экологик муаммолари	2	2	4

12	Ўсимлик ва хайвонот дунёси генофондини сақлаш	4	4	8
13	Республикамизнинг йирик саноат шаҳарлари экологияси	8	2	10
14	Ўзбекистон Республикаси экологик муаммоларини ҳал этиш йўллари	2		2
	ЖАМИ:	50	18	68

\* Ушбу курс режага асосан ҳафтасига 2 соат мўлжалланган.

### Асосий тушунчалар ва таянч атамалар

Экологиядан фақулътатив машғулотлар, Орол денгизи ҳалокати, минтақавий экологик муаммолар, экологик муаммолар, глобал, минтақавий, маҳаллий экологик муаммолар, илмий-техникавий демографик масалалар, минтақавий экологик муаммолар курсининг мазмуни.

#### **Саволлар:**

1. Минтақавий экологик муаммола мавзуусидаги курснинг мазмунни нималардан иборат?
2. Факулътатив курс қандай мақсадда ташкил этилади?
3. Минтақавий экологик муаммолар факулътатив курси қандай вазифаларни ўз ичига олади?
4. Факулътатив курснинг дарс ишилланмасини ишлаб чиқинг.

**МАЗКУР ҚҰЛЛАНМАНИНГ ИККИНЧИ  
ҚИСМИДА ЎҚИТУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ  
ИШ ФАОЛИЯТЛАРИГА ЁРДАМ СИФАТИДА  
ЭКОЛОГИЯ ФАНИДА ЎТИЛАДИГАН АЙРИМ  
МАВЗУЛАР ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ  
МЕТОДИКАСИ АСОСИДА ЁРИТИБ БЕРИЛДИ**

## **ОРГАНИЗМЛАР ЭКОЛОГИЯСИ (Аутэкология)**

Ушбу бўлимда тирик организмларнинг тузилиш даражалари, экологик омиллар ва уларнинг таснифлари, абиотик омилларнинг тирик организмларга таъсири, асосий ҳаёт муҳитлари (сув, қуруқлик, тирик организмлар), биологик маромлар ҳақида маълумотлар берилади.

Кўйидаги жадвалда бўлимни ташкил этган дарслар ва уларни ўтишда фойдаланиладиган педагогик технологиялар ифодаланган.

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Фойдаланиладиган технология</b>
1.	Аутэкология бўлими ҳақида тушунча	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
2.	Тирик организмларнинг тузилиш даражалари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
3.	Экологик омилларнинг таснифи	Модулли таълим технологияси
4.	Абиотик омилларнинг тирик организмларга таъсири	Муаммоли таълим технологияси
5.	Энг муҳим абиотик омиллар ва уларга тирик организмларнинг мосланиши	Модулли таълим технологияси
6.	Асосий ҳаёт муҳитлари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
7.	Сув муҳити	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
8.	Қуруқлик муҳити	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
9.	Тупроқ муҳити	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
10.	Биотик алоқа муносабатлари	Муаммоли таълим технологияси
11.	Тирик организмлар - яшаш муҳити сифатида	Анъанавий таълим технологияси
12.	Биологик маромлар	Модулли таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Асосий ҳаёт муҳитлари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни тирик организмлар тарқалган муҳитлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларга яшаш муҳитларини тушунтириш орқали экологик тарбия бериш, табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиши.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларни табиий атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш, дарслик ва ўкув адабиётлари билан ишлаш кўнимларини ривожлантириши.

**Дарсни жиҳозлаш:** Турли табиий мухитларни акс эттирувчи расмлар, жадваллар, турли мухитларда яшовчи ўсимликлардан тайёрланган гербариylар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси («Биргалиқда ўқиймиз» методи).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташибил қисм:*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиши ва баҳолаши.*

*III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан танишишириш.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиши.*

Ўқитувчи синф доскасига янги мавзунинг режасини ёзиб қўяди.

**Режа:**

1. Сув мухити
2. Ер юзаси-ҳаво мухити
3. Тупроқ мухити
4. Тирик организмлар танаси мухит сифатида

Сайёрамизнинг юзаси, яъни қуруқлик ва сувлар ҳамда уларни ўраб турган ҳаво қатламида тирик организмлар тарқалган бўлиб, уни биосфера деб қаралади. Биосферада организмларнинг 2 млн. дан ортик тури тарқалган. Ҳар бир тур, ўз навбатида, бир неча миллионлаб индивидлардан иборат бўлиб, фазода маълум тартибда жой эгаллайди. Ҳар бир тур атроф табиий мухит билан ўзаро алоқада бўлади. Тирик организмлар фаолияти бизни ўраб турган ажойиб ва хилма-хил табиатни ташкил этади. У ерда ҳаётни саклаб туришга кафолат беради. Биосферанинг чегарасида тўртта асосий мухитни ажратиш мумкин: 1. Сув. 2. Ер юзаси-ҳаво. 3. Тупроқ. 4. Тирик организмлар ҳосил қилган мухит.

**1. Сув мухити.** Сув кўпчилик организмларнинг яшаш мухити ҳисобланади. Сувда яшайдиган тирик организмлар ундан ҳаёт учун зарур бўлган (озика, сув, газлар) моддаларни ўзлаштиради. Сув мухитида тарқалган организмлар сувнинг физик-кимёвий хусусиятларига мослашган. Мослашиш хусусиятларини уларнинг

харакатланиши, нафас олиши, озиқланиши ва кўпайишларида кўриш мумкин.

2. *Ер юзаси-ҳаво муҳити*. Эволюция жараёнида сув муҳитидан кейин тирик организмлар анча мураккаб ва хилма-хил бўлган ер юзаси ҳаво муҳитини эгаллаган, шунингдек, тирик организмлар ушбу муҳитда такомиллашиб борган. Ҳаво муҳитидаги тирик организмлар ҳаётига таъсир этувчи омил ҳаво массасининг таркиби ва хоссасидир. Ҳавонинг зичлиги сувга нисбатан анча паст, шунинг учун ҳам тирик организмларда ички ва ташқи скелет, яъни таянч тўқималар анча ривожланган. қуруқлиқда яшовчи ҳайвонларнинг ҳаракати ҳам жуда хилма-хил, масалан: югуриш, сакраш, судралиш ва учиш. Ҳаво оқими микроорганизмлар, ўсимликларнинг уруғ ва спораларини тарқатади.

3. *Тупроқ муҳити*. Тирик организмларнинг фаолияти натижасида қуруқлик юзасининг юқори қатламида минерал моддалар ҳосил бўлади. Тупроқ биосферанинг бошқа таркибий қисмлари билан чамбарчас боғланган ва унинг муҳим таркибий қисми хисобланади. Тупроқдаги ҳаёт ниҳоятда хилма-хил, баъзи организмларнинг ҳаёти бутунлай тупроқда ўтади. Иккинчи бир организмлар эса ҳаётининг бир қисмини тупроқда ўтказади. Тупроқ зар-рачалари орасида жуда кўп бўшликлар бўлиб, улар сув ёки ҳаво билан тўлиши мумкин. Шунинг учун тупроқда сувда ва қуруқлиқда яшовчи организмлар учрайди. Тупроқ, айниқса, ўсимликлар ҳаётида катта аҳамиятга эга

4. *Тирик организмлар танаси муҳит сифатида*. Кўпчилик организмлар бошқа турдаги организмлар учун муҳит хисобланади. Шубҳасиз, бошқа тирик организмдаги ҳаёт очик муҳитдагига нисбатан анча барқарорлиги билан тавсифланади. Шунинг учун ҳам бирор ўсимлик ва ҳайвонларнинг танасида яшаётган организм, кўпинча, эркин яшовчи турлар учун зарур бўлган органлар ва органлар тизимини бутунлай ютади. Буларнинг ўрнига ҳўжайин организмида яшаш ва бемалол кўпайиш учун мослашишлар вужудга келади.

а) *кичик гуруҳлар томонидан белгиланган ўқув топшириқларини сифатли бажарилишига эришиши.*

Мазкур мавзу матни мантиқий тугалланган фикрли қисмларга ажратилади:

1. Сув муҳити.
2. Ер юзаси-ҳаво муҳити.

3. Тупроқ мұхити.
4. Тирик организм мұхити.

*Шу қисмлар бүйічә ўқувчиларнинг мустақил иш топшириқлари тузылады:*

### 1-гурұқ үчун ўқув топшириқлари

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бүлған материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан күрсатмалар
1.	Сүв мұхити қандай хусусиятларга ега?	Матнни ўқиб чиқиб, саволларга жавоб беринг ва топшириқларни бажаринг?
2.	Сүв мұхитида яшовчи организмларнинг мослашибелгилари?	
3.	Сүв мұхитида тирик организмларга қандай омыллар таъсир этади?	
4.	Сүв мұхитида тарқалған турларга мисоллар көлтириңг?	

### 2-гурұқ үчун ўқув топшириқлари

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бүлған материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан күрсатмалар
1.	Ер юзаси-ҳаво мұхити қандай хусусиятларга ега?	Матнни ўқиб чиқиб, саволларга жавоб беринг ва топшириқларни бажаринг.
2.	Ҳаво мұхитида яшовчи организмларнинг мослашибелгилари?	
3.	Ҳаво мұхитида тирик организмларга қандай омыллар таъсир этади?	
4.	Ҳаво мұхитида тарқалған турларга мисоллар көлтириңг?	

### 3-гурұқ үчун ўқув топшириқлари

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бүлған материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан күрсатмалар
1.	Тупроқ мұхити қандай хусусиятларга ега?	Матнни ўқиб чиқиб, саволларга жавоб беринг ва топшириқларни бажаринг.
2.	Тупроқ мұхитида яшовчи организмларнинг мослашибелгилари?	
3.	Тупроқ мұхитида организмларга қандай омыллар таъсир этади?	
4.	Тупроқ мұхитида тарқалған турларга мисоллар көлтириңг.	

#### 4-гурұх учун ўқув топшириқлари

№	Үқувчилар ўзлаشتариши лозим бўлган материаллар юасидан ўқув топшириқлари	Топширикни бажариш юасидан кўрсатмалар
1.	Тирик организм мухитининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?	Матнини ўқиб чиқиб, саволларга жавоб беринг ва топшириқларни бажаринг.
2.	Тирик организм танасида яшаётган турлардаги мослашиш белгилари?	
3.	Тирик организм мухитида яашашга мослашган турларга мисоллар келтиринг?	
4.	Тирик организм мухитининг бошқа турлар учун куладай томонлари ва нокулайликлари?	

б) кичик гурӯҳлар ёрдамида ўқув материалини яхлит ҳолда қайта ишилаб чиқилишини амалга ошириши.

V. Янги мавзу юасидан ўқувчилар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириши.

VI. Ўқувчилар билимини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиши ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишилаш ва якунлаш.

VIII. Уйга вазифа бериши.

#### АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР

Сув мухити, ер-ҳаво мухити, тупроқ мухити, тирик организм мухити.

#### МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Тирик организмлар қандай мухитларда тарқалган?
2. Сув мухити қандай хусусиятларга эга?
3. Ҳаво мухити қандай хусусиятларга эга?
4. Тупроқ мухити қандай хусусиятларга эга?
5. Тирик организм танасида яшаётган бошқа тур қандай мослашишларга эга бўлади?
6. Хўжайнин организми бошқа тур учун қандай экологик куладайликларга эга?

**«Асосий ҳаёт муҳитлари» мавзусидаги дарснинг ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг «Биргаликда ўқиймиз» методидан фойдаланилган технологик харитаси**

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилий кисм 5-минут	Ўқувчиларни дарс мавзуси, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган толширикларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини назорат килиш ва баҳолаш. 10-минут	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида ўқувчиларнинг билимларини назорат киласи ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топширикларини бажаради.
III босқич Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш. 5-минут	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари билан таништиради.	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни англайди.
IV босқич Янги мавзуни ўрганиш. 40-минут	«Биргаликда ўқиймиз» методи асосида ўқувчиларнинг кичик гурухларда мустакил ишини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустакил ўзлаштирилишини таъминлайди. Топширик якунида гурухлар ўртасида	Ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустакил ўзлаштиради. Гурухлар ўртасида ўтказиладиган савол-жавоб, ўқув баҳси,

	савол-жавоб, ўкув баҳси, мунозара ўтказади.	мунозарада фаол иштирок этади.
V босқич Ўқувчилар билимини назорат килиш ва баҳолаш. 12-минут	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва жадваллар беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
VI босқич Эришилган натижанинг тахлил килиш ва якунлаш. 8-минут	Гурухлар фаолиятини таҳлил киласиди, ўқувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини беради.	Мустакил ва ижодий иш топширикларини белгилайди.

## ПОПУЛЯЦИЯЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Ушбу бўлимда популяциялар ҳақида умумий тушунча, популяциянинг асосий хусусиятлари, биотик омиллар ва уларнинг тирик организмларга таъсири, популяциялар сонининг ўзгариши, турлар сонини идора этишда биотик ўзаро алоқа муносабатларининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технологиялар
1.	Популяция ҳақида тушунча	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
2.	Популяциянинг асосий хусусиятлари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
3.	Биотик омиллар	Дидактик ўйин технологияси
4.	Популяция сонининг ўзгариши	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
5.	Турлар сонини идора этишда биотик ўзаро муносабатларининг аҳамияти	Муаммоли таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Турлар сонини идора этишда биотик ўзаро муносабатларнинг аҳамияти

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни биотик ўзаро муносабатлар ва уларнинг турли кўринишлари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларнинг турларни бир-бирига бўлган турлича таъсиrlари ҳақидаги билимларини кенгайтириш орқали экологик, иқтисодий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг табиатдаги тирик организмлар ҳақидаги билимларини ошириш, ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Турли ўсимлик ва ҳайвон популяцияларини акс этган жадваллар, расмлар, схемалар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Муаммоли таълим технологияси («Ақлий хужум» методи).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташибий қисм.*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиши ва баҳолаши.*

*III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириши.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиши.*

Ўқитувчи доскага янги мавзунинг режасини ёзиб қўяди

**Режа:**

1. Популяциялар зичлигига таъсир этувчи омиллар
2. Популяциялар маҳсулдорлигига таъсир этувчи омиллар
3. Популяция сонига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг гурухлари

Популяциянинг сони ёки нобуд бўлиши қабилар маълум омиллар таъсири натижасида ўзгариши мумкин. Популяциялар эгаллаган майдон ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилганда насллар алмашинганда энг муҳим ўзгаришга сабабчи бўлган омилни аниқлашга ҳаракат килинада. Кўпчилик ҳолатларда ушбу омил нобуд бўлишга таъсир этади.

Баъзан популяциялар сонининг ўзгариб туриши тасодифий ҳол ҳам бўлиши мумкин. Популяциялар сонининг камайишига таъсир этувчи омил нобуд бўлишининг ортишига ёки маҳсулдорликнинг пасайиб кетишига олиб келади. Ушбу омилларнинг зичлиги ортиб кетганда анча самарали таъсир этади. Баъзан ана шундай омиллар озиқанинг етишмаслиги ёки душманлар популяцияси сонининг ортиб

кетиши кабилар бўлиши мумкин. Популяциянинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи бошқарувчи механизмларнинг ичидаги ҳайвонлар популяциясидаги худудий ҳатти-ҳаракатлар яхши ўрганилган. Худудий ҳатти-ҳаракатлар балиқлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ва жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларда кенг тарқалган. Айниқса, қушларда ушбу хусусият яхши ўрганилган. Эркак қуш ёки эркак ҳамда ургочи қушлар жуфти ўз яшашиб жойларини чегаралаб олади ва ўз майдонини бошқа индивидлардан химоя қиласи. Улар майдон эгаси эканликларини сайраш ёки маҳсус ҳолатлар (керилиш) билан намойиш қиласидар. Баъзан чақирилмаган меҳмон билан чинакам «жанг» бўлиб, меҳмон майдондан чикиб кетади. Бир турга мансуб индивидларга тегишли ҳудудлар тўлиқ эгаланмаса-да, лекин қушларнинг болаларини ва ўзларини озиқа билан таъминлайди. Популяция сонининг ортиши билан улар эгаллаган майдон торлик қила бошлайди. Унда янги қушлар учун жой етишмайди. Нихоят, баъзи қушлар учун ўз майдонини чегаралаш имкони ҳам қолмайди, оқибатда улар кўпаймайди. Каламушлар билан ўтказилган лаборатория шароитидаги тажрибаларда популяциянинг зичлиги маълум бир даражага етгандан сўнг қулий шароит бўлишига қарамай маҳсулдорлик тезда пасайиб кетади. Бунда каламушларда гормонал ўзгаришлар содир бўлиб, бу уларнинг жинсий органларига таъсир этади. Каламушлар бир-бирлари билан қўшила олмайдилар, бепуштлик, бола ташлаш, ота-оналарнинг ўз болаларини еб қўйиш каби ҳолатлар кузатилади. Ота-оналарнинг ёш авлод учун қайгуришлари сусаяди, натижада ёш болалар ўз уяларини эрта ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат ўз навбатида уларнинг яшаб кетиш имкониятларини пасайтириб юборади. Ҳайвонларнинг агресив хусусиятлари кучайиб кетади. Юқоридаги ҳолатларни фақат лаборатория шароитида эмас, балки табиатда кўпчилик сут эмизувчилар популяциясида кузатиш мумкин. Биз кўриб чиқсан мисоллар популяциялар сонини ички бошқаруви механизми, деб қаралади. Улар организмларда шароитга қараб автоматик равища келиб чиқади. Шундай қилиб, популяциялар сонига таъсир этувчи барча омилларни икки гурухга ажратиш мумкин: биринчиси популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлмаган омиллар; иккинчиси популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлган омиллар. Иккинчи гуруҳдаги омиллар одатда бошқарувчи ёки зичликни бошқарувчи деб аталади.

Абиотик омилларнинг (иқлим) таъсири кўпинча популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлмайди. Аксинча, биотик омиллар (рақобат, йиртқичлик, паразитлик) одатда зичликка боғлиқ бўлади.

Популяциянинг зичликка боғлиқ бўлган омиллари популяциялар сонининг ортиб кетишини олдини олувчи энг муҳим механизмлар ҳисобланади. Бу эса ҳар доим ҳам бошқарувчи механизмлар популяциялар сонини барқарорлаштириб туради, деган гап эмас. Бошқарувчи омилларнинг турли хил таъсирларининг кўринишлари популяциялар сонининг циклик ўзгаришларида, яъни популяциянинг динамикасида кузатилади.

*Дарснинг ташкилий қисмидан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларни тенг сонли гурухларга ажратади ва ҳар бир гурух сардорини белгилайди.*

**Ўртага муаммоли савол ташлайди:** **Турлар сонининг идора этишда биотик ўзаро муносабатларнинг аҳамияти?**

*Ҳар бир гурух ўз жавобини айтади, ўқитувчи жавобларни ёзиб боради. Сўнгра ўқувчиларнинг эътиборини билишига йўналтирувчи бир нечта муаммоли саволлар ёзилган куйидаги карточкаларга қаратади:*

1. Популяциянинг сонининг камайишига қандай омиллар таъсир этади?
2. Популяциялар зичлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Бир-бирига ижобий ва салбий таъсир этувчи қандай организмларни биласиз?
4. Паразит ҳаёт кечирадиган турлар учун экологик қулайлик ва нокулайликлар нималардан иборат?
5. Рақобатнинг қандай кўринишлари учрайди ва уларга мисоллар келтиринг?
6. Йиртқичлик муносабатининг қандай кўринишлари мавжуд ва уларга мисоллар келтиринг?
7. Паразитлик нима ва унга мисоллар келтиринг?

*Муаммоли саволлар юзасидан кичик гурухлар ўртасида ўқув баҳси ва мунозара ўтказилади.*

Ўқувчилар саволларга жавоб топгандан сўнг, ўқитувчи уларга куйида келтирилган номлардан фойдаланиб жадвални тўлдириш ва изоҳлашни топширади.

Табиатдаги роли	Ўсимлик ва ҳайвоннинг номи
Йиртқичлар	
Комменсаллар	
Паразитлар	

Пантера, аскарида, акула, шумгия, прилипала балиги, бурга, канда, чирмовук, хон қизи, ўргимчак, хўқиз солитери, ниначи, росянка, салаб (орхис), актиния, рафлезия, сиртлон, лишайник, трипонасома, непентес (ҳашаротхўр ўсимлик).

*V. Ўқув баҳси ва мунозара якуни.*

*VI. Ўқувчилар билимини назорат қилиши ва баҳолаши.*

*VII. Уйга вазифа бериш.*

*VIII. Дарсни умумий якунлаш.*

### **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЯИНЧ АТАМАЛАР**

Популяциянинг зичлигига боғлиқ бўлган омиллар, зичликни бошқарувчи омиллар, популяциялар сонини бошқариш.

#### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Популяциялар сонининг камайишига қандай омиллар таъсир қиласди?
2. Популяциянинг зичлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Популяциянинг маҳсулдорлигига таъсир этувчи омилларни айтинг?
4. Популяция сонига таъсир этувчи омиллар неча гурӯхга бўлинади?

**«Турлар сонини идора этишда биотик ўзаро муносабатлар-нинг аҳамияти» мавзусидаги дарснинг муаммоли таълим технологиясининг «Ақлий ҳужум» методидан фойдаланилган технологик харитаси**

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилий қисм 5-минут	Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини назорат килиш ва баҳолаш 5-минут	Ўтган мавзу юзасидан тузилган саволлар ёрдамида ўқувчилар билимини назорат килади ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган саволларга жавоб беради.
III босқич Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш 10-минут	Ўқув топширикларининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари билан таништиради.	Ўқув топширикларининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни англайди.
IV босқич Янги ўрганиш. 40-минут	«Ақлий ҳужум» методи асосида ўқувчиларнинг кичик гурухларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқувчилар фаолиятини мунозарали ва муаммоли масалаларни бажаришга ва ҳал этишга йўллайди.. Ўрганилган мавзу юзасидан ўқув баҳси ва мунозарани ташкил этади.	Ўз ўқув фаолиятини ташкил этади. Гурух билан биргалиқда топширикларни бажаради.
V босқич Ўқув баҳси ва	Ўқитувчи дарс давомида ўқув баҳси ва мунозара	Ўз ўқув фаолиятини таҳлил килади.

мунозара якуни. 10-минут	келтириб чиқарган муаммолар ечимидағи асосий гоя ва түшүнчаларни таъкидлаб, хуросалар ясайди.	
VI босқич Үйкүвчилар билимни назорат килиш ва баҳолаш. 10-минут VII босқич Эришилгандын натижаны тахлил килиш ва якун ясаш. 5-минут	Үйкүв баҳси ва мунозарада фаол иштирок этган үйкүвчиларни рағбатлантиради баҳолайди. Үйкүвчиларга мустакил иходий иш топшириқларини беради.	Эришган натижасини тахлил килади ва баҳолайди.  Мустакил ва иходий иш топшириқларини олади.

## ҲАМЖАМОАЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Ушбу бўлимда экотизимлар, сунъий ва табиий экотизимлар, экотизимлар гомеостази, ўзгаришлари, энергия оқими, озиқа занжирлари, озиқа тўри, трофик даражалар, экотизимлар маҳсулдорлиги ҳамда барқарорлиги ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технология
1.	Экотизимлар ҳақида тушунча	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
2.	Табиий ва сунъий экотизимлар	Модулли таълим технологияси
3.	Экотизимларнинг гомеостази	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
4.	Экотизимларнинг ўзгариши	Дидактик ўйин технологияси
5.	Ҳамжамоадаги ўзгаришлар	Анъанавий таълим технологияси.
6.	Экотизимларда энергия оқими	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
7.	Озука занжирлари, озиқа тўри, трофик даражалар	Модулли таълим технологияси
8.	Экотизимларнинг биологик маҳсулдорлиги	Лойихалаш технологияси
9.	Экотизимларнинг барқарорлигини саклаш муаммолари	Муаммоли таълим технологияси

**Дарс мавзуси: Ҳамжамоалардаги ўзгаришлар**

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларга ҳамжамоалар ва уларда содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчилар илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларга экологик, иқтисодий, эстетик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг ҳамжамоалар ҳақидаги билимларини ошириш, ўз устида мустақил ишлаш кўнимкамаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Турли ҳамжамоаларни акс эттирувчи жадваллар, бир ҳамжамоага хос бўлган ўсимлик гербариylари.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Анъанавий таълим технологияси.

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташибий қисм:*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.*

*III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан танишишириш.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиш:*

Бирор ҳамжамоани бир неча йил кузатиш орқали унинг ўзгаришини гувоҳи бўлиш мумкин. Демак, табиатда ҳамжамоаларнинг бир-бири билан алманиши кузатилади. Ҳамжамоаларнинг алмашинишига табиий омиллар, яъни иқлим, тупроқ ёки ўсимликлар ҳамжамоалар маълум вақт оралиғида ўзгаради. Бунда уларнинг турлар таркиби, айрим турларнинг мўллiği, трофик тузилмаси, маҳсулдорлиги ва бошқа кўрсаткичлари ўзгаради. Ушбу жараён экологик сукцессия («сукцедо» - кетма-кетлик деган маънони билдиради) деб аталиб, экотизимларда кузатиладиган ҳодиса ҳисобланади. Сукцессия жараёнида ҳамжамоалар томонидан организмларнинг турлар таркиби, уларнинг ўрнидан қатъий назар ўз-ўзидан бошқарилади. Ҳамжамоада организмларнинг биомассаси мувозанатлашган ҳолатда бўлиши мумкин. Мувозанатлашган ҳолатнинг куйидаги турлари мавжуд:

1. Ёпиқ ҳамжамоа учун хос бўлган мувозанатлашган тур. Бунда ташқаридан ҳеч қандай қўшимча маҳсулот ўзлаштирилмайди, балки ҳамжамоанинг маҳсулоти бутунлай ўзида қолади.

2. Оқар сувлардаги баъзи экотизимлар учун хос бўлиб, органик моддалар автотрофлар фаолияти натижасида тўпланиб қолмай, балки ташқаридан оқим орқали ўзлаштирилади. Бунда мувозанатланиш

ташқаридан қўшилиб турган органик моддалар хисобига содир бўлиб, умумий нафас олиш (энергиянинг сарфланиш йиғиндиси) ҳамжамоанинг умумий маҳсулотига тенг бўлади.

3. Қишлоқ ҳўжалиги экотизимларида, аксинча, маҳсулотнинг бир қисми доимо олиб турилади. Шунинг учун ҳам бундай экотизимларда маҳсулот олиб чиқиб кетилгандан сўнг қолган маҳсулот микдори умумий нафас олишга тенг бўлганда мувозанатлашиш содир бўлади. Агарда умумий нафас олиш умумий бирламчи маҳсулдорликдан кам бўлса, экотизимда органик моддаларнинг тўпланиши, аксинча бўлса, моддаларнинг камайиб кетиши кузатилади. Ҳар икки ҳолат ҳам ҳамжамоанинг ўзгаришларига олиб келади. Экотизимда ресурслар ортиқча бўлганда ҳар доим уни ўзлаштирадиган организмлар топилади. Ресурслар етишмаганда эса маълум турлар қирилади. Ана шундай ўзгаришлар экологик сукцессияларнинг моҳиятини ташкил этади. Ушбу жараённинг энг муҳим хусусияти ҳамжамоанинг ўзгаришини доимо мувозанатлашган ҳолатга йўналтиришга қаратилади.

Ташлаб қўйилган майдонда ўрмон ҳамжамоасининг шаклланиши дастлаб автотроф организмлар пайдо бўлиши билан борадиган сукцессияга мисол бўлади. Бундай ўзгариш *автотроф сукцессия* дейилади. Ҳамжамоада йиллар ўтган сари организмларнинг турлар таркиби ўзгариб органик моддалар тўпланиб боради. Автотроф сукцессия табиатда кўп тарқалган ҳодиса хисобланади.

Органик чиқинди моддалар билан ифлосланган дарёда кузатиладиган сукцессияда ортиқча органик моддалар гетеротроф организмлар томонидан фаол ўзлаштирилишини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришда органик моддаларнинг тўхтовсиз камайиб бориши кузаталади. Ана шундай ўзгаришлар *гетеротроф сукцессия* хисобланади.

Сукцессиянинг ҳар бир босқичи маълум турлар ва ҳаётий шакллардан, доминантлардан иборат ҳамжамоа хисобланади. Сукцессиянинг айrim босқичлари *серияларни* ташкил этади. Ҳамжамоанинг мувозанатлашган ҳолати эса *климакс* дейилади.

Сукцессиянинг ҳаёт йўқ жойда (ялангқоя, тош-шағал, денгиз туби, кумли ётқизиклар ва бошқалар) кузатилиши *бирламчи сукцессия* деб аталади. Бирламчи сукцессияга тошларда ёпишқоқ ва пластинкасимион лишайникларнинг ривожланиши, кейинчалик тупроқ ҳосил бўлиши билан секин-аста моҳлар ва ўт ўсимликларнинг ривожланиш жараёни мисол бўлади.

*Иккиламчи сукцессия аввал мавжуд бўлган ҳамжамоанинг ўрнида иккинчи бир ҳамжамоанинг ривожланиши ёки алмашиниши натижасида пайдо бўлади.*

Тўқайзорларнинг таркиби доимий бўлмай, балки динамик равища ўзгариб туради ва бир гурух ўсимликлар иккинчи гурух ўсимликлар билан алмашинади. Дастлаб тўқайлар дарё бўйларида сув сатхининг пасайиши натижасида тол, юлғун ва турангил каби турларнинг ўса бошлиши натижасида вужудга келган. Эрта баҳорда дарё суви қуюқ лойқа масса ҳосил қилиб оққандা шамол ёрдамида тарқаладиган уруг ва меваларнинг униши кузатилади. Одатда, биринчи навбатда сохта қамиш, қамиш, кўға, кендир, илончирмовуқ, шакарқамиш ва туронғул, тол ва юлғун кабилар ўса бошлайди. Бу турлар аралаш ёки алоҳида турлардан иборат толзорлар, юлғунзорлар ва бошқа гурухларни ҳосил қиласиди. Кейинчалик ўтсимон формалар ҳосил бўлиб, юриб бўлмас даражадаги чангальзорлар вужудга келади. Сув ва кум орқали эса жийда ва чинғил каби тиканли ўсимликларнинг мева ва уруклари келиб қўшилади. Орадан 20-30 йил ўтгач, ўт ўсимликлар йўқолиб кетади, тупроқ юзаси ярим чириган барглар ва майда шохлар билан қопланади. 30-40 йилдан кейин эса айрим дараҳтлар қурий бошлаб, тупроққа қуёш нурлари яхши туша бошлайди. Натижада тупроқ қизиди ва нами қочади. Ероғи сувларининг юкорига шиддат билан қўтарилиши натижасида шўрланиш вужудга келади. Тупроқ шароитининг ўзгариши дараҳтларнинг камайиши ва йўқолишини тезлатади. Очик жойларда энди янтоқ, тутятовон, ажриқ, эркакқамиш, келин супурги, қорабаргўт, қиёқ ва бошқа янги турлар ўса бошлайди. Дараҳтларнинг қуриши юлғун ва чинғил каби турларнинг яхши ўсишига олиб келади. Юлғунлар илдиз бачкилари ёрдамида тез кўпаяди. Бундан кейинги шўрланиш чинғил ва юлғунларнинг ҳам йўқолишига олиб келади. Ана шу вақтдан бошлаб ўтсимон турлар ҳам тугай бошлайди. Натижада тўқай ўрнида ялангоч шўрхок ер пайдо бўлади.

Иккиламчи ҳамжамоалар турларнинг хилма-хиллиги, трофик тузилмаси такомиллашганлиги, энергиянинг уйғунлашган оқими, физик омиллар, ҳатто, бъази бир кимёвий ифлосланишларга ёш ҳамжамоаларга нисбатан анча чидамли бўлади. Шундай қилиб инсон мўл ҳосил олиш учун сукцессиянинг дастлабки босқичларини сунъий равища бошқариши мумкин. Климакс босқичидаги ҳамжамоаларда соғ йиллик маҳсулдорлик асосан нафас олишга сарф бўлади. Шу

билин биргага климакс босқичидаги ҳамжамоалар физик омиллар таъсирига чидамли бўлиб, ушбу хусусият муҳим аҳамиятга эга. Инсон табиий ёки сунъий ҳамжамоаларнинг ўзгаришларини бошқариши лозим. Афсуски, биз экологик ўзгаришлар оқибатларини кўпинча кеч тушуниб етамиз. Шаклланган экотизимлардаги ўзгаришларни эколог мутахассислар томонидан аввалдан айтиб бериш даржасига етиб боришимиз керак.

*V. Янги мавзу билан танишганидан сўнг мавзуни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга бажарии учун топшириклар беради:*

*1-топшириқ.* Табиий яйловларда кузатиладиган сукцессияларни адабиётлардан фойдаланиб тасвирлаб чиқинг.

*2-топшириқ.* Куйидиги маълумотларнинг қайсилари экологик сукцессиялар ҳисобланади. Тўғри ҳисоблаганингизни доира ичига олиб қўйинг.

А. Сукцессия жараёнида ҳамжамоаларнинг турлар таркиби тўхтосиз ўзгариб боради.

Б. Ҳамжамоанинг турлар таркиби ўзгармайди.

В. Сукцессия жараёнида турлар таркиби ўзгаришининг асосий омили йиртқичлик (паразитлик, рақобат) ҳисобланади.

Г. Турлар хилма-хиллигининг кўрсаткичи пасаяди.

Д. Турлар хилма-хиллигининг кўрсаткичи ортади.

Е. Органик модданинг биомассаси камаяди.

Ё. Органик модданинг биомассаси ортади.

Ж. Ҳамжамоаларнинг соғ маҳсулдорлиги камаяди.

З. Ҳамжамоанинг соғ маҳсулдорлиги ортади.

*3-топшириқ.* Агар томорқа ёки ташландик ерга ишлов берилмаса қандай ўзгариш кузатилади? Жавобингизни кузатиш натижасида изоҳлаб беринг.

*VI. Янги мавзуни қайта ишиш ва якунлаш.*

*VII. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш.*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Экологик сукцессия, умумий нафас олиш, автотроф сукцессия, гетеротроф сукцессия, ҳамжамоалар сериялари, бирламчи сукцессия, иккиламчи сукцессия.

## **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Организмларнинг умумий нафас олиши умумий маҳсулдорлик миқдорига тенг бўлмаса ҳамжамоада мувозанатлашиш ҳолати бўладими?
2. Сукцессия ўзгаришларининг асосий хусусияти ва йўналишларининг моҳияти нимада?
3. Қандай турдаги сукцессияларда экотизимдаги энергия оқими пасайиб кетади?
4. Тўқайзор ҳамжамоасида кузатиладиган серияларни санаб беринг?
5. Экологик сукцессияларнинг аҳамияти қандай?

## **БИОСФЕРА**

Ушбу бўлимда биосфера ва унинг чегаралари, тирик моддаларнинг асосий хусусиятлари ва функциялари, биосферада модда ва энергия алмашинуви, ноосфера ҳақида тушунча, моддаларнинг биокимёвий цикллари ҳақида маълумотлар берилади.

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Фойдаланиладиган технология</b>
1.	Биосфера-глобал экотизим	Лойиҳалаш технологияси
2.	Биосфера ва унинг чегаралари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
3.	Тирик организмларнинг асосий хусусиятлари ва вазифалари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
4.	Биосферада модда ва энергия алмашинуви	Анъанавий таълим технологияси
5.	Ноосфера ҳақида тушунча	Муаммоли таълим технологияси
6.	Моддаларнинг биогеокимёвий цикллари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
7.	Сувнинг айланиши	Дидактик ўйин технологияси
8.	Кислороднинг айланиши	Дидактик ўйин технологияси
9.	Азотнинг айланиши	Дидактик ўйин технологияси
10.	Углероднинг айланиши	Дидактик ўйин технологияси

**Дарс мавзуси:** Тирик модданинг асосий хусусиятлари ва функциялари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларга тирик моддаларнинг асосий хусусиятлари ва функциялари ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Табиатга жавобгарлик ва муҳаббат, уни асраш, Ер юзидағи ҳаёт ва уни яхшилаш каби хислатларни тарбиялаш.

**Дарсни ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг тирик модда ва унинг хоссалари, асосий функцияларини ажратада олиш, матн ва ўкув қўлланмалар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Жадваллар, тест саволлари, дидактик карточкалар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (командада ўқитиш методи).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташибилий қисм.*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиши ва баҳолаши.*

*III. Ўқувчиларнинг дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириши.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиши:*

Ўқитувчи доскага янги мавзунинг режасини ёзиб қўяди:

**Режа:**

1. Тирик модданинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Тирик модданинг асосий биогеокимёвий функциялари.

**Ўқитувчи асосида янги мавзуни баён килади:**

Хозирги давр фан ютуқларига асосан тирик модда бир неча маҳсус хусусиятларга эга бўлиб, у биосферада маълум биокимёвий вазифаларни бажаради.

*Тирик модданинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилар:*

1. Биосферанинг тирик моддаси катта энергия захирасига эга.
2. Тирик ва ўлик моддалар ўртасидаги кескин фарқ уларда борадиган кимёвий реакциялар тезлигидадир (тирик моддада борадиган кимёвий реакциялар тезлиги минг ва миллион марта ортик).

3. Тирик модданинг ўзига хос хусусиятларидан бири, ундаги оқсиллар, ферментлар ва бошқа кимёвий бирикмалар фақат тирик организмларда барқарор бўлади.

**4. Биосферада ҳар қандай модданинг эркин ҳаракати ва маълум даражада ўз-ўзини идора этиши умумий хусусият ҳисобланади.**

5. Тирик модданинг ўлик моддага нисбатан морфологик ва кимёвий хилма-хиллиги жиҳатидан ажралиб туради. Тирик модда таркибиға кирадиган 2 млн. дан ортиқ органик биримлар маълум бўлиб, табиий минераллар эса икки минг атрофида холос.

6. Тирик модда биосферада айрим организмлар сифатида намоён бўлиб, уларнинг ўлчамлари ҳам жуда хилма-хил. Энг кичик вируслар 20 нм. дан ошмайди. Энг йирик ҳайвон китларнинг узунлиги 33 м га боради. Энг баланд дараҳт (эвкалипт) нинг бўйи 100 м дан ошади.

*Тирик модданинг асосий биогеокимёвий хусусиятлари қўйидагилар:*

**1. Энергетик хусусияти.** Фотосинтез жараёни орқали қуёш энергиясини тўплаш ва уни кейинчалик биосферанинг айрим таркибий қисмларига тақсимланиши. Биосферада қуёш энергиясининг тўпланиши туфайли унда ҳаётнинг барча кўринишлари мавжуддир.

**2. Газларни ҳосил қилиш ва уларнинг ҳаракатини амалга ошириш хусусияти.** Газларнинг айланиб юриши, ўзгариши орқали биосферанинг газлар таркибини таъминлайди. Сайёрамиздаги асосий газлар биоген йул билан келиб чиқкан. Тирик модда фаолияти натижасида азот, кислород, карбонат ангидрид гази, водород сульфид, метан ва бошқа газлар ҳосил бўлган.

**3. Биоген моддаларни тўплаш хусусияти.** Тирик модда таркибida енгил элементларнинг атомлари (H, C, N, O, Na, Mg, Al, Si, S, Cl, K, Ca) кўп микдорда учрайди. Ушбу элементларнинг микдори тирик организмлар таъсирида ташки муҳитга нисбатан юз ва минг баробар ортиқ тўпланади. Ана шу хусусият туфайли биосферанинг кимёвий таркиби хилма-хил эканлиги ҳамда ўлик моддалардан кескин фарқ қиласди.

**4. Оксидланиш - қайтарилиш хусусияти.** Маълум моддалар (атомлари ўзгарувчан даражадаги оксидланиш хусусиятига эга бўлган) доимий равишда кимёвий ўзгаришлардан иборат бўлиб, унда Ер юзасидан биоген моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари устунлик қиласди.

**5. Парчаланиш хусусияти.** Тирик организмларнинг нобуд бўлишидан кейин парчаланиш, яъни органик моддаларнинг минераллашиб жараёни содир бўлади. Натижада биосферада биоген ва оралиқ моддалар ҳосил бўлади.

**6. Мұхит қосыл қилиш хусусияти.** Организмларнинг ҳаёт фоалияти натижасыда мұхиттің физик-кимёвий күрсаткичларини үзгартириши.

**7. Транспорт хусусияти.** Моддаларнинг Ернинг тортиш кучига қарши горизонтал йұналишда ташиб юрилиши.

*Үқувчиларни командаларга ажратыб бир неча кичик гурухлар ташкил этилади ва барча командаларга бир хил топшириқ берилади.*

### ***Биринчи топшириқ:***

**Мәқсад:** Тирик моддаларнинг асосий хусусиятларини үрганиш.

<b>№</b>	<b>Талабалар үзлаштириши лозим бүлған материаллар юзасидан ўкув топшириклари</b>	<b>Топшириктарни бажариш бүйінша күрсатмалар</b>
	Дарсликдеги матнни дікқат билан ўқиб чикиб, күйидеги саволларға жавоб тайёрланға топширикларни бажарынг	Талабалар гурухи билан ҳамкорлықда ишланғ
1	Тирик модда нима?	
2	Тирик моддаларнинг асосий хусусиятларини санаб беринг?	
3	Тирик модда билан ўлек модда ўртасидеги фарқлар нимада?	
4	Биосферадеги тирик моддаларнинг умумий хусусиятлари. Жавобингизни асослаб беринг.	
5	Тирик мөддада энергия захираси қандай түпланади?	
6	Әнд кичик ўлчамдагы ўсимлик ва хайвонларға мисол келтиринг.	
7	Әнд йирик ўсимлик ва хайвонларға мисол келтиринг.	

### ***Иккинчи топшириқ:***

**Мәқсад:** Тирик моддаларнинг асосий биогеокимёвий функцияларини үрганиш

<b>№</b>	<b>Талабалар үзлаштириши лозим бүлған материаллар юзасидан ўкув топшириклари</b>	<b>Топширикни бажариш бүйінша күрсатмалар</b>
	Дарсликдеги матнни дікқат билан ўқиб чикиб, күйидеги саволларға жавоб тайёрланғ.	Талабалар гурухи билан ҳамкорлықда ишланғ.

1.	Тирик модданинг энергетик функциясини тушунтириб беринг?	
2.	Тирик модданинг фаолияти натижасида асосан қандай модда ажралиб чыкади?	
3.	Тирик организмлар танаасида күп миңдорда түшлөнадиган кимёвий элементлар ёки моддалар ҳақида сүзлаб беринг?	
4.	Биосферада үлкін ва оралык моддалар қандай хосил бўлади?	
5.	Тирик организмларда кузатиладиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларига мисоллар келтиринг?	
6.	Тирик организмларнинг муҳит хосил килиш хусусиятини мисоллар ёрдамида тушунтиринг?	
7.	Биокимёвий миграциялар деганда нимани тушунасиз?	

Куйидаги маълумотлардан фойдаланиб биосферанинг асосий таркибий қисмларини ажратиб, жадвални тўлдиринг.

Тирик модда	Үлкі модда	Оралық модда	Биоген модда

г: Тоғ жинслари, ўсимлик, тошкўмир, тупроқ, ҳаўрон, ёнувчи сланецлар, булоқ суви, замбуруг, нефт, оҳактош, битум, бактериялар, микроблар, лишайниклар, қора тупроқ, бўз тупроқ, гипсли тупроқ.

В. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириши.

*VI. Ўқувчилар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.*

*VII. Янги мавзуни қайта ишилаш ва якунлаш.*

*VIII. Уйга вазифа бериш.*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Биокимёвий, энергетик, газ, концентрацион, оксидланиш-қайтарилиш, парчаланиш, мұхит ҳосил қилиш, транспорт.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Тирик модданинг ўзига хос ҳусусиятлари айтиб беринг?
2. Сайёрамизда тирик модда қандай асосий вазифаларни бажаради?
3. Тирик организмларнинг атмосфера юқори қатламларида тарқалишини қандай омиллар чеклаши мүмкін?
4. Тирик организмлар литосферанинг күйи қатламларида нима учун учрамайди?

**«Тирик моддаларнинг асосий ҳусусиятлари ва функциялари»** мавзусидаги дарснинг ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг командада ўқитиши методидан фойданилған технологик харитаси

<b>ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР</b>	<b>ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ</b>	<b>ЎҚУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ</b>
I босқич Ташкилий кисм 5-минут	Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш 10-минут	Ўтган мавзу юзасидан тузылған тест топшириклари ёрдамида ўқувчиларнинг билимларини назорат қиласы да бақолайды.	Ўтган мавзу юзасидан тузылған тест топширикларини бажаради.
III босқич Ўқувчиларнинг билиш фәолиятини ташкил этиш 5-минут	Ўқув дастурининг дидактикалық мақсади. бажариладиган ўқув топшириклари билан таништиради.	Ўқув дастурининг дидактикалық мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан күрсатмаларни англайди.

IV боскич Янги мавзуни ўрганиш 40-минут	Командада ўқитиш методи асосида ўқувчиларнинг командаларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди.	Ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустақил ўзлаштиради.
V боскич Командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳс, мунозара ўтказиш.	Топшириқ якунида командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси. Мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам ўюштиради.	Командалар ўртасида ўтказиладиган савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозарада иштирок этади.
VI боскич Ўқувчилар билимини назорат килиш ва баҳолаш. 12-минут	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
VII боскич Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқун ясаш. 8-минут	Командалар фаолиятини таҳлил қиласди, ўқувчиларга мустақил ва ижодий иш топширикларини беради.	Мустақил ва ижодий иш топширикларини белгилайди.

## ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИЯ

Ушбу бўлимда глобал экология, сайёрамиздаги глобал антропоген тангликлар, экологияда моделлаштириш ва башоратлаш, барқарор ривожланиш концепцияси, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш муаммолари ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технологиялар
1.	Глобал экологик муаммолар	Муаммоли таълим технологияси
2.	Сайёрамиздаги глобал антропоген тангликлар	Глобал экология нимани ўрганади?
3.	Озон қатламиининг емирилиш муаммолари	Муаммоли таълим технологияси
4.	Атмосферанинг «димиқиши» муаммоси	Муаммоли таълим технологияси

5.	Кислотали ёмғирлар муаммоси	Муаммоли таълим технологияси
6.	Экологияда моделлаштириш ва башоратлаш	Анъанавий таълим технологияси
7.	Барқарор ривожланиш концепцияси	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
8.	Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш муаммолари	Дидактик ўйин технологияси

**Дарс мавзуси:** Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш муаммолари

**Дарснинг таълими мақсади:** Ўқувчиларни биологик хилма – хилликни сақлаб қолиш муаммолари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги илмий маълумотлар асосида ўқувчиларнинг илмий дунёка-рашини кенгайтириш, экологик, иқтисодий, ахлоқий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг ўсимлик ва ҳайвон турлари ҳақидаги билимлари, объектларни таниш ва кузатиш, адабиётлар устида мустақил ишлаш кўникмаларини, экологик маданиятини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Ўзбекистон экологик харитаси, Ўзбекистон «Қизил китоб»и.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси (матбуот конференцияси методи).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташиблий қисм:*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимларини назорат қилиши ва баҳолаш.*

*III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиш.*

*Гуруҳ ичидан бошловчи, эколог, эксперталар – ботаник, зоолог, ўрмон ходими, табиатни муҳофаза қилиши давлат вакили ролларига ўқувчилар танлаб олинади.*

**Бошловчи:** Қадрли ҳамкаслар! Бугун бизнинг олдимизда биосферанинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ўсимлик ва

ҳайвон турларига инсоннинг таъсирини баҳолаш вазифаси турибди. Бизнинг бугунги учрашувимизда хурматли экспертлар иштирок этмоқдалар (экспертлар билан танишитиради ва улар ўринларидан туриб, залдагилар билан бош эгид саломлашадилар).

Муҳокамани бошлишдан аввал биз асосий масалаларни белгилаб олишимиз зарур. Шундай қилиб, кун тартибига қандай вазифаларни киритамиз? (*Залда иштирок этаётганлар турли масалаларни таклиф этади ва бошловчи уларни изоҳлайди*).

-Табиатни муҳофаза қилиш тизимининг ҳолати.

-Экологик ташкилотларнинг биологик хилма-хилликни саклашдаги роли.

-Ўрмонлардан нотўғри фойдаланиш туфайли келиб чиқаётган салбий ҳолатлар.

-Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ўсимлик турлари.

-Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган ҳайвон турлари.

**Бошловчи:** Юқорида санаб ўтилган масалаларни инсоннинг биологик хилма-хилликка таъсири ва уларни сақлаб қолиш имкониятлари деб, бирлаштириш мумкин. Аммо ўрмонлардан фойдаланиш масаласини кейинги машғулотларга қолдирсан ҳам бўлади. Келинглар, ўйлаб кўрайлик, яна қандай масалалар эътибордан четда қолди (*Залдаги ўтирганлар қўшимча маълумотларни таклиф этади. Бошловчи уларни изоҳлайди*)

- Ўгринча овчиликнинг таъсири. Бу ҳам ўсимлик ва ҳайвон турларини камайишига таъсир этади.

**Бошловчи:** Бу тўғрида албатта тўхталамиз.

Сўзни биологик хилма-хилликка инсоннинг таъсиридан бошласак.

Сайёрамизда ҳар куни ўртача битта ўсимлик ёки ҳайвон турийўқолади. Бу ўз навбатида, ўнлаб ёки юзлаб ўсимлик тури билан боғлиқ умуртқасиз ҳайвонларнинг йўқолишига сабабчи бўлади. Аввал бу ҳақда зоологнинг сўзини эшитсак.

**Зоолог:** 1600 йилдан бошлиб 63 тур сут эмизувчилар ва 74 кушлар йўқолиб кетди. Улар орасида тарпан, зебра-квага, халтали бўри, денгиз сигири, Турон йўлбарси кабилар бор. Яқинда турли мамлакатлар бўйича йўқолиб бораётган умуртқали ҳайвонлар сони ҳақида маълумотлар чоп этилди. Бунда АКШ -281, ундан кейин Индонезия - 242, Бразилия -167, Хитой -153, Ҳиндистонда 137 тур ҳайвон қайд этилган. Энг қониқарли ҳолат Германияда хисобланниб, унда йўқолиш ҳавфи арафасидаги 11 тур умуртқали ҳайвон маълум бўлган.

**Бошловчи:** Менимча, Германиядаги ҳайвонларни бошқа мамлакатлардаги билан солиштириб бўлмайди. Масалан, Шимолий Америка қитъаси тундрадан тортиб жазира маҳалла гача ва кўпгина топ тепаликларига эга.

Ўзбекистонда ахвол қандай?

**Зоолог:** Ўзбекистонда йўқолиш хавфи остида 161 умуртқали ҳайвон маълум.

**Энди сўз ботаникка:** Умуман дунё бўйича ҳар ўнта ўсимликдан биттаси йўқолиб бораётган тур ҳисобланади. АҚШда йўқолиш арафасида-1875, Хиндистанда-1256, Бразилияда-483, Германияда ахвол анча яхши, яъни 16 тур рўйхатга киритилган.

**Бошловчи:** Ўзбекистондачи?

**Ботаник:** 306 тур рўйхатга олинган.

**Бошловчи:** Сўзга чиқсан касбдошларга ким қўшимча қилмоқчи?

**Залдаги иштирокчилар:** Мен яқинда адабиётлардан қўйидаги маълумотларни олдим. Дунё бўйича бугунги кунда 11 мингдан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиш хавфида эканлиги қайд этилган. Яна 5 минг тур рўйхатга киришга номзод ҳисобланади.

**Залдаги иштирокчилар:** Мен йирик эколог олим Д.Х. Медоузнинг фикрини баён қилмоқчиман. Унинг фикрича, ҳар куни турли сабабларга кўра турларнинг камайиши 10 тадан 100 тагачани ташкил этади. Медоуз Мадагаскар ороли ва Фарбий Эквадорда даҳшатли ҳолатда биологик хилма-хилликнинг камайишига мисоллар келтиради. Мадагаскарда 90% тропик ўрмонлар йўқолиши ҳисобига у ердаги барча турларнинг ярми йўқолиб кетган. Уларнинг 60% и эндемик турлар эди. Фарбий Эквадорда эса тропик ўрмонларни бананзорларга айлантирилиши натижасида камида 50 минг тур организмлар йўқолиб кетди.

**Бошловчи:** Раҳмат. Биологик хилма-хиллик масаласи, яъни уни сақлаб қолиш айрим давлатлар, жамоатчилик ва халқаро ҳамкорликни талаб этадиган муҳим долзарб муаммодир. Келинг, биологик хилма-хилликни сақлаб қолишининг асосий йўналишларини эсга олайлик. Уларнинг самараали иш фаолиятига назар ташлайлик.

**Залдаги иштирокчилар:** Турларнинг табиатда мавжудлиги уларнинг популяциясиadir. Маълумки, ўсимлик ва ҳайвонлар популяция тарзида муҳофаза қилинади. Фауна ва флорани муҳофаза қилишни ташкил этиш учун муҳофизларни ва «Қизил китоб» ташкил этилган. Бунда айрим чиройли гулловчи ва доривор ўсимлик

турларини йигиши ва тайёрлаш кабилар тақиқланади. Шунингдек, ноёб ҳайвонларни овлаш, балиқларни, капалакларни ва кўнғизларни тутиш ман этилади.

**Бошловчи:** Турларни сақлаб қолишнинг тақиқлашдан бошқа маҳсус шакллари борми?

**Зайдаги иштирокчилар:** Дунё бўйича турларни кўпайтириш бўйича анча тажрибалар тўпланган. Ҳайвонлар ҳайвонот боғларида кўпайтирилади, ўсимликлар ботаника боғларида ўстирилади. Ноёб турларни парваришилаш ва кўпайтириш учун маҳсус марказлар ташкил этилган. Ўзбекистонда «Жайрон» экомаркази ва бошқалар мавжуд.

**Зайдаги иштирокчилар:** Турларни сақлаб қолишида Ўзбекистонда лойиҳалаштирилган НКБР (Нурота-қизилкўм биосфера резервати) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий вазифаларидан бири биологик хилма-хилликни, ландшафтларни ва экотизимларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилиш хисобланади.

**Бошловчи:** НКБР худудида нечта ва қандай ўсимлик турлари «Қизил китоб»га киритилган?

**Ботаник:** Лойиҳалаштирилган минтақа ўзига хос хилма-хил экологик шароитлардан иборат бўлиб, Республика «Қизил китоби»га 60 га яқин турлар кирган. Ушбу турларнинг кўпчилик қисми эндем турлар хисобланади. Чўллардаги коврак, сумбул, қандимларнинг бир нечта турлари, астрагаллар, сирттан ва бошқалар билан бирга тоғларда лолаларнинг, ширачларнинг бир нечта турлари «Қизил китоб»га киритилган.

**Бошловчи:** Лолалар ва бошқа турлар қандай сабабларга кўра «Қизил китоб»га кириб қолган?

**Ботаник:** Гап лолалар ҳақида борадиган бўлса, маълумки, лолалар гули жуда чиройли бўлади ва унинг чиройи кишиларни ўзига жалб қиласди. Шунинг учун кўпинча лолаларнинг гуллари йигиб олинади. Ҳатто, баъзи жойларда баҳор фаслида йўлнинг ёқаларида одамлар лолаларни сотиб ўтирадилар. Бундан ташқари, лолаларнинг пиёзи кавлаб олинади. Улар ўсадиган майдонларда чорва молларини бокиши ҳам уларнинг камайишига сабаб бўлмоқда. Бошқа турлар ҳам одамлар томонидан озиқ-овқат, чорва учун озиқа, шифобаҳшлиги учун дори сифатида, шунингдек, баъзи турлардан ўтин сифатида фойдаланишлари натижасида камайиб ёки йўқолиб бораётгани учун ҳам «Қизил китоб»га киритилган.

**Бошловчи:** «Қизил китоб»га кирган турларни қандай йўллар билан муҳофаза қилиш мумкин?

**Ботаник:** Авваламбор, ботаника боғларида, илмий тадқиқот институтларида уларнинг биологик ва экологик хусусиятлари ўрганилади, маданийлаштириш ишлари олиб борилади. Чорва молларини бокиши тартибга солинади. Ноёб турлар мавжуд ландшафтлар назоратга олинади. Шу билан бирга, бундай турлар кўриқхона, буюртмахона, миллий боғларда муҳофаза қилинади.

**Бошловчи** Ўзбекистон «Қизил китоби»га қайси ҳайвонлар киритилган?

**Зоолог:** Умуртқали ҳайвонлардан балиқлар, судралиб юрувчилар, күшлар ва сут эмизувчиларнинг бир нечта турлари киритилган. Балиқлардан Орол баҳрисини; судралиб юрувчилардан капча илонни; күшлардан соққакуш, оққуш, бургутларнинг бир нечта турлари, йўрга туvaloқ, сут эмизувчилардан митти қўшоёқ, гепард, қорақулоқ, жайрон, қизилқум архари кабилар «Қизил китоб» га киритилган. Умуман НКБР ҳудуди бўйича умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонларнинг 50 тури рўйхатга олинган.

**Бошловчи:** Умуртқасиз ҳайвонларнинг бир нечтасини номини айтиб берсангиз? Нима учун улар муҳофазага олинган?

**Зоолог:** Ҳозирги пайтда Фанлар Академиясининг Зоология институти ва Ўзбекистон Зоология жамиятининг сайи-харакатлари билан «Қизил китоб»га ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури, бўғим оёклиларнинг 61 тури киритилди. Шулардан биосфера резерватида гўнгпашшаларнинг бир нечта тури, сўғд ва бақтрия тиҳсизи ва бошқаларни айтиш мумкин. Умуртқасиз ҳайвонлар ҳам инсон таъсиридан четда қолгани йўқ. Ҳўжалик мақсадида чўл зонасини ўзлаштириш, яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тўқайлар майдонининг қисқариб бориши, дараҳт ва буталарни кесиб ташлаш, сув сатхининг кескин пасайиши ёки ифлосланиши, Суғд ва Бақтрия тиҳсизларини чиганоқларини йигиш натижасида улар камайиб, йўқолиш хавфи арафасида ёки ноёб турлар қаторига кириб қолди.

**Бошловчи:** Қизилқум архарининг биоэкологияси ҳакида тушунча берсангиз?

**Зоолог:** Илгари Марказий ва Ғарбий Қизилқумнинг Нурутса, Малгузар, Туркистон, Зарафшон тоғларида, ҳозирда эса Нурутса, Оқтов қолдик тоғларида тарқалган. Қизилқум архари тоғларнинг ўрта

ва юқори қисмларида яшаб, қиши фаслида пастга тушади. 1960 йилда Оқтобрда 120-150 дона ёввойи қўйлар ҳисобга олинган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони бир нечта ўн дона қолди. Нурота тоғларида 2500 донаси маълум бўлиб, уларнинг кўп қисми Нурота қўриқхонасида яшамоқда. Ёввойи қўйлар пода бўлиб яшайди, мавсумий кўчиш кузатилади. Баҳор фаслиниг охирларида болалайди, 1-2 тагача бола туғади. Болалари бир ёшгача онаси билан бирга бўлади. Асосан, ўт ўсимликлар билан озиқланади.

**Бошловчи:** Юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим ўсимлик ва ҳайвон турлари ботаника боғлари, Нурота қўриқхоналарида табиатнинг бошқа қисмлари билан бирга муҳофаза қилиниб, бундай жойларни муҳофазага олинган ҳудудлар деб аталади. Бизни орамизда табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси вакили ҳам иштирок этмоқда. Улардан дунё бўйича ва бизнинг Ватанимизда маҳсус муҳофаза ҳудудлари ташкил этиш борасида қандай ишлар олиб бораилаётгани тўғрисида сўзлаб беришларини сўраймиз.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакили: ЮНЕСКО** ташкилотининг эксперклари ҳисоб-китобларига кўра, биологик хилма-хилликни сақлаш учун ҳар бир мамлакатда маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар майдони шу мамлакат умумий майдонининг учдан бир қисмини ташкил этиши керак. Бугунги кунда ана шундай майдонлар дунё бўйича 7% ни ташкил этади. Бу соҳада илфор мамлакатлар-Эквадор (43.1%), Венесуэла (36.3%), Дания (32.3%), Норвегия (30.5%), Германия (27%), Янги Зеландия (23.6%), Буюк Британия (20.9%).

**Бошловчи:** Ўзбекистонда бу кўрсатгич қанчани ташкил этади?

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакили.** Бизда маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар майдони 1355 минг гектарни ташкил этади. Республикаизда янги қўриқхоналар ва табиат ёдгорликлари ташкил этилмоқда. Уларнинг майдони тез ортиб бормоқда.

**Бошловчи:** Мен маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар майдони иқтисодий ривожланган мамлакатларда ортиб бориш жараёнини тушунмайман. Бунда инсонни ўзи зарар кўрмайдими?

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини вакили:** Гап шундаки, дунё бўйича ва шу билан бирга Ўзбекистонда ҳам ташкил этилаётган маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлардан рекреацион мақсадда фойдаланиш, экологик қулай қишлоқ хўжалиги ишлаб

чикариши, доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш, лицензия асосида ҳайвонларни овлаш ва балиқ тутиш мумкин. Натижада аҳоли учун фойдали бўлган экологик асосда хўжалик юритиладиган маскан яратилади.

**Бошловчи:** Биосфера резерватида ҳайвонларни овлаш ва туризмга рухсат бериладими?

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини вакили:** Овчилик таъқиқланади, туризм эса ривожлантирилади, одамларнинг дам олиши учун зоналар ажратилади. Уларда экологик таълимтарбия ишлари олиб борилади.

**Бошловчи:** Тушунарли. Ҳозирги вақтда маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар турини ташкил этиш ҳақида кўп гапириляпти. Бу нима дегани?

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини вакили:** Маҳсус муҳофазага олинган ҳудудларнинг экологик тури биологик хилма-хилликни сақлашда «ядро» ролини ўйнайди. Ушбу «ядро» яйловлар, жарликлар, ўрмонлар, воҳалар ва бошқа экотизимлар билан чамбарчас боғлик. Шунинг учун ундаги ҳайвонлар бир «ядро»дан иккинчисига ўтиши мумкин. Маҳсус муҳофазага олинган ҳудудлар тури биологик хилма-хилликни анча самарали муҳофаза қилинадиган ҳудуд ҳисобланади.

**Бошловчи:** Мен ўйлайманки, биз бугун биологик хилма-хилликни сақлаш борасида инсоният томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. Бизнинг шоу ўз ниҳоясига етди. Барча иштирокчиларга раҳмат. Кейинги учрашувгача ҳайр!

*V. Янги мавзуни қайта ишлаш.* Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда мавзунинг асосий мазмунини қайта ишлаб чиқиб, уларнинг умумий хуносалар чикаришига ёрдам беради.

*VI. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш.* Дарсда фаол иштирок этган «экспертлар», «мутахассислар», «бошловчи» ҳамда ўқувчилар қайд этилади ва рағбатлантирилади.

*VII. Дарсни умумий яқунлаш.*

*VIII. Уйга вазифа бериш*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Глобал экология, антропоген танглиқ, биологик хилма-хиллик, «Қизил китоб», фауна, флора, доривор ўсимликлар.

## МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Глобал экологик муаммоларга қандай муаммолар киради?
2. Антропоген омиллар таъсирида қандай глобал муаммолар юзага келади
3. Биологик хилма-хиллик деганда нимани тушунасиз?
4. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш учун нималар қилиш керак?
5. Табиятга инсоннинг таъсири туфайли қандай салбий ҳолатлар юзага келади?

**«Биологик хилма-хилликни сақлаш муаммолари» мавзусидаги дарснинг дидактик ўйин технологиясининг матбуот конференцияси методидан фойдаланилган технологик харитаси**

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилӣ кисм	Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Дарс мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топширикларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини назорат килиш ва баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириклари ёрдамида ўқувчиларнинг билимларини назорат килиш.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топширикларини бажаради.
III босқич Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш	Ўқув дастурини дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклар билан таништиради.	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириклари юзасидан кўрсатмаларни англайди.
IV босқич Янги мавзуни ўрганиш	Матбуот конференцияси методи асосида дарсни ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топширикларни мустакил ўзлаштиришни таъминлайди.	Ўқувчилар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади.

У боскич Ўқувчилар фаолиятини тахлил килади. Ўқувчиларга мустакил ва ижодий иш топширикларини беради	Мустакил ва ижодий иш топширикларини белгилайди.	«Мутахассислар» ўртасида ўтказиладиган савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади.
VI боскич Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириклари саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Тест топшириклари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
VII боскич Эришилган натижани тахлил қилиш ва якун ясаш		

## ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ

Ушбу бўлимда ижтимоий экология, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар тарихи, инсоннинг атроф мухитга таъсири, маҳсус муҳофазага олинган худудлар, экология ва иқтисодиёт, экологик хавфсизлик ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технологиялар
1.	Ижтимоий экология нимани ўрганади?	Муаммоли таълим технологияси
2.	Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар тарихи	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
3.	Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири	Муаммоли таълим технологияси
4.	Атроф-муҳитнинг ифлосланиши	Лойихалаш технологияси
5.	Маҳсус муҳофазага олинган худудлар	Модули таълим технологияси
6.	Экология ва иқтисодиёт	Лойихалаш технологияси
7.	Экологик хавфсизлик ҳақида тушунча	Муаммоли таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Махсус муҳофазага олинган худудлар

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларга махсус муҳофазага олинган худудлар, уларнинг мақсад ва вазифалари ҳакида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларнинг табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишга ундаш, экологик, ҳудудий, иқтисодий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг табиат ва унда ҳаёт кечиравчи барча тирик организмларни муҳофaza қилишга ўргатиш, дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш қўникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Экологик харита, Ўзбекистон «Қизил китоб»и, қўриқхоналарни акс эттирувчи жадваллар, ўсимлик гербаййлари, баъзи ноёб ҳайвонларнинг тулуумлари.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Модулли таълим технологияси (ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташкилий қисм:*

*II. Ўтган мавзу юзасидан ўқувчилар билимини назорат қилиши ва баҳоласи*

*III. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириши.*

*IV. Янги мавзуни ўрганиши.*

Ўқитувчи доскага янги мавзу режасини ёзади ҳамда ўқувчиларни ундаги масалалар билан таништиради.

#### **Режа:**

1. Махсус муҳофазага олинган худудлар ҳакида тушунча.
2. Қўриқхоналар ва уларнинг мақсад, вазифалари.
3. Буюртмахоналар ва уларнинг турлари.
4. Миллий боғлар ва экомарказ.
5. Табиат ёдгорликлари.

Дунё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлатнинг алоҳида эътибори билан қўриқланадиган табиий худудлар ва обьектлар-жамиятда экологик, санитар-соғломлаштириш, илмий,

эстетик, маданий-иқтисодий вазифаларни бажарувчи ер тоифалари, сув акваторияси, атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, ер участкалари, табиат ёдгорликлари мавжуд. Улар маҳсус ваколатланган давлат органлари ва давлатлараро ташкилотлар томонидан миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида муҳофаза этилади.

2004 йил 3 декабрда қабул қилингандык «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар түғрисида» ги қонуннинг асосий вазифалари: тирик, ноёб, қимматли табиий обектлар ва мажмуналарни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолищдан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир күрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий мұхит мониторингини олиб борищдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборат. Улар мақсади, муҳофаза килиш режими, майдони ва бошқа хусусиятларига қараб қуйидаги турларга ажратилади: қўриқхоналар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, миллий боғлар, резерватлар ва овчилек хўжаликлари. Маҳсус муҳофазага олинган худудлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташкил қилина бошланган. Ҳозирги вақтда дунё бўйича ана шундай худудлар сони 3000 дан ортиб кетган бўлиб, уларнинг умумий майдони қуруқликнинг 3% дан ортиқ қисмини ташкил этади. Табиат ёдгорликларининг сони 25 000 дан ортиқ.

Республикамизда 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та давлат биосфера қўриқхонаси, 2 та давлат миллий боғи, 1 та экомарказ, 9 та буюртмахонаси ва 500 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг жами эгаллаган майдони ер фондимизнинг 4.6 фоизини ташкил этади.

**Қўриқхоналар** - қуруқлик ёки сув ҳавзасининг бир қисми ҳисобланниб, хўжалик мақсадида фойдаланишдан бутунлай чиқарилган. Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси-табиатнинг дикқатга сазовор, қимматли ландшафтларини жамият манфаатлари учун сақлашдан иборат. Қўриқхонадан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, ҳатто пиchan тайёрлаш, ов килиш, балиқ тутиш, замбуруғлар териш, мевалар йигиш, сув ҳавзаларидан фойдаланиш кабилар қатъяян тақиқланади. Маълум сабабларга кўра, қўриқхонанинг табиий комплексларида музозанат бузилса, уни тиклаш учун (ўсимликларнинг санитар ҳолати ёки ҳавон турларининг сонини идора этиш) инсоннинг аралашувига рухсат этилади.

Ўзбекистонда биринчи қўриқхона 1926 йилда Зомин туманида «Ғўралаш» төғ-арча қўриқхонаси номи билан ташкил этилди. Қўриқхоналарнинг махсус тури *биосфера қўриқхонаси* дир. Бу қўриқхоналар халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшма қарори билан ташкил этилади. Улар дунёдаги турли географик районлар учун хос бўлган муҳофазага олинган худудлардир. Биосфера қўриқхоналари ер юзида 250 дан ортиқ бўлиб, Ўзбекистондаги Чотқол қўриқхонаси шундай мақомга эга бўлган қўриқхона ҳисобланади. Унинг вазифаси Фарбий Тяншан төғ экотизимларини саклаш ва атроф-муҳит ҳолатини экологик мониторинг қилишдан иборат.

**Буюртмахоналар** доимий ва вақтингчалик бўлиб, улардан хўжалик мақсадида фойдаланишга рухсат этилади. Буюртмахоналар кўпинча айрим ўсимлик ва ҳайвонларнинг турларини кўпайтириш учун ташкил этилади. Бундан ташқари буюртмахоналар ҳар хил мақсадларда ташкил этилиши мумкин. Масалан, комплекс, ботаник, геологик, гидрологик, зоологик, ландшафт ва бошқалар.

**Миллий боғлар** дунёдаги кўпгина мамлакатларда табиат гўшаларини муҳофаза қилишининг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Улар ландшафтларни муҳофаза қилиш билан бирга аҳолини дам олиш, соғломлаштириш ва эстетик мақсадларда, шунингдек фан, маданият-маърифат нуқтаи назаридан ҳам муҳофазага олинган худудлардир.

1872 иили биринчи миллий боғ АҚШ да Йеллустон дарёсининг юкори қисмида ташкил этилган. Бугунги кунда дунё бўйича 2300 дан ортиқ миллий боғлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасида Зомин ва Угом-Чотқол миллий боғларида аҳолининг дам олиш, спорт ўйинлари ва туризм билан шуғуллашилари билан бирга төғ ланшафтлари (төғ-арча экотизимлари) ҳайвонлар ва табиатнинг ажойиб намуналари муҳофазага олинган.

**Табиат ёдгорликлари** илмий, маданий, тарихий жиҳатдан табиат объектларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилади. Табиат ёдгорликларига - экологик, илмий, эстетик, маданий қимматга эга бўлган ноёб ва ўзига хос табиий равишда пайдо бўлган объектлар киради. Уларга табиатнинг инсон таъсирида бўлмаган эталон ер участкалари, ноёб ва фақатгина шу ерга хос (эндемик) ёки йўқ бўлиб кетаётган ёхуд камёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, антиқа рельеф ва тош шакллари, вулканлар, шаршаралар, музликлар, доимий ғорлар, узоқ яшаётган дараҳтлар ва шунга ўхшаш объектлар киради.

«Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26-моддасига биноан давлат табиат ёдгорликларига кўйидагилар киради:

1. Табиий сув обьектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё ва бошқа) ёдгорликлар.
2. Айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар.
3. Табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар.
4. Қазилма обьектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар.
5. Геологик минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар.

Ўзбекистонда табиат ёдгорликлари давлат томонидан белгиланган шартларда ва ушбу табиат ёдгорликлари жойлашган ташкилот, муассаса, корхоналар томонидан мухофазаланади. Ноёб табиат ёдгорликлари мақомидаги ер участкаларидан Вардонзе (3 км.кв) ва Ёзёвон (31.8 км.кв) давлат табиат ёдгорликлари мавжуд.

Экомарказ Республикада табиатни мухофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида ноёб ҳайвон турларини кўпайтиришнинг самарали шаклларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда «Жайрон» экомаркази ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади халқаро ва Республика «Қизил китоби»га киритилган жайрон ва тувалоқ каби ноёб ҳайвон турларини сунъий равишда кўпайтиришдан иборат.

Келгусида республикада маҳсус мухофазага олинган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, сув ҳавзалари, кумли чўл экотизимларида қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш лойиҳалаштирилмоқда.

*Ўқитувчи ўрганилаётган ўқув материалини қўйидаги мантиқий тугалланган қисмларга ажратади:*

1. Кўриқхоналар ва уларнинг вазифалари.
  2. Буюртмахоналар ва уларнинг вазифалари.
  3. Экомарказ ва уларнинг вазифалари.
  4. Табиат ёдгорликлари ва уларни мухофаза қилиш
- Шу асосда модул дастури тузилади.*

«Махсус мұхофаза олинган худудлар» мавзуси бүйіча ўқычиларнинг кичик гурухларда ишлашига мүлжалланған модул дастури.

### **Модул дастурининг дидактика мақсади:**

Сиз модул дастури ёрдамида ўқычилар билан кичик гурухларда, ҳамкорликда ишлаб махсус мұхофазага олинган худудлар ва уларнинг мақсад, вазифалари билан танишишингиз, уларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолищдаги тутган ролини аниқлашиңгиз, дарслік устида мустақил ишлаш күнімділарнингизни ривожлантиришингиз зарур.

Ўқув фаолияти элементтері (ЎФЭ)	Ўқувчилар үзлаштириши лозим бўлған ўқув материалига оид топшириклар	Топширикларни бажариш бўйича кўрсатмалар	БАҲО
1-ЎФЭ	<i>Мақсад:</i> кўрикхоналар ва уларнинг мақсад, вазифалари, турларини ўрганиш.	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.	
1.	Дарсликдаги матнни ўқиб чиқиб, топширикларни бажаринг.	Ўқувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
2.	Кўрикхоналар қандай мақсадларда ташкил этилади?		
3.	Кўрикхоналарнинг асосий вазифалари нималардан иборат?		
4.	Биосфера кўрикхоналарнинг оддий кўрикхоналардан фарқи?	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.	
2-ЎФЭ	Республикамизда нечта кўрикхона бор? Уларни номма-ном санаб беринг?		
1.	<i>Мақсад:</i> буюртмахоналар ва мақсад, вазифалари, турларини ўрганиш.	Ўқувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
2.	Дарслини дикқат билан ўқиб чиқиб, куйидаги		

3.	саволларга жавоб топинг ва топширикларни бажаринг:	Ўқувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг.	
4.	Буюртмахоналар қандай мақсадларда ташкил этилади?		
3-ЎФЭ	Буюртмахоналарнинг асосий вазифаси нималардан иборат?	Ўқувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобларда иштирок этинг.	
1.	Буюртмахоналарнинг неча хил тури мавжуд?		
	Ўзбекистондаги буюртмахоналарнинг номларини айтинг?		
2.	<i>Мақсад:</i> миллий боғлар ва экомарказнинг мақсад, вазифаларини ўрганиш.		
3.	Дарслидаги матнни дикқат билан ўқиб чиқиб, қуидаги саволларга жавоб беринг ва топширикларни бажаринг.	Ўқувчилар гурухи билан хамкорликда ишланг	
4.	Миллий боғлардан қандай мақсадларда фойдаланилади?		
4-ЎФЭ	Биринчи миллий боғ қачон ва қаерда ташкил этилган?	Ўқувчилар гурухи билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг	
	Ўзбекистондаги миллий боғлар ҳакида маълумот беринг?		
1.	Экомарказнинг биологик хилма-хилликни саклашдаги ролини айтинг?		
2.	<i>Мақсад:</i> табиат ёдгорликлари ва уларнинг муҳофазасини ўрганиш.		
3.	Дарслидаги матнни дикқат билан ўқиб чиқиб, қуидаги саволларга жавоб беринг ва топширикларни бажаринг:		
4.	Табиат ёдгорликлари қандай		

5-ҮФЭ	<p>мақсадларда ташкил этилади?</p> <p>Табиат ёдгорликлари мақсадига күра қандай турларга бўлинади?</p> <p>Республикамиизда мавжуд табиат ёғорликлари ҳақида сўзлаб беринг?</p> <p>Табиат ёдгорликлари қандай йўллар билан муҳофаза қилинади?</p> <p>Модул дастурини якунлаш.</p> <p>Модул дастурини дидактик мақсадини ўқиб чиқинг.</p> <p>Сиз унга кай даражада эришдингиз?</p> <p>Ўзингизнинг ўкув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг.</p> <p>Ўкув фаолиятингиздан қоникиш ҳосил қилган бўлсангиз мавзудаги атамалардан фойдаланиб кросворд тузинг.</p> <p>Агар ўз ўкув фаолиятингиздан эришилган натижага сизни қониктирмаса, модул дастури ёрдамида мавзуни қайта ўрганинг.</p>		
-------	--	--	--

*Ўзлаштирган билимларингиз асосида куйидаги жадвални тўлдиринг*

#### Республикамииздаги муҳофазага олинган ҳудудлар

Қўриқхона	Буюртмахона	Миллий боғлар	Экомарказ	Табиат ёдгорликлари

*V. Ўқувчиларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиши. Ҳар бир модул якунида ўқувчилар жамоаси билан савол-жавоб, ўқув мунозара ўтказиши.*

*VI. Модул дастурини якунлаши.*

*VII. Янги мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билимларини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиши ва баҳолаш.*

*VIII. Янги мавзуни қайта ишилаш ва якунлаши.*

*IX. Уйга вазифа бериш.*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Кўриқхона, буюртмахона, миллий боф, резерват, табиат ёдгорликлари, экомарказ.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Ўзбекистондаги муҳофазага олинган ҳудудларнинг турлари қандай?
2. Кўриқхона буюртмахонадан нима билан фарқ қиласди?
3. Биосфера кўриқхонасининг оддий кўриқхонадан фаркини айтинг?
4. Миллий боғларни ташкил этишдан қандай мақсад кўзда тутилган?
5. «Жайрон» экомаркази қайси ҳайвон турларини кўпайтиришга мўлжалланган?
6. Табиат ёдгорликларига нималар киради? Улар қандай муҳофаза қилинади?

## **ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ**

Ушбу бўлимда инсон экологиясининг қисқача ривожланиш тарихи ва асосий тушунчалар, табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, атроф-муҳит ҳолати ва инсон саломатлиги, организмларнинг ташки муҳитга мослашиш механизмлари ҳақида маълумотлар берилади.

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Фойдаланиладиган технология</b>
1.	Инсон экологиясининг қисқача ривожланиш тарихи	Хамкорликда ўқитиши технологияси
2.	Инсон экологиясининг асосий	Модулии таълим технологияси

	тушунчалари	
3.	Табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири	Муаммоли таълим технологияси
4.	Атроф-мухит холати ва инсон саломатлиги	Лойихалаш технологияси
5.	Инсон саломатлигининг асосий кўрсатгичлари(амалий машғулот).	Анъанавий таълим технологияси
6.	Организмларнинг ташки мухитга мослашиш механизмлари (амалий машғулот).	Анъанавий таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири каби масалалар билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчилар дикқатини табиат-жамият тизимида юзага келаётган муаммоларга қаратиш, шу орқали уларга экологик тарбия бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларнинг табиат-жамият хақидаги дунёқарашларини орттириш, мустақил ишлаш кўнималарини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Дарс матни, жадваллар, дидактик карточкалар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Муаммоли таълим технологияси (баҳс-мунозара методи).

**Дарснинг бориши:**

*I. Ташкилий қисм.*

*II. Ўқувчиларни дарснинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.*

*III. Янги мавзуни ўрганиш.*

**Режа:**

1. Табиат ва жамият тизими
2. Табиатнинг одамларга таъсири
3. Жамиятнинг табиатга таъсири
4. Жамият ва табиат ўртасидаги асосий муаммолар.

Ҳозирги даврда инсон билан табиат ўртасида ўзаро боғланишларни урганишнинг учта йуналиши мавжуд.

I. Глобал даражада ўрганиш баъзи олимларнинг ишларида айтиб ўтилган.

II. Ҳар хил гурухлардаги аҳоли ва жамиятни табиат билан алоқаси одамни ижтимоий мавжудод сифатида қараши билан ажралып туради. Ушбу йуналишни тор маънода **ижтимоий экология** деб қаралади .

III. **Инсон экологияси** – бу одам ёки индивиднинг табиат билан алоқа муносабатларини ўрганади. Тиббиёт соҳасига яқин ҳисобланади. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган йуналишдир. Унинг вазифаси ташқи мухитнинг ўзгаришлари таъсирда инсон организмидаги кузатиладиган ўзгаришларни, саломатликни олдиндан айтиб беришдан иборат.

Эрамиздан аввалги 460 – 377 йилларда яшаб ўтган Гиппократ ёзган эди: “Агар кўп инсонлар бир хил касал билан оғрисалар, унинг сабабини одамлар учун умумий бўлган ва улар тез-тез фойдаланадиган нарсалардан қидирмоқ лозим”. Демак сўз нафас олинадиган ҳаво тўғрисида бормоқда. Ҳозирги кунда қадимги юоннинг врачининг ушбу сўзлари, айниқса, урбанизациялашган худудлар аҳолиси учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Инсон экологияси (антропэкология) – комплекс фан бўлиб , у биосфера (унинг компонентлари) ва инсоният, унинг гурухлари ўзаро алоқаларнинг умумий қонунларини, табиий мухитнинг (қатор ҳолларда ижтимоий ҳам) инсонга таъсирини ўрганади. Бунда табиат, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар, инсон ҳаётида атроф-мухитнинг, унинг эҳтиёжларини тури томонларини таъминлаб берувчи мухим таркибий омил сифатида қаралади.

Инсон экологияси одамларни ташқи мухит билан ўзаро муносабат қонуниятлари, аҳоли сонининг ортиб бориши, соғликни сақлаш ва яхшилаш, инсоннинг физик ва психик имкониятларини кенгайтириш каби масалалар билан шугулланади. Инсон экологиясининг мухим вазифаси аҳоли соғлигини сақлаш ва яхшилашнинг табиий қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Йирик шаҳарлар ва саноат марказларида аҳоли саломатлигига: физик (иссиқлик, шовқин, электромагнит), кимёвий (олтингугурт оксиди, азот оксиди, оғир металлар), биологик, ижтимоий-иқтисодий каби кўпсонли экологик омиллар салбий таъсир кўрсатади. Шаҳарликларда шартли экологик касалликларнинг пайдо бўлишининг асосий омиллари-атмосфера ифлосланиши даражаси, тупроқнинг гигиеник ҳолати, ичимлик сувнинг ёмонлашуви, шовқинли ифлосланишлар, чиқиндилар муаммоси ва бошқалардир.

Табиат бу моддий жисмлар, реалликлар мажмуудан иборат бўлиб, улар жамият негизини ташкил этади ва уни ўраб туради. Жамият – одамлар ишлаб чиқариш, иқтисодий-маданий ташкилотларнинг ўзаро таъсиrlари каби мураккаб тизимлардан иборат.

Жамият билан табиатнинг ўзаро таъсиrlари дастлаб одамнинг шаклланиши жараёнида келиб чиқди. Улар ўртасидаги муносабат дастлаб оддий биологик моддаларнинг айланишидан иборат эди. Одамнинг табиатга қарамлиги жуда юқори даражада бўлиб, унга таъсиr этиш жуда сезиларсиз бўлган. Кейинчалик марказий нерв системасининг тез ривожланиши натижасида одамнинг меҳнати ва иш фаолияти мураккаблашиб ва такомиллашиб борди. У аста-секин ташки мухитга тўғридан-тўғри боғланишларидан озод бўла бошлади. Шу билан биргага, табиатга таъсири кучайиб борди.

**Табиатнинг жамиятта таъсири.** Табиат-жамият ривожланишининг доимий шароити бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бунда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий муносабатлари ўзгариши кузатилган ҳамда табиатнинг роли ҳам ўзгарган. Шуни таъкидлаш лозимки, жамиятнинг ривожланишида табиий ресурслар ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Табиий шароит жамиятнинг ривожланишини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Аммо у ҳеч қачон ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши учун сабаб бўла олмайди. Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, жамиятнинг ривожланишида географик мухит мухим рол ўйнайди.

Ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд.

**Жамиятнинг табиатта таъсири.** Одам ўзининг тарихий ривожланишининг дастлабки даврларида табиатнинг маҳсули сифатида фаолият кўрсатади. Кейинчалик эса меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши билан, яъни ижтимоий омиллар таъсирида у онгли мавжудотга айланади. У, ўз навбатида, ер юзасида материя ҳаракатининг янги ижтимоий шакли вужудга келганидан далолат берар эди. Инсоният аста-секин табиатни ўзgartiruvchi энг кучли омилга айланди ҳамда унинг ривожланишига катта таъсиr этмоқда. Табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири юқорида айтилиб ўтилганидек, дастлаб биологик моддалар айланишига асосланган бўлиб, кейинчалик тарихий ривожланиш натижасида биринчи ўринга ижтимоий моддаларнинг айланиши ўтиб олди. Шунга биноан, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар характеристи ҳам ўзгарди.

Ҳозирги қарашларга кўра, ижтимоий ёки антропоген моддалар айланиши жамият ҳаётини тамилловчи мураккаб жараён ҳисобланиб, у табиатдан ўзлаштириладиган моддалар ва энергия ҳисобига яшайди. Факат тўхтосиз равишда табиат билан жамиятнинг ўртасида содир бўладиган моддалар ва энергия айланиши ҳисобига яшаши мумкин, антропоген моддалар айланиши сайёрамиздаги моддалар айланишнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири ётади. Ушбу моддаларнинг айланишининг бир томони жамият ҳисобланади. Антропоген моддалар айланишининг ҳиссаси сайёрамизда кундан-кунга ортиб бормоқда. Уни йирик шаҳарларда, саноат марказларида кузатиш мумкин. Бундан ташқари, сайёрамизда моддалар айланишига янги синтетик материаллар, заҳарли кимёвий моддалар, кимёвий ўғитлар қўшилди. Инсон ўз хўжалик фаолиятида моддаларнинг сайёравий айланишидаги миқдор ва сифат жиҳатини ўзгартириди, тезлаштириди.

Инсон ердаги муҳим геологик кучга айланди. Жамият томонидан тарихий даврларда моддалар ва энергиянинг ўзлаштирилиши ҳар бир киши бошига ортиб боради. Шунинг асосида моддалар айланиш жадаллиги ортиб боради. Натижада табиатда мавжуд бўлмаган хилмажил моддалар яратилди, табиатга кераксиз моддалар ва энергиялар ажралиб чикмокда. Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш чиқиндиларнинг ортиши туфайли табиатда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Натижада жамиятнинг табиатга салбий таъсири ҳавфли тус олди. Унинг сабаби атроф-муҳитдаги антропоген моддалар айланиши, экологик нуқтаи назаридан ниҳоятда такомиллашмаганлигидир. Бу шундан иборатки, табиий ресурслардан фойдаланишнинг фойдали иш коэффиценти жуда паст. Олинган маълумотларга кўра ўртacha ФИК (фойдали иш коэффиценти) 5 –10% ташкил этади. Қолган 90-95% инсон томонидан амалда исроф қилинади. Кўпинча, ишлаб чиқариш чиқиндилари парчаланмайди ва дастлабки ҳолатга қайтмайди. Аксинча, табиий муҳит ифлосланади ва унинг ҳолати ёмонлашади. Натижада бугунги кунда илмий техник тараққиёти (ИТТ)нинг табиатта глобал даражада таъсир этишига олиб келди. Атмосферада  $\text{CO}_2$  газининг ортишини бунга мисол келтиришимиз мумкин.

Маълумки, яшил ўсимликларда кузатиладиган фотосинтез жараёнида биосфераға чиқарилган карбонат ангидрид  $\text{CO}_2$  гази ўзлаштирилади. Фотосинтез тупроқдаги сув ва атмосфера ҳавосидаги  $\text{CO}_2$  газини ўзаро таъсири натижасида, яшил баргларда органик моддалар

синтезланиш жараёнидир. Атмосферада CO<sub>2</sub> гази тирик организмларда, органик моддаларда, чиқиндиларда, тог жинслари ва ёнувчи фойдали қазилмаларда түпланган.

CO<sub>2</sub> гази атмосферага тирик организмларнинг нафас олишида, ёниш жараёниде ажралиб чиқади. Углерод ва унинг биримлари ҳаётнинг турли кўринишларининг асоси ҳисобланади. Углерод айланиши O<sub>2</sub>, N<sub>2</sub>, F<sub>2</sub>, S кабиларнинг айланишлари билан боғлик. Углеродни атмосферада ортиши ёқилгилардан кенг фойдаланиш (металлургия, кимё саноатида, тупроқнинг ҳайдалма қатламларидағи гумуснинг оксидланиши) ҳисобига содир бўлмоқда. Бу эса бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

#### **Атмосферанинг “димиқиши” муаммоси.**

CO<sub>2</sub> газининг атмосфера димиқишига сабабчи эканлиги 70-йилларда аниқланди. Бундан ташқари метан CH<sub>4</sub>, галоген углеводородлар, азот оксидлари инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ажралиб чиқиб, унинг димиқишига таъсир этади. 1988 йилнинг ўзида тропик ўрмонларнинг йуқотилиши ҳисобига атмосферага 5,5 млрд. тонна углеводород чиқкан. Ана шу ҳолат ўзгармаса 2010 йилга келиб атмосферага йилига 10 млрд. тонна углерод ажралиб чиқиши мумкин. Атмосферага чиқинди газларнинг чиқиши натижасида сайёрамизда йилига ўртacha ҳарорат ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, 2030 – 2050 йилларга бориб дунё бўйича ўртacha ҳарорат 1,5 – 4,5 °С ортиши мумкин.

Иқлим илишининг ижобий ва салбий оқибатлари мавжуд. Салбий оқибатлардан энг хавфлиси 2100 йилига бориб дунё бўйича денгиз сатҳи баландлиги ўртacha 15 – 35 см кўтарилади, натижада ер юзасидаги кўпчилик худудларда озон қатламининг сийраклашуви, сув камайиш хавфи келиб чиқади. Озон емирилиши глобал муаммо, инсон хўжалиги фаолияти натижасида келиб чиқмоқда. Атмосферада озон миқдорининг камайиши биосфера ва жамият учун ҳалокатли оқибатларга олиб келади.

Маълумки, озон қатлами инсон ва бошқа тирик организмларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, қуёшнинг кучли ултрабинафша нурларидан ҳимоя қиласди. Инсон учун озон қатламининг сийраклашиши сайёрамизда жуда хавфли оқибатларга олиб келиб, жумладан кўз катаректалари ва тери раки касалликларини оширади. БМТ нинг расмий маълумотларига кўра, озон қатламининг атиги 1% қисқариши 100 минг янги кўз касалликларига ва 10 минг тери раки

касалликларига сабаб бўлади. 70-йилларнинг иккинчи ярмида озон қатламининг емирилишига сабаб бўладиган фреонлар кимё ва майший турмушда кенг кўлланилган.

Булардан ташқари яна жуда кўп муаммоларни санаб ўтиш мумкин: чучук сув муаммоси, пестицидлардан фойдаланиш муаммоси, тирик табиатдаги ўсимлик ва ҳайвон турлари сонининг қисқариши муаммоси, чўллашиш жараёни, аҳоли сонининг ўсиши, чиқиндилар муаммоси, тупроқнинг шўрланиши ва эрозияга учраши муаммоси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоси ва ҳоказо.

Инсон экологияси олдида учта вазифа туради:

1. ИТТ билан биргаликда табиий муҳитни бир бутун ҳолда сақлаб қолиш.

2. Аҳоли саломатлиги.

3. Кишиларни узоқ яшами ва фаол ҳаётини таъминлаш.

Илмий техник инқилоб инсон билан биосфера ўртасидаги ўзаро муносабат масаласи ниҳоятда долзарб муаммога айлантириди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибеки, жамиятнинг ҳозирги вактда табиатга таъсири энг юқори чўққига чиқди, деб хуносага келиш мумкин. Ушбу таъсирлар нафақат айрим табиий ресурсларга, балки биосферада содир бўладиган жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳаёт учун ниҳоятда хавфли оқибатлар келиб чиқмоқда. Кўпгина ривожланган мамлакатларда экологик тангликлар кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш ҳисобланади. Табиий ресурслардан табиатда мавжуд ўзаро боғланишларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш лозим. Ҳозирги даврда ИТТ даражаси шубҳасиз кам чиқитли ёки чиқитсиз технологияларни яратиш имконига эга. Бу ўз навбатида табиатни сақлаш ва табиат бойликларини нафақат ҳозирги авлод учун, балки келгуси авлодлар учун ҳам сақлаб қолишга ёрдам беради. Табиатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал этишининг ягона йули табиат билан жамият ўртасидаги уйғунликни таъминлашдан иборат.

Инсон табиатга неолит давридан шу вактгача таъсир қилиб келмоқда. Натижада табиатнинг айрим жойларида чукур ўзгаришлар, тўла бузулишлар юзага келди. Лекин инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳам чегараси бўлиши, у ўзи килган хатоликларни тушуниши, бузган табиий жойларни тикилаши ва шу жойларда экологик қонунларни қайта бузмасдан осойишта, тинч яшами лозим. Шу йул билан инсон ўзи яшаб турган экологик муҳитни муҳофаза қиласи, ўз сало-

матлигини сақлайди, озиқа маҳсулотлари етиштиради ва энг муҳими келажак авлодларга тоза, гўзал, ранг-баранг, бой табиат қолдиради. Бунинг учун табиат билан келишилган ҳолда унинг қонунларини қабул қилиши шарт, акс ҳолда бизни табиий оғатлар кутади.

### **Кичик гуруҳларда ишлаш**

*Ўқитувчи кичик гуруҳларга бутун дунёга яшовчи аҳолига тааллуқли бўлган экологик муаммоларни ёзиши беришини топширади. Ўқувчиларнинг бериш мумкин бўлган жавоблари:*

1. Иссиқлик эфектининг ошиши туфайли ердаги ҳароратнинг ўзгариши.
2. Яқин атрофда космик бўшлиқнинг ҳар ҳил турдаги чиқиндилар билан тўлиши ва ифлосланиши.
3. Атмосферани кислотали ёмғирлар остида ифлосланиши.
4. Океанларни нефт қолдиқлари, заҳарли ва радиоактив моддалар ифлосланиши.
5. Океан ва қуруқлик ўртасидаги экологик мувозанатнинг бузилиши (дунёда жуда кўп тўғонларнинг қурилиши оқибатида).
6. Ер юзидаги чучук сувларнинг камайиши ва ифлосланиши.
7. Ер ости ва ер усти сувлари ўртасидаги баланснинг бузилиши.
8. Минтақаларнинг радиоактив зарарланиши, айниқса, атом куролларини синаш ва атом қурулмаларини ишлатиш натижасида.
9. Қуруқлик устида майиши аҳлатларни ва саноат чиқиндиларни, айниқса қийин утилизация бўладиган ( пластмасса) ер юзида тўпланишини кучайиб бориши.
10. Янги ерларнинг чўллашиши, саҳроларнинг яна ҳам кенгайиши.
11. Ўрмонларнинг қисқариши, бу эса атмосферадаги газлар миқдорини мувозанатнинг бузилишига олиб келади.
12. Организм турларининг йўқолиш жараёнининг кучайиб кетиши.
13. Табиий бойликлар камайиб, унинг гўзаллиги, эстетик кўриниши пасаймоқда.
14. Инсонлар ўртасида турли-туман касалликлар, генетик ўзгаришлар юзага келиб, ўлим, очлик кўпаймоқда.
15. Фойдали ерлар майдони камаймоқда.
16. Ердаги аҳоли сонини абсалют ўсиши, баъзи районларда аҳоли зичлашуви.
17. Чиқиндилар билан ҳаво, сув, тупроқ ифлосланмоқда.

18. Ер ости сувлари даражаси ва тартиби бузилмоқда.
19. Эрозия жараёни кучайди.
21. Фойдали ўсимликлар ўрнини бегона ўтлар босиб кетмоқда.
22. Ҳайвонлар ва ўсимлик турлари камаймоқда.

Мунозара натижасида ҳамма экологик муаммолар жуда кенг тарқалғанлыгини ва уларни ечиш қийинлигини, бу муаммолар фақаттана биттагина мамлакат иши эмас (иқтисодий томондан юксак ривожланган бўлса ҳам). Бунинг учун бутун дунё ҳамжамияти катта куч сарф қилиш керак.

### **1- топширик.**

Куйидаги ифлослантирувчилар қайси гурухга киришини аниқланг:

- \*механик ифлосланиш;
- \*биологик ифлосланиш;
- \*кимёвий ва энергетик ифлосланиш;
- \*физик ифлосланиш.

Турли ишлаб чиқаришда чиқит сифатида йўқотиладиган энергиянинг ҳамма турлари: электромагнит тўлқинлар, овоз тўлқинлари–шовқин ва вибрация, ионлаштирувчи нур, иссиқлик энергияси, чанг, металл қириндиси, фенол, курум, куллар, мөгор замбурууглари, маишӣ чиқиндилар, ис гази, кандида турига тегишли замбурууглар, нефт ва нефт маҳсулотлари, азот кислотаси, кўк яшил сув ўтлар, бактериялар.

### **ЖАВОБ:**

- 1. Механик ифлосланиш:* чанг, чиқинди, маишӣ чиқинди, куллар.
- 2. Биологик ифлослантирувчилар:* организмнинг барча турлари, замбурууглар.
- 3 Кимёвий ифлослантирувчилар:* атроф-муҳитга тушган газсимон, суюқ, қаттиқ кимёвий бирикмалар, ис гази, фенол, нефт ва нефт маҳсулотлари, азот кислотаси.
- 4. Физик ифлослантирувчилар:* турли ишлаб чиқаришларда чиқит сифатида йўқотиладиган энергиянинг ҳамма турлари: электромагнит тўлқинлар, овоз тўлқинлари – шовқин ва вибрация, ионлаштирувчи нур, иссиқлик энергияси.

## **2-топширик**

Бутун дунё соглиқни сақлаш ташкилоти эксперталарининг хуносасига кўра, инсон ўз вақтини 60-80 % ини ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган биноларда ўтказади. Эксперталар шундай хуносага келишди: бино ташқарисидаги ҳавога нисбатан турли қурилишдаги биноларнинг ичида мухит ҳавосининг сифати инсон саломатлиги ва уни саклаш учун муҳим аҳамиятга эга экан. Сиз ва сизнинг оиласиз бино ичидаги қанча вақт ўтказишини ҳисобланг? Уй мухитидаги ҳавони сифатига таъсир қиладиган қандай омилларни биласиз? Санаб чиқинг.

**ЖАВОБ:** Уй мухитининг ҳаво сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар: ташқаридан уй ичига кирадиган ҳаво ва у билан бирга кирадиган моддалар. Бинони қуриш учун ишлатилган материаллар ва тупроқ. Тупроқ, айниқса, биринчи қават учун муҳим аҳамиятга эга. Пол ва деворларни қоплаш учун ишлатиладиган ва рўзгорда ишлатиладиган полимер моддалардан тайёрланган идишларнинг деструкцияси. Газ плитадан ва бошқа газ иситгич қурилмаларидан фойдаланиш натижасида, табиий газнинг тўлиқ ёнмаганлиги туфайли ҳосил бўладиган маҳсулотлар. Кўмир, ўтин, брикет ва бошқа турдаги ёқилғилардан фойдаланганда турли хил моддалар ҳосил бўлади. Тамаки чекишдан ҳосил бўлган, овқат пишириш жараёнида ҳосил бўлган моддалар. Шахсий гигиенага ишлатиладиган воситалардан ажраладиган моддалар. Ювиш воситаларидан ажраладиган моддалар. Бинода хилма-хил мақсадларда ишлатиладиган пестицидлар. Хусусий иш фаолияти жараёнида ҳавога ажраладиган моддалар (хобби). Устки кийимлардаги ифлосланган моддалар, айниқса, инсон агарда заҳарли ва зарарли моддалар билан ишлаган бўлса (асбестни қайта ишлаш, кимёвий, нефтни қайта ишлаш ва бошқалар) Водопровод суви таркибидаги учувчи моддалар.

*IV. Ўқувчиларнинг кичик гуруҳлари ўртасида ўқув баҳси уюштириши.*

*V. Ўқувчилар билимини савол-жавоб асосида назорат қилиш ва баҳолаш.*

*VI. Мавзу юзасидан қўшимча маълумотлар берии.*

*VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР**

Табиат, жамият, антропоген моддалар айланиши, ИТТ, фотосинтез, атмосферанинг димиқиши, озон қатламининг сийраклашиши, табиий ресурслардан фойдаланиш, урбанизация, демография, антропоэкология, биосфера, электромагнит, атмосфера, мослашиш.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатнинг характери қандай?
2. Табиатнинг инсонга таъсири?
3. Табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатидаги жараёнлар?
4. Инсоннинг табиатга салбий таъсирларини санаб ўтинг?
5. «Атмосфера димиқиши» экологик муаммосининг келиб чиқиш сабаблари?
6. Озон қатламининг сийраклашиш оқибатлари қандай?

**«Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири»** мавзусидаги дарснинг муаммоли таълим технологиясининг баҳс-мунозара методидан фойдаланилган технологик харитаси

<b>ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР</b>	<b>ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ</b>	<b>ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИ</b>
I боскич	Саломлашиш талабаларнинг ташкилий машғулотта қатнашишларини аниқлаш. Мавзуу ва режа билан таништириш	Аудиторияда жойлашадилар, ёзадилар
II боскич	Инсон экологияси ва инсон билан табиат ўртасидаги муносабат ҳакида маъруза ўқилади	
III боскич	Инсоннинг табиатга таъсирини аниқлаш учун №2 карточка тарқатилади (мустакил иш) жавоблар йигиб олинади.	Жадвални тўлдирадилар
IV боскич	№2 карточкан тарқатилади (жуфтликда) ишлаш. Жавоб йигиб олинади ва баҳоланади.	Жадвални тўлдирадилар
V боскич	Мунозара учун ўртага мавзулар ташланади. Умумбашарий муаммолар ҳакида нималар биласиз? Кичик	Гурӯх аъзолари ўйлайди. Ҳамкорликда жадвални тўлдирилади

	гурұхлар ташқыл қилиниб, жавоб-ларни карточкаларга ёзиш сұралади. (Кичик гурұхларда ишлаш)	
VI босқич	Гурұхлар бир-бирләри билан мунозара қыладилар ва саволға тұлароқ жавобни аниклайды ( <b>мунозара методи</b> )	Талабалар ўз фикрлари тұғрисида баҳслашадилар
VII босқич	Күшімча маълумотлар берилади. Саволларға жавоб берилади	Тинглайдилар. Талабалар ўзларини кизиктирған саволларни беради.
VIII босқич	Машғулотни якунлайды. 1. Мустакіл ишларни баҳолаш. 2. Мунозарада қатнашган талабалар баҳоланади.	Фаолиятларини натижасини эшитадилар.

## ШАҲАР ЭКОЛОГИЯСИ (УРБОЭКОЛОГИЯ )

Ушбу бўлимда шаҳар экотизимининг баъзи бир хусусиятлари, шовқин муаммоси, шаҳар атмосферасининг ифлосланиш манбалари, ҳайвонлар ва ўсимлик қоплами, чиқиндилар муаммоси, шаҳар экологик ҳолатини яхшилаш йўллари ҳақида сўз боради.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технология
1.	Шаҳар экотизимининг баъзи бир хусусиятлари	Ҳамкорлиқда ўқитиш технологияси
2.	Шаҳарда шовқин	Дидактик ўйин технологияси
3.	Чангдан ифлосланиш	Муаммоли таълим технологияси
4.	Шаҳардаги ҳайвонлар ва яшил қоплам	Лойиҳалаш технологияси
5.	Чиқиндилар муаммоси	Дидактик ўйин технологияси
6.	Экологик шаҳар	Дидактик ўйин технологияси

**Дарс мавзуси:** Шаҳарларда шовқин муаммоси

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларга шаҳарда шовқин муаммоси ва унинг зарари ҳақида маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларда ўзи яшаб турган мухитга нисбатан жавобгарлик, муҳаббат ҳиссини уйғотиш, экологик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг табиат ва унинг үнсурлари ҳақидаги билимларини ошириш, ўкув адабиётлари билан ишлаш кўнгилмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Магнитофон эшитиш тизимининг схемаси, шаҳар кўчалари, бинолар расмлари, матн.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси (ролли ўйин методи).

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм.

II. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириши.

III. Янги мавзуни ўрганиши.

**Режа:**

1. Шовқин ҳақида тушунча.
2. Шовқиннинг асосий манбалари.
3. Шаҳарларда шовқинни ҳосил қилувчи омиллар.
4. Инсон эшитиш органларига шовқиннинг таъсири.
5. Шовқиннинг ўсимлик ва ҳайвонларга таъсири.
6. Шовқиндан муҳофазаланиш чора-тадбирлари.

Шаҳар – замонавий инсоннинг сунъий экологик яшаш мұхити ҳисобланади. Жамиятнинг ривожланишида шаҳарнинг роли ортиб боряпти. Инсониятнинг ярми шаҳарда яшайди. Урбанизация шаҳарға хос ҳаёт тарзи ва унинг кенгайиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Шаҳар мұхити инсон саломатлигига таъсир қилади. Шаҳар ҳаётининг ўзига хос манфий ва ижобий томонлари бор.

### **Шаҳар мұхитининг ютуқ ва камчиликлари**

<b>Ютуқлари</b>	<b>Камчиликлари</b>
Кулай	
Шинам	Соғлиққа зарар
Яшашибнинг осон томонлари бор	Сув, овқат, ҳаво сифати паст
Коммуникацияларнинг зичлиги	Маълумотларнинг ҳаддан зиёдлигі
Хилма хил эхтиёжларни кондириш осон	Шаҳар мұхитида ифлослантирувчи омилларнинг кўплиги (саноат, майший, электромагнит, шовқин)
Танлаш имконияти кенг	Вақтнинг етишмаслиги, стресс ҳолати

Шаҳарда экологик ҳолатнинг ёмонлашувига қарамай, катта шаҳарларда урбанизациялашиш жараёни давом этмоқда. Бу шаҳар ҳаётининг ўзига хос ютуқлари хисобланади.

Шаҳардаги шовқин XX асрнинг энг кучли муаммосидир. Шовқин нима ўзи? Шовқин ҳар хил частота ва тезликка эга бўлган товушлар йиғиндиси бўлиб, инсон организмига нохуш таъсир этади. Шовқин бу ҳаво мухитининг тебранишидир. Тебраниш ва чайқалишлар деб жамики қаттиқ материалларнинг тебранишига айтилади. Бу ҳодиса асбоб-ускуналар нотекис ўрнатилганда вужудга келади. Инсон қулоғи 16 гц дан 200 гц гача частотага эга бўлган ҳаво мухитининг тебранишини қабул қила олади. Атроф-муҳит табиий ҳолатининг ўзгаришида, кишилар саломатлигининг ёмонлашишида шовқин-суроннинг ортиб бориши ҳам салбий таъсир этмоқда. Шу сабабли шовқин-суронга қарши курашиш бу табиатни муҳофаза қилишнинг ажралмас бир қисмидир.

Шовқин-сурон мусиқавий хусусиятга эга бўлмаган ёқимсиз хавфли овоздир. Шу туфайли у кишиларнинг нормал ишлашига, дам олишга ҳалақит беради. Мехнат унумдорлигини ва иш қобилиятини пасайтиради, асабини бўшаштиради. Юрак-кон томирларини заифлаштиради, бош оғригига, уйкусизликка дучор қиласи, юрак уришини тезлаштиради. Қисқаси инсон организмида салбий физиологик ўзгаришларни вужудга келтиради. Шу сабабли шовқин-суронни камайтириш асримизнинг муаммосига айланиб қолмокда. Аҳоли яшайдиган пунктларда шовқин асосан авиатранспорт, темир йул транспорти, автотранспорт, саноат корхоналари, радио, телевизор овозларини баланд қилиб қўйиш туфайли вужудга келади. Шаҳарларда шовқиннинг асосий манбалари автотранспортлар, рельсли ва ҳаво транспортлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари хисобланади. Шаҳар магистрал кўчаларида, айникса, шовқин-сурон даражаси катта бўлади. 1 соат ичидаги ўртacha автотранспорт қатнови 2000-3000 тага етса, шовқиннинг максимал даражаси 90-95 дб га етади. Кўчалардаги шовқиннинг даражаси ундан ўтадиган транспортларнинг қатновига, тезлигига, кўчанинг кенглигига ва йўл ёқасидаги курилишларнинг зичлигига, баландлигига, кўча томонларининг ободонлаштирилишига, яъни яшил ўсимлик ва дарахтларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Ўсимликлар шовқин даражасини 10дбгача камайтиради. Рельсли транспортлар, поездлар тезлиги ҳаракатининг ошиши темир йул бўйлаб жойлашган аҳолининг яшаш худудида шовқин-сурон даражаси

ошишига олиб келади. Электропоезднинг ҳаракат вақтидаги максимал тарқатган шовқин даражаси 7,5 м масофадан 93 дб ни кўрсатади. Асосан, шовқин темир гилдиракларининг темир йулларининг уланган жойларига урилишида ва вагонларнинг бир-бири билан уланиб ёки ажратиш вақтида келиб чиқади.

Шаҳарларда шовқин-суронни вужудга келтирувчи омиллар кўп. Улар асосан автотранспорт воситалариdir. Шу туфайли дунёда, жумладан, республикамиздаги катта шаҳарларда шовқин кучи сўнгги 10 йил ичидаги 10-12 дб гача ортмоқда. Тошкент шаҳрининг Ш.Руставели, А.Навоий, Беруний, Ўзбекистон кўчаларида шовқин кучи 80-90 дбга етмоқда. Шу кўчаларда жойлашган хонадонларда эса шовқин сурон кучи 70-80 дб гача бўлади.

Австрия олимларининг маълумотига кўра, шаҳарларда шовқин туфайли ахолининг яшаш даври 8-12 йилга қисқарган. Кучли овоз чиқарадиган юк ташиш машиналарининг шаҳар ичидаги юришига чек кўйиш ва уларни шаҳар атрофидаги айланма йўлдан юргизиш орқали шовқин кучини 4-б дбга қисқартириш мумкин. Бундан ташқари шаҳарларда метро қуриш билан камайтириш мумкин. Шовқин кучини пасайтиришда ва ундан сақланишда шаҳарнинг функцияларига қараб, ахоли яшайдиган ва саноат зоналарига ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли Европада саноати ривожланган баъзи мамлакатларда шаҳар икки зонага осойишта ва саноат районига ажратилган.

Инсон организмига шовқиннинг субъектив таъсирини баҳолаш учун шовқин даражаси тушунчаси киргизилган бўлиб, у катта П билан белгиланиб, халкаро бирлик бўлган беллда ўлчанади. Амалда 10 марта кичик ўлчам бирлиги децебелл қабул қилинган. Шовқин частотаси ошиши билан унинг салбий таъсири ҳам ошади.

Шовқин катта шаҳарларда инсон умрининг ўртача яшаш давомининг тахминан 10-12 йилга қисқартириб юборади. Ҳаддан ташқари юзага келган шовқин-сурон асаб бузишларига, неврозга, ичак яра касаллигига, эндокрин ва юрак-қон томирларининг фаолияти ёмонлашувига олиб келади. Катта ёшли одамлар шовқинга бўлган сезгирлиги кўпроқ бўлади. Масалан: 27 ёшгача одамлар 46,3%, 28-37 ёшгача 57%, 38-58 ёшгача 62,4%, 58 ёш ва ундан юқорилар 72% ни шовқинни яхши сезади. Ақлий меҳнат билан шугулланган инсонларда иш фаолияти асаб системасига боғлик бўлган учун шовқиннинг таъсир даражаси юқори бўлади. Шовқин ўсимликларнинг сўлишига

ва тез нобуд бўлишига олиб келади. Доимий шовқин ҳайвонларни ҳам нобуд қиласди.

Ички шовқин кўрсаткич даражаси тахминан енгил автомобилларда 80 дб, юк машинаси ва автобусларнинг ҳайдовчилари иш жойида 85 дб, одамлар ўтирган автобус ичида эса 75-80 дб дан ошмаслиги керак.

Агар асфальт микдорига 0,7-1,5 % эпоксид смоласи қўшилса, 71-100% шовқинни ютиши мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатдики, бир қатор экилган бутазор ўсимликлар 3-4 дб га, агар икки қатор экилса, шовқинни 6-8 дб гача камайтиради. Автомобиллар ҳаво тозалагичлари ва шовқин ютичлари ёрдамида мотордан чиқаётган овозни 10-12 дб гача камайтириш мумкин.

Ҳар бир мавжуд шовқин-сурон манбаларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини ўрганиб, уларни камайтириш ҳар биримизнинг бурчимиз деб билсак, бу инсонлар саломатлигини сақлаш учун кўшган ҳиссамиз бўлади.

*Янги мавзу ролли ўйин методи асосида ташкил этилади, ўқувчиларга роллар бўлиб берилади.*

### **“Соғлиқни тиклаш ва сақлаш факат инсоннинг ўзига боғлиқ”**

**Академик Н.М.Амосов**

**Бошловчи:** Инсон ҳар доим шовқинли дунёда яшаган. Ҳамма тирик жонзорлар ичида факат угина шовқинни ажратса олади. Инсон товушлар оламига мусиқа ва сўзлашни олиб кириб, товушни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Қадим замонлардан одамлар шовқинга қарши турли тадбирлар ишлатганлар. Масалан, тунлари араваларнинг шовқинини камайтириш учун уйлари олдига қум ташлаб қуишиар эди. Балки шовқин муаммоси ундан илгарироқ келиб чиққандир. Қадимда одамлар форда яшаб, тошни уриб нарса ясаганларида, қўшилари шикоят қилгандирлар. Асрлар ўтди, инсон меҳнат қилди, яратди, дунёда шовқинларни келтириб чиқарувчи манбалар ва уларнинг кучи кўпайди, Шаҳардаги бир қанча омиллар асосида “замонавий шовқин симфонияси” юзага келди. Темир йул шовқини, самолётлар шовқини, техникавий қурилишлар шовқини, завод ва фабрикалар шовқини ва ҳоказо. (*Шаҳар шовқини ёзилмаси янграйди*). Бу масала буйича архитектор нима дейди?

**Архитектор:** Атмосферанинг шовқинли ифлосланишлари кун сайин ошиб бормоқда. 1948 йили текширишлар олиб борилганда, катта шаҳар аҳолисига “Сизларни шовқин безовта қиласадими?”, деган саволга 23 % аҳоли “Ҳа” деб жавоб берди, 1961 йилда эса 60% аҳоли шовқиндан норози бўлди. Ҳозирги вақтда шовқин товуши 20-30 баробар ошиб кетган. Шаҳар шовқини муаммоси жуда қадимдан маълум. Қадимги Рим ҳажвиячиси Ювинал ёзганидек: “Шаҳарда ухлаб бўлмайди, шовқин шундай кучлики, ўликларни ҳам тирилтиради”.

**Бошловчи:** Архитектор ва қурувчилар шовқинни камайтириш учун нима қила оладилар?

**Архитектор:** Бир неча йил олдин Москвада, автомагистрал йул ёнида уй қурилган эди, лекин шовқинни одамлар сезишмади. Нима учун? Янги уйдаги деразага асосий шовқин кирадиган дарча ўрнатилмади. Уларни ўрнига ташқаридан қараганда ёпиқ жалюзини эслатадиган қурилма деворга ўрнатилди. Ҳаво хона ичига киришдан олдин бир қанча туsicларга дуч келади, бу эса ҳаво орқали ташқаридан кирадиган товуш тўлқинлари кучини 8 марта камайтиради. Деразалар катталаштириб борилмоқда, икки каватли ойнанинг бири иккинчисига қараганда қалинроқ қилиб ишланяпти. Улар орасидаги масофа ҳам шундай ишланганки, товуш тўлқини биринчи ойнадан ўтиб, иккинчи ойнага урилади ва қайтган тўлқин биринчи ойнадан ўтган бошқа тўлқин билан учрашиб, унинг кучини кесади, яъни шовқиннинг ўзи шовқинни босади. Дам олиш хоналарини ҳовли томонга қаратиб жойлаштириш ҳам яхши натижা берди.

**Бошловчи:** Шаҳарнинг қандай қисми шовқинли ҳисобланади?

**Архитектор:** Бизга буни билиш учун шаҳарнинг маҳсус шовқинли карталари ёрдам беради. Карталарга асосланиб шаҳар қурувчилари автотранспортларнинг маршрутларини белгилайдилар, аҳоли зич яшайдиган мавзелардан четроқда тез юришга мўлжалланган маҳсус магистраллар яратадилар. Кўпинча йулларни ер тагига яширадилар, йулларга шовқиндан асрайдиган экранлар ўрнатадилар.

**Бошловчи:** Бизнинг сухбатимизни муҳандис давом эттиради.

**Муҳандис:** Корхоналарда янги технологияларни қўллаш жараёнлари, технологик қурилмаларнинг кучини ортиши, механизациялаш жараёнлари каби зарарли саноат омиллари инсонни доимо шовқин ва вибрация таъсирида яшашга мажбур этаяпти. Шовқин ва вибрация бу

физик катталик, ҳавонинг механик тебранишидир. У механизмларнинг ишлаши, қисмларни бир-бирига урилиши, суюклик ва газларни катта тезликда ҳаракатланиши натижасида пайдо бўлади. Ҳамма технологик асбоб-ускуналар шовқин ва вибрацияни келтириб чикаради.

**Бошловчи:** Шовқин нима ўзи? Бу савол билан физик олимга мурожаат қиласиз.

**Физик:** Товуш тўлқинлари ҳавони гоҳ сиқилиб, гоҳ кенгайишининг галланишидан вужудга келади ва товуш чиқаётган манбадан ҳар тарафга тарқалади. Ҳавонинг, сувнинг ёки бошқа муҳитнинг вибрацияси узлуксиз (тон) ва узлукли (шовқин)га бўлинади. Ҳар бир тоннинг товуш тўлқин узунлигига бир секунддаги аниқ тебранишлар сони тўғри келади. Товушнинг бир секунд ичидаги биз эшита оладиган энг юқори тебранишлар сони 20000 Гц, энг пасти 12-24 Гц. Шовқин бу товушнинг бир тури бўлиб, уни ёқимсиз овоз дейилади. Шовқин кучи децибелларда ўлчанади. Шовқиннинг кучи 20-30 дб бўлса инсонга зарари йўқ. Шовқинли товуш нормаси 80 дб. 130 дбли шовқин инсонга оғриқдек ботади. 150 дбга инсон чидай олмайди. Кадим замонларда “қўнғироқлар остида” ўлим жазоси белгиланган. Қўнғироқ шовқинлари инсонни азоблаб ва аста-секин ўлдирап эди.

**Залдан савол:** Шовқин ҳайвон ва ўсимликларга таъсир қурсатадими?

**Эколог:** Шовқин XX аср муаммосидир. Олимларнинг таъкидлашича, шовқин муаммоси АҚШ да энг хавфли даражага етган. “Шовқин шундай хавфли қотилки, худди смог-курум таъсирига ўхшаб секин ўлдиради”, – дея таъкидлайди америкалик олим Кнудсен. Узлуксиз шовқин дараҳтларни тез қариши ва нобуд бўлишига олиб келади. Узоқ давом этадиган кучли шовқин нафакат ўсимликларни балки ҳайвонларнинг ҳам ўлимига олиб келади. Бетўхтов шовқин остида ҳайвонларни узоқ вақт бўлиши артериал қон босимини ошиши, юракни ёмонлашишига олиб келади.

**Залдан савол:** Мени уйимда жуда куп гуллар ўстираман. Яқинда гулларимнинг бир қисмини магнитофондан доимо куй чалиниб турадиган хонага олиб чиқдим. Бироз вақт ўтиши билан баъзи хил гулларим яхши ўсиб, баъзилари сўлиб қолди. Гулларга ҳам мусиқанинг таъсири борми?

**Эколог:** Ҳа, биринчи бўлиб, хинд ботаниклари шуни аниқлашдики, ўсимликлар ўсишига шовқиннинг кучи турлича таъсир қиласиз.

Баъзи тур ўсимликлар паст овозда куйланган мусиқани ёктиришади. Баъзи гуллар баланд овозда (“Жаз”, “Металл”) куйланганда ўсиб яшнайди. Тропик гулларнинг кўпчилиги “реп” услубидаги мусиқани ёктиришади. Мусиқани нозик тушунадиган ўсимликлар шоли ва тамакидир. Агар ўсимлик плантацияларида ўсимлик турига мос мусиқалар янграса, ўсимликлар яхши ўсиб ва тез ҳосил берар экан.

**Бошловчи:** Одам организмига шовқин қандай таъсир кўрсатади?

**Эколог:** Инсонлар шовқин зарари ҳақида билишса-да бу муаммони узоқ йиллар давомида ўрганишмаган. Ҳозирги кунга келиб кўп мамлакатларда олимлар шовқиннинг инсон соғлигига таъсирини ўрганмоқда. Табиат ҳодисалари натижасидаги шовқинлар: денгиз тўлқинларининг шовқини, ёмғирнинг ёғиши, барглар шивирлаши, ирмоқларнинг оқиши кабилар организмга хуш ёқади, улар тинчлантиради, бўшашибтиради. Лекин бетўхтов шовқин соғлиқка зарар, ҳаттоқи мутглақо тинчлик инсонни эзар ва кўрқитар экан. Маълум бир кучга эга бўлган овоз-товуш инсонни ўйлаш, айниқса ҳисоблаш қобилиятини оширади.

**Бошловчи:** Ҳар бир инсон товушни ҳар хил қабул қиласди. Бу нарса кўп ҳолларда ёшга, темпераментга, одам соглигига, ташқи муҳит таъсирига боғлиқ. Одамнинг қайси аъзолар биринчи бўлиб шовқин таъсирига учрайди?

**Шифокор:** Бетўхтов шовқин одамда фикрлаш ва иш қобилиятини сусайиши, эътиборнинг камайиши, ҳолсизланиш, уйқунинг бузилиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Шовқин томир уришининг ўзгариши-аритмия, баъзи ҳолларда гипертонияга сабаб бўлади, нафас олиш қийинлашади. У ошқозон шираси камайишига ва кислотали муҳит ортишига олиб келади. Ички секреция безларининг фаолиятига таъсир қиласди, қоннинг биокимёвий таркиби ўзгаради, қондаги шакар моддасининг микдори ошади, қон куйилиши ёмонлашади.

Шовқин таъсирида эътибор сусаяди. Оловранг, қизил рангларга нисбатан сезгирилик камайиб, кўк, яшил рангларга сезгирилик ошади. Вестибуляр анализаторнинг ишлаши сусаяди, яъни бош айланиши бўлади, ўзига ишонч йўқолади. Шовқин таъсирида тери ҳарорати ўзгаради ва сезгирилиги камаяди. Бунда тез чарчаш, бош оғриғи, бош айланиши, чанқаш, озиш, уйқунинг бузилишидан шикоят бўлади. Вибрация таъсирида нерв системасида ўзгаришлар рўй беради. Оёқ мускулларида оғриқ бўлиши, эслаш қобилиятининг сусайиши,

ҳаракат координацияларининг бузилиши кузатилади. Кўриш қобилияти ҳам баъзida сусаяди.

Вибрация ички органларга ҳам таъсир кўрсатади. Шовқинли хонадаги заҳарли газлар, бирикмалар организмга тез сингади (айниқса, чекиш натижасида ҳавода ҳосил бўлган зарарли моддалар).

**Текширувчи:** Ҳозирги кунда кўчада, боғларда, транспортда магнитофон ва плеерларда юрган ёшларни кўп учратамиз. Улар севимли мусиқаларидан ажralишини исташмайди ва кун бўйи уни эшлишга тайёрдирлар. Японияда мусиқа эшлиш одатга айланиб бормоқда, текширувлар натижасида аниқландик, 1-4 соат давомида тинмай мусиқа эшитса, эшлиш қобилияти пасаяр экан. Кейинроқ уларда баландрок эшлиш натижасида карлик пайдо бўла бошлади. Хонадаги видео, аудио аппаратларини шовқин кучи аэропорт якинидаги шовқиндан кучлидир. *Буни ота-оналар билшиши керак!* Олимлар гурухи мусиқани кўп тинглайдиган 20 ёшлиларда эшлиш қобилияти худди 85 ёшдаги одам каби эканлигини аниқлашди. Кулок бундай шовқинни кўтара олмайди, қулоқларингизни асранг!

**Залдан савол:** Инсон йўқотган эшлиш қобилиятини қайта тикласа бўладими?

**Шифокор:** Касаллик таъсирида инсон кар бўлиб қолса, замонавий медицина ёрдамида эшлиш қобилиятини қисман тиклаши мумкин. Карлик-энг оғир касаллик. Профессор В.А.Шестаков айтганидек: “Карлик-ижтимоий касаллик, худди гиёхвандлик ва алкоголизм каби хавфли”

**Бошловчи:** Энди сўзни гигиена врачига берамиз.

**Гигиена врачи:** Шовқиннинг зарарли томонларини ҳамма билди. Лекин болаларга қанчалик ёмон таъсир кўрсатишини ҳали ҳамма инсонлар билмайди. Шифокорлар тажрибага 5-9 ёшгача бўлган қизболаларни олиб, уларнинг ярмини катта шаҳарнинг аэропорт худудига, ярмини тинч қишлоқга жойлаштирди. Эксперт натижаси ҳайрон қолдириди, аэропорт якинидаги болалар икки баробар кўпроқ ва узокроқ касалланибди. Болалар, асосан, асаб, юкумли касалликлар, нафас органларининг касалликлари билан оғриганлар.

**Бошловчи:** Охирги сўз гигиена врачига.

**Гигиена врачи:** Шовқинга қарши курашишнинг асосий йули атроф-муҳитни кўкаломзорлаштиришdir. Шунинг учун шаҳарларда, микрорайонларда, бўш жойларда шовқин тутувчи ўсимликларни кўпайтиришга катта эътибор бериш керак. Ўсимликлар шаҳардаги

шовқинни ютишади. Сербарт дараҳтлар 25%гача шовқинни ютади. Нина барғли дараҳтлар ҳам товуш энергиясини актив ютади..

Фақатгина ишлаб-чиқаришдагина эмас, балки майший жойларда ҳам шовқиндан муҳофазаланиш керак. Күп қаватли уйларга шовқиндан асровчи дераза ойналарини үрнатиш лозим. Тинчликни сақлаш инсон маданиятининг бир күринишидир, унинг атрофдагиларга муносабатини ҳам билдиради. Тинчлик инсонларга сув, ҳаво, күёшдек зарур. (*Шеър ўқилади*)

**Бошловчи:** Шу билан сұхбатимизни тамомласқаң бўлади.

**IV. Янги мавзу юзасидан қўшимча маълумотлар берии.**

**V. Дарсни умумий якунлаши ва уйга вазифа берии.**

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЯИНЧ АТАМАЛАР**

Тебраниш ва чайқалиш, частота, титраш, авиатранспорт, темир йўл транспорти, автотранспорт, саноат корхоналари, магистрал кўчалар, ташки шовқин кўрсаткичи, децебелл, герц. Шовқин-сурон, шовқин даражаси.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Шовқин нима?
2. Шовқин ўсимлик ва инсон организмига қандай таъсир кўрсатишини изоҳлаб беринг?
3. Шовқин-сурон қандай юзага келади?
4. Шаҳарда шовқин-суронни вужудга келтирувчи омиллар?
5. Амалда шовқинни ўлчаш бирлиги нима?
6. Шовқин-суронни камайтириш йўлларини айтинг.

«Шаҳарларда шовқин муаммоси» мавзусидаги дарснинг дидактик ўйин технологиясининг матбуот конференцияси методидан фойдаланилган технологик харитаси

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИ
I босқич	Саломлашиш, талабаларни дарс машғулотига қатнашишини аниклаш, мавзуни доскага ёзиш.	Аудиторияда жойлашадилар ва ёзадилар.
II босқич	Шовқин ҳақида ўртага савол ташлаб, талабалар фикри билан танишиш	Талабалар фикрлайдилар жавоб берадилар.

III босқич	Ролларни тақсимлайди. 1. Олиб борувчи 2. Архитектор 3. Мұхандис 4. Врач 5. Физик 6. Эколог 7. Гигиена врачи Рол олғанларни саңнага чиқишини сүрайди	Көлгап талабалар жойларда эшитиб ўтирадилар.
IV босқич	Үйин бошланади.	Күриб ўтиришади.
V босқич	Күшімча маълумот беради.	Тинглайдилар.
VI босқич	Машғулот якунланади. Дарсда фаол қатнашган талабалар баҳоланади. Уйга вазифа берилади.	Фаолият натижалари эшиттирилади.

## САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ (инженерлик экологияси)

Ушбу бўлимда ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит тизими орасидаги ўзаро боғлиқликлар, замонавий технология яратиш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш манбалари, атроф-муҳит ҳолатининг экологик нормалари, оқова сувларни тозалаш усуслари ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технология
1.	Кам чиқиндили энергия ва ресурсларни тежашда замонавий технология яратиш	Лойиҳалаш технологияси
2.	Атроф-муҳитнинг ифлосланиши	Муаммоли таълим технологияси
3.	Атроф-муҳит ҳолатининг экологик нормалари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
4.	Оқова сувларни тозалаш усуслари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
5.	Сув ҳавзаларнинг экологик ҳолатини баҳолаш (амалий машғулот)	Анъанавий таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Оқова сувларни тозалаш усуслари

**Дарснинг таълимий максади:** Ўқувчиларни оқова сувларни тозалаш усуслари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларнинг оқова сувларни тозалаш усуслари ҳақидаги билимларини ошириш орқали иқтисодий, экологик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларда атроф-мухитга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, илмий дунёқарашларини кенгайтириш, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Оқова сувларни тозаловчи курилмаларнинг суръатлари, жадваллар, схемалар, сувни тозалаш хусусиятига эга бўлган ўсимликларнинг расмлари (хлорелла, пистия, эухорния).

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм.

II. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

III. Янги мавзуни ўрганиш.

Ўқитувчи доскага янги мавзу режасини ёзади.

**Режа:**

1. Механик йўл билан тозалаш.
2. Физик-кимёвий усуслар
3. Кимёвий ва электрокимёвий усуслар билан тозалаш.
4. Биологик усуслар.

Оқова сувларни тозалашнинг қўйидаги усуслари мавжуд: Механик кимёвий, физик-кимёвий, термик ва биологик.

1. Механик йўл билан тозалашнинг бешта усули мавжуд: сузиш, тиндириш, фильтрлаш, марказдан қочма кучлардан фойдаланиш (центрофугациялаш) ва қаттиқ жисмларни ажратиб олиш.

Сузиш – бу усул билан канал ва қувурлардаги оқова сув юзасидаги қаттиқ ва бошқа жисмларни панжаралар, тўрлар орқали ўтказиб тутиб қолинади.

Тиндириш – бу усуlda оқова сув таркибидаги қаттиқ йирик заррача ва моддалар ўз оғирлиги ҳисобига махсус тиндиригич орқали чўқтириш йўли билан амалга оширилади. Тиндириш вақти 1-3 соат.

Фильтрлаш усулида оқова сувлар ўта аралашган ва тиндириш усули билан тозалаб бўлмайдиган майда, суюқ ва қаттиқ заррачалардан тозаланади.

Бу усулнинг афзаллиги тозалаш самарадорлигини жуда ҳам юқорилигига, камчилиги эса ўлчамлари катта ва қимматлигидадир.

Марказдан қочма кучлардан фойдаланиш усулида оқова сувларни тозалашда циклондан фойдаланилади. Сув тозалаш унумдорлиги 70%гача.

2. Физик-кимёвий усул билан оқова сувларни тозалашнинг беш хил усули мавжуд: флотация, адсорбция, ион алмашинув, экстракция, дезодорация.

Флотация усули – оқова сувлар таркибидаги эрийдиган ва чўкиши қийин бўлган дисперсия ҳолатидаги моддаларни ажратиб олишdir.

Адсорбция – бунда оқова сув таркибидаги эриган органик моддалар ажратиб олинади. Самарадорлиги 80-95% бўлиб, адсорбентларнинг кимёвий хусусиятларига боғлик. Адсорбент вазифасини активлаштирилган кўмир, синтетик сорбентлар, кул, кириндилар ва бошқалар бажаради.

Ион алмашув усули – оқова сувлар таркибидаги металларни (рух, мис, хром, никель, симоб, кадмий, ванадий) ажратиб олишда кенг кўлланилади.

Экстракция усули – оқова сув таркибидаги фенол, мой, органик кислоталарни ажратиб олишда ишлатилади.

Дезодорация усули - оқова сув таркибида аммиак, унинг бирикмалари, олtingугурт оксиidi, альдегидлар, углевод ва уларнинг газсимон бирикмаларини тозалашда ишлатилади. Сувдаги турли ҳидларни дезодорантлар ёрдамида тозаланади.

3. Кимёвий ва электрокимёвий усуллар билан оқова сувларни тозалаш тўрт хил бўлади: нейтрализация, электрокоагуляция, озонлаштириш ва сувларни хлорлаш усули.

*Нейтрализация* усули машинасозлик корхоналарида оқова сувлар таркибидаги кислоталар, ишқорлар ( $H_2SO_4$ ,  $HCl$ ,  $HNO_3$  ва  $NaOH$ ,  $KOH$ ) ва металл тузларини бир-бирига қўшиб, таъмини реагентлар қўшиш орқали нормаллашга қаратилгандир. Асосан бу усул сув таркибидаги водород  $H^+$  ва гидроксид  $OH^-$  ионларини бириктиришга асосланган. Сувнинг нейтралланиши pH 9 тенг бўлгандагина нормал ҳисобланади.

*Электрокоагуляция* усули – оқова сувлар таркибидаги гальваник элементлар, хром, никель ва оғир металларнинг бирикмаларини ҳамда цианидларни тозалашда кенг миёсда кўлланилади.

Озонлаштиришда оқова сувлар таркибидаги оғир металлар, цианидлар, сульфидлар, уларнинг элементлари озон О<sub>3</sub> билан оксидлаб, тозаланади.

4. Оқова сувларни органик бирикмалардан тозалашда, асосан, биологик усул кенг қўлланилади. Бу усулни табиий ёки сунъий сув ҳавзаларида амалга ошириш мумкин. Табиий ҳавзаларда сувларни биологик тозалаш фильтрида амалга оширилади. Оқова сувларни майдонларда фильтрлаганда, сув бир неча тупроқ қатламларидан ўтиб, ундаги эримаган оғир ва каллоид ҳолдаги моддалар тўпланиб колади, вакт ўтиши билан тупроқда микробиологик юпқа қатлам хосил қиласди. Бу юпқа қатлам органик моддаларни ушлаб қолиб, уларни оксидлайди ва минерал бирикмаларга айлантиради.

Маишӣ коммунал ифлос чиқинди сувларини тозалашда хлорелладан фойдаланилмоқда. Маълум бўлишича, хлорелла ифлос сувлар таркибидаги органик ва минерал аралашмаларни тозалар экан. Чунки хлорелла ўсиш даврида ўзидан бактерицидлар чиқариб, ифлос сувдаги кислоталилик дараражасини ўзгартиради.

Сунъий биологик тозалаш маҳсус қурилган сув иншоатларида биологик фильтрлар, аэротенклар ва окситонларда амалга оширилади.

Саноатдан чиқсан чиқинди сувларни тозалашнинг янги методи – антроцит грануллалари ёрдамида тозалаш йўлларини ишлаб чиқадилар. Бу методда кўра, ифлос саноат чиқинди сувлари маҳсус термик ишловдан ўтган ва орасида микроскопик бўшликлари бўлган антроцит граннуллаларидан (донадор кўмир) ўтказилади. Натижада сувдаги ифлос моддалар ўша граннулла ичида микроскопик бўшликларида ушланади ва сув тозаланиб чиқади. Бир килограмм гранула бир секунд ичидаги юз минглаб кубометр ифлос саноат чиқинди сувини заҳарли моддалардан тозалаши мумкин. Ҳозир Украина нинг бешта областида бу метод билан йилига 2,7 млн м<sup>3</sup> сув тозаланиб, уч млн. сўмдан ортиқ фойда келтирилмоқда.

*Ўқувчилардан кичик гурухлар ташкил этилади, уларга алоҳида топшириклар берилади.*

### *1- топшириқ.*

1 - гуруҳ учун топшириқ. Оқова сувларни тозалашнинг механик усулини ёзинг (Кластер усули).

2 - гуруҳ учун топшириқ. Оқова сувларни тозалашнинг физик-кимёвий усусларини ёзинг (Кластер усули).

3 - гурұх учун топшириқ. Кимёвий ва электрокимёвий усулларни ёзинг (Кластер усули).

4 - гурұх учун топшириқ. Биологик усулларни ёзинг (Кластер усулида).

2 - *топшириқ*. Индивидуал ишлаш учун карточка топшириклари (Резюме технологияси)

СУВНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ							
Механик усул		Физик-кимёвий усул		Кимёвий усул		Биологик усул	
Афзал-лиги	Камчи-лиги	Афзал-лиги	Камчи-лиги	Афзал-лиги	Камчи-лиги	Афзал-лиги	Камчи-лиги

**ҮҚУВЧИНИНГ ФАМИЛИЯСИ**

*IV. Қүшимча маълумотлар берилади.*

*V. Янги мавзу юзасидан үқувчилар билимини назорат қилиши.*

*VI. Үқувчиларни баҳолаш.*

*VII. Уйга вазифа бериш.*

### **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР**

Оқова сувларни тозалаш, фильтрлар, сувнинг табиий ва сунъий ифлосланиши. экстракция, дезодорация, сувнинг кислоталиги, сузиш, тиндириш, адсорбция, флотация, сувдаги тузларни даражаси, электрокогуляция, озонлаштириш, аэротенкалар, биологик тозалаш, кимёвий тозалаш.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Оқова сувларни тозалашда қандай усуллардан фойдаланилади?
2. Тиндириш ва сузиш қандай усуллар?
3. Озонлаштириш нима?
4. Адсорбция нима?
5. Нейтрализация усули деганда нимани тушунасиз?
6. Сувни тозалашни биологик усуллари қандай?

**“Оқова сувларни тозалаш усуллари” мавзусини дарснинг ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг тармоқлар методидан фойдаланилган технологик харитаси**

Иш босқичи	Фаолият	
	Маърузачи фаолияти	Талабалар фаолияти
I босқич	Саломлашиш, давоматни аниклаш, мавзуни доскага ёзиш, режа билан таништириш.	Аудиторияда жойлашадилар, ёзадилар.
II босқич	Оқова сувларни ва хаводаги чиқиндиларни тозалаш усуллари ҳақида маъруза ўқиди.	Эшитадилар, ёзадилар.
III босқич	Талабалар 4 та гурӯхга бўлинади. Ҳар бирiga топшириқ берилади. (Кластер усулида)	Жавоб ёзилади. Ҳамкорликда ишлаш.
IV босқич	Ҳар бир гуруҳдан бир талаба чиқиб саволларга берилган жавобни ўқиди ва асослайди.	Тинглашади.
V босқич	Қўшимча маълумот беради.	Тинглайдилар.
VI босқич	Ҳар бир ўқувчига ўрганган тозалаш усулининг афзалликлари ва камчиликларини ёритиб беришни сўрайди ва доскага жавоб ёзишининг шаклини кўрсатади. (Резюме технологияси).	Жавоб ёзадилар. Индивидуал ишлаш.
VII босқич	Жавобларни йигиб олади ва карточкадаги жавобларга келгуси дарсда баҳо кўйиб келишлиги айтилади.	Эшитадилар.
VIII босқич	Дарсни яқунлайди, уйга вазифа қилиб мунозара учун саволларга жавоб беришликлари айтилади.	Ёзадилар.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКОЛОГИЯСИ ( АГРОЭКОЛОГИЯ )**

Ушбу бўлимда агроэкологиянинг асосий тушунчалари, агроэкотизимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қишлоқ хўжалигининг ифлосланиши, тупроқ экологияси, тупроқнинг экологик ҳолатини баҳолаш ҳақида маълумотлар берилади.

№	Мавзулар	Фойдаланиладиган технология
1.	Агроэкологиянинг асосий тушунчалари	Ҳамкорликда ўқитиши технологияси
2.	Агроэкотизимлар	Муаммоли таълим технологияси
3	Қишлоқ ҳўжалигининг ифлосланиши	Муаммоли таълим технологияси
4	Тупроқ экологияси	Модулли таълим технологияси
5	Тупроқнинг экологик холатини баҳолаш (амалий машғулот)	Анъанавий таълим технологияси

**Дарс мавзуси:** Агроэкотизимлар

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни агроэкотизимлар ва уларнинг ўзига хос томонлари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Агротизимлар ҳақидаги билимлар орқали иқтисодий, экологик тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг экотизимлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш, дарслик ва ўқув адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Тури экотизимларни акс эттирувчи (ўрмон, яйлов, ботқоқлик) кўргазмали суръатлар, агроценозлар – пахтазор, буғдоизор схемалари.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Муаммоли таълим технологияси (мунозара методи).

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм

II. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириши.

III. Янги мавзуни ўрганиш.

Ўқитувчи доскага дарс режасини ёзиб, ундаги масалалар билан ўқувчиларни таништиради.

**Режа:**

1. Агроэкотизимлар.
2. Агроценозлар, уларни табиий биоценозлардан фарқи.
3. Агроценозлардаги озиқа занжирлари.

**Агроэкотизимлар** – бу автотроф антропоген экотизимдир. Агроэкотизимнинг ишлаши учун керак бўладиган асосий энергия манбаи

бу қүёш, асосий ишлайдиган кучлар эса тирик организмлардир. Лекин агроэкотизимнинг тузилиши ва вазифаларини инсон белгилайди. Инсон ўзи учун фойдали бўлган бирламчи ва иккиламчи маҳсулдорликни сифатли қилиб олишга ҳаракат қиласди.

Агроэкотизимдаги асосий *продуцентлар* – маданий ўсимликлар бўлишига қарамай, бир қисмини табиий ва ярим табиий ўсимлик қоплами: ўрмонлар, сув олди ва тўқай, ботқоқ ўсимликлари ташкил этади. Бундан ташқари продуцентларга инсон яшаш мухитининг йўлдошлари бўлган даладаги бегона (сегеталь) ва рудераль ўтлар ҳам киради. Улар дала, йўлларнинг четларида, қишлоқ яшаш пунктларининг майдонларида ўсади.

Агроэкотизимдаги *бош консумент* – чорва молларидир. Бундан ташқари бу блокка табиий биотадаги ҳамма турлар киради: ўсимликлар қоплами, ҳайвонлар, ҳашорат – фитофаглар (дала заарқунандалари) ва улар билан озиқланувчи энтомофаглар.

Агроэкотизимдаги *редуценентлар* блоки тупроқда мужассамлашган турли бактериялардан иборат. Уларнинг таркибига бактериялар, тупроқдаги қолдиқ ўсимлик массасини майдалаб берадиган детритофаглар, уларни истемол қиласдиган йиртқичлар киради, улар биргаликда тупроқ биоценози – жамоасини таркибий тузилмасини ташкил этади.

Демак, агроэкотизимлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари, ем-хашак олинадиган яйловлар ҳамда туёкли уй ҳайвонларни ўз ичига олувчи худудлар мажмуудир. Агроэкотизимлар таркибига инсонлар ҳам киради, чунки у ҳар доим экологик занжирни бошқаради, иложи борича кўп энергияга эга бўлган маҳсулот олишга ҳаракат қиласди ва энергетик пирамиданинг чўққисида туради.

Биринчи жадвалда агроэкотизимлар ва табиий фотоавтотроф экотизим (ўрмон, чўл, сув ҳавзаси) хусусиятлари билан солиштирилган. Кўриниб турибдики, фарқлар жуда катта.

## Табиий тизим ва агроэкотизимларни солиштириш жадвали

Белгилар	Экотизим	
	Агроэкотизим	Табиий фотоавтотроф экотизим
Экотизимдаги жараёнларни бошқариш	Ўз-ўзини тиклаш механизмлари билан бирга инсон томонидан бошқарилади	Ўз-ўзини бошқаради
Майдон чегараси	Хўжалик чегараси	Майдон чегараси йўқ
Энергия	Куёш ва антропоген	Куёш
Модда айланишининг ёниклик даражаси	Паст: моддалар чиқиб кетади: хосил, чорва маҳсулоти, тупрок эрозияси билан.	Юқори: модда чиқиб кетиши сезиларсиз
Устувор асосий озиқа занжири	Яйлов занжири	Детрит занжири
Озука занжирининг узунлиги	Қисқа: 2-3 звено	Узун: қуруқлиқдаги экотизимда 3-4 звено, сув экотизимида 4-6 та
Модда алмашинув тезлиги	Юқори: асосий моддаларнинг массаси йил давомида айланади	Юқоридан (1 йил, сув экотизимида) кичиккача (10 йиллаб ўрмон экотизимида)
Биомасса нисбати, биологик маҳсулдорлик	Бирлик атрофида	Бирликнинг бир кисмидан (сув экотизимида) то 50 гача (ўрмон экотизимида)
Биологик хилма-хиллик	Қоидага кўра кам	Камдан (саҳро, сув экотизимлари) энг юкоригача (нам тропикил ўрмонлар, чўллар).

Табиий экотизимлар мухит шароитларига мос равишда ўз-ўзидан яралади.

Агроэкотизимни инсон ўзининг «эгоистлиги» нуқтаи назаридан яратади. Бунда агроэкотизимнинг хусусиятлари ўрнини эгаллаган табиий экотизимни хусусиятлари, белгилари яқинроқ, ўхшашроқ бўлса, у агроэкотизим барқарор ҳисобланади.

Агроэкотизимнинг ҳамма фарқлари унинг инсон томонидан бошқарилишига бориб тақалади. Бошқаришнинг мақсади – миқдор ва сифат жиҳатдан керакли бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш.

Агрофитоценоз агроэкотизимларнинг энг муҳим бир қисми ҳисобланаб, у маълум майдондаги маданий ва бегона ўтлар мажмудидан иборат. Агрофитоценоздаги маданий, бегона ўтлар ҳамда тупроқдаги сувўтлар ва микроорганизмлар агроэкотизимнинг мустақил қисми ҳисобланади.

Агроценозлар инсон ўzlари ва уй ҳайвонлари миқдорини тутиб туриш учун, озиқа маҳсулотларини етиштириш мақсадида яратилган жамоадир. Бу жамоаларда табиий механизмлар кучсизланган. Агроценозларнинг барқарорлиги эса инсонни кўшимча энергия киритиши ҳисобига сақланади. Агрофитоценозлар суный ценозлар деб қаралади ва унинг табиий фитоценозларга ўхшаш томонлари ва фарқлари бор.

Уларда турларининг хилма-хиллиги сезиларли даражада билинади. Табиий биоценозлар турлар таркиб жиҳатдан юз минглаб марта кўп. Инсон томонидан ўстирилаётган турлар инсон кўмагисиз ёввойи турлар билан ракобатлаша олмайди, ўсимликдан кўп миқдорда ҳосил йиғиш учун энергия сарфланади (инсоннинг қўл меҳнати, ҳайвонлар ва қишлоқ хўжалиги техникаси); озиқа занжири қисқа (табиий жамоаларда озиқа занжири шохланаб кетган); модда алмашиниш тўлиқ эмас (табиий жамоаларда етарли даражада тўлиқ модда алмашиниш бўлади). Шундай қилиб агроценоз барқарор бўлмаган тизимдир. Табиий жамоалар – биоценозлар эса кўп вақт яшаши мумкин. Агроценозлардан инсон шу жамоага хос бўлган катта миқдорда тоза маҳсулот етиштиради, йиғиб олади ва модда айланиш доирасини узади. Табиатда бундай жамоалар барқарор эмас, улар ўзини бошқариш, ўзини яратиш хусусиятига эга эмас. Бундай жамоаларга инсон доимо аралашиб, камчиликни ўрнини тўлдириш учун ўғитлар солиб туриши керак. Афсуслар бўлсинки, инсон бу камчиликларни «кимё» ҳисобига тўлдиради. Агрофитоценозларнинг популяция – тур таркиби, буғдойзор, пахтазор, кўп йиллик ўт-ўсимликлар ва эдификатор, доминант турларга bogлиқ. Бунда кўрсатилган агрофитоценоздаги популяциялар ўртасидаги ўзаро алоқага эътибор бериш керак. Тур ва популяциялар орасидаги ўзаро алоқаларнинг

фойдали ва заарали тамонларини кўрсатиш керак. Уларни агроценоздаги асосий ўсимлик турларига таъсирини белгилаш керак.

Масалан, пахта даласи биоценози автоматик бошқариш хусусиятига эга, бу ерда бу турлар иккинчи тур билан алмашинади ва қайта тикланиш юз беради. Натижада ҳамма организмлар сони ўз-ўзидан идора қилинади. Айни вақтда хонқизи, йиртқич пашшалар ва учеб юрувчи афидлар ҳам кўпая боради. Бир турдаги заараркунандалар тамом бўлиши биланқ, уларнинг кушандалари бошқа заараркунандаларга ўтади ёки бешқа тур кушандаларига жой бўшатиб беради. Шундай қилиб, далаларда йиртқич бургалар, канахўрлар, стеторуслар каби ўргимчак каналар билан озиқланувчи пайдо бўлади. Албатта, заараркунандалар билан курашишга қаратилган табиий конвейерлар узилиб қолиши мумкин. Энтомофаг ҳам заараркунандаларнинг кўпайишини тўхтатиб тура олмаслиги мумкин.

Бундай пайтда инсон аралashiши зарурдир. Далаларни кезиб, қайси майдонларда қанча заараркунандалар борлигини аниқлаш, энтомофаглар етарли майдонларда кимёвий воситалардан фойдаланишга шошилмаслик, кимёвий ишловни эса фақат хавфли ўчоклардагина, осиладиган ёки тракторларга тиркалган асбоблар ёрдамидагина ўтказиш керак. Бу ҳолда заараркунандалар кўп бўлган жойдагина кимёвий ишлов берилади. Экинзорларга кимёвий ишлов беришни биологик усувлари билан чамбарчас боғлаш янада мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги вақтларда заараркунандаларга қарши курашда микробиологик препаратлар ва биофабрикалар ташкил қилинмоқда.

### **МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУЛАР**

1. Қишлоқ хўжалигига заарар келтираётган заараркунандаларнинг сонини камайтириш учун қандай экологик усувларни кўллаш мумкин?

2. Агроценозларни мукаммаллаштиришни қандай йўлларини кўрсата оласиз?

3. Агроценозларда маданий ўсимликларни ҳосилдорлигини қандай йўллар билан ошириш мумкин (атроф-мухитга зарар келтирмасдан)?

4. Нима учун агроценоздаги тупроқлар кучсизланиб қолади?

5. Агроценозларда баъзи ўсимлик билан озиқланадиган турларнинг тўсатдан тез кўпайиши табиий биоценозларга нисбатан кўп кузатилади, бу нимага bogлиқ? Тўғри жавобни топинг:

а) агроценозларнинг юқори маҳсулдорлигига.

б) катта майдонда бир турдаги ўсимликнинг ўсиши (монокултура).

в) битта майдонда йилдан йилга ҳар хил агроценозларнинг галланишига.

г) агроценозларнинг биологик хилма-хиллигига.

6. Тушириб қолдирилган сўзларнинг ўрнига кўйинг: агроценоз – бу . . . . . натижасида яратилади. Агроценозлар фақат инсон тамонидан доимо сарфланадиган . . . . ҳисобигагина яшаб қолиши мумкин. (сунъий биоценоз, инсон фаолияти, энергия).


7. Кулранг құрбақа яшаси учун бир кунда 5 г шиллиқтүрт каби қишлоқ хұжалик үсімліктер заараландалары билан озикланиши керак. 1 га. ерда 10 та құрбақа яшаса, иссикда (майдан сентябрь охиригача) – 150 кун давомида 10 га. майдондаги заараландаларни канчасини ейди (75 кг).

## *1-тапширик. Жадвални түлдиринг*

Табий биоценоз билан агроценозларни ўхшашликлари	Табий биоценоз билан агроценозларни фарқлари
--	--

## *2-тапширик (биринчи гурӯҳ учун)*

## Ўтлоқ йўнғиҷқасининг муносабатлари (ўзаро алоқаси).



## *2-төпшириқ (иккинчи гурӯҳ учун)*

Нима учун маданий ўсимликлар бегона ўтлар билан рақобатлаша олмайдилар? **Жавоб:** маданий ўсимликларни инсон ўз фойдасини кўзлаб яратган. Уларнинг энергияси инсонга керак бўладиган органларнинг ривожланишига сарфланади. Сув ва минерал ўғитлар билан озиқланишида маданий ўсимликлар бегона ўтлар билан рақобатлаша олмайди. Бу эса маданий ўсимликлар ҳосилини камайтиришга олиб келади.

## *2-төпшириқ (учинчи гурӯҳ учун)*

Бегона ўтлар фойда келтириши мумкинми? **Жавоб:** ха, бегона ўтлар чуқур илдиз отиш ҳисобига чуқурликдан баъзи озиқа элементларини ернинг ҳайдалган устки қатламига чиқаради. Бегона ўтлар ўз органларида озиқа элементларини заҳира ҳолида йигиб, уларни ювилиб кетишидан сақлайди; нобуд бўлиб чиригандан сўнг ерга озиқа элементларини қайтаради, маданий ўсимликларни озиқланиш муҳитини яхшилайди, йирткич ҳашаротларнинг яшаш маскани бўлиб хизмат қиласи. Лекин бегона ўтлар кўлпайиб кетса, маданий ўсимликлар билан рақобатлашиши кучайиб, уларни ўсишини тўхтатиб қўяди.

## *2-төпшириқ (тўртинчи гурӯҳ учун).*

Озиқа моддаларни ерга қайтаришнинг қандай йўллари бўлиши мумкин? **Жавоб:** ерга минерал ва бактериологик ўғитларни солиш орқали, сидерат – ўсимликлардан фойдаланиш (вегетация даври қисқа бўлган ўсимликлар – нўхот, рапс), ерга компост солиш (чириган ҳайвон чиқиндиси, торф ва бошқалар).

*IV. Янги мавзу юзасидан ўқувчилар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириши.*

*V. Ўқувчиларнинг кичик гурӯҳларда ишлашига мўлжалланган топшириқларни бажарии.*

*VI. Янги мавзуни қайта ишлаш.*

*VII. Уйга вазифа берии.*

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Агроэкотизим, агрофитоценоз, автотроф организмлар, табиий ва сунъий жамоалар, доминантлар, энтомофаглар, агроценопопуляция, агроэкотизимнинг барқарорлиги, продуцентлар, редуцентлар, консу-

ментлар, алмашлаб экиш, биологик кураш, сегетал, рудерал ўсимликлар, детритофаглар.

### МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:

1. Агроэкотизимларда асосий бойлик инсон нүктай назаридан тупроқдир. Тупрокни қадимий мисрликлар буюк Нилнинг эхсони, қадимий греклар аёл ва она дейишган. Ўзбеклар нима деб аташган?
2. Халқ хўжалигини ривожлантиришда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда агроценоз қандай рол ўнайди?
3. Агроценоз маҳсулдорлигини оширишда қандай усуллар қўлланилади?
4. Маданий ўсимликлар маҳсулдорлигини қандай қилиб ошириш мумкин?
5. Агроценозларни мустаҳкамлашни қандай йўлларини таклиф қиласиз?
6. Буғдойзордаги озиқа занжирини тузинг?
7. Калорадо қўнғизига қарши ишлатилган заҳарли кимёвий моддалар картошка тугунагида ҳам йигиладими?
8. Қишлоқ хўжалиги зараркунандалари сонини камайтириш учун ишлатиладиган экологик тоза усулларни айтинг?

«Агроэкотизимлар» мавзусидаги дарснинг муаммоли таълим технологиясининг мунозара методидан фойдаланилган технологик харитаси

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ	ЎҚУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич	Саломлашиш, талабаларни машғулотга қатнашишини аниқлаш.	
	Мавзуни доскага ёзиш, дарс режасини белгилаш.	Эшитадилар.
II босқич	Агроэкотизимлар ва агроценозлар ҳакида кисқача маъзуза ўқилади	Эшитадилар, конспект ёзадилар
III босқич	Талабаларни икки гурухга ажратади, ҳар бирига вазифа топширади: биринчи гурух топшириғи: агроценозларни табий биеоценозлардан фарки.	Ўйлайдилар, ҳамкорликда ишлаб жадвални тўлдирадилар.

	Иккинчи гурух топшириғи: Агроценозлар билан табиий биоценозларнинг ўхшаш томонларини аниқлаш (баҳс-мунозара)	
IV босқич	Икки гурухдан ўкувчилар чи-киб, доскага табиий ва агроценозларнинг фарки ва ўхшаш томонларини ёзиб, тушунтириб беришади. Гурухлар ўргасида баҳс-мунозара бўлиб ўтади Гурухлар ишини баҳолайди.	Гурух аъзолари баҳс-мунозарада қатнашади.
V босқич	Кўшимча маълумотлар беради: агроценоз таркибига кирадиган популяциялар орасидаги боғланнишларни, алоқаларни ижобий ва салбий томонларини, уларни агроценоздаги «асосий» турга таъсирини кўрсатиб беради	Эшитадилар, ёзадилар
VI босқич	Тўртта гурухга ажратилиди, ҳар бир гурухга топшириқ берилади (кичик гурухларда ишлаш).	Топшириқни бажарадилар
VII босқич	Топширикларни қандай бажарилганлигини билиш учун ҳар бир гурухга саволлар беради ва жавобларни ўқитувчи асослайди	Жавоб беришади
VIII босқич	Машгулотни якунлайди: 1. Гурух ва талабалар фаолиятига баҳо беради. 2. Мустакил ишларни баҳолайди. 3. Мунозара учун мавзуларни уйга вазифа килиб беради	Эшитадилар, ёзадилар

## РАДИОЭКОЛОГИЯ

Ушбу бўлимда радиоэкология ва унинг ривожланиш босқичлари, биосфера компонентларининг радиоактив заарланиши, табиий ва сунъий радиация, радиоактив чиқиндилар ва уларни йўқ қилиш усуллари, радиациялардан ҳимояланиш ҳақида маълумотлар берилади.

№	МАВЗУЛАР	ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ
1.	Радиоэкология нимани ўрганади?	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
2.	Радиоэкологиянинг ривожланиш босқичлари	Модулли таълим технологияси
3.	Атроф-мухитни экологик ҳолатини радиация нуктаи назаридан ўрганиш	Амалий машғулот
3.	Организмлар радиоэкологияси ёки биосфера компонентларининг радиоактив заарланиши	ФСМУ технологияси
4.	Табиий ва суннӣ радиация	Муаммоли таълим технологияси
5.	Радиоактив чиқиндилар ва уларни йўқ килиш усуллари	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
6.	Радиациядан химояланиш муаммолари	Амалий машғулот

**Дарс мавзуси:** Организмлар радиоэкологияси ёки биосфера компонентларининг радиоактив заарланиши

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни радиация ва ундан химояланиш усуллари билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Биосферанинг радиоактив заарланиши ҳақидаги маълумотлар орқали ўқувчиларни табиатга нисбатан муҳаббат руҳида тарбиялаш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Радиоактив моддаларнинг инсон саломатлигига таъсирини чукур англаб етишга кўмаклашиш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Матн, АЭС реакторларининг суръатлари, “биосферанинг радиоактив ифлосланишининг асосий омиллари” жадвали, схемалар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** ФСМУ технологияси.

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм.

II. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

III. Янги мавзуни ўрганиш

**Режа:**

1. Биосфера ифлосланишининг сабаблари.

2. Атом энергетикаси.
3. Тупроқнинг радиоактив заарланиши.
4. Радионуклидларни ўсимликларга таъсири.
5. Ҳайвонот оламининг радиоактив заарланиши.
6. Радиация нурларининг инсонга таъсири.

### **Биосферани радиоактив ифлосланиш сабаблари**

Атроф-мухитни ифлослайдиган хавфли манбалардан бири радиоактив моддалардир.

Баъзи кимёвий элементлар ва уларни изотоплари атом ядроларининг характерли нурлар (альфа, бета, гамма, рентген, нейтрон нурлар) чиқариб, ўз-ўзидан емирилиши радиоактивланиш дейилади.

Радиоактивланиш табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Атроф-мухитдаги табиий радиоактивликнинг манбаи космик нурлар туфайли ҳосил бўлувчи углевод С-14, тритий Н<sub>3</sub>, бериллий Ве-7 изотопларидир.


Ер юзида мавжуд бўлган ураннинг (радон 222), торийнинг (торон 220) ва актиний (акгинион 219 изотоплари) кабиларнинг парчаланиши туфайли вужудга келадиган маҳсулотлар атроф-мухитга чиқиб, уни ифлослантиради. Табиий ҳолда ифлосланган атроф-мухит ўз-ўзини тозалаб туради: заррачалар оғирлиги туфайли, енгил заррачалар ёғин-сочин натижасида ерга тушади.

Табиий равишда атроф-мухитнинг радиоактив моддалар билан ифлосланиши икки хил мавжуд: космик-фазо ва ер сиртидан. Тирик организмлар бундай радиоактив ифлосланишларга мослашган.

Атроф-мухитнинг радиоактив моддалар билан сунъий равишда ифлосланиши кўйидагича руй беради:

- 1) атом ва водород бомбаларини ҳавода синаш;
- 2) ядро қуролларини ишлаб чиқариш корхоналари;
- 3) радиоактив моддалардан фойдаланадиган АЭС;
- 4) радиоактив моддалардан фойдаланадиган корхоналар;
- 5) ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган радиоактив қолдиқлар;
- 6) реакторлардаги авариялар;
- 7) радиоактив моддаларни ер бағридан қазиб олиш, ташиш, қайта ишлаш, сақлаш.

Сунъий радиоактивланиш экотизимларни бузилишига олиб келади ва тирик организмларга, шу жумладан, одамларга жуда ҳам хавфлидир. Биосферани радиоактив ифлосланиши бу табиий мухитда радионуклиидларни нормадан ошиб кетишидир. Бунда биосфера да сунъий радионуклиидлар кўпайиб кетади (стронций-90 , сезий-137, плутоний-239).



### Биосферанинг радиоактив ифлосланишининг асосий омиллари

Ташқи мухитни радионуклиидлар билан ифлослантириш хавфини ядро-техникавий қурилмалар вужудга келтиради. Охирги пайтларда ишлатилган ядрорий ёқилғилар сақлайдиган сув ости кемалари мавжудлиги маълум бўлди. 1994 йилнинг бошларида 96 та атом кемалари йўқ қилинди. МАГАТЕНИ маълумотларига кўра, дунё бўйича ишлётган атом реакторлари сони ва кучлилигига кўра АҚШ , Франция ва Япония етакчи ўринларда туради. АЭС да электроэнергия ишлаб чиқариш бўйича Франция биринчи ўринда туради. Атом энергетикаси иссиқлик энергетикасига қарагандা

экологик тозароқдир. АЭС ни ишлаши натижасида Францияда атроф-мухитга олтингугурт диоксиди (71%) ва азот оксиди (60%) каби чиқиндиларни чиқишининг камайишига олиб келди.

Юқорида айтиб ўтилган сабаблар орасида атом қуролларининг синовлари биосферага энг катта хавф түғдиради. Бундай синовлар, айниқса, АҚШ, Собиқ Иттифоқ, Франция ва бошқа давлатлар томонидан 50-йиллар охири ва 60-йилларнинг бошларида амалга оширилган. Дунё бўйича 1945-1985 йиллар орасида 1349 ядро қуроллари синовлари бўлиб ўтган. Франциянинг ўзи 1975 йилдан 1996 йилгача Тинч океанининг жанубий қисмида 131та синовлар ўтказган. Ядровий портлашлар ҳам атроф-мухитни радиоактив ифлосланишига таъсир қиласди. Ернинг чуқур қисмини ўрганиш, нефть қазиб олиш, нефть маҳсулотларини сақлаш мақсадида ер тагида бўшлиқлар ҳосил қилиш ва бошқа мақсадларда ядровий портлашлардан фойдаланилади. Бу жараёнлар натижасида атроф-мухит радионуклидлар билан ифлосланади.

1986 йилдан бошлаб дунё бўйича ядровий энергетиканинг ривожланиши иккита сабабга кўра секинлашди: биринчиси Чернобыль реакторларининг аварияси, иккинчиси ядровий чиқитларни йўқ қилишнинг ишончли усуллари ишлаб чиқилмаганлиги.

Чиқиндиларнинг кўп қисми АЭС ҳудудида сақланади. Радиохимик заводларидаги авариялар ҳам атроф-мухит ифлосланишига катта хавф түғдиради. Жанубий Уралда 1957 йилда бўлган аварияда 23 минг  $\text{km}^2$  территория радионуклидлар билан (стронций - 90, цезий - 137) ифлосланган.

Чернобыль АЭС даги авария инсоният тарихида энг катта из колдирган экологик ҳалокатдир. Атмосферага тарқалган радиоактив моддаларни 77 кгни ташкил этади (Хиросимадаги атом бомбасининг портлашида ҳаммаси бўлиб 740 г эди). Радиоактив моддалар таркибида ярим емирилиш даври 11 соатдан (криpton - 85), (йод - 131 саккиз кун), (цеизий - 137 ўттиз йил) ва 24100 йилгача бўлган (плутоний - 233) элементлар бўлган. «Гринпис» эксперталарининг ҳисобига кўра, Чернобыль АЭС аварияси натижасида чиқсан радиоактив моддалар 140 млн. Юрини ташкил этади. Заарланган майдон 160 минг  $\text{km}^2$ , радиациядан эса 9 млн. киши зарар кўрган. Радиоактив моддалар шамол, сув оқими, кушлар, траспорт ва одамларнинг ҳаракати орқали тарқалади.

Радионуклидларни асосий қисми, айникса, plutоний (80-90 %) тупроқда йигилар экан. Чернобиль АЭС авариясидан 10 йил ўтгач, радионуклидларнинг парчаланиш ҳисобига унинг кучи 13-15 % га камайган. Радионуклидларнинг асосий массаси (70%) ердан 20 см чукурликкача кириб борган. Радионуклидларнинг 13-15%и торфли, кулранг тупроқларда кўп, калий, магнийга бой бўлган ерларда эса камроқ учрайди. Радионуклидларнинг миграцияси қора тупрокли (стронций - 90) ерларда, ботқоқликларда юқори кўрсаткичга эгадир.

### Радионуклидларни ўсимликларга таъсири

Тирик организмларнинг радиоактив нурланиш таъсирига чидамлилиги турили даражада бўлади. Эволюция поғонасининг пастида турган, ривожланиши куйи бўлган организмларда чидамлилик юқори (моҳ, лишайникларни нобуд килувчи миқдор 200-500 минг рад) ва юксак ривожланганларида чидамлилик паст, одамда 400 радга тенг. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики нинабарглиларда радиацияга сезгирик кучлироқ (қорақарағай 600 рад миқдорда нобуд бўлади), кенгбаргли ўсимликларда чидамлилик 10-15 марта юқори.

Чернобиль авариясидан сўнг ўртacha 144 минг га кишлоқ хўжалик ерлари узоқ вақт халқ хўжалигига ишлатилмай қўйилди. Ачинарлиси “малла ўрмон” тушунчаси пайдо бўлди. Булар Чернобильдан 30км атрофидаги нурланишга учраган (8-10 минг рад) ўрмонлардир. Нобуд бўлган дараҳтларнинг нинабарглари узоқ вақт тўкилмай туради. Натижада атроф сап-сарик рангга кириб қолган. Бу катта экологик ҳалокатнинг кўринишидир. Тирикликтининг асосий манбаи бўлган қора қорағайнингнобуд бўлиши –озиқа пирамидасининг бутунлай бузилишига олиб келди. Ҳайвонлар нобуд бўлди, қушлар озиқаларини йўқотишиди, ҳаттоқи радиацияга чидамли бўлган чумолилар ҳам нобуд бўлишиди. Бундай ўрмонлар фақатгина радиациянинг кучлилиги билангина эмас, балки ўрмон ёнғинлари билан ҳам хавфидир.

“Малла ўрмон”лар чегарасидан ташқаридаги (600 га майдон) кўпчилик дараҳтларда морфологик ўзгаришлар кузатилди. Қорақарағай ва арчаларда гигант нинабарглар (нормадан 8-10 марта катта) вужудга келди. Гигантизм кенгбаргли дараҳтларда, айникса, қизил эманларда яққол кўринди. Радиоактив моддаларни (стронций, цезий, ва бошқалар ) ўтлоқ ва яйлов фитоценозлари ҳам ўзига сингдирди, улар орқали эса бу моддалар тупроққа ўтди.


## **Хайвонот оламининг радиациядан заарланиши**

Чернобиль авариясидан сўнг, 30 км майдонни ўз ичига олган ерларда ёмғир чувалчангининг сони кескин камайиб кетди, уларнинг популяцияси чекланди. Радиорезистент (ионланган нурлар таъсирига чидамли) турларнинг кўпайиши туфайлидир Чернобиль АЭС дан 200 км узоқликдаги радиоактив заарланган ерларда майда кемирувчи-ларнинг ареали кенгайганлиги аниқланди. Бу мисоллар ионланган радиацияга ҳайвонларнинг мослашаётганлигини кўрсатади. Радиация билан заарланган яшил ўсимлик билан озиқланган чўчқа ва қорамолларда жинсий циклнинг бузилганлиги, кўпайишнинг камай-ганлигини, патологик ҳолатлар сони ошганлиги маълум бўлди. “Чернобиль авариясига 10 йил” деб аталган миллий докладда, ҳозирги вақтда ҳайвон ва одамларда генетик ўзгаришлар рўй берәётганлиги уқтириб ўтилган. Авариядан олдин минг сигирнинг 8,3 таси мутацияга учраган бўлса, ҳозир 18 таси мутация билан туғиляпти. Худди шундай ҳолат ўсимликларда ҳам рўй бермокда, бугдойзорда икки йил давомида икки мингта мутация қайд этилган. Житомир шахридаги агроэкология институтида патологик ўзгариш ва камчиликларга учраган радиацион мутантларнинг (сигирлар, бузоклар, чўчқалар ва х.к.) музейи ташкил этилган.

## **Радиоактив нурланишнинг инсонга таъсири.**

Экотоксикантлар, шу жумладан, радионуклид моддаларнинг озиқа занжири бўйлаб миграцияси давомида тўпланиб, инсон организмига тушади. 2-схемада стронций-90 радиоактив элементининг озиқа занжирида тўпланиш жараёни кўрсатилган. Окунь ва ондатра сүякларида радиацияланмаган сувларга нисбатан стронций-90 3000-4000 марта кўпроқ тўпланган. Чернобиль авариясидан 30км атрофида жойлашган сув омборидаги моллюскаларни текширилганда қуйидагилар аниқланган. Кўп микдордаги радионуклидлар йиртқич балиқларда (карась, судак, чўртган балиқ) тўпланади: Карась (250, цезий-137), чўртган балиқнинг сүяқ ва тангачаларида кўпроқ тўпланар экан (300, стронций-90).

## **Стронций -90 ни озиқа занжирида тўпланиши**



(В.А.Вронскийдан)

Радионуклидларнинг катта қисми организмга озиқа маҳсулотлари орқали тез тарқалади. Европа ва АҚШ да сут, гўшт маҳсулотлари, Шарқий Европа ва Россияда сут, нон маҳсулотлари орқали радионуклидлар ўтади. Ҳаводаги радиоактив моддалар киши организмга оғиз ва нафас олиш йули, тери орқали, тупрок, сув ва ўсимликлардан тўғридан-тўғри организмга ўтади.

Радиоактив моддалар билан ҳар қандай микдорда нурланиш инсон учун хавфли. Ерда радиоактивликнинг микдори 1 рентгенга ошса, келажак авлодлардан 10 минг кишининг соғлиги хавф остида қолади. Инсон ва ҳайвонлар учун энг хавфли радиоактив модда стронций-90. У, асосан, тиш, мия сүякларининг қон билан боғланган жойларда тўпланади, рак ва оқ қон касалликларини келтириб чиқаради. Ер шарида суюгига стронций-90 бўлмаган болани учратиш кийин.

Инсон организмида радионуклидлар тўпланиши куйидагича бўлади: қалқонсимон без-жигар-буйрак-ичак-сүяк скелети-мускуллар. Айниқса организмнинг радиоактив йод-131 элементи билан зарарланиши хавфлидир. Бу элемент нафас йўллари орқали ўтиб, қалқонсимон безда йигилади. Бош оғриғи, оғиз куриши, лимфа тутунларини

катталашиши, қалқонсимон безда онкологик шишларининг пайдо бўлиши асосий белгиларидир. Авария содир бўлган жода юрак-қон томир системаси касалликлари, турли инфекцияларининг кўпайиб кетиши, туғилишнинг камайиб кетишини кузатиш мумкин. 10 йил ичидаги болаларда мутация сони 2,5 баробар кўпайган, янги туғилганларнинг ҳар бешинчисида аномалия ходисалари, туғилаётган болаларнинг учдан бир қисмининг психикаси бузулганлиги қайд қилинган. Онкологик касалликлар 2 марта, болаларнинг лейкоз билан оғриши 66% га ортган, 75% болаларда нерв-психик жараёнларнинг ёмонлашгани аниқланган.

Охирги вақтларда ядро энергетикасидан фойдаланиш оқибатларининг ҳалокатлилиги сабабли Швеция, Англия, Италия ва бошқа мамлакатларда АЭС ларни қуриш тақиқланди. Унинг ўрнига альтернатив энергетика (куёш, шамол, шаршара, дарё, биомасса, энергиялари) дан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Булар атом энергиясига нисбатан экологик тоза, арzon ва инсон учун бехатардир.

*Янги мавзуни мустаҳкамлаш босқичида ўқувчиларни 4 та кичик гуруҳга ажратади ва уларга ном беради. Ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар ёзилган карточкалар тарқатади.*

1. Гуруҳ номи: *Тупроқни текширувчилар* .

Тупроқни радиоактив заарланиши ҳақида маълумот беринг (матн билан ишлаш )

Гуруҳ номи: *Ўсимликларни текширувчилар* .

Ўсимликларни радиоактив нурлар билан заарланиши ҳақида маълумот беринг (матн билан ишлаш)

3.Гуруҳ номи : *Ҳайвонларни текширувчилар* .

Ҳайвонларни радиация нурлари билан заарланиши ҳақида маълумот беринг (матн билан ишлаш)

4.Гуруҳ номи: *Медицина ходимлари*.

Инсонда радиация нурлари билан заарланганда қандай ўзгаришлар юз беради. (матн билан ишлаш )

Индувидуал ишлаш учун карточкаларда куйидагича саволлар бўлиши мумкин: Стронций-90 моддасининг озиқа занжирида тўпланиш схемасини чизинг. Бу саволни умумий қилиб ҳамма ўқувчиларга бериш мумкин. Ҳар бир ўқувчи алоҳида жавоб ёзади ёки ҳар бир ўқувчига алоҳида шунга ўхшашиб саволларни карточкаларга ёзиб бериш мумкин.

## **ФСМУ технологияси**

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этиш ҳамда ўкув жараёнини баҳс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслashiшга ҳамда шу билан биргага баҳслashiш маданиятини ўргатади.

Мақсад: Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этишга ёрдам беради.

Ўтказилиш тартиби:

I. Ҳар бир тингловчига ёки гурӯжга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади.

Мавзу:

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг.

IV. Янги мавзу юзасидан ўкув баҳси уюштириши.

V. Янги мавзуни қайта ишилаш ва якун ясаш.

VI. Ўйга вазифа бериш.

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТЯИНЧ АТАМАЛАР**

Табиий ва сунъий радиоактивланиш, радиоактив ифлосланиш, АЭС, реакторлар, радионуклидлар, радиациялар, атом энергетикаси, миграция, озиқа занжири, «малла ўрмонлар» Чернобиль аварияси, мутация, оккумуляция .

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Радиоактивлик нима?
2. Табиий ва сунъий радиоактивлик?
3. Биосферани радиоактив ифлосланиши бу табиий мухитда нималарни нормадан ошиб кетишига сабаб бўлади?
4. Атом энергетикаси ҳақида нима биласиз?
5. Тупроқни радиация нурлари билан ифлосланиши қандай рўй беради?
6. Йод радиоизотопларини нурлари қандай касалликни келтириб чиқаради?

7. Ҳайвонларда радиация нурлари билан зааррланиши қандай кечади?

8. Радионуклидларни катта қисми одам организмiga қандай ўтади?

9. Инсон радиация нурлари билан зааррланганлыгини қандай билиш мүмкін?

10. Радиоактив нурлар билан зааррланган ўсимликлардаги ўзгаришлар?

**“Биосфера компонентларининг радиоактив зааррланиши”** мавзусидаги дарснинг ФСМУ технологиясидан фойдаланилган технологик харитаси

Иш босқичлари	Маърузачи фаолияти	Талаба фаолияти
I босқич	Саломлашиш, талабаларни машғулотга катнашишини аниклаш, мавзуни доскага ёзиш, режа билан таништириш.	Аудиторияда жойлашадилар, эшигадилар, ёздиладар.
II босқич	Радиоактивлик тушунчасини шакллантириш учун ўргатга савол ташланади. Доскага фикрларни ёзди (Ақлий хужум).	Ўйлайдилар, турган жойларида ўз фикрларини билдирадилар.
III босқич	Биосфера компонентларининг радиоактив зааррланиши хакида тушунча беради (хикоя)	Эшигадилар
IV босқич	Гурухни 4 қисмга ажратиб, ном беради ва вазифа топширади.	Ҳамкорликда ишлайдилар.
V босқич	Ҳар бир гурухдан талаба чиқиб, жавоб беришни сўрайди, жавобни тўлдириш мумкинлигини айтади.	Жавоб беришади ва тўлдиришади.
VI босқич	Доскага баҳс – мунозара учун мавзу ёзди: Келажакда инсоният энг арzon бўлган энергияни радиоактив хусусиятга эга бўлган моддалардан оладими? Ҳар бир гурухга шу мавзу ёзилган карточкаларни тарқатади. Жавоб ёзишни сўрайди (ФСМУ технологияси).	Ҳамкорликда ишлаб карточкани тўлдирадилар.
VII босқич	Ҳар бир гурухдан талаба чиқиб, гурух аъзолари фикри акс этган жавоб карточкасини доскага ёпиширади ва ўқиб беради.	Гурух аъзоларидан бири доскада ўз жавобини айтади. Баҳс-мунозара давомида ўз фикрларини айтадилар.

VIII боскич	Муаммо бўйича фикрларни умумлаштиради. Баҳс-мунозарага якуясади.	Эшитадилар.
IX боскич	Радиоактив элементларни табиатда тарқалиши ёки озиқа занжирида тўпланиши ҳақидаги саволлар ёзилган карточкалар тарқатилади.	Ҳар бири жавоб ёзади, схема чизади. (индувидуал ишлаш)
X боскич	Карточкалар йигиб олинади.	
XI боскич	Машғулотни якунлайди. 1.Ҳамкорликда ишлаган талабалар фаолияти баҳоланади. 2. Индувидуал карточкаларни текшириб, баҳоси кейин айтилади. 3. Мунозара учун мавзулар уйга вазифа қилиб берилади.	Фаолият натижаларини эшитадилар

## **АТРОФ-МУХИТ МОНИТОРИНГИ**

Ушбу бўлимда мониторинг ва унинг асосий турлари, экологик тадқиқот усуслари, сув ҳавзалари, атмосфера ҳамда тупрок мониторинглари, умумбашарий экологик муаммоларни ўрганиш ва моделлаштириш каби масалалар кўриб чиқилади.

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Фойдаланиладиган технология</b>
1.	Мониторинг ва унинг асосий турлари	Лойихалаш технологияси
2.	Экологик тадқиқот усуслари	Модулли таълим технологияси
3.	Сув ҳафзалари мониторинги	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
4.	Атмосфера мониторинги	Ҳамкорликда ўқитиш технологияси
5.	Тупрок мониторинги	Лойихалаш технологияси
6.	Куруклик ва сув экотизимлари ифлосланишини биоиндиқация усули билан аниклаш	Амалий машғулот
7.	Умумбашарий экологик муаммоларни ўрганиш ва моделлаштириш	Амалий машғулот

**Дарс мавзуси:** Мониторинг ва унинг асосий турлари

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларга мониторинг ва унинг турлари ҳамда Ўзбекистонда атроф-мухитни кузатиш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича илмий маълумотлар бериш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларни Ватанимиз ва унинг табиатига муҳаббат руҳида тарбиялаш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларнинг ҳамкорликда ва мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Маъруза матни, Ўзбекистон экологик харитаси, “Биосфера” мавзусидаги электрон дарслик, жадваллар, фотосуръатлар.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:...**

**Дарснинг бориши:**

1. Ташиклий қисм.
2. Ўқувчиларни дарс мавзуси, мақсади, бориши билан танишишириши.
3. Янги мавзу ўрганиши.

#### **4. Мавзуни мустаҳкамлаш**

**Режа:**

1. Мониторинг тушунчаси.
2. Мониторинг турлари:
  - а) биоэкологик мониторинг
  - б) геоэкологик мониторинг
  - в) биосфера мониторинги.
3. Табиий муҳит ҳолатларини назорат килиш мониторинги.
4. Ўзбекистонда атроф-муҳит мониторингини амалга ошириш.

XX асрнининг иккинчи ярмидан бошлаб фан-техника инқилоби натижасида жамиятнинг табиатга таъсири кучайиб кетди. Оқибатда дунёвий, минтақавий ва маҳаллий экологик муаммолар келиб чиқа бошлади.

Бу эса атроф-муҳит ҳолатини доимий кузатиб бориш тизимини ташкил қилишни тақозо этади. Шу муносабат билан фанда мониторинг (лотинча «монитор»-эсга солинган, огоҳлантирадиган) тушунчаси пайдо булди.

Мониторинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида маълум бир ҳудуд табиий шароитининг ҳолатини кузатиш, назорат қилиш ва бошқариш тизимиға айтилади. Мониторингнинг асосий мақсади табиий муҳит-

ни инсон фаолияти таъсирида ўзгаришини кузатиш, олинган маълумотлар асосида баҳолаш ва тегишли ахборотларни ишга солишидир.

Мониторинг асосида атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари, ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик қопламининг турли чиқиндилиари, заарли кимёвий моддалар, радиоактив элементлар билан ифлосланниши кузатилади. Кузатиш ишлари инсоннинг маълум бир экологик шароитда яшашининг бузилишига қаратилади. Атроф-мухитнинг ўзгариш дараҷаси деярли ифлосланмаган табиий шароит ҳолатига нисбатан олиниади.

**Биоэкологик мониторинг** босқичи атроф-мухитнинг ифлосланниши, унинг инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан кузатилади. Мазкур босқичда одамларнинг касалланиши, ўлим, туғилиш, узоқ умр кўриш ва бошқа маълумотлардан фойдаланилади.

Ушбу босқичда мониторинг кузатиш шахобчалари ва санитария-гиена хизмати маълумотларига таяниб иш кўрилади.

**Биоэкологик мониторинг** инсон саломатлиги учун заарли бўлган чиқинди моддалар бўйича кузатишни ташкил қиласиди.

**Геоэкологик мониторинг** босқичи асосан табиий худудий, табиий техноген ва демографик (аҳоли) геотизимлари кузатилади ва назорат қилинади. Мазкур босқич учун табиатни ифлослантирувчи моддаларни рухсат этилган миқдори ва табиий комплексларининг (геотизимларининг) ўз-ўзини тозалаш фаолияти ҳақида маълумотлар муҳим ҳисобланади. Кузатишлар географик стационарларда, маҳсус зоналар ёки минтақавий полигонларда олиб борилади.

Геоэкологик мониторингни амалга оширишда худудда ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллар ва ифлослантирувчи манбалар бўйича кузатиш ташкил қилинади.

**Биосфера мониторинги** босқичининг асосий вазифаси атроф-мухитни биосфера миқёсида кузатишдан иборат. Бунда атмосфера-нинг чангланиши, дунё океанининг ифлосланниши каби кўрсаткичларга кўпроқ эътибор берилади. Кузатишнинг асосий мақсади дунё миқёсида бўладиган ўзгаришларнинг аҳоли саломатлиги ва фаолиятига таъсирини баҳолашдир. Кузатишлар биосфера полигонлари тизимида олиб борилади. Биосфера полигонлари тизимига қўрикхоналар, ахолининг хўжалик фаолияти зоналари киради.

Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги, тоғ-кон, кимё-металлургия ва бошқа саноат тармоқларининг сўнгги 30-40 йил давомида тез

суръатлар билан ривожланиши натижасида атроф-муҳитда кучли ўзгаришлар юз берди, миңтақавий ва маҳаллий экологик муаммолар келиб чиқди. Натижада атроф-муҳит ҳолатини мунтазам кузатиш, назорат килиш ва бошқаришнинг ягона давлат тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати туғилди.

Атроф-муҳит мониторинги мамлакатимиздаги бир қанча муассаса ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Атроф-муҳит мониторингини кузатиш ва назорат килиш турли усулларда олиб борилади: аэрокосмик, автоматик, лабораториялар, кўчма лабораториялар ва х.к.

Атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши гидромете-реология бош бошқармаси томонидан, ер ости сувларининг ифлосланиши, нохуш табиий географик жараёнларнинг ривожланиши Ўзбекистон геология вазирлигига қарашли «Ўзбекгидрогеология» корхонаси томонидан, тупроқнинг шўрланиши ва грунт сувлари меъёри, коллектор сувлари минераллашув даражаси Кишлок ва сув хужалиги вазирлиги томонидан, ўрмонлар ҳолати Ўрмон хўжалиги қўмитаси томонидан, атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига таъсири билан боғлик бўлган масалалар Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан кузатиб, назорат қилиб турилади.

Ўзбекистоннинг маълум бир худуди аэрокосмик усулда кузатиш натижасида олинган маълумотлар автоматик равишда тегишли ташкилотларга узатиб турилади.

Атмосфера ҳавоси мониторинги Ўзбекистон худудида асосий гидрометеорологик станция ва постлар (автоматик равишида ишлайдиган маҳсус уйчалар-пост-2)да амалга оширилади. Атмосфера ва сув таркибидаги заарли ифлослантирувчи моддалар микдори маҳсус лабораторияларда кимёвий усуллар ёрдамида аниқланади.

Саноат ривожланган худудларда маҳсус кузатиш асосида стационар, маршрутли ва ҳаракатдаги постларда олиб борилади. Мазкур постларда газларнинг микдори автоматик усулда аниқланади.

Йил давомида мамлакатимиз бўйича олиб борилган кузатиш ва назорат маълумотлари йиғилиб, ўртача ойлик кўрсаткичлари аниқланади. Тупрок, сув ва ўсимликлардаги турли заарли чиқиндилар, асосан саноат корхоналари атрофида, пестицидлар экинзорлар ва улар худудидаги сув ҳавзаларида кузатилади ва назорат қилиб турилади.

Суғориладиган худудларда тупроқнинг шўрланиши бўйича кузатиш ва назорат амалга оширилади. Кузатиш ва назорат маълумотлари йилда 2 марта биринчи апрель ва биринчи октябрда йигилиди. Яйловлар, асосан аэрокосмик усулда кузатилади ва назорат қилиб турилади.

**Антрапоген тазиқ кучли бўлган зоналар назорати.** Бунда ҳавонинг ифлосланиши эътиборга олинадиган бўлса, шаҳарлар, саноат районлари киради. Юза сувларнинг ифолосланиши ҳисобга олинадиган бўлса, дарёларнинг куйилиш жойлари ва чегаралари, саноат шаҳарларидағи кўллар, сув омборлари киради.

Чорвачилик фермалари ва коммунал оқова сувлари чиқариладиган жойлар алоҳида ўрин тутади. Тупроқ муҳофазаси ёки назорати эътиборга олинган тақдирда йирик шаҳарларнинг районлари, автомагистраллар, йирик йуллар, заҳарли кимёвий моддалар кўлланиладиган қишлоқ хўжалик тармоқлари назорат қилинади.

**Фон даражасида назорат тизими.** Бунга ҳар қандай локал манбадан узоқлашган ифлосланишни назорат қилиш киради. Мисол сифатида биосферадаги қўриқхонани комплекс тадқиқ қилиш ва кузатишни олиш мумкин. Шунингдек, ўз чиқиндиларини узоқ масофаларга тарқатувчиларнинг мониторинги ва табиий мухит, қўриқхона ва табиий объектларнинг ифлосланиш даражасини назорат қилишлар киради.

**Ўзбекистон экологик мониторинги ҳақида тушунча.** Инсонни нормал яшами учун ташки мухит оптимал бўлиши керак . Унинг ўзгариши инсон учун зарарли таъсир кўрсатади. Мухит – инсоннинг экологик ва жамиятни илмий техник тараққиёти нуқтаи назаридан қониқтирувчи кўрсаткичлар йигиндисидир.

Табиий мухитни назорат қилиш давлатлараро тизим асосида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда Республикада 94 очик сув ҳавзаларининг ифлосланиши устидан назорат олиб борилади. Бунинг учун 134 пункт 169 дарвоза ва 187 намуна олиш жойлари мавжуд. Кузатиш орқали ушбу обеъктлардаги сувларнинг минерал таркиби, биоген моддалари. нефть маҳсулотлари, феноллар, фтор ва фосфорорганик пестицидлар, СПАВ, оғир металлар, муаллақ моддалар ва бошқалар аниқланади.

Саноати ривожланган шаҳарларда 26 таркибий қисми (ингредиенти) бўйича қор қопламининг ифлосланиши назорат қилинмокда. 25 шаҳарда атмосфера ҳавоси ифлосланиш ҳолатини кузатиш бўйича

65 махсус кузатув жойлари мавжуд. Бошгидромед таркибиға: Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни ифлосланишни кузатиб борувчи марказ, Фарғона ва Навоий шаҳарларидағи лаборатория, атмосфера ҳавосини ифлосланишини кузатувчи бта лаборатория (Олмалиқ, Ангрен, Андижон, Бекобод, Самарқанд, Чирчик), атмосфера ҳавосини ифлосланишини кузатувчи 4 гурӯҳ (Бухоро, Гулистон, Нукус, Наманган), атроф-муҳитни ифлосланишини назорат килувчи Сариосиё лабораторияси ва 2 та станция (Фон мониторинг учун Чотқол қўриқхонаси, «Абрамов музлиги»станцияси). Қарши, Термиз, Когон, Исрғали, Дўстлик шаҳарларида атмосфера ҳавосини ифлосланишини лабараторияда кузатиш ишлари олиб борилмоқда. Махсус дастурлар асосида республика бўйича экспедицион текширув ва кузатувлар амалга оширилиб турилади. Республикадаги тупроқларни ифлосланишини ва ўсимликларнинг зааррланиши одатда вилоят марказларида назорат қилиб борилади.

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ТАЯНЧ АТАМАЛАР**

Мониторинг, биоэкология, геоэкология, техноген геотизим, биосфера полигонлари, эстаур, автомагистраллар, аэрокосмик усул, антропоген тазийк кучли бўлган зона

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР:**

1. Мониторинг нима?
2. Мониторингнинг асосий турлари?
3. Мониторингнинг асосий мақсади?
4. Биоэкологик мониторинг ҳақида тушунча?
5. Геоэкологик мониторингда асосан нималар назорат қилинади?
6. Биосфера мониторинги босқичининг асосий вазифаси нималардан иборат?
7. Атроф-муҳит мониторингини назорат қилишининг асосий усувлари?
8. Аэрокосмик усул билан нималар кузатилиб турилади?

**«Мониторингнинг асосий турлари» мавзусидаги дарснинг  
лойиҳалаш технологиясидан фойдаланилган технологик харитаси**

Иш боскичи		<b>МАЪРУЗАЧИ фаолияти</b>	ТАЛАБА фаолияти
I боскич	Саломлашиш, талабаларнинг машгулотларга қатнашишларини аниқлаш.	Аудиторияда жойлашадилар.	
Ташкилий кисм	Мавзуни доскага ёзиш, режа билан танишириш	Мавзу ва режани дафтарга ёзади.	
II боскич	«Мониторинг ва мониторинг турлари» тушунчасини шакллантириш учун ўртага савол ташланади. Доскага фикрларни кетма-кет, шиддатли равишда. («Ақлий хужум») ёзади. Фикрлар хилма-хиллиги кузатилади	Ўз фикрларини билдиришади	
III боскич	Мониторингга таалукли асосий фикрларини ажратиб олади ва мониторинг турларини ажратиб ёзади. Мониторинг ўрганиш усуслари ҳакида маълумот беради (Маъруза ўқиди).	Эшитадилар ва асосий қоида ва терминларни ёзадилар.	
IV боскич	Талабалар 4 та гурухга ажратилиб, умумий савол юзасидан ҳар бир гурухга режа асосида саволлар берилади: 1-гурух учун савол: Мониторинг тушунчаси. 2-гурух учун савол: Мониторинг турлари. 3-гурух учун савол: Табиий муҳит ҳолатларини назорат килиш мониторинги. 4-гурух учун савол: Ўзбекистонда атроф-муҳит мониторингини амалга ошириш.(Лойиҳалаш технологияси асосида)	Ҳамкорликда ишлайдилар, маълумот йигадилар, умумлаштирадилар	
V боскич	Ҳар бир гурухдан 1 та талаба саволга жавоб бериши сўралади, жавоблар ёзилган қофозлар доскага ёпиширилади ёки кетма- кетликда кўйилади.	Ҳар бир гурухдан биттадан талаба чиқиб ёзгандарини ўқиб беради. Колганлар тинглайдилар.	
VI боскич	Жавоблар тўлдирилади, асосланади, гурух жавоблари баҳоланади	Фаолиятлари натижаларини тинглайдилар	

VII боскич	«Биосфера» мавзуси бўйича электрон дарслиқдан мониторинг кисми намойиш этилади.	Диккат билан томоша киласидилар ва ёзадилар.
VIII боскич	Кўрган нарсаларини биргалашиб тахлил килинади	Ёзиг олади.
XI боскич	Машғулотни якунлайди: 1. Иштирок этган талабалар рагбатлантирилади. 2. Мустақил ишлаш учун мунозара учун ёзилган мавзулардан бириси уйга вазифа килиб берилади.	Тинглайдилар ва ёзадилар.

## **ИЛОВАЛАР**

### **Экологик мониторинг учун керак бўладиган асбоблар ва материаллар**

1. Харита (планшет, визирловчи чизгич, компос, миллиметрили қоғоз, микрокалькулятор, транпортёр).
2. Қозиклар, шнурлар, лента, рулетка, 1,5-2 метрли рейкалар.
3. Барометр.
4. Гигрометр.
5. Теша, белкурак
6. Ўрама материаллар (қутичалар, пакетлар, қопчалар ва бошқалар).
7. Гербарий папкаси.
8. Банкалар, воронкалар
9. Сув сочоги.
10. Планшет тўри
11. Батометр
12. Биоценометр
13. Ҳашоратларни тутиш учун сочок
14. Кўчма лампалар
15. Ветеренария шприцлари, аспиратор.
16. Кимёвий идишлар
17. Чинни идишлар
18. Лаборатория жиҳозлари
19. Қиздирувчи асбоблар
20. Элаклар жамламаси
21. Автоклав
22. Совуткич
23. Силкитувчи қурилма
24. Бунзен колбаси, Бюхнер воронкаси, насос ва фильтр қоғозлар
25. Термометрлар
26. Секундомер
27. Эксикатор
28. Доимий ток манбаи
29. Кўлда кўтариб юриладиган магнитофон.
30. Гейгер ҳисоблагичи
31. Сувни, тупроқни, ҳавони микробиологик ифлосланишини аникловчи жиҳозлар тўплами.

32. Кимёвий реактивлар түплами
33. ОЖ-1 тесткомплекти
34. "Пчелка-Н" комплекти
35. Лаборатория металлари комплекти
36. Кислород ва фосфатларни аниқловчи лаборатория түплами.
37. "Пчелка-ФЛ-2" лаборатория комплекти

### **Мактаб ва касб-хунар коллежи худудининг экологик паспорти**

Экологик паспорт мактаб ёки касб-хунар коллежининг экологик мониторинги юзасидан илмий тадқиқот фаолиятининг ҳисоботи, хужжати ҳисобланади. У ўз ичига 4 бўлимни бирлаштиради:

Табиий-географик тавсифи, муҳим майдончаларнинг тавсифи, экологик муҳит ва объектларни (ҳаво, сув, тупроқ, биота) баҳолаш, ўқувчи ёшлар, талабаларнинг ижтимоий ривожланишини баҳолаш.

Ҳар бир бўлим бўйича олинган натижалар бир нечта жадвалларда ўз аксини топади.

Экологик паспортнинг шакли.

Худуднинг экологик паспорти.

Мактаб ёки коллежи миссолида.

### **Тадқиқот олиб бориладиган худуднинг табиий географик тавсифи.**

1.1. Микроиклими (январ ва июл ойларида) ўртача ҳарорат.

1.2. Географик жойлашиши.

1.3. Микро ва мезорельефи.

1.4. Микрорайондаги мактаб ёки коллежнинг ер майдонлари.

1.5. Тупроқ турлари.

1.6. Ер устки сув ҳавзалари.

1.7. Асосий ўсимлик турлари

1.8. Асосий ҳайвон турлари

1.9. Ижтимоий омиллар:

Аҳоли сони ва зичлиги;

Ёш тузилмаси (0-15; 16-30; 31-60; 60 ёшдан юқори).

1. Жойни танлаш ва тасвирилаш.

2.1. Табиий географик тавсиф (географик жойлашиш, мега, меза, микрорельеф, микроиклимат, тупроқ ҳаритаси).

2.2. Жойни экологик баҳолаш.

2.3. Методика.

2.4. Объектларни танлаш.

2.5. Намуна майдончаларини тасвирлаш (жумладан биотани ва табий мухитни баҳолаш).

## 2.6. Техноген таъсирдаги мухитни тасвирлаш

### Экологик мониторинг методлари

1. Биоиндикация – (юнон.bios – ҳаёт ва лотин. Indicator – аниклович) – атроф-мухиттинг ҳолати, ўзгаришини тадқиқот қилиш ва экотизим таркибидаги ўсимлик ва ҳайвонлар сонини, уларнинг миграциясини аникланади. Шунингдек, биоиндикаторлар орқали биро-бир табий жараён ёки атроф-мухит шароитининг муҳим ҳолатини кўрсатиш учун хизмат қилувчи организмлар орқали атроф-мухитни ифлосланиши ҳақида маълумот олиш мумкин.

2. Физик-кимёвий методлар орқали ҳам экологик мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

3. Биота (йирик ҳамжамоалар)ни мониторинги.

Биотадаги организмлар ўзаро мураккаб биологик ва муҳит билан трансбиотик алоқада боғланган. Ҳамжамоаларни назорат қилишда, барча тирик организмлар орасидаги ана шу мураккаб муносабат хисобга олиниши лозим. Фотосинтезни тасвилаш ҳам ушбу методга киради.

1. Ҳаво муҳитининг мониторинг методлари.
2. Тупроқни ўрганиш мониторинг методлари.
3. Сувни ўрганиш мониторинг методлари.
4. Шовқинни ўрганиш мониторинг методлари.
5. Саломатлик ва атроф-мухит.

Маълумотларни қайта ишлаш.

Натижаларни расмийлапириш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида". "Ўзбекистон", 1997.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари". "Ўзбекистон", 1998.
3. Каримов И.А. "Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори". "Ўзбекистон", 1997.
4. "Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар". Т., "Янги аср авлоди", 2001 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги"ти конуни. Т., "Шарқ", 1997.
6. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., "Шарқ", 1997.
7. Азимов И., Зикиряев А., Тухтаев А., Файзуллаев С. Биология (цитология ва генетика асослари, методик қўлланма) . Т. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2002 .
8. Ермаков Д.С., Зверев И.Д., Суравегина Н.Т. Учимся решать экологические проблемы: Методическое пособие для учителя. – М: школьная пресса, 2002.
9. Ермаков Д. С. Интерактивное упражнения по экологии // Биология в школе. – 2006 . - № 7.
10. Жабборов А. "Экологияда тўгарак ишлари". Халқ таълими журнали, 1994.
11. Зиёмуҳамедов Б. "Экология ва маънавият". Т., 1997.
12. Зиёмуҳамедов Б. "Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон". Т., "Мехнат", 1990.
13. Исмоилов А., Аҳадов Р. "Экологик таълим-тарбия". Т., 1997.
14. Мамашокиров С. "Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари". Т., "Нур", 1993 й.
15. Пономарёва О. Н. Методические рекомендации к учебнику экологии. // Биология в школе. – 2001 . - №3 , 2005 - №1
16. Нигматов А.Н., Султонов Р.Н. "Экология ва хаёт". Т., 2002 й.
17. Нигматов А.Н. "Экология" . Т. "Чўлпон", 2006 й.
18. Рафиков А. , Вахобов Н., Каюмов А. , Азимов Ш. Амалий география. Т. Шарқ нашриёт – матбаа. 2004 й.
19. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. Учебное пособие. М., Народное образование. № 7, 8. 2000.

20. Толипова Ж.О, Фофуров А.Т. “Биология таълими технологиялари”. Т., “Ўқитувчи”, 2002 й.
21. Толипова Ж.О. “Биологияни ўқитиша педагогик технологиялардан фойдаланиш”.(1-2 қисмлар). Т., 2004 й.
22. Толипова Ж., Тўхтаев А., Пратов О. Ботаникани ўқитиш методикаси. 5-синфлар учун. Т. Ўзбекистон. 2003 .
23. Тўхтаев А.С., Аҳмедова Д.Р. ва бошқалар. Умумтаълим мактаблари ва касб-хунар ўқув юртларида экология хонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш. Т., 1998 й.
24. Тўхтаев А.С., Ҳайдарова Ҳ.Н. ва бошқалар. “Ижтимоий экология”. Т., 2005 й.
25. Тўхтаев А.С., Ҳайдарова Ҳ.Н., Якубжонова Ш.Т., Хонхожаева Н.Б., Гуломова А.Р. “Умумий экологиядан лаборатория машғулотлари”. Т., 2005 й.
26. Тўхтаев А.С. “Минтақавий экологик муаммолар”. Факультатив курсининг дастури. Республика таълим маркази. Т., 1999 й.
27. Тўхтаев А.С. “Экология”. Т, “Ўқитувчи”, 1998 й.
28. Тўхтаев А.С., Ҳамидов А. “Экология ва табиатни муҳофаза килиш”. Т., “Ўқитувчи”, 1994 й.
29. Тўхтаев А.С. “Экология”. Умумтаълим мактаблари ва лицейлари учун кўлланма. Т., 2001 й.
30. Тўхтаев А.С. “Экология ва табиатни муҳофаза килиш”. Фан дастури. Т., 2003 й.
31. Тўхтаев А.С. “Экология ўқитиш методикаси”. Маъруза матни. 2003 й.
32. Мамашокиров С. “Экологик таълим-тарбиянинг методологик масалалари”.-Т., “Нур”, 1993 й.
33. Муравьёва А.Г. Экологический мониторинг. – Программа факультативного курса для школьников 9-11 классов. – СПБ. 1998.
34. Эргашев А. Умумий экология. Т. 2003.
35. Ўзбекистон “Қизил китоби”. Т.,1999, 2001 й.
36. Ўзбекистон “Қизил китоби” 1-2 жилдлар. Т., “Чинор”, 2006 й.
37. Кудратов О. Саноат экологияси. Т . 2003.
38. Фофуров А.Т., Толипова Ж.О. ва бошқалар. “Биологиянинг ўқитишнинг умумий методикаси”. Т., 2005 й.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>БИРИНЧИ БОБ</b>	
Экологик таълимнинг назарий асослари.....	5
1-мавзу. Ўрта умумтаълим мактаблари маҳсус ва касб-хунар колледжларида экологик таълим.....	5
2-мавзу. Экологик таълимнинг мақсад ва вазифалари.....	11
3-мавзу. Экологик таълим бўйича давлат стандартига шарх.....	14
4-мавзу. Экологик таълим ва табиатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича ДТС ва ўқув дастурлари.....	17
5-мавзу. Экологик таълим тизимини шакллантиришда халқаро ҳамкорлик алоқалари.....	22
<b>ИККИНЧИ БОБ</b>	
Экологияни ўқитишда миллий истиқбол ғоясини сингдириш....	26
6-мавзу. Экологияни ўқитиш жараёнида онг ва тафаккур тушунчаси.....	26
7-мавзу. Экологик тарбия ва маданиятни шакллантириш.....	30
8-мавзу. Экологик тарбия жараёнида ўзбек халқининг маданий меросидан фойдаланиш.....	36
<b>УЧИНЧИ БОБ</b>	
Экологияни ўқитиш методлари.....	44
9-мавзу. Ўқитиш методларининг тавсифи.....	44
10-мавзу. Экологияни ўқитишда янги педагогик технологиялар.....	56
<b>ТЎРТИНЧИ БОБ</b>	
Ўқитиш воситалари.....	73
11-мавзу. Экологияни ўқитишда ўқитиш воситаларидан фойдаланиш.....	73
<b>БЕШИНЧИ БОБ</b>	
Экологияни ўқитишда синфдан ташқари машғулотлар.....	88
12-мавзу. Экологик таълимда синфдан ташқари машғулотлар ва уларнинг таснифи.....	88
13-мавзу. Синфдан ташқари машғулотлар.....	95
14-мавзу. Экологияни ўқитишда тўгараклар ташкил этиши.....	102
15-мавзу. Экологик мониторингни ташкил этиши.....	107
<b>ОЛТИНЧИ БОБ</b>	
Экологиядан факультатив машғулотлар.....	111

16-мавзу. Экологик таълим беришда факультатив машгулотлар.....	111
<b>ИККИНЧИ ҚИСМ</b>	
Организмлар экологияси.....	117
Популяциялар экологияси.....	123
Хамжамоалар экологияси.....	129
Биосфера.....	134
Глобал экология .....	140
Ижтимоий экология.....	149
Инсон экологияси.....	157
Шахар экологияси.....	168
Саноат экологияси.....	178
Қишлоқ хўжалиги экологияси.....	183
Радиоэкология.....	192
Атроф-мухит мониторинги.....	203
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>211</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>214</b>

*Ҳайдарова Ҳалима Норматовна,  
Баҳодирова Зухра Олимовна,  
Якубжонова Шоҳсанам Тошканбоевна*

## **Экология ўқитиши методикаси**

### **Ўқув кўлланма**

Муҳаррир

Э. Бозоров

Компьютерда  
саҳифаловчи

Х. Бозорова

Босишига руҳсат этилди 23.04.2009. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
Ҳисоб-нашр табоги 13,7. Адади 300  
Буюртма № 14

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.  
100084, Тошкент шаҳар, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7уй.

“HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO‘JIZASI” босмахонасида чоп  
этилди. Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39.